



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**“Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун кадрларни  
тайёрлашда хотин-қизларнинг роли” мавзусидаги  
республика илмий-амалий анжуманининг**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент – 2019 йил 23 – 25 май**

**МУНДАРИЖА**  
**1-ШЎЪБА**

**Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлашда аёлларнинг роли.**

**Таълим-тарбия соҳасида хотин-қизларнинг ўз қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга чиқаришнинг шарт-шароитлари.**

**Хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятларни юксалтиришнинг замонавий муаммолари.**

№	Муаллиф(лар)	Мақола номи	сатр
1.	Н.Тайлақов, п.ф. д., профессор, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори, Ш.Тайлақова, п.ф. бўйича фалсафа доктори(PhD), Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ доц.	Қизлар тарбиясида оталар учун зарур педагогик маслаҳатлар	8-10
2.	Холова Сарвиноз Ориповна, магистрант, ТИҚХММИ	Хотин-қизларни интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ўзига хос аспекти	11-13
3.	Доц. Каримова Х.Х. – асс.Зияева Ш.К., ТИҚХММИ	Участие женщин в управлении водными ресурсами в центральной азии	13-16
4.	PhD. N.A. Kholiqova, Sh. Sh. Mamatkulova TIQXMMI, talaba	Qishloq xo'jaligi sohasiga munosib hissa qo'shgan ayol	16-17
5.	С Абдуқодирова, ТИҚХММИ-ассистент	Фаол аёлларнинг фаолияти	18
6.	KodirovaRanoTukhtaevna- senior teacher,UmarovaFeruzaNigmatovna- senior teacher,ТИАМЕ	Using authentic materials in teaching english as a foreign language	19-23
7.	N. A. Holiqova, G.Ibragimova, talaba U. AknazarovaTIQXMMI, QXM fakul'teti	Talaba qizlarga aqliy tarbiya Shakllantirishning mazmuni.	23-25
8.	Д.Р Мадазизова., ТИҚХММИ “ПП ва ЎМ” кафедраси катта ўқитувчиси, Н. З Искандарова., ТИҚХММИ талабаси	Талаба-қизларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш зарурияти	26-27
9.	Р.Мирқурбанова -ТИҚХММИ “Тиллар” кафедраси ўқитувчиси	Таълим – тарбия соҳасида хотин -қизларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш-нинг шарт – шароитлари.	27-31
10.	Н.М.Сафарбаева, ТИҚХММИ, катта ўқитувчи	Маънавий-маърифий тарбия таълимнинг ажралмас бўлаги	31-33
11.	Доц. Т.Абдиллаев, магистрант Г.Бойқулова , ТИҚХММИ	Умрини қишлоқ хўжалигини механизациялашга бағишлаган аёл	33-34
12.	Г.А Абдикайимова.ТГТУ имени Ислама Каримова	Женщины Узбекистана – в современном обществе	34-36
13.	З.Х Хафизова. –ТИҚХММИ , катта ўқитувчи	Ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда хотин-қизларнинг роли	36-38
14.	Д.Б. Кулсахатов, ЕРБ факультети, Геодезия картография кадастр йуналиши,4- босқич талабаси	Хотин -қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш муҳим муаммо сифатида.	38-40
15.	Н.Р. Аманликова - ТошТЙМИ, ўқитувчи	Қизлар тарбиясида оммавий маданиятга қарши маърифий кураш	40-42

16.	Б.О.Рахманкулова- ТИҚХММИ, доцент, и.ф.н., Д.П.Сапарова -талаба	Ахборот хуружигга қарши курашда оналарнинг роли	42-44
17.	С.Ш. Носирова-ТИҚХММИ “Гидромелиорация” факультети талабаси	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожда хотин-қизларнинг роли	44-46
18.	У.Р.Сангирова- и.ф.н., доцент., С.Дўстназарова ассистент. ТИҚХММИ	Қишлоқ ва сув хўжалигида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда олима аёлларнинг роли	47-48
19.	Ф.Р. Юнусова т.ф.н., доцент ТИҚХММИ	Фаол ҳаёт тарзи – янги ўзгаришлар маҳсулидир	49-50
20.	Абдурахмонов Абдували Абдукодир ўғли, ГМ.4-босқич талабаси, Аширова Ольга Александровна(PhD), илмий раҳбар	қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун хотин-қизлардан муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш муҳим вазифа	51-53
21.	Ахмедова Д.Б. Алибаева М., ТИИМСХ	Факторы, влияющие на повышение уровня занятости женщин	55-56
22.	Ахмедова Д.Б., Комилжонова Г., ТИИМСХ	Роль женщины в сохранении стабильности института семьи.	57-58

## 2-ШЎЪБА

**Давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодий тармоқларида хотин-қизларнинг ўрни ва уларни қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари.**

№	Муаллиф(лар)	Мақола номи	изоҳ
1.	N.R. Avazov. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi	Tadbirkor ayollar faolligini oshirish mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishning muhim omillaridan biri	59-62
2.	Н.Б. Тўхтаева–катта ўқитувчи, ТИҚХММИ	Аёлларнинг оилада, маҳаллада ва жамиятда тутган ўрни	57-58
3.	Н.Р. Аманликова, ТошТЙМИ, ўқитувчи	Ёшларда миллий кадриятлар асосида фуқаролик тарбиясини шакллантириш	59-62
4.	Д.Б.Ахмедова- старший преподаватель Д.Кенжаева., студентка 1-го Факультета «УЗР», ТИИМСХ	Основные направления государственной гендерной политики республики Узбекистан	63-66
5.	Х.Э. Ботирова ТИҚХММИ “Гуманитар фанлар” кафедраси	Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш – фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили.	66-67
6.	Р.Т. Газиева ТИҚХММИ , ТЖИАБ каф. проф. , Азизова Н.Ш.- ассистент, Абдуллаева Д.- ассистент	Олий таълим битирувчилари сифатини таъминлаш масалалари	68-70
7.	З.Исмаилова – ТИҚХММИ, “ПШваЎМ” кафедра профессори, п.ф.д.Д. И. Мукумова-ТИҚХММИ, “ПШваЎМ” кафедра катта ўқитувчиси	Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини такомиллаштириш омили	71-75
8	Н.Р.Нишонова ф.ф.н., доцент, ТДТУ	“Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги	75-79

9	Р. Р. Йигиталиева ТИҚХММИ талабаси Ш. Абдурахмонова “Умумтехник” фанлар кафедраси	Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар меҳнатини кафолатлаш чора-тадбирлар	79-82
10	Н.Р. Нишонова ф.ф.н., доцент, ТДТУ; О.Р. Хамрақулов, ТошДАУ Инновацион ғоялар кафедрасининг 1-босқич талабаси	Феминизм ва гендер тенгликнинг салоҳиятларини юксалтиришнинг муаммолари	82-85
11	Н.Р. Нишонова ф.ф.н., доцент, ТДТУ; З.М. Мелибоев НамДУ Миллий ғоя, маънавият асослари Ҳуқуқ таълими йўналишининг 1-босқич талабаси	Олий давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг роли	85-87
12	С. И. Нурматова – ТошТЙМИ талаба, Г. Х. Нишанова – ТошТЙМИ, ассистент	Юртимизда аёлларга бўлган эътибор	88-91
13	Х. Раҳимова Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчиси	Жамият ва давлат ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини ва ташаббускорлигини ошириш	91-94
14	М. Ў Турдибоева – Гуманитар фанлари каф. асс., Л Абдурахимова. ГИМ, 1-босқич талабаси	Бугунги кунда хотин-қизлар кўмиталари олдида турган муҳим муаммолар ва уларнинг ечими	94-96
15	Ш. И. Ходжимухамедова – ТИҚХММИ доцент, К. У. Бобонарова 206-гуруҳ талабаси	Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси.	96-99
16	Ш. А. Раупова старший преподаватель кафедры “ПП и МО” Ш. Р. Алиқулова студентка 3 босқича факультета “УЗР”	Повышение роли женщин в различных сферах жизни Узбекистана	99-102
17	L. Sh. Sharipbayeva Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti Iqtisodiyot fakulteti 1-bosqich MI-75 guruh talabasi	Xotin-qizlarning davlat va jamiyat boshqaruvi hamda iqtisodiyot tarmoqlaridagi o'rni	102-104
18	K. Z. Shukurullayeva QXM fakulteti talabasi	Davlat va jamiyat boshqaruvi hamda iqtisodiyot tarmoqlarida xotin – qizlarni o'rni.	104-106
19	O. A. Yunusova, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti “Iqtisodiyot” fakulteti 1 – bosqich talabasi	Jamiyatdaxotin–qizlarning ijtimoiy–siyosiy faolligini oshirish.	107-108
20	F. I. Djumabayeva Toshkent avtomobilyo'llarini loyihalash, qurish va ekspluatatsiyasi instituti o'qituvchisi. A. E. Urishev TIQXMMI-o'qituvchi.	O'zbekistonlik olim ayollarni respublikadunoyomiyosidagi tirofi	108-110
21	F. I. Djumabayeva., Toshkent avtomobil yo'llarini loyihalash, qurish va ekspluatatsiyasi instituti o'qituvchisi. Urishev A. E. TIQXMMI- o'qituvchi	Yoshlarning ilm-ma'rifatda yaratuvchanlik salohiyati tarbiyasida xix-xx asrning ayol siymolari	111-112
22	Д. Б. Ахмедова; Г. Р. Каримова ТИҚХММИ, ГИМ факультети, Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчилари	Особенности формирования гендерной социализации в узбекских семьях	113-115

### 3-ШЎЪБА

#### Қизларни соғлом турмуш тарзи ва оила қуришга тайёрлашнинг долзарб масалалари.

№	Муаллиф(лар)	Мақола номи	изоҳ
1.	Т. Бозорова, ТИҚХММИ 4-босқич талабаси. А. Ҳайитова, ТИҚХММИ тарбиячи-педагоги	Қизларни оила қуришга тайёрлаш муаммолари	115-117

2.	М.Койилова, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Бухоро филиали ўқитувчиси.	Балоғат ёшидаги қизларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари	117-119
3.	З.С. Мирходжаева, катта ўқитувчи, ТИҚХММИ	Соғлом турмуш тарзи – барқарор келажак пойдевори	120-121
4.	К.Қ.Нуриддинова, ТИҚХММИ магистрант	Қизларни оилага тайёрлашда жамоатчилик роли	121-124
5.	С.О.Сафарова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, М. Комилова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 1- босқич талабаси	Қизларни оила қуришга тайёрлашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти	125-127
6.	Ш.Раупова ТИҚХММИ “ППВаЎМ” кафедраси катта ўқитувчи, Д.Мустафоева ТИҚХММИ “ППВаЎМ” кафедраси докторанти	Қизларни оилага тайёрлашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти	128-130
7.	Д.Р.Мадазизова-Ст.преподаватель ТИИИМСХ, К. Жуманазарова, студентка ТИИМСХ	Здоровый образ жизни - залог долголетия.	130-132
8.	Д.Р.Мадазизова-Ст.преподаватель “ППиМО” ТИИИМСХ, Д.Т. Яхшиликова, студентка ТИИИМСХ	Питание беременной женщины	132-134
9.	С.О. Сафарова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, С.Улуғмуродова Сергели тумани 104 -умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Соғлом турмуш тарзини шакллантириш-бахтли ҳаёт кечириш пойдеворидир	134-137
10.	Д.Мустафоева- ТИҚХММИ, “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси докторанти, Н.Холиқова-ТИҚХММИ “Трактор ва автомобиллар” кафедраси ассистенти.	Оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асоси	137-138
11.	D. B. Kholjigitovamagistr, Uzbek State University of World Languages, Tashkent, Uzbekistan	Aspects of the development of tactical skills in the taekwondo section	138-141
12.	Ҳ. Х. Эшова, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “ЕРБ” факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари	Бугунги кунда ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш Борасида олиб борилаётган ислохотлар	141-142
13.	З.А. Явкачева, катта ўқитувчи, З.З. Араббаев -талабаси Тошкент темир йўл муҳандислари институти	Қизларни оила қуришга тайёрлашда қадимий таълимотларнинг ўрни.	143-145
14.	З.С. Мирходжаева катта ўқитувчи, ТИҚХММИ	Репродуктив саломатлик ва уни мустаҳкамлаш йўналишлари	145-148
15.	М.Қ. Раҳманова ТИҚХММИ ўқитувчиси	Оилавий муносабатларда шахслараро мулоқотни тўғри шакллантиришда аёлнинг ўрни	149-151
16.	М.Қ. Раҳманова ТИҚХММИ ўқитувчиси	Оилада соғлом муҳитни ривожлантиришнинг ўзига хослиги	151-153

17.	Н.Ш.Ходжаева (ТТЙМИ) , катта ўқитувчи	Оилада фарзанднинг маънавиятини шакллантириш	153-154
18.	Рахмонбердиева Нодира Билоловна-“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Ассистент Элмуратова Шохиста Аблакуловна	Ўзбекистонда гендер сиёсати.(протокол керак)	154-156
20.	Шермухамедова О. – мақола Шермухамедова Г-70- мактаб, ўқитувчи	“Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузининг ўрганишнинг асосий йўналишлари”.	156-158
21.	Қодирова Р.Т. кат. Ўқит. ТИҚХММИ	“Одоб -инсон зийнати”	158-160

#### 4-ШЎБА

#### Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда тадқиқотчи хотин-қизларнинг тутган ўрни.

№	Муаллиф(лар)	Мақола номи	бет
1.	S.Khurramova - student of UzSWLU, M.Norkhojaeva	Advantages of teaching english with interaktive methods	160-162
2.	F.Muradimova ТИҚХММИ, Ingliztilikafedrasio' qituvchisi	Teodor Drayzerning “Amerikafojiasi” romanida ayollarobrozinig tasviri	162-165
3.	M.Xudoyberganova ТИҚХММИ, Ingliz tili kafedrasida o' qituvchisi	Ingliz va o'zbek tillaridagi maqollardagi ayollarning roli	166-168
4.	Г. Худайбердиева, ТИҚХММИ, доценти,	Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлашнинг қонунчилиги ва институционал асослари .	168-173
5.	Z.Eshmuradova ТИҚХММИ GIM fakulteti SXMIM 2-bosqich talabasi	O'zbekiston respublikasida standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirishning bugungi kundagi muhim ahamiyati	173-174
6.	А.Д.Курбанова, к.ф.н., катта ўқитувчи ТИҚХММИ	Олий техник таълим тизимида кимё ва экологик таълим ва тарбия.	175-177
7.	Бадалова Соҳиба Ибрагимовна, ТИҚХММИ	Кимё машғулотида қўлланиладиган кимёвий таҳлил усуллари	178-180
8.	Ч.Маданбекова, Ш Раджабаева. ТЖИЧАБ, йўналиши 3-босқич талабаси	Электр энергиясини тежашнинг асосий тадбирлари.	180-181
9.	S.N. Parpiyeva, J.B. Turjanova ,QSXET fakulteti 2- bosqich talabalari	Elektr tarmoqlar korxonasida elektr energiyani hisobga olishni nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimi.	181-184
10.	Х.А. Пулатова - Старший преподаватель.	Внедрение мультимедийного учебного курса по «инженерной и компьютерной графике»	184-186
11.	А.Т.Санбетова ассистент, Н.Рахимова 2-босқич талабаси	Педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда техника фанларини ўқитишда	186-188

		фойдаланиш.	
12.	Л.С. Сувонова ТИҚХММИ	Физика фанини ўқитишда инновацион технологиялар элементларидан фойдаланиш	189-191
13.	М.Ш.Узганбоева С.Нурматова 207 гурухталабалари	Ичимликсувларига ишлов беришу суллари	191-194
14.	Г. Б. Ўразалиева доц.б, с.ф.н, Чориева З. ТИҚХММИ магис.	Гендер: назария масалалари	195-198
15.	Х.С. Салаватова, УРДУ талабаси	Кузги буғдой алмашлаб экишда тупрокнинг инвертаза ферменти фаоллиги	198-201
16.	Dot. U. T.Quziyev, TIQXMMI, QXM fakulteti talabasi K. Z.Shukurullayeva	Bog' qator oralariga ishlov berishning samarali usuli.	201-202
18.	Проф. М. Шоумарова, доц. Т. Абдиллаев. ТИҚХММИ, ҚХМ факультети, ҚХМ кафедраси.	Ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси ҳақида айрим фикрлар.	203-205
19.	Г.С. Закирова. ТИҚХММИ, СХТЭ ва Б факультети, Иқтисодиёт кафедраси	Лагранж модели ёрдамида баланснинг тўртта интеграллашган кўрсаткичлари асосида фирма молиявий – хўжалик фаолиятининг таҳлил усули	205-209
20.	Nuridinova D. Buxoroviloyati 35-maktabo'qituvchisi	Innovative forms of learning in english classes as a means of improving learning outcomes	209-211
21.	Sirozhova Shohida Niyozovna, is a teacher of English language at elementary school- 35	Innovative technologies in teaching a foreign language	211-213
22.	Холикулова М. А.- ТИҚХММИ, талаб	Республикамизда инновацияларни тadbик этишда аёлларни ўрни	213-216
23.	Умарова Ф. Н.-старший преподаватель, ТИИМСХ	Место и роль женщины в современном обществе	216-219
24.	S.T.Kalandarova (TIAME) ingliz tili kafedrasida o'qituvchisi	Олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини тadbик этишининг ахамияти	219-222
25.	E.N.Holmurodova (TIAME) ingliz tili kafedrasida o'qituvchisi	Сув хўжалиги мутахассис кадрларининг касбий ахлоқидаги ўзига хосликлар	222-226
26.	M.T.Saipova, katta o'qituvchi, TIQXMMI	Chet tillarini o'qitishda axborot texnologiyalarining samaradorligi	226-228
27.	Кодирова Р. Т.- кат. ўқит., ТИҚХММИ	Инсоннинг хулқида доир феълларнинг когнитив таҳлил	228-231
28.	Umarova F. N. senior teacher, TIAME	Information technology in the formation of a personality of a student	232-233
29.	Mamirov A. N. TDTU. kat. o'qit.	oilalarning mustahkamligi yo'lida milliy, diniy va huquqiy qadriyatlar uyg'unligining ta'minlanishi	234-236

## ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИДА ОТАЛАР УЧУН ЗАРУР ПЕДАГОГИК МАСЛАҲАТЛАР

Тайлақов Н., проф., - ЎзПФТИ, Тайлакова Ш., доц., - ТАТУ

### Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган қизлар тарбиясида оталар учун зарур педагогик маслаҳатлар ва ота қизларининг ахлоқий тарбиясида таянадиган ҳаётий тамойиллар кенг ёритиб берилган.

Ота-оналар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказиш, унинг камолоти йўлида жон куйдириш, касб-корли, уйли жойли қилишгача бош-қош бўлиши миллий оиламизнинг ўзига хослигининг белгиси нишонасидир. Лекин, фарзанд тарбиясида, айниқса қизлар тарбиясида аجدодлардан мерос бўлиб келган катта тажрибага эга бўлган халқимизда кейинги йилларда айрим муаммолар кузатилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Унинг сабабларини таҳлил қилиш ва ўзбек оилаларида қизлар тарбиясининг муҳим жиҳатларини ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади [1,2,3].

Қиз бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини турли ҳил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Оилада ота-она қиз болани нимага ўргатса уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлаши зарур, акс холда тарбиявий таъсири заифлашиб, фарзандига, ҳаттоки қизига гапи ўтмайдиган бўлиб қолади. Бинобарин, қиз бола ота-онасининг гаплари билан ҳаракатлари ўртасида мутаносибликни кўриши ва чуқур ҳис қилиши керак.

Оилада қизлар тарбиясида учрайдиган хатоликлар турли тумандир. Улар орасида кенг тарқалганлари отанинг хаддан ташқари обрўталаблиги, хукмронликка интилиши, фарзандларини ўзлари хоҳлагандай қилиб тарбиялашга уринишларидир. Фарзанднинг, хоҳ у ўғил бола бўлсин, хоҳ қиз бола бўлсин, унинг ҳар бир қадами назорат остига олинса, унинг хулқидаги мустақиллик, фаоллик, ўз кучига ва имкониятларига ишонч кабилар ўз-ўзидан йўқолади.

Биз кўйида қизлар тарбиясида оталар учун зарур педагогик маслаҳатлар хусусида тўхталиб ўтамиз [3].

Ота қизларининг ахлоқий тарбиясида таянадиган ҳаётий тамойиллар куйидагилар:

1. Ахлоқий мавзудаги суҳбатлар мазмуни жиҳатидан қизларига тушунарли бўлиши лозим.

2. Қизларини дўстлари билан ўзаро муносабатларини, теварак-атрофдагиларга, ўқишга ва бошқаларга муносабатини яхши билиш зарур.

3. Суҳбатни ниҳоятда тез-тез ўтказиб турмаслик керак, чунки психологик нуқтаи назардан у қизларини толиқтириб куйиши мумкин. Агар суҳбатлар аниқ сабаблар билан оила, мамлакат ёки таълим муассасаси ҳаётидаги бирор воқеага мослаб ўтказилса самарали натижа беради.

4. Суҳбатни ёрқин, яхшилаб танлаб олинган аниқ мисоллар, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.

5. Эмоционал тарзда келтирилган ёрқин ва таъсирчан образга оқилона таяниш (нафис санъат ва адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асарларига оилавий бўлиб бориш ёхуд уларни оилада муҳокама қилиш) зарур.

6. Қизларини онгига сингдириладиган ахлоқ қоидаларини асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамма нарсани тушуниб олишга ва бунинг оқибатида далил қарор қабул қилишга, унинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга сабаб бўлади.

7. Қизларидаонгли фаоллик, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотишва ўзларини ахлоқ масалалари устида ўйлаб кўришга ундаш зарур. Бунинг учун суҳбат



жараёнида муҳокама қилиш керак бўлган масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

8. Оналарнинг шахсий намунаси қизлар шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Кичик ёшдаги қизлар кўпинча онасига тақлид қилиб, унга ўхшашга ҳаракат қилади, лекин биринчидан, буни кўпинча тушуниб етмасдан қилади, иккинчидан онасининг ташқи кўринишига ва қилиқларига тақлид қилади, чунки у шахснинг намоён бўлишини таҳлил қилишини ва шахсни барқарор хислатларини англаб етишга қодир эмас.

Ота қанчалик обрўли бўлса, унинг эътиқоди, билимлари, фикрлари, диди қизларига шунчалик кўп таъсир қилади.

Қизлар оналарнинг бирор хислатларига тақлид қилаётиб, кўпинча бу хислатларни шунчалик илиб олиш билан бирга, уларнинг салбий хислатлари ва ҳатти-ҳаракатларини ҳам ўзига сингдириб олади. Агар она муайян мақсадни қўзлайдиган, матонатли, ўз бурчини қатъият билан бажарадиган бўлса, худди шу нарсаларни ўз қизларидан ҳам талаб қилиш унга осон бўлади. Аксинча, онанинг тажанглиги, кўполлиги, ўзини қўлга ола олмаслиги, манманлиги қизларига салбий таъсир кўрсатади. Буни оталар уқиши лозим.

Оналар баъзан тарбиявий ишларда ўзларининг шахсан намуна кўрсатишларининг таъсирига етарлича баҳо бермайдилар. Ҳолбуки, уларнинг қилаётган ишлари, ўзларининг қандай тутишлари уларнинг айтган гапларига, ўргатган нарсаларига қараганда кучли аҳамиятга эга бўлади.

Оталарга қизлар тарбиясида фойдаланишлари учун қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

1. Отанинг шахсий намунаси оналар каби қизлар шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эгаллигини унутмаслик лозим.
2. Қизларингизда ижобий хулқ-атвори юзага келтириш билан ахлоқий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш зарур.
3. Қизларингизда ахлоқий билимнинг турли-туман формалари уларнинг онги ва ҳис-туйғуларига жонли, ёрқин, оташин сўз орқали таъсир этишини унутмаслик лозим.
4. Дунёда содир бўлаётган янгиликлар, мамлакатимизда, жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлардан тўлиқ хабардор бўлинг ва қизларингизга буларни тўғри талқин қилинг.
5. Қизларингизнинг келажакда муайян касб соҳиби бўлишига ишонч билдиринг, унинг оқилона танловини қўллаб-қувватланг.
6. Қизларингизнинг ўқув муассасидаги ўқиши билан қизиқинг, қайси фанларни ўрганишга иштиёқмандлигидан хабардор бўлинг.
7. Бадиий адабиётлардан намуналар ўқиб беринг, янги нашр этилган адабиётлардан хабардор бўлинг.
8. Қизларингизнинг маънавий-маърифий соҳасини бойитадиган адабиётларни уларнинг ўқиши учун тавсия этиб боринг.
9. Қизларингиз билан биргаликда маънавий-маърифий соҳасини бойитадиган фильмларни тамоша қилинг, сўнг муҳокама давомида қизингизнинг фикрини эшитиб, уни тўғри йўналтиринг.
10. Қизингиздан дугоналари ҳақида сўранг, улар билан муносабатини кузатинг, уларнинг хулқ-атворини кузатинг.
11. Қизингиз таълим муассасида қандай ишларни бажаришини ўрганинг, уйда ҳам унинг фойдали юмуш бажаришини онаси билан бирга назоратга олинг.
12. Миллий ва умумбашарий кадриятлар билан қизларингизни таништириб боринг. Уларга катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишни ўргатинг.
13. Қизларингизга меҳрибон, ифбатли бўлишини ўқитинг ва уй-рўзғор ишларига маъсулият билан ёндошишини ўргатинг.

14. Қизларингизнинг ўқиш ва меҳнатдаги имконияти ва қобилиятини ўрганинг, унга ҳам ўз имкониятлари ва қобилиятига тўғри баҳо беришга ўргатинг, иродасини чиниқтиринг.

15. Қизларингиз, оила аъзоларингизда бир-бирига кўмак бериш ҳиссини шакллантиринг, ахлоқий фазилатлар: ўз сўзида тура олиш, ифбатлилик, масъулият, олижаноблик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳиссини ривожлантиринг.

16. Қизларингизда агар мавжуд бўлса, уни кузатган бўлсангиз салбий ҳислатларни биргаликда бартараф этишга ҳаракат қилинг, унга ишонч билдиринг, келгусидаги истиқболий режалар тўғрисида суҳбатлашиб туринг.

17. Қизларингизнинг хулқидаги қайсидир жиҳатлар сизни ташвишлантирса, бу тўғрисида педагог, психолог маслаҳатига мурожаат қилишни унутманг.

18. Қизларингиз учун албатта бўш вақт ажратинг, суҳбатлашинг, уй юмушларини бажаришда ундан кўмак сўранг (қизуи рўзгор ишларига керак эканлигини ҳис қилсин).

19. Қизларингиз ва оилангиз билан табиат кўйнига, расм, мода, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа кўргазмаларга сайрларни ташкил қилинг. Бу оила аъзоларини жипслаштиради, уларда ҳамкорликка асосланган бир-бирига ҳурмат руҳини шакллантиради.

20. Қизларингизни албатта тикиш-бичиш, турли пишириклар пишириш, спорт, санъат, хореография, драма, тўгаракларига, тилларни ўрганиш марказларига жалб қилинг.

21. Қизларингизнинг хулқ-атворини яхши томонга ўзгартириш учун халқ қаҳрамонлари, буюк мутафаккирлар, донишмандлар ҳаётдан мисоллар келтиринг, биргаликда улар ҳаёти тўғрисида китоблар ўқинг, фильмларни тамоша қилинг.

22. Сийқаси чиққан насихатлар беришдан қочинг. Жаҳлингиз чиққан пайтда ҳам қизларингизга кўпол гапиришдан тийилинг. Унга овозингизни баландлатмасдан залворли фикр ва ғоялар билан таъсир ўтказинг.

23. Қизларингиз билан мулоқотга киришаётган танишлари унга салбий таъсир кўрсатаётганини сезсангиз, албатта педагог ва психолог маслаҳатини олинг.

24. Оилада соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш истиқболли режалари тўғрисида ўз қизларингиз билан баҳамлашинг, ўртоқлашинг.

25. Ота қизларининг айрим салбий эҳтиёжларидан воз кечиб, оила аъзоларининг талаб ва хоҳишларини ҳам инобатга олиш иштиёқини шакллантира олиши керак.

26. Агар оила моддий жиҳатдан яхши таъминланган бўлса, ота ўз қизларини камтарин бўлишга ва бошқалар олдида ифбатлибўлишга ўргатишлари лозим.

### **Хулоса**

Шундай қилиб, оилада ота ўз қизларида сабр, қаноат хусусиятларини шакллантиришлари, ўзга моддий жиҳатдан бой оила қизларига ҳасад билан қараш яхши эмаслигини ҳамда борига шукр қилиб яшаб, кўп ўқиб, меҳнат қилиш лозимлигини тушунтиришлари ва ижобий сифатларни шакллантиришлари лозим.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Тайлаков Н.И. Фарзанд тарбиялашда оталар учун зарур педагогик кўрсатмалар. “Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси ва мажбурияти: муаммо ва ечим” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: ЎзПФТИ нашриёти, 2018. – 13-16 бетлар.
2. Тайлаков Н., Тайлакова Ш. Оиладаги носоғлом муҳитни ўсмирлар тарбиясига таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Ўша жойда. Тошкент: ЎзПФТИ нашриёти, 2018. – 23-26 бетлар.
3. Шарафутдинова Х.Г. Оилада фарзанд тарбиясининг ижтимоий-психологик муаммолари Ўша жойда. Тошкент: ЎзПФТИ нашриёти, 2018. – 27-29 бетлар.

## **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС АСПЕКТЛАРИ**

Холова С. магистрант – ТИҚХММИ

### **Аннотация**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт - шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли фармонида асосан ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бераётгани ва уларни бажариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилаётгани бежизга эмас [1].

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;

иккинчидан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

учинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш каби вазифаларнинг юклатилиши жамиятда аёлларнинг ролини юқори эканлигини кўрсатади.

Куни кеча давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига урғу берилди.

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу боис Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус муҳим аҳамият касб этади. Шулардан, **бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутгани жамиятда хотин қизларни ролини ўз-ўзидан очиб беради.

Бугун дунё ҳамжамияти билан ҳамнафас яшар эканмиз, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш умуммиллий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланганини кўриб борамиз. Шу боисдан хотин-қизларнинг барча соҳаларда фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. “Соғлом авлод учун” жамғармаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, “Қизил ярим ой” жамияти, “Оила” илмий-амалий марказларининг ташкил этилиши барчаси аёлларимизга жамиятимиз томонидан берилган имкониятлардан биридир.

Жамият интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маънавий-ахлоқий даражасини оширишга ҳисса қўшиш ҳар бир оиланинг бурчидир. Оилада хотин-қизларнинг роли катта. Эндигина улғайиб келаётган ёш авлодаввало оилада тарбия топади. Хотин - қизларимизнинг қандай интеллектуал салоҳиятга эга эканлиги, бугунги ва эртанги кунимизни белгилаб беради. Жамият ривожланиши учун олиб борилаётган ислохотлар негизида ҳам айнан ана шундай мафкура яширинган. Тўғри ҳали ечилмай қолмай масалалар талайгина бироқ, ҳар бир шахс ўз устида тинимсиз ишлашни давом этаркан экан муаммолар ўз ечимини топиб боради.

Ҳукуматимиз ташаббуси билан олиб борилаётган ишлар таъсирчанлиги ошириш яна янги бир нарсани кашф этишга ўрин қолдирмайди. Қайси бир соҳага назар солмайлик хотин-қизларимизнинг фаол иштирокини сезамиз. Қуйи бўғинларимизда муаммога сабаб бўлаётган, тушунмовчиликлар замирида маънавий қашшақлик ётади. Юртимизда яратилаётган имкониятлар эшиги бугун ҳамма учун бирдек очиқ биздан фақат ўқиш, изланиш ва ҳаракат бўлса бас.

Дунёвий ва диний билимларни эгаллаш, хотин – қизларимизни интеллектуал салоҳиятини оширишда хотин қизлар кўмиталарини жамиятдаги мавқеи ва аёлларимиз ҳаётидаги ўрнини, ишончини яна бир поғонага кўтариш орқали эришиш мумкин. Турли хил аёллар манфаатлари учун уюшмалар, ассотсаяилар, жамғармаларнинг кўпаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Балки, моддий таъминот эвазигадир бироқ бу ташкилотларнинг фаоллигини кўпчилигимиз сезмаётганимиз ва уларнинг имкониятларидан фойланилмаётгани ачинарли ҳолатдир.

Бугун хотин - қизларимиз ўртасида миграция масаласининг ортиб бораётгани, фарзандлар тарбиясига сабаб бўлаётгани муаммонинг бошқа бир томондан кўринишидир. Президентимиз томонидан “Ташқи миграция тўғрисида”ги қонуний ҳужжатларининг расмийлаштирилгани фуқаролари- мизнинг хавфсизлигини таъминлайди. Айнан аёлларимизнинг масаласини ўрганадиган ва мониторинг ўтказадиган хотин - қизлар бўлимларини чет эл элчихоналаримизда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб

ўйлайман. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги қонунда депутатликка номзодлик кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квоталарнинг белгиланганлиги вакиллик органларига уларнинг самарали фаолият юритиши учун хизмат қилаётгани таҳсинга лойиқ.

Аёллар фақат уй ишларини яхши бажара олади, деган мутлоқ нотўғри. Дунёда жуда фойдали, айрим ҳолларда эса бугунги кунда тенги топилмётган нарсалар айнан аёл ихтирочилар томонидан яратилаётганини тан олишимиз керак. Мисол қилиб айтганда, бугун Wi-Fi деб танилиб кетган сирли алоқа воситасини 1941 йилда Хеди Ламар исмли аёл патентлаган, 1845 йилда Сара Метер томонидан сувости кемасидан бошқа объектларни кузатиш ва шу объектгача бўлган масофани аниқлаш мосламасини биринчи бўлиб патентлаган, Джозефина Кокрейн 1886 йилда идиш товоқ ювиш машинасини ўйлаб топиши билан миллионлаб уй бекаларининг меҳнати анча енгиллашган, йўлларда шовқинни пасайтиришда 1971 йилда Эл Долорес Джонс ўз ихтироси билан ёрдам берган [2]. Иқтидорли, интеллектуал салоҳиятга эга хотин-қизларимизни тегишли соҳаларда хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлири, илмий марказ ва саноат корхоналарига стажировкаларга боришлари ҳамда халқаро анжуманлар, семинарлар, ярмаркалар кўргазмаларда қатнашишлари юртимизнинг инновацион фаолиятини янада юксалтиришда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшади [3]. Аёлларнинг уй - рўзғор, бола - чақа билан боғлиқ бўлган юмишларидан, фарзандлар тарбиясидан, ўз оиласидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини кўпайтиришда ўз улушини кўшиши, уйда туриб ҳам меҳнат билан банд бўилишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса хотин-қизларимиз тадбиркорлигини кўллаб – қувватлаш, имтиёзли кредитларининг жорий этилиши берилгани имкониятлар дебочасидир. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ибн Сино фикри билан айтганда- “Бола тарбияни, у ҳали она қорнида ҳомила эканидаёқ бошлаш керак”, шундай экан биз хотин-қизларимизни интеллектуал салоҳиятини оширишда ҳам айнан фарзанд жисмонан соғлом туғилиши учун оиладаги муҳитни яхшилаш, шифохоналаримизда тегишли бўлимларга китоб жовонларини ташкил этишимиз, психолог кўрсатмалари билан жамланган қатор адабиётларни тавсия этиш, интернет тармоқларида иловаларни жорий этилиши мақсақда мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли фармони
2. [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)
3. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

### **УЧАСТИЕ ЖЕНЩИН В УПРАВЛЕНИИ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

Каримова Х., доц, Зияева Ш., ассис – ТИИИМСХ

#### **Аннотация**

Проблемы гендерного развития в водном хозяйстве и орошаемом земледелии Центральной Азии впервые были подняты в совместной работе НИЦ МКВК и Канадского агентства международного развития в 1996-1998 гг., когда впервые в рамках проекта «Адаптация к изменению климата» было проведено подробное обследование в пределах опытных хозяйств, где делались оценки влияния изменения климата на результативность орошаемого земледелия.

Гендерное движение в водном хозяйстве организационно было осуществлено НИЦ МКВК в проекте Азиатского банка развития в 2003-2004 гг., когда был проведен ряд

семинаров, посвященных участию женщин в агрономии. В составе международных конференций сформировался костяк активных женщин, отдающих себе отчет в необходимости особого внимания к роли и участию женщин в водном хозяйстве во всех пяти странах Центральной Азии.

Специалисты обучили гендерным основам более 100 представителей со всех стран Центральной Азии. По материалам проведенных гендерных обследований в регионе ВЕКЦА в 2005 г. была издана публикация «Гендерные аспекты интегрированного управления водными ресурсами». В ней были обобщены результаты полевых обследований, проведенных во всех 8 странах региона – Азербайджане, Армении, Грузии, Казахстане, Киргизстане, Таджикистане, Туркменистане, Узбекистане – по единой форме и единой методике. Эта работа, которая до сих пор пользуется популярностью, во-первых, положила начало зарождению определенного учета гендерных особенностей, а во-вторых, привлекла большое внимание к необходимости работать с женским контингентом.

Исследования проведены практически во всех районах Узбекистана, в том числе в 15 районах Ферганской области, 14 районах Андижанской области, 11 районах Наманганской области, 7 районах Ошской области, 12 районах Джалалабадской области и 7 районах Согдийской области. Ниже приводятся некоторые результаты проведенных исследований.

Мужчины и женщины проявляют себя не одинаково в общественной или личной сферах, хотя во всех принятых государствами документах за ними юридически признаны равные права. Главным в сопоставлении ролей женщины и мужчины являются социальные причины. Как известно, перекося в гендерном плане в большей степени наблюдаются именно на селе. Примером этого служит, полученный опросом, статус женщин с точки зрения мужчин и самих женщин (рис. 1). Как видно, больше самостоятельности имеется у женщин в Таджикистане, сравнительно меньше в узбекских областях и в Киргизстане.




Рис. 1. Статус женщины в семье

Экономические трудности ограничивают возможности достижения финансовой стабильности семьи, и соответственно доступ женщин к контролю над средствами к существованию. Характерно, что каждая семья занята домашним трудом в среднем во всех обследованных районах 65-80 часов в неделю, то есть 10-12 часов в день. Из них большая часть особо в Наманганской области, Таджикистане и Киргизстане падает на плечи женщин.

Большие проблемы существуют в занятости женщин в сельском хозяйстве и в их правовом обеспечении. Женщины особенно уязвимы, поскольку заняты низкооплачиваемой и временной работой. 80 % мужчин и женщин, проживающих в обследованных регионах, считают, что только мужчина распределяет земельные участки под огороды, имеет доступ к сельхозтехнике, к рынку и сбыту, приоритет в получении кредитов, владеет правом на землепользование и водопользование, принимает решение о структуре посевных площадей хозяйства.

Одна из больших проблем, лежащих на плечах женщин, является обеспеченность питьевой и коммунальной водой. Данные обследования (рис. 2), совпадающие со статотчетностью, показывают, что в Узбекистане, где положение в сельской местности несколько лучше, водопроводом и колонками пользуются 52-73 % сельских жителей, только 41,9 % в Таджикистане, и совсем плохо в Кыргызстане. Жители некоторых сел обеспечивают себя питьевой водой путем подвоза на личном или гужевом транспорте, велосипедах, а женщинами и детьми – на приспособленных тележках.




Рис. 2. Жители, пользующиеся водой из колонки в доме или во дворе, %

Определенная часть населения вынуждена использовать воду из нескольких источников, в т.ч. открытых источников или дренажных, колодезных систем. Женщины, видя и понимая проблемы водопользования, зачастую плохое качество питьевой воды, не имеют достаточных знаний и возможностей улучшить такое положение. Здесь большое поле деятельности для восполнения недостатка информации, организации на махалинском уровне кампании по повышению качества воды, повышения юридической и правовой грамотности женщин.

Для решения вышеуказанных проблем проект для повышения участия женщин в управлении водой и в управлении фермерскими хозяйствами начал активную работу передовыми работницами и вовлечение их в активную деятельность новых организаций. Женщины брали на себя управление хозяйством, фермерами становятся активные женщины, выигрывая это право на торгах.

Некоторая часть более активных женщин была отобрана для участия в работе межреспубликанского тренинга по использованию современных технологий в управлении водой и выращиванию хлопчатника, зерновых и бобовых культур. Более 50-ти из них получили сертификаты в Тренинговом центре МКВК.

В 2009 году количество женщин-фермеров значительно возросло в Кувинском и Ферганском районах.

Таблица 1

## Количество тренингов, 2010 год

Кол-во участников	в том числе:		% женщин
	Мужчин	Женщин	
<b>Узбекистан</b>			
2351	2167	184	7.8
<b>Кыргызстан</b>			
346	324	22	6.4
<b>Таджикистан</b>			
513	445	68	12.9
3210	2936	272	8.5

Межгосударственные встречи по гендерным вопросам, организованные в виде тренинга, также имели большое значение.

В целом вовлечённость женщин в управление водой через АВП и личное руководство фермерскими хозяйствами намного выше. При этом образование женщин фермеров достаточно высокое - тридцать процентов имеют высшее образование. Было обращено внимание на высокий образовательный потенциал сельских женщин и соответственно возможность успешно проводить профессиональные тренинги в области сельского и водного хозяйства. Проведенное обследование, встречи, дискуссии в АВП показывают, что фермеры-женщины достаточно активны. Они являются примером для других женщин, мобилизуют их, помогают стать самостоятельными фермерами. Женщины фермеры руководят фермерскими хозяйствами вполне успешно.

### Выводы

Гендерное движение в Центральной Азии и в Ферганской долине, в частности, дало только первые ростки. Увеличилось число женщин-фермеров; появились признанные женщины-лидеры в Узбекистане (Мастура Сайфутдинова - председатель СВК Южно-Ферганского канала, председатель АВП «Кува Урта Буз Онори», выдвигается в депутаты Олий Мажлиса Узбекистана) и в Кыргызстане (директор Управления Правобережного канала в Ошской области Джаниса Акжолова) и многие другие.

При небольшой поддержке Азиатского банка развития были организованы ячейки GWANET по всей Центральной Азии. Проведено более десятка семинаров, был организован выпуск брошюр и листовок, которые нынче в рамках проекта CAREWIB переведены на таджикский, узбекский, кыргызский языки. Но гендерному движению в водном и сельском хозяйстве нужна постоянная поддержка.

### Использованная литература

1. Стулина Г.В., Научно-информационный центр МКВК
2. [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net) – сайт в Интернете.
3. [www.sic.icwc-aral.uz](http://www.sic.icwc-aral.uz) - сайт в Интернете.

## QISHLOQ XO'JALIGI SOHASIGA MUNOSIB HISSAQO'SHGAN AYOL.

Kholiqova N.A., PhD., Mamatkulova Sh., – ТИҚХММИ

### Annotatsiya

Respublikamizda qishloq xo'jaligi mamlakat xalq xo'jaligining muhim tarmog'i bo'lib, u aholini oziq-ovqat bilan ta'minlaydi va moddiy farovonlikni oshirishda juda katta ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham hozirgi kunda, qishloq xo'jaligi sohasida malakali – bilimli kadrlar tayyorlash davlat siyosatining muhim masalalaridan biri hisoblanmoqda. Shuni ham ta'kidlab



o'tish joizki, ko'plab sohalar kabi qishloq xo'jaligida ham ayollarning o'ziga xos tutgan o'rni bor. Quyidagi maqolamda shu kabi qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish sohasida talabalarga ta'lim berib, jamiyat uchun malakali kadrlarni yetishtirib berayotgan va o'zining ko'plab ilmiy ishlari bilan xissa qo'shayotgan olim ayol haqida yoritishni maqsad qilib qo'yganman.

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mehanizatsiyalash muhandislari instituti davlatimizdagi ko'zga ko'ringan oliygohlardan biri bo'lib, hozirgi kungacha juda ko'plab bilimli, tajribali va xalq farovonligi yo'lida xizmat qilib kelayotgan rahbar kadrlarni yetishtirib kelmoqda. Ushbu oliygohning eng oldi ustozlaridan biri bu professor Shoumarova Muhayyo Shoumarovna bo'lib, ko'p yillik pedagogik salohiyatga ega olimalaridandir.

Shoumarova Muhayyo bilan suhbatda bo'lgan chog'imda shu aniq bo'ldiki, bu sohaga ilk qiziqishlariga ularning otalari sababchi bo'lgan. Haydovchilik bilan shug'ullangan otalari kezi kelganda ta'mirtalab mashinani tuzatayotganlarida, 12 yoshlik Shoumarova qo'ldan kelgancha yordamlashib turganlar. 16 yoshida esa ilk bor mashina boshqaruviga o'tirgan Shoumarovada mashina texnikalariga qiziqish paydo bo'ladi. Shu sabab bo'lsa kerak, 1956-yilda o'rta maktabni a'lo baholarga tamomlab, TIQXMMI oliygohining Qishloq xo'jaligini mehanizatsiyalash fakultetiga qabul qilinadi. 1961-yilda muvaffaqiyatli tamomlab, injener – mehanik klassifikatsiyasini oladi. So'ng Oliy ta'lim Vazirligi buyrug'i bilan shu oliygohning o'zida fan o'qituvchisi lavozimida ishga qabul qilinadi. Biroz vaqt samarali faoliyat ko'rsatgandan so'ng, O'zbekiston Fanlar Akademiyasi ilmiy-tadqiqot tekshirish institutiga taklif qilinib, keyingi faoliyatini mazkur institutda injener, aspirant, kichik va katta ilmiy xodim lavozimlarida davom ettiradi. O'zFA dagi qator muvaffaqiyatlaridan so'ng TIQXMMI rektori taklifi bilan Qishloq xo'jaligi mashinalari kafedrasiga katta o'qituvchi lavozimiga qaytadi. O'zining betinim faoliyati davomida 1978-yilda dotsent, 2001-yilda xizmat ko'rsatgan dotsent va 2009-yilda esa professor unvonlariga sazovor bo'ladi. Olima oliygohning Qishloq xo'jaligini mehanizatsiyalash fakultetida faoliyat yuritib, ilmiy-metodik ishlarni rivojlantirish bilan bir qatorda, fakultetdagi ma'naviy-ma'rifiy ishlarda ham faol ishtirok etib kelmoqda. Uning qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishni mexanizatsiyalashtirish sohasida juda ko'plab ilmiy maqolalari va darsliklari chop etilgan bo'lib, ayniqsa uning "Qishloq xo'jaligi mashinalari" dan ruscha-o'zbekcha lug'aviy kitobi ahamiyatga molikdir. O'zbek tiliga davlat maqomi berilgandan so'ng Shoumarova boshchiligida qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish sohasiga oid ilk lug'at yaratildi. Ushbu kitob ana shu lug'atdagi atamalardan foydalanilgan holda, respublikada qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish bo'yicha birinchi kitob bo'lgan. Mazkur darslik respublikamizda qishloq xo'jaligi institutlari va texnika institutlarida bakalavriat va magistrlar uchun asosiy darslik sifatida, ilmiy xodim va doktorantlar uchun esa ilmiy manba sifatida foydalanib kelinmoqda. Darslik respublika tanlovida faxriy 1-o'rinni egallagan. Bundan tashqari uning Oliy ta'lim uchun "Qishloq xo'jaligi mashinalari" bo'yicha praktikum, kasb-hunar kollejlari uchun 6ta fan bo'yicha o'zbek va qoraqalpoq tillarida darslik va o'quv qo'llanmalar, shuningdek "Topinambur yetishtirishda kompleks mehanizatsiyalash vositalari tizimini yaratish imkoniyatlari" va "Topinambur poyalarini o'rib yig'ishtiradigan apparat to'g'risida" kabi ilmiy maqolalar to'plamlari kabi ko'plab ilmiy ishlari chop etilgan.

Olima ayolning kasbiy faoliyati bilan bir qatorda uning shaxsiy hayotiga ham nazar soladigan bo'lsak, namunaviy oilaning sohibasi ekanligiga shohid bo'lamiz. To'rt o'g'il va to'rt kelinning zabardast onasi, o'n uch nabira va uch abiralarning mehribon buvijonisi barcha farzandlarini ziyoli qilib, jamiyat ravnaqi yo'lida hissa qo'shayotgan shaxs sifatida tarbiyalab bergan. Agar shaxsiy fazilatlariga to'xtaladigan bo'lsak: yangilikka intiluvchan, to'g'riso'z, halol, haqiqatparvar va o'ziga va o'zgalarga nisbatan juda talabchan deb ta'rif berishimiz mumkin. Asosiy maqsadi esa malakali, bilimi yetuk kadrlarni yetishtirish. Bu tinib tinchimaydigan olim chet mamlakatlarini qishloq xo'jaligi sohasi, ta'lim tizimi va ilm sohasini o'rganish maqsadida dunyoning ko'plab mamlakatlariga sayohat qilgan.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tishni joizki, barcha sohalar kabi qishloq xo'jaligida ham ayollarning o'rni beqiyos bo'lib, ular oilada mehribon ona bo'lsalar, jamiyatda malakali mutaxassis va tinim bilmasliklari bilan alohida o'rin egallaydilar.

Toshkent Irrigatsiya va Qishloq xo'jaligini Mehanizatsiyalash Muhandislari Institutidan yetishib chiqqan Shoumarova Muhayyo Shoumarovna ham ana shunday betinim va qishloq xo'jaligiga o'ziga xos hissa qo'shgan ayollardan biri desam mubolag'a bo'lmaydi. Ularning nafaqat ilmiy faoliyatidagi yutuqlariga, balki shaxsiy hayot va fazilatlariga ham havas qilsa arzigulik. Mazkur maqolamni yozish davomida shuni maqsad qilib oldimki, men tahsil olayotgan oliygohdan yetishib chiqqan, qishloq xo'jaligi, shuningdek davlat rivoji uchun hissa qo'shayotgan shaxslar qatorida, men ham bor kuch- g'ayratimni davlatimizda qishloq xo'jaligini mehanizatsiyalashtirish sohasini rivojlantirish uchun sarflayman.

### Foydalaniladigan adabiyotlar

1. M. Shoumarova va T. Abdillayev "Qishloq xo'jaligi mashinalari". 2009-yil
2. [www.wikipedia.uz](http://www.wikipedia.uz)
3. [www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)
4. [www.ZiyoNET.uz](http://www.ZiyoNET.uz)

### ФАОЛ АЁЛЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ.

С Абдукодирова., ТИҚХММИ-ассистент

#### Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда республикада фаолият юритаётган фермер аёлларнинг самарали ишлари ёритиб берилган.

Инсонлар, шу жумладан, аёллар ҳам ер юзининг турли минтақаларида яшайди. Замон ва макон талабларига кўра уларнинг тиллари, дирлари, ирқлари ҳар хил. Лекин бир-бирига ўхшаган ёки мутлақо ўхшамаган аёлларнинг ҳам табиатида, кўнгилларида қандайдир даражада яқинлик бор. Барча аёллар бағрида камолга етаётган фарзандлари мухтожлик кўрмаслиги учун бор кучи билан ҳаракат қилишади. Оиласини асраш, шаъни, орномусини ҳимоя қилиш зарурати туғилганда, юрагида йўлбарслик қудрати уйғонса, турмуш ўртоғининг меҳир –мухаббати қаршисида хушрўй хушбўй гулга айланади. Шу боис –орзу-истаклари, армонлари, интилишларидаги муштараклик сабаб жaxonнинг турли минтақаларида истиқомат қилувчи хотин – қизлар бир-бирларига интиладилар. Ҳаётларидаги қувонч ва ташвишларни баҳам кўргиси, бир-биридан ўрганиб, бир –бирига ўргатгиси келади.

Бугунги давр ўзининг тараккиёти, мувоффақияти ва муаммолари билан кечаги даврдан бутунлай фарқ қилади. Шиддат билан глобаллашаётган дунё инсонлар, шу жумладан, аёллар олдида ҳам мураккаб саволларни кўндаланг қўймоқдаки, бу муаммоларни ечишда биз –аёллар сарҳадлар оша бир-биримизга қўл узатишимиз, тажрибамиз, синовдан ўтаётган ўзимиз, оиламиз, фарзандларимизга наф келтираётган амалиётларни баҳам кўришимиз зарурати вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018-йилнинг 2-февралидан эълон қилинган "Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши республика аёллари ҳаётида туб ўзгариш қилганини нотик алоҳида қайд этаркан, ўз фикрини қатор далиллар билан ойдинлаштирди.

-Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган жамоат фонди 1 минг 691 нафар эҳтиёжманд аёлларга ажиратилган уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб берди. Йил охиригача қийин шароитда яшаётган, ногиронлиги бор ёки боқувчисини йўқотиб, фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган оналар учун 3000 та бошпана берилиши режалаштирилган...

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси шу таризда ўз нутқида келтирилган ҳар бир маълумот замирида юртимиз аёлларига Президентимиз, ҳукуратимиз томонидан берилган эътибор ва ғамхўрлик хусусида алоҳида такидлади. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий соҳасида фаол шунингдек, оилапарвар аёллари учун янгидан таъсир этилган “Мўътабар она” кўкрак нишони билан боғлиқ янгиликни ҳам, мамлакатимиз сиёсий жараёнларда тобора фаол иштирок этаётган партияларнинг “Аёллар қаноти”нинг дадил қадамлари тўғрисидаги маълумотларни, аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, “Хар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида имтиёзли кредитдан фойдаланиб кенг қулоч ёзаётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ўзига хосликлари катта қизиқиш билан тинглашди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида аёлларимиз жуда ҳам фаол иштирок этмоқда. Айниқса фермер хўжалиқларини самарали бошқаришда 4500 та аёллар бошқармоқда. Ушбу фермер аёлларнинг кўпчилиги кўп тармоқли фермер хўжалиқларига раҳарлик қилмоқда. Ундан ташқари ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ўзларининг меҳнатини аямасдан хизмат қилмоқдалар.

## USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH AS A FOREIGN LANGUAGE

Kodirova R. senior teacher Umarova F. senior teacher – TIAME

### Abstract

This work will define authentic material as well as discuss its advantages and disadvantages in student learning and motivation, therefore, the question arises.

Language is a means of forming and storing ideas as reflections of reality and exchanging them in the process of human intercourse. Language is social by nature; it is inseparably connected with the people who are its creators and users; it grows and develops together with the development of society.

Therefore, President I.A. Karimov stated: "Currently it is difficult to assess the value of a profound knowledge of foreign languages of our people for our country which is striving to take a worthy place in the world community; for our nation sees its great future in harmony and cooperation with foreign partners".

Thus studying the topical issues of linguistics and language teaching is one of the predominant tasks of the foreign language teacher.

What are the advantages and disadvantages of using authentic material on student learning skill and motivation? The main roles of authentic materials in the classroom and reflections of those materials to students will be our focus points. The role of the teacher in choosing the right materials is our concern as well.

The question of using authentic materials and designing language teaching materials have been the subject of study for many years.

There are a lot of authentic materials:

1. Authentic Listening-Viewing Materials -- TV commercials, quiz shows, cartoons, news clips, comedy shows, movies, soap operas, professionally audiotaped short stories and novels, radio ads, songs, documentaries, and sales pitches.

2. Authentic Visual Materials -- slides, photographs, paintings, children's artwork, stick-figure drawings, wordless street signs, silhouettes, pictures from magazines, ink blots, postcard pictures, wordless picture books, stamps, and X-rays.

3. Authentic Printed Materials -- newspaper articles, movie advertisements, astrology columns, sports reports, obituary columns, advice columns, lyrics to songs, restaurant menus, street signs, cereal boxes, candy wrappers, tourist

information brochures, university catalogs, telephone books, maps, TV guides, comic books, greeting cards, grocery coupons, pins with messages, and bus schedules.

4. Realia (Real world objects) Used in EFL-ESL Classrooms -- coins and currency, folded paper, wall clocks, phones, Halloween masks, dolls, and puppets, to name a few. (Realia are often used to illustrate points very visually or for role-play situations.)

#### **Why to Use Authentic Tasks and Materials?**

The extra time involved for teachers in planning for the use of authentic materials to supplement lessons is well worth it. In fact, using authentic materials has several advantages. Authentic materials as a way to contextualize language learning. When lessons are centered on comprehending a menu or a TV weather report, students tend to focus more on content and meaning rather than the language itself. This offers students a valuable source of language input, so that they are not being exposed only to the language presented by the text and the teacher.

Materials need to be flexible for students in order to develop new skills and strategies as well. Those strategies need to be applicable in other contexts. Students will attempt to integrate their knowledge from the language they have learnt. Teachers need to take extra care about students' background and learning abilities in class activities therefore they adapt materials to the context in which learning takes place. There must be an open interaction between students and teachers to understand the cultural values of both teachers and students.

Authentic materials are used as teaching tools effective in classrooms because authentic materials seem more complementary to the lesson content and more understandable for students. Authentic texts serve as texts in their own right. The authentic menus are analyzed first as texts then they are used as output models for writing exercises. Videos can model spoken language as well as developing listening skills without making demand on reading skills. Students can hear crucial information, pauses and even understand emotions by watching videos [1].

Students need exposure to samples of everyday authentic culture presented on television. Therefore, Television commercials are excellent sources because they are short, focusing on music, family relationships and colloquial English. These materials are ideal sources for students to discuss current issues while broadening their vocabulary limits. Other documents such as maps, mail and brochures can be used as authentic materials in the classroom. These materials let students understand the language of materials written for tourists.

It is more than advisable to employ authentic texts in ELT especially due to their authenticity. Text structure and choice of vocabulary are in accordance with the needs of real discourse. Authentic texts contain not only contemporary language that is current and responsive to changes, but also life and institutions, which means they possess an intrinsic educational value. In addition, they deal with a wide range of language styles that are not presented in ordinary textbooks. They are unquestionably a rich and varied source of language input. These texts do not allow any simplifications such as morphological and syntactic adjustments. Structure of sentences is more complex; common is the use of clauses, idioms, colloquialism, and metaphors. Furthermore, she states that elaborative the changes of an authentic text are better for comprehension than simplification.

It is believed that the content of authentic texts corresponds with the needs and interests of students more than conventional teaching texts. They motivate learners because they demonstrate how knowledge of a foreign language can be applied in real life situations; thereby they produce a sense of achievement. Motivation for language learning is mostly defined either as integrative or instrumental. The former term refers to a student's need to integrate with the community of the target

language, the latter stands for the need to achieve a certain practical goal. Surprisingly, it is the instrumental motivation that plays the most significant role in language learning. Authentic texts are being perceived as a bridge between learners and the target language culture; however students learning a language far from the country of its origin are motivated mostly instrumentally. In short, motivation, in respect of the attitude towards authentic texts, depends not only on learners' preferences but also on the language learning situation.

Thirdly, authentic texts represent the target language culture. Every piece of linguistic material of a society such as headlines, advertisements, food labels, leaflets etc. is a product of that society's culture. "Even the humblest material artifact, which is the product and symbol of a particular civilization, it is an emissary of the culture out of which it comes". Such texts raise the awareness of the target language culture, which is crucial especially for students learning foreign languages outside the countries of their origin. They teach about the cultural-specifics that are necessary for a command of the language. In contrast, course books are often criticized for inhibiting language teaching because they do not develop language schemata. Schemata are considered to be groups of concepts that form our background-knowledge about events, scenarios, and objects and influence learners' expectations when reading. Of course, even authentic texts do not have to convey culture in an explicit way and students need to learn how to read between the lines to find out about the specific aspects of culture. This particular skill is called cultural awareness and it leads to the empathy that is so important for understanding foreign society and perception of new reality.

In addition, authentic materials are topical in both subject matter and language. Moreover, they bring a currency that can never be reached by course books. The integration of such texts helps to cover more controversial and up-to-date issues. And last but not least, the text difficulty might also be seen as an advantage because challenge is considered to be an impulse in learning. This notion is supported by the fact that it is not the difficulty level of texts, but the difficulty level of tasks and activities that matters. Even proficiency level materials can be used in elementary classes providing appropriate tasks are introduced.

One of the cons of authentic texts is the difficulty of comprehensibility outside the language community caused by the different socio-cultural knowledge and experience of learners. Also vocabulary choices can be irrelevant for their immediate needs. Furthermore, even words already familiar to students can often occur in an unknown context or phrase. For lower level learners' comprehension might be impossible due to a great variety and mixture of structures used. For example, word order might not follow grammatical rules and grammatical relationships are not clearly marked. Work with authentic texts demand thoroughgoing, therefore time-consuming, preparation by the teacher. Moreover, some types of authentic texts (e.g. newspaper article) become outdated very quickly [2].

In other words, what is understood is not automatically acquired. In short, what is at one time considered to be an advantage can easily turn into a disadvantage? Carelessly chosen materials can become extremely demotivating because learners do not understand which implies how little they know, instead of what they have already learned.

### **Authentic Materials and Task-Based Learning**

Another aspect of teaching material design considered essential to many leading language researchers today is that such material promote task-based learning. Task-based learning is an overall approach to language learning that views the tasks that

learners do as central to the learning process. The learning process is seen as a set of communicative tasks that are directly linked to curricular goals.

There are five characteristics of a task-based approach to language learning:

1. An emphasis on learning to communicate through interaction in the target language.
2. The introduction of authentic texts (teaching materials) into the learning situation.
3. The provision of opportunities for learners to focus not only on language, but also on the learning process itself.
4. An enhancement of the learner's own personal experiences as important contributing elements to classroom learning.
5. An attempt to link classroom language learning with language activation outside the classroom.

It means the task as a piece of meaning-focused work which involves learners in comprehending, manipulating, producing and interacting in the target language.

There are a number of different interpretations in the literature of what a task actually is. However, many researchers today make an important distinction between target tasks, which students need to accomplish beyond the classroom, and pedagogical tasks, which form the basis of the classroom activity during the instruction.

These are the kinds of things that individuals typically do outside of the classroom. The ultimate rationale for language instruction is to enable learners to accomplish these activities successfully in the real world using the target language.

Of course, target tasks could be practiced to some extent in the classroom. However, learners will also do many other things in the classroom that are not just rehearsals for performance outside of the classroom. Learners will become involved in various activities that facilitate the development of their general language proficiency, as well. For example, drawing a map while listening to a tape, listening to an instruction and performing a command, may be referred to as tasks. Tasks may or may not involve the production of language. A task usually requires the teacher to specify what will be regarded as successful completion of the task. The use of a variety of different kinds of tasks in language teaching is said to make language teaching more communicative.

A definition of a pedagogical task that is seen by a number of researchers as capturing the essence of the concept is given by Breen: any structured language learning endeavor which has a particular objective, appropriate content, a specified working procedure, and a range of outcomes for those who undertake the task. Another view of pedagogical tasks is given by Nunan who refers to themes classroom work that involves learners in comprehending, manipulating, producing or interacting in the target language while their attention is focused on mobilizing their grammatical knowledge in order to express meaning. Successful completion of pedagogical tasks would enable learners to acquire the skills needed to master real-world target tasks. For instance, a target task might be:

The learner will listen to a weather forecast and decide whether or not to take an umbrella and sweater to school.

Its related pedagogical task might be:

The learner will listen to an aural text about the weather and answer questions afterwards on whether given statements are true or false.

As soon as learners master the pedagogical task, including all of its related activities or exercises, they would have developed the necessary skills to accomplish the target task. Ultimately these newly developed skills could be used outside of the classroom.

A task-based curriculum then, with its supporting instructional materials, specifies what the learner needs to do with the English language in terms of target tasks and organizes a set of pedagogical tasks intended to reach those goals. According to Brown, in task-based instruction, the priority is not the bits and pieces of language, but rather the functional purposes for which the language must be used. Such a curriculum should focus on pragmatic language competence. Task-based language teaching requires the teacher to organize classroom activities around those practical tasks that language users will engage in when they are out there in the real world [3].

### **Classroom Activities Using Authentic Task-Based Materials**

The following are some examples of classroom activities in which students use authentic materials and have specific tasks to accomplish in order to meet real-world language objectives:

#### **Activities Using Cultural Objects**

Activities involving the direct use and handling of products of a culture (such as postcards, photographs, symbols, and images in song lyrics) can be very effective in the classroom. The teacher hands out various pieces of realia, collected from travels abroad to English speaking countries, such as bus or air tickets, receipts, coupons, money and photographs. The items are mixed up and in random order. Students are put into groups of two or three. They identify each item, and then make up a story about their set of items. The groups present their stories to the rest of the class, each person in the group taking a turn to tell part of the story. As an item occurs in the story, it is shown to the class and placed on the table. When all groups have finished, the students write their own individual version of their story.

For these types of activities which teach culture, a task oriented approach is suggested. Students work together in pairs or small groups to fine-tune precise information. They share and discuss what they have discovered, and interpret the information within the context of the target culture and in comparison to their own culture.

#### **Listening Activities**

One way to focus students' attention on developing real world listening skills is through listening activities. Students are told that they are guests at a party and that they can eavesdrop on conversations.

They listen to short segments of real-world party conversations and complete a worksheet in which they note down what topic the people are talking about. They also indicate on the worksheet whether they are interested in the topic or not. Follow-up activities could include other eavesdropping in real-world settings where English is spoken (or simulations of real world settings like watching an English conversation on TV), taking notes on what is heard and reporting back to the class.

#### **Listening-Viewing Activities**

One idea is through silent viewing of video clips to let students consider what is going on and guess what the speakers are doing and saying. Another approach would be for students to watch the beginning only of a video clip, and then they must predict what will happen next. Also, teachers could present a video clip through split viewing: half of the class sits with their back to the screen; half can see the screen; and both groups can hear. Pairs then come together after the split viewing, and create a story about what happened. In all activities like these, a task-based approach is suggested. Teachers need to decide what, if any, language needs to be pre-taught. Students' attention should be focused on particular viewing tasks. The teacher should decide what particular language points are to be taught, what follow-up activities will be used, and student worksheets need to be prepared [4].

### **References**

1. Jolly, D., & Bolitho, R. (1998). A framework for materials writing. In B. Tomlinson (Ed.), *Materials development in language teaching* (pp. 90–115). Cambridge: Cambridge Language

Teaching Library, Cambridge University Press.

2. Maley, A. (1998). Squaring the circle: Reconciling materials as constraints with materials as empowerment. In B. Tomlinson (Ed.), *Materials development in language teaching* (pp. 279–294). Cambridge: Cambridge Language Teaching Library, Cambridge University Press.
- Altan, M. Z. (1995). Culture in EFL contexts: Classroom and course books. *MET*, 4(2), 58–60.
3. Harmer J., 1983. *The Practice of English Language Teaching*. Longman.
4. Rogers C. & Medley F., 1998. Language with a purpose: Using authentic materials in the foreign language classroom. *Foreign Language Annals*. 21. 467-478.

## TALABAQIZLARGA AQLIY TARBIYA SHAKLLANTIRISHNING MAZMUNI

Holiqova N. A. Ibragimova G. Aknazarova U. - ТИҚХММИ

### Annotatsiya

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov asarlarida yoshlarning bilimli, yuksak tafakkur egasi bo'lish borasidagi qarashlar muhim o'rin egallagan bo'lib, ularning intellektual salohiyatini jamiyat taraqqiyotini ta'minlovchi omil ekanligiga alohida urg'u beriladi. Chunonchi, «... ilmu ma'rifat insonni yuksaklikka ko'taradi. XXI asrda, men ishonaman, madaniyat uchun, ilmu ma'rifat uchun jonini beradigan va buni hayotining asosiy maqsadi qilib qo'yadigan yangi avlod paydo bo'ladi. Biz ana shu avlod uchun yashayapmiz. Biz ana shu olijanob maqsadlarni odamlar ongiga singdirish uchun harakat qilayapmiz. Biz kutayotgan avlod mana shu boyligni dunyodagi eng katta boylig deb bilsa, hayotini shunga baxshida etsa, bilingki, odamzod yorug' kunlarga erishishi muqarrar».

Dunyo qarash tabiat, ijtimoiy jamiyat, tafakkur hamda shaxs faoliyati mazmunining rivojlanib borishini belgilab beruvchi dialektik qarashlar va e'tiqodlar tizimidir. Mazkur tizim doirasida ijtimoiy-g'oyaviy, falsafiy, iqtisodiy, tabiiy-ilmiy, ma'naviy-axloqiy, estetik, huquqiy va ekologik bilimlar negizida shakllangan e'tiqodlar asosiy tarkibiy unsurlar sifatida namoyon bo'ladi.

Muayyan dunyoqarashga ega bo'lish shaxsda atrof-muhit, ijtimoiy munosabatlar, mehnat faoliyati va ishlab chiqarish jarayoni, sub'ektlarga nisbatan ma'lum munosabatning qaror topishi, shuningdek, shaxs tomonidan zimmasidagi ijtimoiy burchlarini to'laqonli anglash va ularni bajarishga nisbatan mas'uliyat tuyg'usiga ega bo'lishi uchun zamin yaratadi.

Shaxsda dunyoqarash izchil, tizimli, uzluksiz hamda maqsadga muvofiq tashkil etilayotgan ta'lim-tarbiyaning yo'lga qo'yilishi, uning turli yo'nalish va mazmundagi ijtimoiy munosabatlar jarayonida faol ishtirok etishi, shuningdek, o'z-o'zini tarbiyalab borishi natijasida shakllanadi. Yosh avlod dunyoqarashining shakllanishida ta'lim muassasalarida o'qitilishi yo'lga qo'yilgan tabiiy, ijtimoiy va gumanitar fanlar asoslarining ular tomonidan puxta o'zlashtirilishi muhim o'rin tutadi.

Shaxsning ma'naviy-axloqiy qiyofasi, hayotiy yondoshuvlari, uning uchun ustuvor ahamiyatga ega bo'lgan qadriyatlar hamda axloqiy tamoyillar mohiyati u ega bo'lgan dunyoqarash mazmunini ifodalaydi. O'z navbatida dunyoqarashning boyib borishi shaxsning shaxsiy sifat va fazilatlarining tobora barqarorlashuvini ta'minlaydi. O'z mazmunida ezgu g'oyalarni ifoda etgan dunyoqarash shaxs qiyofasida namoyon bo'layotgan ijobiy fazilatlarining boyib borishiga yordam beradi.

Dunyoqarash o'z mohiyatiga ko'ra, ilmiy (muayyan falsafiy tizimga ega) va oddiy (muayyan falsafiy tizimga ega bo'lmagan) dunyoqarash tarzida farqlanadi. Ilmiy dunyoqarash asosida uzluksiz, izchil ravishda mavjud fanlar asoslarini puxta o'zlashtirib borish, ijtimoiy munosabatlar jarayonida faol ishtirok etish natijasida barqarorlik kasb etgan g'oyalar yotadi. Shaxs dunyoqarashini shakllantirish uzoq muddatli, dinamik xususiyatga ega murakkab jarayon sanaladi.



Aqliy tarbiya va ilmiy dunyoqarashning asosiy belgilari va mohiyati. Shaxs dunyoqarashining shakllanishida aqliy tarbiya muhim o'rin tutadi. **Aqliy tarbiya** shaxsga tabiat va jamiyat taraqqiyoti to'g'risidagi bilimlarni berish, uning aqliy (bilish) qobiliyati, tafakkurini shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik faoliyat bo'lib, uni samarali yo'lga qo'yish asosida dunyoqarash shakllanadi.

Bugungi kunda, O'zbekiston Respublikasida yoshlarga aqliy tarbiyani berishga alohida e'tibor qaratilmoqda. 1997 yilda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» mazmunida ham yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrlarni tarbiyalash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri ekanligiga urg'u beriladi. Yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadr bo'lib yetishish mavjud ilmiy, shuningdek, kasbiy bilimlarni puxta egallash demakdir. Binobarin, chuqur bilimlarga ega bo'lish tabiiy hamda ijtimoiy jarayonlarning mohiyatini anglash, ularning ijobiy va salbiy jihatlarni ko'ra va baholay olishga imkon beradi.

Aqliy tarbiya o'quvchilarni ilm-fan, texnika, texnologiya hamda ishlab chiqarish sohalarida qo'lga kiritilayotgan yutuqlar bilan tanishtirish, ularda ijodiy, erkin, mustaqil fikrlash ko'nikmalarini hosil qilishga zamin yaratadi.

### **Aqliy tarbiya jarayonida quyidagi vazifalar hal etiladi:**

1. Tarbiyalanuvchilarga ilmiy bilimlarni berish.
2. Ularda ilmiy bilimlarni o'zlashtirishga nisbatan ongli munosabatni qaror toptirish.
3. Mavjud bilimlardan amaliyotda foydalanish ko'nikma va malakalarini tarkib toptirish.
4. Bilimlarini doimiy ravishda boyitib borishga intilish tuyg'usini shakllantirish.
5. Bilimlarni o'zlashtirishga yordam beradigan psixologik qobiliyatlar (nutq, diqqat, xotira, tafakkur, ijodiy xayol) va xususiyatlar (aniq maqsadga intilish, qiziquvchanlik, kuzatuvchanlik, mustaqil fikrlash, ijodiy tafakkur yuritish, o'z fikrini asoslash, mavjud ma'lumotlarni umumlashtirish, guruhlashtirish, mantiqiy xulosalar chiqarish va hokazolar)ni rivojlantirish.

Aqliy ta'lim va tarbiya birligi asosida shaxsda tafakkur (ijtimoiy voqea-hodisalarning ongda to'laonli aks etishi, inson aqliy faoliyatining yuksak shakli) rivojlanadi. Manbalarning ko'rsatishicha, aqliy tafakkurning mavjud darajasini belgilash bir qadar murakkab bo'lib, quyidagi belgilarga ko'ra aniqlanishi mumkin:

Ilmiy bilimlar tizimining mavjudligi.

1. Mavjud ilmiy bilimlarni o'zlashtirib olish jarayoni.
2. Fikrlash ko'nikmasiga egalik.
3. Bilimlarni egallashga bo'lgan qiziqish hamda ehtiyojning yuzaga kelganligi.

Aqliy tafakkur uzoq muddat hamda tinimsiz izlanish natijasida yuzaga keladi. Uning shakllanishida ilmiy qarash va e'tiqod o'ziga xos o'rin tutadi.

**Ilmiy qarash** (*yunoncha «idea»- g'oya, tasavvur, tushunchalar yig'indisi*) - muayyan hodisa, jarayonning mohiyatini yorituvchi, ilmiy jihatdan asoslangan fikr, g'oya bo'lib, u shaxs tomonidan mavjud ilmiy bilimlar tizimi puxta o'zlashtirilganda, bilimlarni bir-biri bilan taqqoslash, solishtirish, predmet, hodisa yoki jarayon mohiyatini tahlil qilish natijasida yuzaga keladi. O'quvchilarni ijodiy fikrlashga o'rgatish, ixtirochilik ko'nikmalarini shakllantirish ular tomonidan ilmiy izlanishlarni olib borish va ma'lum ilmiy qarashlarni ilgari surilishiga zamin yaratadi.

Aqliy tarbiyani samarali tashkil etish shaxsda ilmiy tafakkurning yuzaga kelishini ta'minlaydi.

**Ilmiy tafakkur**—inson aqliy faoliyatining yuksak shakli sanalib, ijtimoiy voqea-hodisalar, jarayonlarga nisbatan ilmiy yondashuvni anglatadi.

**E'tiqod** dunyoqarash negizida aks etuvchi ijtimoiy- falsafiy, tabiiy, iqtisodiy, huquqiy, ma'naviy-axloqiy, estetik hamda ekologik bilimlarning takomillashgan ko'rinishi; muayyan g'oyaga cheksiz ishonch bo'lib, uning shakllanishi bir necha bosqichda kechadi. Birinchi

bosqichda ular beqaror va vaziyat taqozosiga ko'ra o'zgaruvchanlik xususiyatini kasb etadi. Ikkinchi bosqichda ma'naviy-axloqiy qarashlarning barqaror tamoyillariga aylanadi. Mavjud talab, jamiyat tomonidan tan olingan axloqiy qoidalardan chetga chiqish qiyin, ziddiyatli vaziyatlarda ongli harakatni tashkil etish, irodaviy sifatlarga tayangan holda ish ko'rish taqozo etiladi. Uchinchi bosqichda, e'tiqod barcha vaziyatlarda ham ustuvor ma'naviy-axloqiy tamoyil bo'lib qoladi. O'quvchi tomonidan o'zlashtirilgan ilmiy bilimlar hayotiy munosabatlar jarayonida keng qo'llanilganda, ularning asl mohiyati chuqur his qilingan va anglangandagina e'tiqodga aylanadi.

### **Xulosa**

Shaxsning ma'naviy-axloqiy qiyofasi, hayotiy yondoshuvlari, uning uchun ustuvor ahamiyatga ega bo'lgan qadriyatlar hamda axloqiy tamoyillar mohiyati u ega bo'lgan dunyoqarash mazmunini ifodalaydi. O'z navbatida dunyoqarashning boyib borishi shaxsning shaxsiy sifat va fazilatlarining tobora barqarorlashuvini ta'minlaydi.

## ТАЛАБА-ҚИЗЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Мадазизова Д. Р. Искандарова Н. З. - ТИҚХММИ

### Annotatsiya

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Республикамизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги фаоллигини ошириш, уларнимоддий-маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашгадоир кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда аёлларга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг “Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш бизнинг давлатчилигимизнингустувор ва асосий йўналишларидан биридир”, деган сўзларинингўзи ҳам юртимизда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳар жиҳатданкафолатланганидан далолат беради. Қабул қилинган ҳужжатларюртимиз аёлларининг ҳаётини яхшилаш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларга маънавий-руҳий мадад бериш, қолаверсауларни турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимояқилиш имконини берди. Хотин-қизлар Қўмитасининг ҳокимияттаркибига киритилиши шунчаки, бошқарувнинг янги шакли эмас, у мазмун моҳиятига кўра катта сиёсий, маънавий ва иқтисодийаҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, республика Конституцияси, ЎзбекистонРеспубликасининг Меҳнат, Оила кодекслари ва бошқа турли қонун-норматив ҳужжатлари, умуман саксондан ортиқ меъёрий ҳужжатлари аёллар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини ҳимояқилишга бевосита алоқадордир. Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга дахлдор бўлган ана шумеъёрий ҳужжатларнинг аксарияти халқаро ҳуқуқий меъёрларгаасосланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси аёллар ҳуқуқинихалқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ таъминлаш мақсадида бу соҳадаги аёлларга нисбатан дискриминациянингбарча шаклларини бекор қилиш ҳақидаги Конвенцияга (CEDAW), аёлларни сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция, оналикнимуҳофаза қилиш ҳақидаги Конвенция ҳамда аёллар ҳуқуқи бўйичабошқа халқаро ҳужжатларга кўшилди.

1995 йилнинг 2 мартда Республика биринчи Президенти томониданреспублика аёлларининг давлат ва жамият қурилишидаги роликучайтиришга бағишланган махсус фармони қабул қилинди ванажиҳада хотин-қизлар Қўмиталарининг раислари маҳаллийҳоқимият органлари таркибига киритилди. Улар жойларда ҳокимўринбосарлари этиб тайинланди. Республика Хотин-қизларҚўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари мақомига эга бўлди. Ҳукуматнинг 2004 йилнинг 25 майида эълонқилган “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3434-сонли Фармони қабул қилингани ҳам юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётида катта бир ҳодисага айланди.

Айниқса, республика ҳукумати томонидан қизларни оилавийҳаётга тайёрлаш, уларнинг репродуктив саломатликларинитаъминлаш, қизларнинг иқтидори ва истеъдодини рағбатлантирибборишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур ишларниамалга оширишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилига риоя қилганҳолда таълимнинг барча босқичларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими аниқ белгилаб олинган. Ушбу босқичлар орасидаолий таълимда қизлар билан ишлаш жараёнига эса алоҳида эътиборқаратилган. Бунда иккита муҳим жиҳат ҳисобга олинган: қизларникелинликка, оналикка тайёрлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигиниошириш. Сўнги йилларда қизлар масаласи билан боғлиқ муаммоларнинг ортиб бориши, уларнинг маънавиятига таҳдид солаётганомилларнинг кучайиб бориши талаба-қизларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг илмий асосланган педагогик тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишнишарт қилиб қўймоқда. Жумладан:

- бугунги кунда олий таълим муассаларида таълим олаётган қизлар ОАВ ва интернет тармоқ тизими орқали жуда кўп турлий ўсиндаги манбалар билан танишаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатмаслиги учунулар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни жадаллаштириш гоят катта аҳамиятга эга. Таълим олаётган қизлар кўп вақтларини ўқиш масканлари ёки дугоналари билан биргаликда интернет клубларда ўтказиши уларнинг одоб-ахлоқ тарбиясига ўзтаъсирини ўтказмасдан қолмайди;

- Ғарбга тақлид кўринишида қизларнинг кийиниш маданиятида ҳам кескин ўзгаришлар юзага келмоқда. Мазкур масалада “Қандай кийиниш инсоннинг ўзига боғлиқ” деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Қизларни чиройли ва иболи кийиниш маданиятига ўргатилмаса, уларнинг очиқ-сочиқ кийинишига кўз юмиб кетаверилса, бу ҳол бундан баттар аҳволга олиб келиши мумкин. Ва ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: “Ҳозир улар шундай аҳволда юришса, келажакда фарзандларини қандай тарбия қилишади?”;

- сўнги йилларда оилаларда ажралишлар сони ортиб бормоқда. Бунга кўпчилик ҳолатларда қизларимизни келинликликнинг тўла-тўқис эгалламаганликлари, келинликка хос бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларни яхши ўзлаштирмаганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки келинлик мақомини олган қизларимиз орасида қайнота ёки қайнона кириб келганда телевизордан кўзузиб, ўрнидан туриб қаршилаш шартлигини билмайдиганлар, ариққа ахлат ташлашнинг гуноҳ эканини англамайдиганлар васергаплик киши қадрини кетказишига аҳамият бермайдиганлар ҳам учрайди;

- қизлар орасида мол-давлатга, шон-шуҳратга, нафсга ўчликкаби салбий иллатлар қулоч ёзмоқда. Меъёрнинг бузилиши эса, мувозанатнинг йўқолишига олиб келади. Мазкур ҳолат қизларда уят, андиша, ибодат, орият каби юксак фазилатларни таркиб топтиришга уни қадриятга айлантириш масаласини кўндаланг қўяди;

- бугунги кунда қизлар тарбиясида алоҳида эътибор қаратишни талаб этадиган яна бир жиҳат муомала одобидир. Яъни, қизларни сўзни танлашга, сўзларни топиб айтишга, тилга эҳтиёткорликка ўргатиш уларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим омилidir.

### **Хулоса**

Шундай экан, инсонга тарбияни нафақат уйда, балки таълим даргоҳида ҳам бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай тарбияга дарс жараёнларида, дарсдан бўш вақтларда мулоқот ва кўргазмалилик орқали эришиш мумкин. Шунинг учун талабалар билан дарсдан бўш вақтларда турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ўтказиш самарали натижа беради, деб ўйлаймиз.

## **ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ СОҲАСИДА ХОТИН - ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ШАРТ - ШАРОИТЛАРИ**

Р. Мирқурбанова - ТИҚХММИ

### **Аннотация**

Мақолада оиланинг миллий қадриятлари, яъни таълим – тарбия, одоб – ахлоқ, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон – эътиқодли, хушмуомалали, ибодат – ҳаёли, меҳр – муҳаббатли, юриш – туришидаги улуғворлиги, феъл- аъводини, гўзал хулқли, меҳрли суҳбатлари, юксак маънавияти каби маъноларда баркамол авлод тарбияси учун қайғураётган ҳар бир мураббий фарзандларимиз камолга етиб, эл – юрт учун муносиб фарзанд бўлсинлар дея покиза орзулар оғушидаги ҳар бир ота – оналарнинг истақларидир.

Аввало ахлоқ ва одобнинг таърифи, моҳиятига оид фикрлар жамланган. Бунда ўзбек халқ мақоллари, дунё мутафаккирларининг мавзуга оид таълим ва тарбиявий фикрлари,

инсоннинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган барча одоб – ахлоқ қоидалари содда баён этилган. Таълим- тарбияга оид иқтибослар келтирилган, бугунги кунда бизнинг қилаётган ишларимиз фарзандларимизнинг бахту – иқболи, одобли, билимдон ва ақлли, имон ва эътиқодли фарзандлар нафақат ота – оналарнинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиги учун хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган.

**Калиг сўзлар:** одоб – ахлоқ маънавиятнинг ўзаги, инсон- одоб ва ҳаё, чирой кўркидир, одоби ила эл- юрт ичра азиз, кишиларга ғамхўрлик қила билиш, ўз нуқсонларини кўра билиши, хушмуомалалик, турмуш тарзи, нъана, олим, фозил ва донолар, ота- онага бўлган ҳурмат.

Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ – одоб, юксак маънавият асносида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган.

Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон – эътиқодли фарзанд нафақат ота – онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

Соғлом, одобли, ақлли фарзандлари бор инсон чинакам бойдир.

Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги.

Инсон ахлоқи шунчаки салом – алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, ҳалоллик деганидир. Авваламбор, яратилишларнинг шарафи - ИНСОН учун одоб ва ҳаё, чирой кўркидир. Зеро, инсон одоби ила эл – юрт ичра азиз, одобсизлик ила тубанлик қаърига дахлдордир.

Баркамол авлод тарбияси учун қайғураётган ҳар бир мураббий, фарзандларимиз камолга етиб, эл-юрти учун муносиб фарзандлар бўулсинлар, дея покиза орзулар оғушидаги ҳар қандай ота- оналарнинг орзу – ҳаваслари ҳамда эзгу ниятларидир.

Одобли инсон барча инсонларнинг яхшисидир, барча халқлар учун ёқимлидир. У кишилар орасида гўзалроғи ва ҳурматлироғидир. Одобли одам тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ, ҳеч қандай совға бермай ҳаммани шод қилади; ҳеч нима ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини аритади.

Одоб кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовар қилади; ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб улуғлар кўнгида ёшларга меҳр уйғотади ва у одобли фарзандларга муҳаббат кўнгида абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл- атвор одобдир, одоблиларнинг юриш- туришида халқ улуғворлик кўради.

Одоб кишилар қилиши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини беркитади ва одамни ҳазил- мазахдан, камситилишидан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийликни бахш этади ва киши миждозига одамийлик манзилида ором беради.

Одобдан кичикларга шунчалик фойда етадиган бўлса, биз катталарга нечоғлик яхши эканини тасаввур қилиб кўринг.

Одоб ва тавозе меҳр- муҳаббатнинг зеб- зийнатидир, одобсизлик дўстликка путур етказиши. Одоб ва тавозе дўстлик ойнасига жило беради ва икки орага ёруғлик бағишлайди.

Тавозе ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва доимо ҳурмат билдиради. Одоб уруғини эккан хотин - қизларнинг ҳосили жавоҳир бўлади. Одобли ва гўзал хулқли қизлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, хотин - қизларнинг бир- бирига бўлган меҳр- муҳаббати борган сари кўпайиб бораверади. Агар хотин- қизлар одоб ва тавозе каби яхши хулққа эга бўлсалар, ўзлари ҳам халқнинг иззат - ҳурматиغا сазовар бўладилар. Дугоналар орасида меҳрли суҳбат, гўзал ҳамжиҳатлилик бўлса, қандай яхши! Бундай ахил, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиши дугоналар учун бахтиёрликдир.

Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмас;

Яхши одам ёмонлардан ҳам яхшиликни аямас.

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма; яхшилик қилишни билмасанг, яхшилик атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан.

Адаб бўлмаса, олтиннинг жарангидан нима фойда? Кишининг адаби уларнинг бойлигидан яхшироқдир. Киши учун тож ва бошқалар зийнат бўлмайди, балки унга зийнат-ўзида бўлган адаб ва ҳаёдир.

Одобда уларнинг муайян шартларига амал қилмоқ муҳимдир. Ҳар бир аёлу-қизларга муомала қилганида, уларнинг сенга нисбатан ёши, обрў-эътибори, қандайлиги инобатга олиниши керак. Бошқаларнинг обрўи сенга нисбатан пастроқ бўлса ҳам, баланд бўлса ҳам, уларга яхши муомала қилиш зарур. Улар бошқача иш тутишса ҳам, сен ҳисоб билан ишини кўр. Бу ҳил яхши ишларнинг жавобини қиёмат куни кўрасан. Умуман, барча билан яхши муомалада бўлиш ҳам одоб-ахлоқ жиҳатидан энг яхши йўлдир.

Фарзандларни тарбияшда уларга шавқат кўрсатиш, уларни доимо керак пайтларда тақдирлаб бориш ҳам керак. Лекин бу ҳил ишлар: мақташ, мукофотлаш, ҳадидан ошиб кетса, фақат зиён бўлади. Ўғил-қизларга меҳрни ҳам, жазо беришни ҳам меъёридан ошириб юбормаслик уларнинг яхши одобли бўлишлари учун хизмат қилади.

Азиз опа-сингиллар! Одобнинг энг муҳим шартларидан бири ота билан она ҳурмати бажо келтиришдир. Бу икки зотнинг хизматларини бир ҳил бажаргин, бу хизматларни қанча кўп адо қилсанг, шунча оздир. Бошингни ота қошига фидо айлаб, жисмингни она бошига садқа қилгин. Икки жаҳонинга роҳат истасанг, уш бу икки зотнинг рози-ризалигини олгин. Туну-кунингни ёритиши учун бирини ой, бирини қуёш деб билгин. Сўзларидан салгина ҳам четга чиқмай, васиятларидан бир қадам бўлсада, ташқарига қадам қўймангиз. Барча хизматларингиз олдоб доирасида бўлсин.

Қариндошларга садоқат, меҳрибонлик, улар билан доимий алоқада бўлишни, уларга меҳр-шафқатни ўзингиз учун фарз билинг. Барча қариндошлар билан доимо алоқани узмай, улуғроғига хизмат қилиб, кичикроқларига шафқат кўрсатинг. Ўзингиз билан тенгқур деб ҳисобланганларни ҳам ҳурмат қилинг. Қилган яхшиликларингизни ҳеч қачон юзларига солманг, ҳурматсизлик қилиб, ҳеч қачон дилларига озор берманг.

Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва ҳунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса, одоб уларнинг мевасидир. Одобсиз илм мевасиз дарахт кабидир. Ота-оналаримиз Одоб-улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад манзилига етишиши мумкин. Ота-оналаримиз фарзандларига одоб ажойиб тож, одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир - деганлар.

Азизларим: чиройли одоб белгилари ўн хил бўлади.

**Биринчиси:** яхши ишларда одамлар билан зиддиятга бормаслик;

**Иккинчиси:** ҳис-туйғу ва эҳтиросларга берилмаслик;

**Учинчиси:** ўзгаларнинг камчилигини қидирмаслик;

**Тўртинчи:** бировларнинг бахтсизлигига ҳамдард бўлиб, уларни тўғри тушиниши;

**Бешинчи:** муҳтожларга ёрдам кўрсатиш;

**Олитнчиси:** кишиларга ғамхўрлик қилиш;

**Еттинчиси:** ўз нуҳсонларини кўра билиш;

**Саккизинчиси:** яхши хулқли бўлиш;

**Тўққизинчиси:** хушмуомалалик;

**Ўнинчиси:** одоб-ахлоқли бўлиш;

Азиз опа-сингиллар, ўз устингизда ишланг ва илму- одобни ўрганишдан тортинманг. Умрингизни бекордан-бекорга нодонликда зое кетгазманг. Ҳар қандай буюмни ҳам, молу-дунёни ҳам илмдан улуғ ҳисобламанг.

Одоб, бу ёмон сўздан ва ёмон ишдан ўзини тиймоқдир ҳамда ўзининг ва ўзганинг ҳам иззатини сақлаб қолиши, обрўсини тўқмасликдир.

Азизларим! Яхши хулқнинг ўн белгиси бордир.

**Биринчиси:** бўлар бўлмасга одамлар билан жанжаллашмаслик;

**Иккинчиси:** инсофлилик;

**Учинчиси:** бировларнинг айбини қидирмаслик;

**Тўртинчиси:** бирор кишида нолойиқ иш содир бўлса, уни яхши йўлга солиб юбориш;  
**Бешинчиси:** агар айбдор ўз айбини бўйинга олса, уни кечириш;  
**Олтинчиси:** муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш;  
**Еттинчиси:** бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш;  
**Саккизинчи:** ўз нафсини тия билиши;  
**Тўққизинчи:** бошқаларга очиқ чехра билан муомала қилиш;  
**Ўнинчиси:** доимо яхши сўзлаш.

Шарқ ҳикматида “Улуғлик сармоёси насл ва насаб билан эмас, балки ақл ва одоб биландир” деб бежизга айтилмаган.

Бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу-алам келганда сабр қилинг. Инсоф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Ҳамминг иззат ва ҳурматини бажо келтиринг. Пул, молу-дунёингизни тежаб сарф етинг, исрофгарчиликка йўл қўманг. Одамларнинг кўнглини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг.

Олим ва фозилларга эргашинг. Дўст, душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни ушлашдан ҳазар қилинг, гўзал хулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Ёши ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз.

Одобли, тарбияли инсонлар билан опа- сингил, дугона бўлсангиз, мартабангиз, даражангиз ошади, эл- юртнинг ишончини қозонасиз. Адабсиз, тарбиясиз билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қиладилар. Бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Бировга чуқур қазиманг, у чуқурга ўзингиз тушасиз.

Ҳақлик, тўғрилиқка қарши курашманг, ўзингиз йиқиласиз. Ҳеч кимни беобрў этманг, ўзингизнинг обрўингиз тўкилади. Ўз фикрингизгагина таянманг, адашасиз. Такаббурлик қилманг. Олим, фозил донолар билан кенгашиб иш қилинг, пушаймон бўлмайсиз. Нодонлар билан улфат бўлманг, сиз ҳам улардан саналасиз. Ёлғончилик билан шуҳратланманг, ҳамминг назаридан қоласиз.

Истаган нарсангиз бўлмай қолса, сабр қилинг. Бузук, ярамас кишилар билан дўстлашишдан сақланинг, чунки ўзингиз сезмаган ҳолда уларнинг ёмон хулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин. Нон ва бошқа нозу- неъматларни хорламанг, исрофгарчиликка йўл қўйманг.

Бировнинг ички ва ташқи ҳолини “ёмон одам” деб гувоҳлик қилманг. Бир кишининг оёғи тойиб, қайғу- ҳасратга ботганида шодланманг, унинг ҳоли бир куни сизнинг бошингизга ҳам тушиши мумкин. Бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолишса, сиз уялиб қоласиз.

Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Шунинг учун қилган яхшилиқларингизни ҳаммага айтиб, мақтаниб юрманг. Тили кучли бўлган аччиқ сўзли ва маъносиз гапларни сўзлаб юрган инсон билан асло дўстлашманг.

Ақлингиз – энг тўғри насихатгўйдир. Одоб – ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг. Орангизда адоват, гинажўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф этиб, дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Нопок нарсаларга ваўтингиз ва пулингизни сарф этманг.

Одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай бир – бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир- бирингизга меҳр- муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, уларнинг миннатини кўтариб юрманг. Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир- бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм, фан, одоб-ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз, эсдан чиқарманг. Кераксиз, бўлмағур сўзларни гапиришдан тилингизни тийинг.

Ақлни биз инсонларга улуғ ҳадя, улуғ неъмат деб билинг, уни соф ва комил равишда асранг. Иккиюзлама, мунофиқликдан, бахилликдан сақланинг. Ёлғончи, ғийбатчи, тухматчи ва чақимчи бўлманг.

Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғайратли ва матонатли бўлинг. Гўзал хулқли инсоларда мунофиқлик бўлмайди.

Ёмонликдан қайтариб, яхшилик учун севиниши комил инсонда топилади. Гуноҳ иш ҳеч қачон унутилмайди, эзгулик эса ерда қолмайди. Эзгулик ишларни қилишга шошилманг.

Нафсингизнинг ҳамма истагини бажо келтиришдан чекининг. Хайрли ишлар учун сабъ-ғайрат қилинг. Тўғрилиқни пеша қилинг; доимо тўғри сўзланг, тўғри ишланг, хийла-найрангдан ўзингизни сақланг, қалбингиз пок бўлсин, ҳақиқатпарвар бўлинг, ҳақ, рост сўзни дангал айтинг.

Олижаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлган инсонлар бойликка ва одамларнинг мақташларига ёки камситилишига сира илтифот қилмайди, турмушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди.

Ғайратга ва олий ҳимматлилигига камчилик келтирмайди, яъни молу-дунёси кўп бўлса, ғурурланиб, мутақаббир бўлиб кетмайди, халқнинг мақташига севинмайди. Ҳар вақт бир хилда бўлиб, ўзининг даража ва ҳимматини сақлайди.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ислом Абдуганиевич Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. - Тошкент. “Маънавият”, 2008.

2. “Кележак ёшлар қўлида” // Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларидаги баркамол авлодни тарбиялашга оид ҳикматлар мажмуаси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.

## **МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ТАЪЛИМНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ**

### **Н.М.Сафарбаева-ТИҚХММИ**

Маълумки инсоният яралгандан буён, ҳар даврнинг ўзига хос тараққиёт қонунлари ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий вазифаларни яратиш мезонлари, амалга ошириш усуллари мавжуд бўлган. Ҳар бир йўналишни яхшилаш – такомиллаштириш натижасида янги муаммолар орасидаги илмий-ижодий мулоқатлар, ҳамда табиатдаги ўзгаришлар асосида жамият ривожланаверган. Айниқса, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган ўлмас мерослар ҳам, нафақат ўз тараққиётимизга таъсирини кўрсатган балки, умумбашарий кадриятларга ҳам ҳисса кўшган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонундан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширилиши жараёнини кузатар эканмиз, ҳукумат томонидан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўламиз ва ўқув юртларида шунга мос таълим-тарбия ишларини ташкил этишни шакллантириш, ўқиш жараёнининг моҳият мазмунини янги поғонага олиб чиқишда ҳар бир шу тизим ходимларининг, жумладан аёлларнинг фаоллигини ошириш, имкони даражасида ўз жабҳаларида фидойлик кўрсатиш ва ёш авлодни тарбиялаётганликларини чуқур ҳис этишлари зарурдир.

Бу улкан вазифаларни амалга ошириш бир кунлик, бир ойлик, бир йиллик иш эмаслигини сезган ҳолда доимий равишда яхши эзгу – ниятларга эришиш мақсадида, касб-ҳунар коллежларидаёқ ўқитувчи-мураббийлари, муҳандис-педагог ходимлари, ҳар



бири ўқувчиларга билим бериш билан бирга бош мезон бўлган маънавиятини оширишга, шарқона тарбияни унутмаган ҳолда мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашга, улар онгидаянгича дунёқарашни шакллантиришга масъул эканлигинихис этиб илмий-ижодий изланиш орқали фаолият кўрсатишлари муҳимдир.

Юқоридаги фикрларни қуйидаги тузилма (схема)ни таҳлил этиб, таълим жараёни ва маънавий-маърифий ишлар ўзаро узвий боғлиқ амалга оширилишини таъминлаш керак.

**I-бўғин**

**“Таълим тўғрисида”ги  
Қонун, КТМД**

**II-бўғин**

**Узлуксиз  
таълим**

**III-бўғин**

**IV-бўғин**

**V-бўғин**

**VI-бўғин**

**Таълимда миллий модель**

**Эркин фикрловчи шахсни  
тарбиялаш**

**Рақобатдош мутахассис  
тайёрлаш**

**Олий таълим муассасалари  
шахс-тарбиячи (раҳбар)**

**A**

**B**

**C**

**D**

**E**

**F**

**G**

КТМД-  
кадрлартайёрлашмиллийдастур  
и  
А-Ўқитувчи-мураббийлар  
В-Маънавият-марифат  
ходимлари

**Баркамол  
авлод**

D-хўжалик ходимлари  
E-Ота-оналар қўмитаси  
F-Жамоат ташкилотлари  
G-КЕИХ аъзолари, фаол  
талабалар

Кўришиб турибдики, баркамол авлодни тарбиялаш учун, на фақат таълим муассасалари раҳбарлари балки, ҳар бир шахс-тарбияловчи, ибрат омили билан фаолият юритиши керак. Бу эса ҳар биримизни биринчидан, оиладаги ва жамоадаги тарбияга маъсулиятимиз орқали фарзандларимиз ва талабаларимиз орасидаги ишларни уйғунлаштиришга олиб келса, иккинчидан, ўзингиз ҳақида ижтимоий фикрларни маънавий манфаатингиз ва бойлигингиз-обрўйингизни оширишга сабабчи бўлади.

Изоҳлашда **I-V** бўғинлари деярли жуда яхши амалга оширилганлигини баҳс мунозара ёрдамида асослаймиз. Лекин **IV**дан**V**га ўтиш ва кейинги қадамлар анча долзарб ва қийин муаммолардан эканлигини изоҳлаб, ҳозирги кундаги олий таълим, айниқса

академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқитувчилари 80 минутлик дарсга пухта тайёргарлик кўришлари, талаб қиладиган жараёнга тайёрланишлари бирозқийин кечиши асосий муаммолигини айтиш керак. Ҳар бир раҳбар ўз муовинлари билан биринчи навбатда шу муаммони тез ва соз ҳал қилишга эришишларилозим. Бу осон иш эмас лекин, шунга эришиш шарт, акс ҳолда натижа ҳеч қачон ижобий бўлмайди. Бу жараёнда албатта, ўқитувчи-ўқувчи орасидаги муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Бош мезон эса, ҳар бир жамоа раҳбари, ўқитувчи-мураббийларда ўзгаларни эшитиш фазилатини кўникмага айланишига эришиш зарур. Бу унча қийин бўлмаган иш ва бошқаларга умуман боғлиқ эмас. Ҳар бир фидоий ўқитувчи-мураббийдан озгина сабр қаноат талаб этилади. Шу ўринда америкалик машҳур нотик психолог Дейл Карнеги “Яхши суҳбатдош-яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир” деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди. Шу икки нарса ҳар бир олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ўқитувчи-мураббийлари учун кундалик амалий шиорга айланишини ҳар бир раҳбар ташкил этиши ва бошида доимий назоратда ушлаши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов, “Юксак маънавият-енгилмас куч”, иккинчи нашр, Тошкент, “Маънавият”, 2011й
2. Баркамол авлод орзуси, “Шарқ” НМК, Тошкент, 1999й

## **УМРИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГА БАҒИШЛАГАН АЁЛ.**

Абдиллаев Т. Доц., Бойқулова Г.- магистрант, ТИҚХММИ

### **Аннотация**

Мақолада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси профессори М.Шоумаровнинг ҳаёт йўли ва унинг бажарган илмий ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Умрини қишлоқ хўжалигини механизациялашга бағишлаган аёл. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси профессори М.Шоумарова ҳақида ана шундай дейиш мумкин. Профессор М.Шоумарова чуқур касбий билимларга эга бўлган олима ва ўз билимларини талабаларга ўргата олиш методикасига эга бўлган устоз сифатида элга танилган. Ёш Муҳайё Шоумаровна ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Механика институтида бошлаб, Республикамиз ифтихори бўлган вертикал шпинделли пахта териш аппаратини такомиллаштириш устида 1972 йилда диссертация ёқлаганлар. Ёш олима вертикал шпиндел динамикасини чуқур ўрганиб, унинг таянч подшипникларини тадқиқ қилиб, аппаратнинг технологик жараёни турғунлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқарган. Бундай мураккаб муаммони ечиш учун Фанлар Академияси инженерлар учун ташкил қилган махсус математик курсларида ўқиган. Айниқса, машҳур академик М.Ўразбоев сабоқларидан кўп билим орттирган. Кейинчалик, акад. Х.Усмонхўжаев гуруҳи билан фаолият кўрсатган. М.Шоумарова илмий ишларига бевосита раҳбарлик қилган акад. А.Глушченкодан касбий билимларини бойитишга сазовор бўлганлар.

Муҳайё Шоумаровна ўқитадиган фан қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мутахассисларини тайёрлашнинг асоси, ўзагидир. Бу фанни деҳқончилигимизда амалга ошириладиган жараёнлар билан, яъни ҳаётимиз билан боғлаб ўқитиш ҳисобига талабани етук малакали мутахассисга айлантириш мумкин деб ҳисоблайдиган домламиз, тинмай ўзининг касбий билимларини бойитиш устида ишламоқдалар. Ўқитувчи сифатида

М.Шоумарова биринчи навбатда ўзига талабчан: ҳар бир машғулоти ўтказиш учун пухта тайёрланишни, талаба ҳар бир топшириқ моҳиятини тушуниб бажаришини кузатади.

М.Шоумарованинг энг катта ютуғи сифатида у ёзган дарсликларни кўрсатиш жоиздир. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгандан сўнг касб-ҳунар ва олий таълиммасканларида ўқитиладиган фанлар бўйича ўзбек тилида дарсликлар яратиш лозим деган шиорларга жавобан фаол ишни бошлади ва ушбу ишнинг самараси ҳисобланган олий таълим муассасалари учун “Қишлоқ хўжалиги машиналари” фани бўйича 550 бетлик дарслик ёзиб нашр этилди. Мазкур дарслик республика танловида иккинчи ўринни эгаллаб, Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ўқув юртларида кенг фойдаланилмоқда ва асосий адабиёт сифатида тан олинган, унинг электрон варианты интернетга жойлаштирилган. Институт талабалари учун амалий ва лаборатория машғулотларини, курс ва битирув ишини бажариш бўйича 30 дан ортиқ методик ишланмалар, магистрантлар учун курс лойиҳасини бажариш бўйича иккита, лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича олтита методик ишланмаларни чоп этишга раҳбарлик қилганлар.

Профессор М.Шоумарованинг “Қишлоқ хўжалиги машиналари” фани бўйича коллежлар учун ёзган дарслиги Республика танловида биринчи ўринни эгаллади, қорақалпоқ тилига ўгирилди ва қайта ишланган ҳолатда уч марта нашр қилинди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг Касб таълими йўналишида “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг моҳиятини, мазмунини шакллантиришда домламиз М.Шоумарова кўп меҳнат қилиб, фан мажмуасини тузиб, бирнечта методик қўлланмалар, маърузалар матнини тайёрлаганлар.

М.Шоумарова ихтисосланган илмий кенгаш қошидаги семинар аъзоси сифатида ёш олимлар тайёрлаган докторлик диссертацияларини экспертизасида фаол қатнашиб, қишлоқ хўжалигини механизациялашга бағишланган илмий ишларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

М.Шоумарова талабалар орасида маърифий, маънавий, тарбиявий ишларни олиб боришда ёш ўқитувчиларга ўрناк бўладиган ишларни бажариб келмоқдалар. М.Шоумарова талабаларга ҳар бир машина тузилишини, энг муҳими технологик жараённинг моҳиятини тушунтиришга интилиб ишлайди. Бажариладиган жараён моҳиятини тушунган талаба машинанинг тузилишини осон эслаб қолади деб ҳисоблайди. Бугунги кунда профессор М.Шоумарова мавжуд машиналарни юртимиз тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш ёки хорижий техникани тўғри танлаш лозимлигини талабаларга ўргатиш орқали Республикамиз қишлоқ хўжалигини механизациялаш учун катта ҳисса қўшмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шоумарова М., Абдиллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари.  
Тошкент, Ўқитувчи, 2009

## **ЖЕНЩИНЫ УЗБЕКИСТАНА – В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ**

**Абдикайимова Г.А. преп., ТГТУ**

Женщины-ученые – это ярко выраженное творческое начало, нестандартное мышление, тяга к познанию и необыкновенная наблюдательность, высочайшее трудолюбие, стремление к логической завершенности и умение образцово доводить дело до конца. Таким образом, в современном научном мире женщины-ученые Узбекистана заняли достойную нишу, проявили способность к адаптации, избавились от устоявшихся стереотипов и работают с полной отдачей сил на благо нашего государства в деле осуществления экономических и демократических преобразований.

Женщинам-ученым приходилось совмещать научную работу и заботу о семье, выполняя сразу две функции – традиционной хранительницы очага и научного работника, что было непросто в условиях существования традиционного уклада жизни. Но, несмотря на трудности, в эти сложные годы наука развивалась в больших количествах женщин. В настоящее время среди ученых-филологов женщины составляют 70,8%, психологов – 81%, педагогов – 60,7%, также более половины всех ученых – медиков, биологов, философов, архитекторов, политологов – женщины.

Наш край славился выдающимися учеными-женщинами, представительницами науки, образования, медицины, бизнеса, искусства и спорта. Среди наиболее известных женщин, осуществляющих свою деятельность сегодня и уже, увы, покинувших нас, есть немало славных дочерей Узбекистана, чья жизнь и работа являются примером для многих поколений.

Вопреки стереотипам своего времени многие женщины смогли совершить открытия, подарить миру изобретения и доказать, что в науке женщины — не слабый пол. Многие женщины-ученые совершили настоящий прорыв в своей области знаний. Например:

- Неоценим вклад в развитие исторической науки академика АН Узбекистана, профессора Р.Х. Аминовой, которая работала в Институте истории. Она была первой женщиной-узбечкой, в 38 лет защитившей докторскую диссертацию (1963 г.).

- Шахло Турдикулова — потомственный востребованный топовый ученый, работает в сфере биотехнологий. В 35 лет стала самым молодым доктором наук среди женщин Узбекистана. В данное время является директором Центра передовых технологий Узбекистана.

- Дильбар Абдурахманова первая женщина-дирижер не только в Узбекистане, но и во всей Центральной Азии. В репертуаре Дильбар Абдурахмановой более 60 оперных и балетных спектаклей, выступления на многих сценах мира, более полувека работы в театре имени Навои. Эффектная женщина, дирижирующая оркестром, вызывает одновременно удивление и восхищение.

- Какиш Рыскулова первая женщина-хирург и первая женщина-академик. Автор многих научных работ и учебников. Какиш Рыскулова проводила масштабные исследования в области новых методов наложения швов, исследовала хирургию нервов и кровеносных сосудов. Ее труды активно используются современным поколением медиков.

- Большой вклад в развитие археологии Узбекистана внесла академик АН Узбекистана Г.А. Пугаченкова, чьи труды известны далеко за пределами нашей страны. Ее основные труды посвящены изучению историко-архитектурных памятников Центральной Азии, произведений изобразительного искусства древности и средних веков, произведений миниатюрной живописи. По оценкам ЮНЕСКО, одно из первых мест по количеству научных работ среди всего женщин-ученого мира занимает именно Г.А. Пугаченкова.

- Асель Сартбаева одна из первых всемирно признанных женщин-ученых из Центральной Азии. Она разработала способ покрытия вакцин кремнием, который позволяет сохранять медикаменты без охлаждения. Это важное для всего человечества открытие — в настоящее время большинство вакцин портятся или даже становятся токсичными, если хранить их вне холодильника. Теперь ее новаторская научная работа потенциально может спасти миллионы жизней по всему миру и позволит снизить стоимость вакцин, сделав их более доступными в развивающихся странах.

- Оксана Чусовитина легенда и гордость спортивной гимнастики Узбекистана. Единственная спортсменка в истории, принявшая участие в 7 олимпийских играх. Упорству и силе этой женщины можно лишь позавидовать. Считает, что в спорте никто не ждет вдохновения, каждое действие требует тщательной проработки. Все ее авторские сальто – результат осознанной работы над собой.

Развитие человечества немыслимо без открытия новых горизонтов в науке. Истории этих ученых, живших в разное время, работавших в разных сферах, доказывают: женщины способны двигать науку наравне с мужчинами и совершать открытия. Нет специфически «мужских» и «женских» дисциплин. Ведь в филологии и других гуманитарных науках немало представителей сильного пола, а светлые женские умы успешно постигают астрономию, математику и физику, делая нашу жизнь лучше и удобнее.

## ЛИТЕРАТУРЫ

1. Шедевры Средней Азии: альбом. Ташкент: 1986. 220 с. 20000 экз.
2. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. Ташкент, 1987. 223 с. 5000 экз.
3. Древности Мианкаля: Из работ узбекистанской искусствоведческой экспедиции. Ташкент: Фан. 1989. 204 с.
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 25 августа 2017 года № УП-5164 "О награждении в связи с двадцать шестой годовщиной независимости Республики Узбекистан группы работников науки, образования, здравоохранения, литературы, культуры, искусства, духовности и просветительства, средств массовой информации и других социальных сфер".

## ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ

Хафизова З.Х.-катта ўқитувчи, ТИҚХММИ

### Аннотация

Ушбу мақолада олий ўқув юртлирининг талабаларини ўқитиш жараёнида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ёритиб берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ баркамол авлад тарбияси ва унинг мақсадли таълим олиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли таълимий ислохатлар мисолида ўз аксини топмоқда. Мамлакатимизда ёшларни жамият ривожига муносиб ҳисса қўша оладиган, яратилаётган шарт шароитлардан оқилона фойдаланувчи, ўз мустақил фикрига эга, ижодий изланувчи, кучли иродали, ғоявий эътиқодли, маънавияти юксак, пок виждонли шахсни камол топтириш, буюк келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамловчи ёш кадрларни тайёрлаш муҳим ва масъулятли вазифадир.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохатлар, амалиётга тадбиқ этилаётган янгиликлар келажак авлоднинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш бериш билан бир қаторда, узлуксиз таълим тизимини тубдан ислох қилиш, таълим тарбия жараёни иштирокчиларининг билими, кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бориш, дунёқарашини кенгайтиришда ўзига хос талабларни кенгайтириб беради.

Бугунги кунда талаба ёшларни ижобий қобилиятини ривожлантириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш, ўз фикрини эркин баён қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни, таълим-тарбия йўналишидаги илмий меросимизни чуқур ўргатиш асосида уларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Талаба қизларни ташкилотчилик сифатларига, ўз мустақил фикрига эга бўлиши, мулоқотга киришувчанлиги, фаол, муайян мақсад сари йўналган шахс сифатида камол топиши келажакда демократик жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фаолият кўрсатишларини таъминлайди.

Ташкилотчилик сифатлари – бу талабанинг ижтимоий фаоллигидир. дарсдан ташқари таълимий – тарбиявий ишларни ташкил этиш натижасида талабаларнинг фаоллиги ортиб боради. Бу борада ўқитувчи уларни ушбу жараёнга фаол жалб этиши ва уларни рухан қўллаб- қувватлаб туриши, ижодий муҳитни яратиб бериши лозим.

Талабаларни ташкилотчилик сифатларини шакиллантиришда қуйидаги психологик кўрсаткичлар инобатга олинади:

- 1) *Талабаларнинг қизиқиши доираси;*
- 2) *Фаолиятнинг янги турларини ўзлаштиришга бўлган иштиёқи;*
- 3) *Муаммони онгли тушуниб этиши;*
- 4) *Ҳиссий барқарорлик;*
- 5) *Муайян хатти - ҳаракатни ёки ўқув – ижодий топшириқларни бажаришга ҳоҳиши;*
- 6) *Жамоада сардорликка интилиш ва бор кучини жамлаш қобилияти;*

Ташкилотчилик сифатлари ўз фикрини ўзига ва ўзгаларга оғзаки ёки ёзма нутқ ёрдамида, фаол фикрлаш орқали намоён бўлади. Шу асосда талабаларда янги ахборотни аввалгиси билан ўзаро боғлаш имконияти вужудга келади. Таълим тарбия мақсадларини амалга ошириш, ўқитувчи ва талаба фаолиятида муомила одобини ривожлантиришда нутқ муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилотчилик сифатлари сифатларини шакиллантириш, индивидуал қобилият ҳамда тафаккурни ривожлантириш ҳар бир талабанинг ижодий фаоллиги билан боғлиқ. Ижодий топшириқлар мустақилликнинг номоён бўлишига юқори даражада кўмаклашади. Бунда талабалар топшириқни тайёр намуна ёки кўрсатмалар асосида бажармасдан, балки, бу жараёнга қандайдир янгилик қўшиб, ўз мулохазаларини билдириб, бажараётган хатти-ҳаракатларидан ўзлари учун янги қирраларни кашф этадилар. Бундай шароитда талаба фаолиятининг янги қирраларини эгаллиди. Шунингдек дидактикада индивидуал ишлар ҳар бир талабанинг мустақиллик ва ижодкорлик фаоллигини орттириш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Талабанинг фаоллиги – ўз олдига қўйилган вазифани тушуниши ва тўғри бажаришни ҳис қилиши, бажарилаётган ишнинг хусусиятини англаб этиши, фикрлашга ва амалий кўникмаларга эгаллиги кабилар билан белгиланади. Тўғри тузилган индивидуал топшириқлар кўпинча талабаларда ижодий мустақилликнинг номоён бўлишига кўмаклашади.

Талабаларда ташкилотчилик сифатларини шакиллантиришда қуйидаги талабларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1. *Ўқитувчининг талабаларда ташкилотчилик сифатларини шакиллантириш жараёнига педагогик ва методик жихатдан тўғри ёндоша олишлари.*
2. *Ўқитувчи томонидан талабаларга тарбиявий таъсир қўлланилганда, уларнинг қизиқиши, фаоллиги, шахсан ташаббусини инобатга олиш.*
3. *Ҳар бир топшириқни бажаришда масъулият, бурч ҳиссининг шакилланиши, ўзаро ёрдамлашишга интилиш, бирдамлик, керак бўлган пайтда бўйсунуш одатларининг таркиб топиши.*

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса сифатида қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

1. *Ўқитувчи ёш авлодни келажакнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва масъулиятли вазифани бажарар экан, аввало унинг ўзи ижтимоий-сиёсий жихатдан етук бўлиши, талабаларни тарбиялаш сифати учун халқ ҳамда жамият олдига ўз масъулиятини чуқур англаши, таълим тарбия вазифаларини ҳал этишга ижодий ёндошиши, мутахассислиги бўйича пухта билимга эга бўлиши, ўз маҳоратини доим такомиллаштириб бориши лозим.*
2. *Ташкилотчилик сифатларини шакиллантиришда ўзгалар билан мулоқот ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг ўзаро мулоқоти асосида жамият аъзолари билан ўзаро ижтимоий ижтимоий муносабатга киришиш эҳтиёжи туғулади.*

3. Талабаларга ташкилотчилик сифатларини шакиллантиришда кузатиш, суҳбат, гуруҳлаш, таққослаш каби усуллардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.
4. Талабаларга ташкилотчилик сифатларини шакиллантириш жараёнини янада такомиллаштириш, талабаларни миллий кадрятлар билан чуқурроқ таништириш мақсадида турли эрталиклар, кечалар ўтказиш самарали натижа беради.

## **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУҲИМ МУАММО СИФАТИДА**

**Кулсахатов Д. Б. ўғли –талаба - ТИҚХММИ**

Республикамызда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси, даставал, турмушимиз тобора фаровонлашаётганида, эришаётган муваффақиятларимиз дунё ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганида яққол кўринмоқда.Эндиликда оилага, аёл зотига бўлган муносабатимиз ўзгариб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳаётимизнинг маъно-мазмунига, асосий мақсадига айланди. Биз айнан истиқлол даврида кўп нарсаларни қайтадан кашф этдик. Бинобарин:

- хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, нуфузи ва кадр-қимматини ҳимоя қилишнинг етарли кафолати учун, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этишига қулай шароитлар яратиш лозим;
- оналар ва болалар соғлиғини, аҳолининг билим ва маданият даражасини сақлаш ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъминланиши керак.

Хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болаларни замонавий касб-ҳунарларга йўналтириш, уларни спортга кенг жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этувчи хотин-қизлар ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Ватанимиз тараққиёти, унинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бундан ўн — ўн беш йиллар илгари фақатгина ижтимоий сектор, айниқса, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимларининг асосий қисмини аёллар ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтга келиб, республикамыз иқтисодий ривожига катта аҳамиятга эга бўлган банк-молия, ишлаб чиқариш каби соҳаларда, автомобилсозлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, сервис ва бозор иқтисодиёти хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларда ҳам хотин-қизларимизнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.Аёллар билан ишлаш тизимини яратиш борасидаЎзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ўрни бениҳоя катта.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аёлларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Аҳоли, айниқса, қишлоқларда яшовчи аёллар турмуш даражасини янада яхшилаш борасидаги амалий чора-тадбирлар опа-сингилларимиз имкониятларини рўёбга чиқариб, уларнинг оғирини енгил қиляпти.

Бугунги кунда у йирик жамоат ташкилоти сифатида аёлларга оид давлат сиёсатини аҳолига етказиш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, опа-сингилларимизнинг ижтимоий фаоллигига оид янги ғоя ва

ташаббусларни илгари суриш, мазкур йўналишларга доир дастур ҳамда ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Ўтган йилларда ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, аграр ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган ўн уч нафар аёл “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган олий унвонга, кўплаб опа-сингилларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлгани, айниқса, қизларимиз учун Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ва ҳозирги кунда 300га яқин нафар иқтидор эгаси ушбу мукофот билан тақдирлангани уларга кўрсатилаётганюксак эътибор намунасидир.

Республикамизжамеҳнат қилишинг, изланишинг, умуман айтганда, бор имкониятларингни рўёбга чиқаришинг учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Бугун шу нарсага амин бўлдикки, астойдил меҳнат қилган одам, албатта, унинг роҳатини кўрар экан. Бунга далаларимиздаги пахта, ғалла, боғларимиздаги сархил, шириндан-шакар меваларимиз ортидан топаётган даромадимиз бир мисол. Шукр, турмушимиз фаровон, бировдан кам жойимиз йўқ. Тўйлар қиляпмиз, уй-жойлар соляпмиз, ҳар йили санаторийларда дам олмоқдамиз. Сартарошхона, гўзаллик салони, новвойхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизматимизда.

Ҳаммага маълум, авваллари аёлларнинг турмуш даражаси бутунлай бошқача эди. Рангпар, юпун болалар, пахта этакларини нозик белига танғиб олган нимжон ҳомиладор келинчақлар... Дала шийпонида кўплаб гўдакларга “боғча опалик” қилиб ўтирган онахонлар... Буни ёши улуғлар жуда яхши билишади. Бугунги кунимизни кўринг, буткул бошқача. Аёллар иқтисодий, ижтимоий томондан кенг қўллаб-қувватланаётир. Хотин-қизларнинг бахти, камоли, истиқболини кўзлаган ва буни олий мақсад, деб билган мамлакат дунёда камдан-кам топилади.

Бугунги кунда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, “Она соғлом бўлса — миллат соғломдир”.

Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим устувор вазифаларидан биридир. Бу борада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасида ўтган даврларда “Соғлом она — соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг кўтарилишига олиб келди.

Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир аёл, чин маънода, бахтли. Зеро, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўнлаб қонунлар, саксонга яқин фармон ва қарорлар, давлат дастурлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз турли конвенция, битим, шартномаларга қўшилган бўлса, улардан бевосита хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилгани салмоқлидир. Жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишлар тўғрисидаги конвенциялар ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган ва уларнинг бажарилиши таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, уларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш, ташкилотчилик, тадбиркорлик,



ишбилармонлик қобилиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш. Унга кўра, юртимиздаги мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда катта ҳаёт тажрибасига эга, эл орасида обрў-эътибор топган аёллар ушбу масъулиятли вазифада ишлаб, давлатимизнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

## **ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ МАЪРИФИЙ КУРАШ**

**Аманликова Н. Р. ўқитувчи, ТошТЙМИ,**

Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Маънавият - аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк. У ота- боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтайлик Хоразмлик, Самарқандлик ёки Фарғоналик деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримизнинг муқаддасмасканимиз бўлган мўъжаз Ватаннинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ, шуни билишимиз, эса тутишимиз керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий воситачилик миллатнинг, халқнинг жипслашувига ҳалакит беради.

Ҳар бир халқнинг ўз маданияти, ҳатто инсоннинг ўзига хос маданияти ҳам бор. Маданият баркамол инсонни шакллантиришнинг энг муҳим воситасидир. Шу боис мустақил Ўзбекистонда маданият ишларини муҳим ва долзарб соҳа сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Халқимиз орасида миллийлик, минг йиллик тарихий - ижодий анъаналар, умуминсоний қадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва маданият жараёнида театр, кино, тасвирий санъат, миллий мусиқа ва қушиқчилик, шаҳарсозлик, спорт ва бошқа соҳалар кенг ривожланди ва янада ривожланмоқда.

Халқимиз маданияти шундай юксакки, уни бошқа халқ маданияти билан солиштиришнинг иложи йўқ. Халқимизда орасида “Каттага ҳурматда - кичикка иззатда” бўлиш, доимо қўлимиз кўксимиздан, тилимиз эса саломдан тушмаслиги, ҳар қандай давраларда, кўча-куйда, юриш- туришда ўзини тутиш маданияти ўзбек миллати учун доимий анъана десам муболаға бўлмайди. Аммо, шундай ёшларимиз борки, ҳатто “маданият нима?” деган саволга ҳам тўла жавоб бера олишмайди. Бу юртимиз келажаги, равақи учун жуда ачинарли ҳолатдир. Юртимиз равақини, ривожини, кўра олмайётган баъзи бир қабил ниятли инсонлар бундай ёшларни ўз ортидан эргаштирмоқда. Ёшлар орасида кенг тарқалиб кетган турли уяли алоқа воситалари, интернет кабилар ҳам ёш қизларимиз маданиятининг юксалишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тўғри, ХХI аср техника асри деб бежизга айтилмаган. Ҳозирги кунда жадал ривожланаётган техника воситаларининг ривожланиши яхши-ю, аммо ёшлар ушбу замонавий техникалардан тўғри мақсад йўлида фойдалана олаётганидан, деган савол туғилади. Ёшлар компьютер, телевизор, радио ва уяли алоқа воситаларидан ўзларига керакли маълумотларни олаётганими?..

Техника воситаларидан - интернет ёрдамида исталган китобни, керакли маълумотларни топишингиз, доимий мулоқотни амалга оширишингиз мумкин. Аммо қизларимиз тарбиясида интернет-ахборот хуружига дуч келиш, айрим маълумотларга муккасидан кетиш каби ёмон оқибатларни кўряпмиз. Ёшлар интернет орқали ўзига керакли бўлган маълумот ўрнига турли хил кинолар, савияси паст бўлган видео ва

расмлар ҳамда ҳар хил ўйинларга муккасидан кетаётганига ва шу орқали уларнинг онги ва тарбияси бузилиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

“Оммавий маданият” асли “маданият” деб аталсада, туб мазмун моҳиятига кўра миллий маданиятнинг кушандаси, маданиятсизлик, ахлоқсизликнинг бошқача кўринишидир. Унинг ғоявий позицияси миллий маънавиятни топташ, керак бўлса ота-онани, умуман катта авлодни тан олмаслик, худбинлик, фахшни тарғиб этиш, “ким кучли бўлса ўша ҳақ” деган фикрларни ёш авлод онгига сингдиришдан иборатдир. Очик тан олишимиз керакки, “Оммавий маданият” хуружини ҳамма ҳам тўлик англаб етганича йўқ. Ҳолбуки, ғарб дунёси унинг аччиқ меваларидан баҳраманд бўлмоқда. Бу оила институтининг бузилиб бораётганида, туғилишнинг кескин камайиб кетаётганида, ахлоқсизлик ва беҳаёликнинг авж олаётганида, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатнинг кўтарилиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Шу ўринда “оммавий маданият” сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, “оммавий маданият” - “индивидуализм”, “эгоцентризм” ва “меъёрий эркинлик” сингари қисмлардан ташкил топган бўлиб, унга кўра вояга етмаган йигит-қиз ўз билганича яшаши, лаззатланиши, нимадан фойда кўрса ўшанга амал қилиши, ҳеч қандай меъёр, қонун-қоидаларга амал қилмаслиги уқти-рилади. Бунинг хавфли томони шундаки, бу зарарли иллатлар ёшларга ниҳоятда силлиқлик, беозорлик йўли билан юктирилади.

Инсоний муносабатлар аввало, оила муҳитидан бошланади. Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг феъл-атвори, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби маънавий мезон ва қарашлар айнан оила шароитида камол топади. Соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш кўникмаси инсонда бирдан пайдо бўлиб қолмайди, у ўзига хос малака ҳам талаб этгани боис, илк болалик чоғлариданоқ, унга оилада ўргатиб бориш лозим. Буота-она зиммасидаги энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир.

Ёшлар тарбиясида ота-оналар билан ёнма-ён, биз таълим ва тарбия берувчилар ҳам доим огоҳ ва сергак туришимиз лозим. Ҳар бир ўқитувчи дарс давомида ўз талабаларига биз кимларнинг авлоди эканлигимиз ҳамда буюк алломаларимиз ҳақида мунтазам сўзлаб бориши, ёшларда ифтихор туйғусини шакллантириши ва ҳар хил бахсларда кўрқмасдан фахрланиб айтиб юришларига имкон яратиши лозим. Зеро, Ўзбекистон ёшлари бизнинг келажагимиздир. Уларни авайлаб-асрашимиз бизнинг буюк вазифамиздир.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму-маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган энг муҳим омилдир. Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Таълим-тарбия масаласида давлат ва жамаият назоратида бўлиши

Асосий қонуни мизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир. Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш - таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим-тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. **Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси<sup>1</sup>.** Бу ҳақда фикр юритганда, Абдулла Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида”, - Т.: Ёзувчи, 2001.

**фалокат масаласидир”<sup>2</sup>** дегани ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Тўрақулов Х.О. ва бошқалар. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар. Т.: “Фан ва технология” нашриёти. 2008й.
2. Алқаров И.Ш. ва бошқалар. Баркамол шахс қилиб шакллантириш концепциясининг яратилишига доир шарт-шароитлар. Т.: “Таълим муаммолари” журнали. 2008 й.
3. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1997 й.

## **ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ФУҚАРОЛИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Аманликова Н. Р. ТошТЎМИ, ўқитувчи**

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустақамлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, унинг қонуний заминлари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, онглилик, билимдонлик даражасига узвий алоқадордир.

Биринчи Президентимиз И.Каримов “Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш” номли рисоласида “Бошқача қилиб айтганда, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунё да рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шarti ва мезони бўлиши даркор” - деб таъкидлаб ўтиши билан биз педагогларнинг олдига буюк вазифаларни юклайди [1].

Талаба ёшларни тарбиялашда биз аждодларимиздан қолган бой меросимизга, миллий-маънавий қадриятларга мурожаат қиламиз. Бунга сабаб талаба-ёшларимизда бу орқали миллий ғурурини юксалтириш самарали кечади ва бу ёшларимиз фуқаролик маданиятини юксалишига олиб келади. Талаба- ёшлар фуқаролик маънавиятини юксалтириш бўйича миллий, маънавий қадриятлардан фойдаланишни куйидаги кетма-кетликда олиб борган маъқул деб ҳисоблаймиз:

- “Авесто” муқаддаскитобигаасосланганмиллиймаънавийқадриятлар. Буларталаба-ёшлардагиВатанпарварлик, инсонийлик, тартиб-интизомлилик, ўзҳақ-ҳуқуқинитанишлик, фуқаронингбурчвамасъулиятларикабихислатларнишакллантиришдамуҳиммаънавийасосбўлаолади;

- Қомусий олимлар ҳаёти ва ижоди ибрат-намунаси асосидаги миллий маънавий қадриятлар. Булар талаба-ёшлардаги ўтмиш аждодларимиз олдидаги қарздорлик ҳиссини уйғотишда ва миллий ғурурни юксалтиришда муҳим асос бўлиб, ёшларимизнинг фуқаролик бурчига садоқатни юксалтиради. Бунда кўпроқ Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Исмоил Журжоний, козизода Румий, Ал-Коший, Али қушчи каби буюк сиймолар томонидан қолдирилган бой маънавий мерос- ларидан фойдаланиш;

- Ҳадис илми соҳиблари ижод намуналари ва турмуш тарзи асосида шаклланган миллий- маънавий қадриятлар. Булар талаба-ёшлардаги эътиқод тарбиясида муҳим бўлиб, улар Ўзбекистан фуқароси номини юксалтиришда маънавий асосдир. Бунда кўпроқ Имом ал-Бухорий, Аз-Замахшарий, Ас-Самарқандий, Хожа Аҳрори Валий, Аҳмад

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний “Усонмиллат. Туркийгулистонёхудухлок. Истиклолфидойилар”, - Т.: Шарк, 1993.

Яссавий, Нақшбандий, Ат-Термизий, Мотрудий, Нажмиддин Кубро кабилар маънавий кадриятлари ва босиб ўтган муқаддас йўли ибрат сифатида кўрсатилиши;

- Шоирлар, ёзувчилар ва тарихчилар ижоди намуналари асосидаги миллий-маънавий кадриятлар. Булар талаба-ёшлардаги Ватанни эъзозлаш, юртни севиш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, яъни ватанга содиқ фуқароси бўлиш кабиларни шакллантиришга асос бўлади. Бунда Алишер Навоий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бобур, Абдураззок Самарқандий, Юсуф Хос Ҳожиб, Саккокий, Сўфий Оллаёр кабилар ижоди мустаҳкам маънавий асос сифатида кўрсатилиши;

- Халқ оғзаки ижоди, халқ қаҳрамонлари ва Давлат арбоблари турмуш тарзи ва фаолияти асосидаги миллий-маънавий кадриятлар. Булар талаба-ёшлардаги Ватан қайғуси, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигида ўша давлатда яшовчи одамларнинг ўз юрти фуқаросида мужассамлашиши лозим бўлган хислатлар ҳақидаги тушунчани шакллантиришда муҳимдир. Бунда Спитамен, Муқанна, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Номоз Примкулов кабилар ҳаёти ва фаолияти ибрат намуна сифатида айнан фуқаролик тарбиясининг асосларини ташкил этади.

Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллатнинг, халқнинг ва уларнинг ҳаёт мазмунини ўрганиш орқали миллий ўзлиқни англашни қарор топтириш саналади.

Ўтмишда яшаб фаолият олиб борган буюк алломалар, мутафаккирларнинг илмий қарашлари, бой маънавий мерослари, Давлат арбоблари ва қаҳрамонларининг гоёлари бугунги авлод учун дастуруламал бўлиши лозим.

Миллий кадриятлар асосларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келинган анъана, урф-одат, маросимлар нима учун миллатни бу қадар жипслаштириб қўйганлигидан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий кадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга талаба-ёшларни жалб этиш, тарбияда кўзланган мақсадга элтувчи йўл саналади. Талаба-ёшларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, фидойи фуқаро сифатида шакллантириш билан яқунланади. Талаба-ёшларда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, хулқий одатларни, мала- каларни ҳосил қилиб бўлмайди.

Фуқаролик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён. Шу сабабли ҳам ушбу соҳадаги тарбиявий ишларимизда талаба-ёшлар онгига фуқаролик туйғусини шакллантиришга мос миллий-маънавий кадриятларни сингдириш лозим бўлади. Бунда Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадгу Билик”, Низомилмулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хусравнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Тулистон” каби асарларидан фойдаланиш ижобий педагогик самараларни беради. Ушбу йўналишдаги ишларда Абу Наср Фаробий (жаҳонга “Ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккири”, “Муаллими Соний” - “Иккинчи муаллим” - “Шарқ Арастузи” каби таҳаллус билан танилган) асарларидан, айниқса унинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридан фойдаланиш ҳам талаба-ёшлардаги фуқаролик туйғусини юксалтиришда мукамал маънавий озуқадир. Фаробий ўз асарларида жамият ривожига етуклик томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шаҳар, фозил фуқаролар даражасига кўтарилиши ҳақидаги ғояни илгари суради ҳамда баркамол шахс бахту саодатини, фуқаролардаги ўзаро ёрдамни, доно бошлиқ бўлишини фуқаролар ўртасидаги ўзаро тенглиқни тараннум этади.

Талаба-ёшларга ўқиш, аъло баҳоларга ўзлаштириш, ўз тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш, талабада фуқаролик бурчини адо этиш заруриятини тушунтириб бориш зарур. Фидойилик, эътиқод, интилувчанлик, ташаббускорлик, қатъият, матонат, Ватанпарварлик, инсонийлик, уюшқоқлик каби хислатлар фуқаролик тарбиясини олиб бориш жараёнида юзага келади.

Фуқаролик позициясини шакллантиришда асосий эътиборни бой маънавий меросини ўрганишга қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шундай экан бу соҳадаги бой маънавий меросимизга оид манбааларни компьютер хотирасига жойлаштириб талаба-

ёшларнинг ўқув жараёнини тизимли ташкил этиш лозим.

Талаба-ёшлар ўз рағнақи устида ишлаш билан бир қаторда комил, баркамол инсон бўлиш ва ҳақиқий фуқаро сифатида шаклланиши учун астойдил интилиши керак. Ҳар қандай инсон бир ишни, шу жумладан ўзининг келажаги ва рағнақи учун зарур бўлган ишларда астойдил ҳаракат қилмай туриб, бўса-булар, бўлмаса- бўлмас қабилида иш тутса бундай фуқаро ўзининг кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Эришган такдирда ҳам натижаси жуда паст бўлади, яхши самара бермайди. ..

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. *Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир*. Т. «Ўзбекистон» нашриёти. 2005 й.
2. Тўрақулов Х.О., Алқаров И.Ш., Усманов Н.Ў. *Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар*. Т: «Фан ва технология» нашриёти. 2008 й.
3. Алқаров И. *ва бошқалар. Баркамол шахс қилиб шакллантириш концепциясининг яратилишига доир шарт-шароитлар*. «Таълим муаммолари» журнали. 2008 йил 3-4 сони.

## **АХБОРОТ ХУРУЖИГА ҚАРШИ КУРАШДА ОНАЛАРНИНГ РОЛИ**

**Б.О.Раҳманқулова. доц. и.ф.н. Д.П.Сапарова – талаба - ТИҚХММИ**

#### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари янги даврни бошлаб берган даврда бугунги кун ёшларининг дунё қарашлари, улар ҳаётида ахборот жамияти тушунчаси ва ахборот хуружи, унга қарши курашда оналарнинг роли ҳақида гап юритилади.

Оила – мўжазгини бир жамият, дейди доно халқимиз, бутун инсоният жамиятининг даҳлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ. Оиланинг инсоният жамияти билан узвий боғлиқлиги унинг уҳдасидан энг қутлуғ вазифа – ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлашида яққол кўринади.

Инсониятнинг ахборотга, уни олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган эҳтиёжи мислсиз суръатларда ортиб борапти. Маълумки, ахборотга нисбатан талаб қанчалик кучайса, уни тарқатувчилар ҳам мос равишда кўпайишади. Хўш, тарқатилаётган ахборотлар уни талаб қилаётган шахсларнинг манфаатларига мос келяптими? Шахс, жамият, давлатнинг ахборот хавфсизлигига таҳдидлар бўлса, уни олдини олиш, ундан муҳофазаланиш мумкинми? Бу каби саволлар глобаллашув жараёни шароитида энг муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Уларни тўғри ҳал қилиш учун эса ахборот хавфсизлиги тушунчасини англаб олиш ва ахборот хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш, хусусан, ҳуқуқий таъминлаш йўллариини излаш лозим. Ахборот хавфсизлигини оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, бу ахборот муносабатлари субъектларининг манфаатлари муҳофазаси дейиш мумкин. Таҳдид – хавфсизликни муайян равишда бузишга қаратилган ҳаракат. У ошқора ёки яширин бўлиши мумкин.

Халқимиз, миллатимизга оид қайси манбага мурожаат этманг, она, аёл оиланинг муқаддаслигини таъминловчи, оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитини яратувчи мўътабар инсон сифатида таърифланади.

Асосий қисм. ХХ аср бошларига келиб эса “ахборот инқилоби” юз бера бошлади. Дунёда умумий ахборотлашган жамият шаклланмоқда. Натижада, ХХI аср – “ахборотлашган жамият асри” деб эътироф этилмоқда. Яъни, ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат таракқиёти ва рағнақининг бош мезонига айланмоқда.

Ҳозирги замон иқтисодиёти ва жамиятнинг муваффақиятли ривожига ахборотлашув ва телекоммуникация технологиялари гаров бўлмоқда. Озод, обод юртимиз қудратига йил сайин қудрат кўшилмоқда.

Инсоният ахборотлашган жамиятга қадар ўз тараққиёти давомида узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Мустақилликка эришиш орзу эди. Шукурки, шунга эришдик. Эзилган, хўрланган ва камситилган меҳнаткаш халқимиз ҳурликка чиқди. Ишлашга кенг имкониятлар берган мустақилликни мустаҳкамлаш Ватанимиздаги барча элу элатларнинг шарафли бурчидир. Мустақилликка эришган мамлакат оналарининг энг буюк хизмати шундаки, улар аввало фарзандда чинакам инсоний фазилат – меҳрни шакллантирилади. Она отага нисбатан болага меҳрибонроқ бўлади, уни ҳамма вақт кўз қорачиғидай асрайди, ювиб-тарайди, унга ўзининг бутун вужуди, қалби, меҳри, вақти, эътибори, меҳнатини бағишлайди. Инсонга хос энг ноёб ва яхши фазилат борки, уларнинг барчаси болага онадан ўтади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бола тарбиясидаги энг оғир, машаққатли ва масъулиятли давр – инсоннинг инсон бўлиб шаклланадиган даври она бағрида кечади. Шунинг учун инсон эришган ҳамма нарсани она қўйнида берилган тарбиянинг озиғи деб билмоқ керак. Она боласининг посбони, ҳимоячиси, сирдош дўсти ва қиблағоҳидир[5].

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари инсон турмушининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ҳаттоки мактаб ўқувчилари. Ёшлар ҳам ахборот технологияларини мукамал ишлата олишмоқда. Бу эса оммавий ахборот воситаларининг ахборот хуружи кучайиб, манипуляцион жараённинг кенг ёйилишига сабаб бўлмоқда. Бу каби таҳдидлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш, унга қарши курашиш замон талабидир. Ахборот хуружи шундай жараёнки, ундан чеккада турган инсонлар ҳам, мамлакатлар ҳам унинг таъсирига учраб қолиши мумкин[2].

Дунёда бўлаётган урушлар, бузғунчиликлар, инқилобий ҳаракатлар ва террорчиликни ахборот хуружи орқали амалга ошириш нафақат мамлакат, балки дунё миқёсида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Инсоннинг ахборот хуружи олдидаги хавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг ахборотга бўлган маданиятини юксалтириш, яъни уларга ахборотни саралаш ва ундан онгли равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Ахборотни танлаш ва ундан унумли, тўғри фойдаланиш эса инсоннинг онг даражаси билан боғлиқ. Бу ҳолат оналардан ахборот коммуникация тўғрисидаги билимни, сезгирликни, сергакликни талаб этади[6].

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, - “Таълим-тарбия ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълим-тарбиянинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар таҳлили ва бу борадаги вазифалар”ига, катта эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди[1,3]. 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Фармонида ҳам оилада онанинг ролини буюклигини таъкидлаб ўтди[4].

. Ҳақиқатан ҳам, замонавий технология жамиятнинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда аҳамиятли. Лекин бундан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йўлга қўйиш ва энг асосийси миллатимизнинг урф-одат, қадрият, анъаналарини ота-боболаримиздан бизгача етиб келган барча бойликларни асраб-авайлаб, уни келажак авлодга ҳам етказиш кераклиги ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Шундай экан, ахборот майдонида ўз манфаатини кўзлаб ахборотни ноҳолис, ноаниқ етказилиши ахборот хуружининг бошланиши деса бўлади. Шунинг учун ахборотни ахборот етказувчи ҳолисона, аниқ, тезкорликда етказилиши, ахборот олувчи эса олган маълумотларни ҳолисона таҳлил қилиши, олган ахборотининг хавфсизлигига ишонч билдириши зарур. Ҳар бир оилада ота-она ўз фарзандининг тақдирига бефарқ бўлмаган ҳолда унинг ахборот технологияларидан фойдаланишини назорат қила билиши керак.

Юқоридагилардан ўз фикримизни ҳаракатга келтирувчи, шиддат билан ўз кўламини кенгайтириб бораётган Интернет ва вертуал олам ҳақидаги тушунчаларимизга тўхталиб

ўтамин. Умуман олганда бугунги кунда Интернет, ахборот – коммуникацион технологиялар – инсон тафаккури, ақли ва билимининг маҳсулидир.

Бугунги кунда глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсон маънавиятига туғдирадиган хавф-хатарлари, етказадиган зарарлари ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Бугунги кун ёшлари Интернетни маълумот олишнинг асосий манбаи ҳамда телекоммуникациянинг бош манбаи деб қарайдилар. Ўзбекистон ёшлари ҳам дунёдаги тенгдошлари каби онлайн тарзда кун янгиликларини ўқиши, курс ишлари ва рефератлар учун керакли маълумотлар қидириши, янги дўстлар орттириш, улар билан мулоқот қилиш ва кенг миқёсдаги ахборотлар олиш учун Интернетдан фойдаланадилар. Давлат ва фуқароларнинг интерфаол мулоқоти воситасида биргаликдаги сиёсий ҳаракатлар механизмларининг ўзгариши натижасида сўз ва ахборот эркинлиги, давлат бошқарувида қарорларнинг жамият учун шаффофлиги имкониятлар янада ортади.

Интернетда жамиятнинг маънавий тараққиёти, ҳали онги шаклланиб улгурмаган, вояга етмаган ёшларнинг дунёқарашига, ғоявий тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатувчи манбаалар ҳам оз эмас.

Мамлакатимиз ёшларини ҳам, бу каби хавф-хатарлар четлаб ўтаётгани йўқ. Мафкуравий иммунитетнинг тўлиқмаслиги туфайли кўплаб ёшлар ва хатто катталар ҳам турли ғоявий оқимларга тушиб қолмоқда. Мобил алоқалар туфайли ёшларимиз оилаларига зарар етмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи томонидан ёшларга оид давлат сиёсати кенг кўламда амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасасида ўқувчи ва талаба ёшларни қамраб олиш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш, уларни маълум йўналишларга жалб этиш кабилар.

### **Хулоса.**

Умуман олганда, юртимизда ҳам Интернет халқаро ахборот тармоғини миллий ахборотлар билан тўлдириш энг долзарб муаммолардандир. Бугунги кун Онлари ёшлар онгида ахборот олиш маданиятини юксалтирса, миллий ғоямиз ва миллий урф-одатларимизга таянган ҳолда фаолият олиб борса, таҳдидлардан ўз вақтида огоҳлантира олса, ахборот хуружларига қарши кураша оладиган иммунитетни ҳосил қилса, ахборот хуружига қарши курашнинг самарадорлигига эришган бўларди. Бу иммунитетни ҳосил қилишда оиланинг, жумладан онанинг ўрни ажралиб туради. Фарзандининг ҳар бир хатти ҳаракатларидан огоҳ бўлиши шарт.

Шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар ҳеч бир фуқарони четлаб ўтаётгани йўқ. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёвнинг қуйидаги сўзлари бунга далилдир, “Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учундир”[1]. Қабул қилинаётган барча қонунлар халқ ҳаёт тарзини янада яхшилаш, уларни қийнаётган муаммоларни ечишда, жумладан, бугунги кун ёшлари учун ҳам хизмат қилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада ошишига, ёшларимиз келажагини таъминлашга замин бўлмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ш.М.Мирзиёев “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”, Тошкент ш., 2017 йил 7 феврал.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари-Т.: Ўзбекистон 2000.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Фармони.
5. Хотин-қизлар энциклопедияси – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015.-480б.

6. Тафаккур гулшани, Гафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1981.

## **КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ**

Носирова С. Ш. Қизи – талаба – ТИҚХММИ

### **Аннотация**

Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳамда аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммоларни самарали бартараф этишда аёлларнинг роли ҳақида сўз борган.

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминловчи асос бўлиб қолмоқда. Унинг қутилган даражада ривожланиши мамлакат олдида турган бир қатор муаммоларнинг бартараф бўлишига имкон яратмоқда, жумладан, мамлакатда ишсизликлик даражасининг пасайиши, аҳоли моддий фаровонлигининг ошиши, давлат бюджети даромадлар қисмининг кўпайишига ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражасининг такомиллаштиришига олиб келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик айниқса, аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммоларни самарали бартараф этиш йўли бўлиб қолмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатда рақобатчиликнинг зарур муҳитини ҳосил қилиб, бозор шароитидаги кўпгина ўзгаришларга тезда мослаша олади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янгидан-янги қўшимча иш ўринларини яратади ва мамлакатда ижтимоий муҳитни таъминлаш учун ўрта синфни шакллантириш манбаи ҳисобланади[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кучли рақобатчилик муҳити шароитида улар доим ривожланишга мажбур бўлишади ва бозорнинг жорий шартларига мослашишларига тўғри келади, бошқа тадбиркорлик субъектларидан устун бўлишлари уларнинг фойда миқдорларининг ошиш манбаи ҳисобланади. Зеро, бозор иқтисодиёти инсонлар ўзлари истаганларидек ҳаёт кечириши учун барчани тинимсиз ҳаракатда бўлишини талаб этади. Хусусан, юртимизда аҳолининг қарийб 51 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозирда иқтисодиётнинг турли тармоқларида, бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳасида 62 фоиздан ортиқ аёллар ишламоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, шу орқали ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самарадорлиги ва натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида ҳолисона акс эттирилмоқда. Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш — 2018» ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнталikka киритилгани бунга яққол мисол бўла олади[2].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилда Олий мажлисга *муроҷатномаси*да кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашда бу соҳа улушини янада ошириш кераклигини таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари ҳозирги кунда *кўплабаёллар оила, жамият, давлат фаровонлиги йўлида хизмат қилиш истагини билдириши*моқда. Қандай авлоднинг вояга етиши айнан аёл кишига боғлиқ, зеро у фарзандни дунёга келтиради ва уни тарбиялайди. *Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, уларнинг нафақат оилада, балки мамлакатда олиб борилаётган ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш 2019 - йилдаги энг устувор вазифалардан бири ҳисобланмоқда.*



Марказий банк маълумотида кўра, жорий йилнинг 1 апрелига қадар тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 фоиз кўп, қарийб 680 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб аёлларнинг ўз мустақил бизнеси, даромад манбаига эга бўлиши ва турмуши фаровонлашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбиркорлик — осонишэмас, албатта. Унийўлгақўйиш, яхшинатижаларгаэришишучункаттабилимкерак. Ҳечқандайтушунчагаэгабўлмаган киши буборадамуваффақиятгаэришишикийин. Айниқса, аёллартадбиркорлигиюртимиздаэндиривожланишбосқичидаэканиниинобатгаолсак, уларгайўл-йўриққўрсатадиган, тўғримаслаҳатберадиганқўмакчизарур, ҳамда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалги ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор вазифалари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV йўналишидаги ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида илк бора «**Жамиятнинг ривожланишида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўрни**» шиори остидаги **I Республика тадбиркор аёллар форуми** бўлиб ўтди. Унда аёлларнинг тадбиркорлик соҳасида дуч келаётган муаммолари ва таклиф-истаклари ўрганилиб, бу борада мутасадди ташкилотларга керакли таклифлар киритилди. Қолаверса, тадбиркор аёллар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликда фаолият олиб боришда бир-бирига қўмаклашиш учун шарт-шароитлар яратиб берилди[3].

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги кунда Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда ҳамда ушбу ислохотлар натижасида уларнинг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда, бу эса тадбиркорлик салоҳиятини ошириш орқали аҳоли бандлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш учун имкониятлар кенг эканлигини кўрсатади.Ҳақиқатан ҳам бугун кенг тарғиб этилаётган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур билим ва кўникма талаб этилади.

Буборадатажрибалиинсонларвамутасаддиташкилотларқўмагиданфойдаланишяхшисамара беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Соқиев Ш. О “ Ўзбекистон Республикасининг Барқарор иқтисодий ўсиш тахлили” “Ўзбекистон иқтисодининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани- 66 бет

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

## ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

У.Р.Сангирова ТИҚХММИ, и.ф.н., доц, С.Дўстназарова ассистент – ТИҚХММИ

### Аннотация

Бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаркатлар стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни эришишда шубҳасиз аёлларнинг бекиёс ҳиссаси бор.

Ҳозир кунда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёлларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқдалар. Улардан 17 нафари сенатор, 15 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты бўлиб, 1 минг 75 нафафри эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритиб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки Мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган “Хотин-қизларни қўллаб –қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони қабул қилинди. Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди.

Оллоҳга шукурки, диёримизда ҳар бир ҳаракат қилган, интилган, меҳнат қилган, иқтидорли, қобилиятли бор инсонлар учун орзу-мақсад йўллари очиқ ва улар ўз меҳнатлари натижаси, ютуқларидан баҳраманд бўла оладилар. Бунинг учун мустақил юритимизда барча шароитлар, имкониятлар муҳайё. Айниқса, ўз оиласи фарзандлар тарбияси билан биргалликда, илм йўлини танлаган фидойи, оқила ва зукко олима аёлларни кўриб, дилингиз яйрайди.

Илм йўлидаги заҳматларни, машақатларни фақатгина уни чин дилдан севган, билишга, ўрганишга, яратишга, кашф этишга астойдил интилган инсонгина забт этиши мумкин экан. Бу – ирода, бу – ишонч, бу – эътиқоддир. Биз бу ўринда илм-фан ривожига, юрт равнақи, халқ манфаатига улкан ҳисса қўшаётган иқтисод фанлари доктори профессор Хосият Бахриддиновани ёшлар келажаги йўлида меҳнат қилаётган, зиёли, қалби илм шуурига тўла олима, энг иродали, эътиқодли кучли инсон дегимиз келади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Менежмент” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори Бахриддинова Хосият Ариповна узоқ йиллардан бери қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Шунингдек Хосият Бахриддинова талабаларга “Стратегик менежмент”, “Инновация менежменти”, “Экологик менежмент”, “Сув хўжалиги менежменти” фанларидан маърузалар олиб бормоқдалар. “Таълим тўғрисида ва кадрлар тайёрлаш” миллий дастурининг талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлашга катта маъсулият билан ёндашиб, фанларнинг ўқув адабиётларини таъминлашда катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шу ўринда айтиш кераки, улар томонидан чоп этилган “Стратегик менежмент”, “Экологический менеджмент”, “Инновация менежменти” номли ўқув қўлланмалар талабаларга сифатли билим беришда катта роль ўйнаб келмоқда. Профессор Х.Бахриддинова илмий фаолиятларида бир қанча шогирдларни тарбиялаб, уларни илмий йўлга йўналтирганлар.

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетининг 08.00.04 – “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича кафедралараро кенгайтирилган кенгашида

кафедраларнинг таянч докторанти ва докторантларнинг йиллик илмий тадқиқот ҳисоботлари ва уларнинг докторлик диссертациялари муҳокама этилиб борилади. Ушбу кенашда профессор Хосият Бахриддинова аъзо ҳисобланадилар. Кенгашда кўрилган илмий ишларнинг бир қанчасига тақриз берганлар ва илмий муҳкамада доим фаол бўлиб, ўзларининг илмий маслаҳатларини бериб келмоқдалар. Ҳозирги кунда таянч докторантлар Ж.Кучаров “Қишлоқ хўжалигида кадрлар тайёрлаш ва таъминоти тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари”, У.Холяров “Ўрмончилик хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлари”, Г.М.Абдуллаева “Тоғ ва тоғ олди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш хусусиятлари ва йўналишлари” мавзуларида профессор Х.Бахриддинова раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шу ўринда айтиш жоизки Хосият Ариповна ўз шогирдларига қаттиқўл ва меҳрибон, маслаҳати ва ёрдамини аямайдиган олима устоз, мураббийдир. Умумий айтганда ҳар бир шогирдининг илмий интилишлари, ҳатто ёзган мақоласи-ю, илмий ишларини кузатиб, унга баҳо беришга ҳам фурсат топадилар. Унинг ҳар ишни пухта ўрганиб унга илмий ёндашиши, ҳар бир кичик ишга ҳам жон куйдириб уни муҳим деб қараши олиманинг илмий салоҳияти юксаклигидан дарак беради.

Улар томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги, экология соҳасидаги долзарб муаммоларга доир кўплаб илмий ишлар чоп этилган. Буларнинг далили сифатида яқинда профессор Х.Бахриддинова томонидан энг долзарб ер ва сув ресурслари, экологик муаммолар, Орол денгизи муаммоларига бағишланган “Концептуальные основы экологического менеджмента” номли монографияси (2018 йил) чоп этилди. Ушбу монографияда бугунги кундаги экологик муаммолар, ерларнинг деградацияси, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, Орол денгизи ва Орол бўйи муаммоларининг бугунги кундаги ечимлари қамраб олинган ва кенг ёритилган. Шунингдек профессор Х.Бахриддинова томонидан бирқанча илмий мақолалар “KEY FACTORS OF SUSTAINABLE USE OF WATER RESOURCES IN CENTRAL ASIA”(Social science knowledge and sustainable agricultural development along the Silk Road. TPAME, IAMO Германия, 2018 йил), SIGNIFICANT ENVIRONMENTAL PROBLEMS THAT UNITE THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA (Modern European Researches/ Salzburg, Austria. 2018), “Перспективы развития науки и образования в современных экологических условиях» (Вестник Прикаспия, 2017 йил) хорижий давлатларнинг нуфузли журналларида чоп этилиб келинмоқда. Профессор Х.Бахриддинова «Проблемы обеспечения сохранности сельскохозяйственной продукции при транспортировке и пути их решения», «Актуальные вопросы права, экономики и управления» кабиларнинг масалаларни ёритган қатор илмий ишлари учун Ҳалқаро конференцияларда бир қанча Диплом ва Сертификатлар билан тақдирланган.

Профессор Х.Бахриддинова томонидан берилган илмий таклифлар асосида бугунги кунда бакалавр ва магистрларнинг ўқув жараёнларида фан дастурларини яратишда кенг тадбиқ этилиб келинмоқда. Шунингдек улар томонидан ёзилган бир қанча ўқув қўлланмаларда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ўз аксини топган.

Профессор Хосият Бахриддинова нафақат илмий-педогогик фаолиятида фаолдирлар, балки улар институт ва факультетимиз жамоа ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда жуда фаол бўлиб факультетимизнинг “Ёш олима аёллар” уюшмасининг раиси ҳисобланадилар. Ёш олима аёлларимиз опадан хамиша ўрнатқучлик ҳаракат қилиб келмоқдалар.

## ФАОЛ ХАЁТ ТАРЗИ – ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР МАХСУЛИДИР.

Юнусова Ф. Р. т.ф.н. доц. – ТИҚХММИ

### Аннотация

Ушбу мақолада хотин-қизларнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ўз фаолликларини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари, соғлом турмуш тарзини янада ривожлантириш масалалари қаратилган муаммолар ва вазифалар ёритиб берилган.

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт қонунлари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳаётининг тамойиллари булади. Табиийки буларнинг барчасини шакллантириш ва ривожланишига, уларга алоҳида маъно мазмун бағишлашга, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаб берадиган воқеалар бўлади[1]. 2016 йил 4 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳеч шубҳасиз ҳаётимиздаги ана шундай беқиёс ҳодисалардан бири бўлди. Чунки ана шу сайловда бутун Ўзбекистон халқи ўзининг буюк сиёсий иродаси, ҳуқуқий маданиятини намоян этиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёти, фарзандларимизнинг еруғ келажаги ва ҳақимизнинг фаровон ҳаёти учун онгли равишда овоз бердилар. 2016 йил 14 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши маросимига бағишланган Олий Мажлис йиғилишида Республика Президентини Ш.Мирзиёев нутқ сўзлаб, у яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бунда Президентимиз илк бор 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси”ни ишлаб чиқилган ҳақида ахборот берди. Кўп ўтмай 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси” тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та утivor йўналишлари бўйича харакатлар стратегияси мамлакатимизда ҳамда чет эл ижтимоий – сиёсий доиралар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Харакатлар стратегиясининг ҳар бир утivor йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дастурнинг 4-йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг утivor йўналишлари ўз ифодасини топган. Унда бир қанча долзарб муаммолар кўрилган бўлиб, улардан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўли билан соғлом турмуш тарзини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб хотин-қизларга гамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жихатдан қўллаб –қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қизларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди [2].

Хотин-қизларнинг ижтимоий –сиёсий фаоллигини ошириш оналик ва болаликни муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таркибидаги ўнлаб қонунлар, 80 га яқин Фармон ва қарорлари ҳамда бир қанча давлат дастурлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунинчиси, Асосий қонунимизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилгани хотин-қизларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириши, юртимиз равнақи йулида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишларига катта шароит яратиш келмоқда. Бундан ташқари юртимизда хотин қизларнинг ижтимоий-сиёсий майдондаги фаоллигини ошириш мақсадида 2004 йилда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб сиёсий партиялардан вакиллик органлари ҳамда, Парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар

учун 30% ли квота жорий этилди. Бунга биргина мисол қилиб Республикамизда аелларнинг 13 нафарига “Ўзбекистон Қахрамони” унвонини, 64 нафарига эса “Нихол” мукофоти берилди. Республикамизнинг Конституциявий суд тизимида аелларнинг ўрни 20%ни, Олий суд соҳасида 14,6%ни, ишлаб чиқариш тизимида 42,8%, қишлоқ хўжалик соҳасида қариб 43%, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9%ни, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3% ни ташкил эта этади. Бундан ташқари кейинги йилларда Республикамиз бўйича хотин-қизлар томонидан 300 дан ортиқ докторлик ва 3000 га яқин номзодлик диссертациялари химоя қилинди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 4 мартда, Халқаро хотин –қизлар куни арафасидаги мамлакатимизнинг етакчи хотин-қизлар вакиллари билан учрашиб, уларни, бугун юртимиз аелларини байрам билан табриклаб, мамлакатимизда мустақиллик йўлларида хотин-қизлар манфаатларини химоя қилиш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, бу борадаги долзарб вазифаларга атрофлича тўхтаб ўтди. Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қарори бу йўлдаги катта амалий қадам бўлди. Худудларда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиш, оилаларга кириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, хотин-қизлар, ешлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида етук ва масъул мутахассислар томонидан маҳаллаларда сайер қабуллар ташкил этилиб, зарур ҳуқуқий, психологик ва тиббий ердамлар кўрсатилади. Фуқороларнинг маиший муаммо ва камчиликлари жойларда ҳал этилади, уларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ердамлар кўрсатилади [3].

Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир фармони кучли, шиддатли тўлқинлар каби жамиятимизнинг фаолиятидаги барча жабҳаларни ҳаракатга келтиради.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони, мамлакатимиз аёлларига бўлган эътиборнинг юксак намунаси бўлади. Бу Фармон мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида бутунлай янги босқични бошлаб берувчи муҳим ҳужжатдир десак муболаға бўлмайди. Чунки, бугун хотин-қизларга қоғозда, сўзда эмас амалда эътиборни кучайтириш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қиляпти. [2]

Жамиятда бир аёлга кўрсатилаётган эътибор ўнлаб иснонлар тақдирида акс-садо беради. Президентимиз, ҳукуватимиз томонидан юзлаб, минглаб, ўн минглаб хотин-қизларга кўрсатилаётган эъзозу ардоқлар-чи? Бундай ғамхўрлик аёлнинг оиладаги, қолаверса жамиятдаги қадрини юксалтиради. Яшашга, меҳнат қилишга рағбатлантиради, кучига куч қўшади.

Фармонда белгиланган вазифалар, яъни : авваламбор хотин-қизлар фаолиятидаги нуқсонларни бартараф этиш йўллари бандма-банд кўрсатиб берилган, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий –ахлоқий муҳитни соғломлаштиришнинг янги тизимларини ишлаб чиқиш, муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги ана шу йўналишдаги саъий ҳаракатларни янги босқичга кўтаришга олиб келади деган умиддаман.

Бу Фармонда келтирилган вазифаларни ўқир эканман, ёшлик, талабалик даврларим ёдимга тушди. Хонадон файзи, оила умиди дея таърифланадиган қизларимиз бўлғуси она, уй бекаси, вафодор рафиқадирлар. Уларга билим бериш билан бир қаторда, уларни келажакдаги масъулиятли ва шарафли вазифага тайёрлаш бугун нафақат ота-онанинг, балки институтимизда фаолият кўрсатаётган аёл профессор –ўқитувчиларнинг ҳам вазифасидир.

“Олма дарахтининг тагига олма тушади”, деганларидек, биз ҳар бир айтган сўзимиз, қилган амалларимиз билан талаба қизларимизга ўрнатилган бўлишимиз керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишни пухта ўйлаб амалга оширишимиз лозим. Улар қалбига аввало, оқила момоларимиз ўғитларини сингдиришимиз зарур. Шу билан бирга институтимиз “Маънавият ва маърифат” бўлими, “Хотин-қизлар қўмитаси” нинг иш

режаларига асосланган ҳолда, талаба қизларни оилага тайёрлаш, уларни ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш муомала маданияти, кийиниш маданияти каби масалалари бўйича давра суҳбатлари ўтказиш (мутасадди органлар ходимлари ёрдамида) мақсадга мувофиқдир.

Фармонга мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳудудларнинг ҳар биридан икки нафар талабгорга берилиши белгилаб қўйилгани таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган қизларимизнинг имкониятларини янада кенгайтиради [4]. Шу боисдан биз ҳам талаба қизларимиз орасида тушунтириш ишларини олиб бориб, уларни фаол ҳаёт тарзига ўтишларида яқиндан ёрдам беришимиз зарур. “Фаол ҳаёт тарзи” – бу орзу қилиш ва уларни амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилиш демакдир. Орзулар амалга ошган сари инсоннинг фаоллиги янада ортади, натижада янги ва яхши ўзгаришлар вужудга келади. Ҳар қандай жамиятдаги яхши ўзгаришлар маърифатли инсонлар қалбидан бошланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент 2017. февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5325-сонли Фармони – Тошкент 2018. февраль
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий Услубий Рисола, -Тошкен 2017.
4. “Саодат” , Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безаклижурнали, Тошкент 2018 январ.

## **ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ УЧУН ХОТИН-ҚИЗЛАРДАН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУҲИМ ВАЗИФА**

**Абдурахмонов А. А., талаба, Аширова О. А.на(PhD), - ТИҚХММИ**

#### **Аннотация**

2017 йил 24 майда Президентимизнинг “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Соҳа мутахассисларининг таҳлилларига кўра, кейинги йилларда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “қишлоқ хўжалигини механизациялаш”, “гидромелиорация ишларини механизациялаш”, “мелиорация ва сув хўжалиги”, “гидротехника иншоотларидан фойдаланиш” ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг бошқа йўналишлари бўйича 8 мингдан ортиқ муҳандис-техник кадр тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тармоқ корхоналари ва ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эмаслиги кадрлар тайёрлаш, айниқса, қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида аёл кадрлар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун аёл муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва илмий-техник салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, илмий-педагог

кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бу соҳада кадрлар тайёрлаш асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига юклатилган.

Мазкур институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш, битирувчиларни ишга жойлаштиришда тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларнинг хорижда малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш мақсадида чет эл таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан иборат.

Бугун хотин-қизларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида:

тармоқни комплекс модернизация қилишда, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илғор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга оширишда;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиёт тармоқлари экспорт салоҳиятини оширишда, бозор конъюнктураси юзасидан чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказишда, хорижий инвестициялар ва беғараз техник кўмак маблағларини жалб қилишда;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этишда;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашда, давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштиришда, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлашда;

қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантиришда, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини оширишда, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялашни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлашда фаола иштирок этишмоқда.

Шунингдек, хотин-қизларимиз:

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга оширишда ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда;

сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда;

ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўришда;

ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофаза қилинишини ташкил этишда;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари масъулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришда;

сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илғор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишни бошқариш тизимида инновацион услубларни жорий қилишда;

сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўришда;

чегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини жалб қилишда, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишмоқда.

## **ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН**

*Ст. Пр. Ахмедова Д.Б., Комилжоновна Г. студентка  
1-го курса Факультета «Узр» - ТИҚХММИ*

### **Аннотация**

Правительство Узбекистана постоянно работает над проблемой занятости женщин, решая тем самым проблему экономической независимости. Большой прирост занятости населения и, в особенности женщин, достигнут из-за развития новых форм домашнего труда, ремесленничества, семейного бизнеса. Льготные кредиты предоставляются малым предприятиям, использующим преимущественно женский труд и возглавляемые женщинами.

Женщины в Узбекистане активно реализуют себя практически во всех отраслях экономики – 48 % в сфере управления и производства. Сегодня их число растет и в сложных высокотехнологичных отраслях – фармацевтика, электронная и электротехническая промышленность, система ИКТ и даже автомобилестроение. Около 70% педагогов, работающих в общеобразовательных школах – женщины. Среди директоров школ – 35%, заместителей директоров школ – 47%, руководители центров – 56%. В высших образовательных учреждениях – 43% профессорско-преподавательского состава, в сфере здравоохранения – 78%.

Основными направлениями повышения социально-политической активности женщин согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.<sup>3</sup> являются:

- усиление их роли в управлении государством и обществом;
- обеспечение занятости женщин, выпускниц профессиональных колледжей;
- широкое привлечение их к предпринимательской деятельности;
- дальнейшее усиление основ семьи.

В экономике республики доля женщин и мужчин на начало нового столетия составила 44% и 56%, соответственно. Традиционные для женщин сферы приложения

---

<sup>3</sup> Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 гг. Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042)



труда – образование, здравоохранение, культура, искусство, наука и научное обслуживание. Изменения, происходящие в республике в условиях экономического роста, положительно отразились на положении женщин, созданы условия для расширения их занятости, повышения минимальной и средней заработной платы, пенсионных выплат, материнских пособий и пособий для детей.

Советом Федерации профсоюзов Узбекистана ведется системная работа по обеспечению социально-экономических интересов и трудовых прав женщин. В этих целях при Федерации профсоюзов создан совет женщин, а при отраслевых и территориальных профсоюзных организациях действуют комиссии по работе с женщинами. В частности, через коллективные договоры и соглашения создаются дополнительные льготы и гарантии для них. Вся работа ведется в социальном партнерстве государства, профсоюзов и работодателей.

Так, на предприятиях и в организациях молодым матерям с детьми в возрасте от 2 до 3 лет через коллективные договоры оказывается материальная поддержка. Для работающих матерей на предприятиях негосударственного сектора установлено рабочее время, не превышающее 35 часов в неделю, с сохранением заработной платы. Работницы, имеющие ребенка в возрасте до 2 лет, пользуются перерывами для кормления ребенка, данные перерывы включаются в рабочее время, оплачиваются по среднемесячному заработку.

Для обеспечения лиц с семейными обязанностями возможностями для совмещения трудовой деятельности и ведения домашнего хозяйства предлагается:

- расширить сферы применения надомного труда путем реализации программ укрепления кооперационных связей между предприятиями и надомницами. Для этого целесообразно ввести в программы развития надомного труда показатель вовлеченности в данную кооперацию женщин;
- расширить сеть детских дошкольных учреждений, в том числе ясельного типа, особенно — в сельской местности.

Таким образом, с целью расширения возможностей трудоустройства женщин необходимо реализовать нижеследующие мероприятия:

- усовершенствование механизма непрерывного профессионального совершенствования женщин с целью предоставления им возможности конкурировать с мужчинами на рынке труда;
- разработка и внедрение государственной программы по поддержке женского предпринимательства с привлечением всех заинтересованных сторон и выделением средств из бюджета для выполнения данной программы;
- укрепление и развитие системы финансово-кредитной поддержки женского предпринимательства через микрокредитование;
- усиление взаимодействия малого бизнеса с системой организации надомного труда для безработных женщин, как в городе, так и на селе.

#### **Литература:**

1. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 гг. Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042)
2. . Ассоциация деловых женщин Узбекистана: Тадбиркораёл. [На русском языке]. Презентация во время круглого стола на тему «Гендер и экономика» на Международной конференции по усилению субрегионального экономического сотрудничества в Центральной Азии и будущей роли Специальной программы ООН для экономических систем Центральной Азии, Астана, 26 мая 2005г.

3. 2009в. Уровень развитости предпринимательства среди сельских женщин Узбекистана и пути расширения их экономических прав и возможностей. Предварительный отчет. Манила: Азиатский банк развития, Программа развития ООН и Гендерная программа Посольства Швейцарии. Азиатский банк развития (АБР). 2003. Гендер и развитие. Манила.

## **РОЛЬ ЖЕНЩИНЫ В СОХРАНЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ ИНСТИТУТА СЕМЬИ.**

*Ст. Пр. Ахмедова Д.Б.*

*Жакипова(Алибаева) М. студентка 1-го курса Факультета «Узр» - ТИҚХММИ*

В 1948 Всеобщая декларация прав человека закрепила что материнство и младенчество дают право на особое попечение и помощь (п 2 ст 25)\*. Помимо общих документов по правам человека, содержащих отдельные положения об охране материнства, важно отметить документы, специально посвященные правам женщин. В них раскрывается содержание прав женщин, связанных с материнством. Так Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин 1979 году, предусматривает “право женщин на свободу от дискриминации, в том числе и в области охраны материнств”. Узбекистаном данная конвенция была ратифицирована в 1997 году 30 августа.

В Узбекистане вопросы охраны семьи возведены в ранг государственной политики. Социальный потенциал семьи-это ее важный вклад в жизнедеятельность и развитие общества, ее роль в решении стоящих передним задач. Состояние здоровье матери и ребенка является важнейшим индикатором уровня социально-экономического развития страны. Ведь сохранения генофонда нации зависит от здоровья женщины-матери.

Государство признает важная значения решению наиболее острых проблем семьи, материнства и детства. Семья находится под защитой общества и государства.

За год независимости Узбекистана исторические культурные ценности и самобытные национальные традиции, в том числе связанные с институтом семьи, не только сохранились, но и получили дальнейшее развитие. Как мы видим семейные ценности возрождаются вместе с народом своего государства.

Сегодня в Узбекистане проводится полномасштабная работа по реформированию всех сфер общества. В данном случае можем отметить принятый Указ Президента 2 февраля текущего года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи».

В указе говорится о наличии ряда системных проблем и не остатков, препятствующих созданию эффективных механизмов по всесторонней поддержке женщин, организации целевой работы с ними, укреплению и оздоровлению духовно-нравственной среды в семьях. В частности: отсутствует система адресной поддержки женщин, нуждающихся в помощи и находящихся в тяжелом социальном положении, не проводится целенаправленная работа по подготовке молодежи к семейной жизни, также остается на низком уровне результативность мер по предупреждению ранних браков, конфликтных ситуаций в семьях и разводов, плохо организована деятельность по охране репродуктивного здоровье женщин, отсутствует эффективная система профилактики и предупреждения материнских и перинатальных заболеваний, особенно в отдельных сельских местностях, не принимаются эффективные меры по профилактике правонарушений и недопущению преступности среди женщин, отсутствие необходимых источников финансирования и неопределенность структурной принадлежности

Республиканского научно-практического центра «Оила» не способствует эффективному выполнению возложенных на него задач по изучению проблем семьи и выработки практических, научно обоснованных предположений по их устранению.

Уважение личности и семьи сегодня является фундаментом социальной политикой нашего государства. Проблемы семьи ныне становятся приоритетом экономического и политического развития Узбекистана, его социальной сферы. Усиление внимания и заботы о молодых семьях, обеспечение их правовой и социальной защиты, оказание широкой материальной и моральной поддержки семьям достойны высочайшей оценки и вызывает интерес к изучению опыта Узбекистана со стороны международного сообщества. Семья в жизни каждого человека играет большую роль. И только мудрая и любящая семья может подарить чувство защищенности, любви. Действительно, семья выступает важнейшим фактором формирования личности, как в отношении детей, так и супругов, так как жизнь в браке является процессом, играющим большую роль в жизни общества.

Семья остается основным социальным институтом, который обеспечивает своим членам экономическую, социальную и физическую безопасность, заботу о малолетних, пожилых и больных. Семья обеспечивает условия для социализации детей, молодежи и, что важнее всего, объединяет своих членов чувством любви, общности, даёт возможность делиться с другим трудностями и радости жизни. Определяя семью как основной фактор. Влияющий на формирование личности каждого человека, необходимо также отметить её психическое значение, так как именно в семье формируются все те качества личности, которые предоставляют ценность для общества. Каждого человека семья защищает от стрессовых и экстремальных ситуаций. Уют и тепло домашнего очага, реализация потребности в доверительном и эмоциональном общении, сочувствие, сопереживание, поддержка- все это позволяет человеку быть более стойким к условиям современной и порой беспокойной жизни.

Стабильность института семьи, его устойчивость являются гарантом успешного и всестороннего развития страны в целом. У каждой нации и народности есть семейные традиции и связанные с этим правовые отношения. Исходя из этого, а также задач, состоящих перед воспитанием и обучением подрастающего поколения, основанного на традициях народа, изучение и распространение опыта выдающихся достижений народной педагогики, разработка научных основ использования их в современном семейном воспитании. Одним из главных принципов государственной политики является приоритет общечеловеческих и национальных культурных ценностей.

И как отмечает глава республики Ш.Мирзиёев: «В современных условиях глобализации мы не должны забывать об истинных, фундаментальных ценностях, которые составляют основу любого государства и общества. Именно в семье подрастающее поколение получает духовно-нравственное воспитание, учится быть ответственным и небезразличным».

В настоящее время воспитание детей на общечеловеческих ценностях приобретает особую глубину и значимость, так как формирует сознание личности, облегчает приобщение к ним новых участников. Интерес к народным традициям продиктован потребностью извлечь уроки воспитания из прошлого. Именно поэтому в нашей республике уделяется особое внимание содержанию и процессу формирования культуры поведения на народных традициях.

### **Литература**

1. Конституция Республики Узбекистан Т.1914
2. Указ Президента « О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» 2018года
3. Всеобщая декларация прав человека. Принята резолюцией 217А(III) генеральной ассамблеи ООН от 10декабря 1948г.

## 2-ШЎБА

### **TADBIRKOR AYOLLAR FAOLLIGINI OSHIRISH MAMLAKATIMIZ IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING MUHIM OMILLARIDAN BIRI**

*Avazov N. R. o`g`li , - TDIU talabasi*

#### *Annotatsiya*

Bugun mamlakatimizda ayollarning jamiyatda tutgan o`rni va haq-huquqlari haqida faxr va iftixor bilan juda ko`p misollarga, fakt va dalillarga tayangan holda uzoq gapirish mumkin. Darhaqiqat, mustaqillikka erishgan ilk yillarimizdanoq, xotin-qizlarga bo`lgan yuksak darajadagi e`tibor va e`tirof davlat siyosati darjasiga olib chiqilgani endilikda o`zining yuqori samaralarini ko`rsatmoqda. Biz mamlakatimiz taraqqiyotini, jamiyatimiz rivojini ayollarsiz, ularning faol ishtirokisiz tasavvur eta olmaymiz. Shu bois yurtimizda ayol huquqi, erkinligi, tengligi eng oliy, muqaddas qadriyat darajasiga ko`tarildi.

Keyingi vaqtlarda O`zbekistonda bu borada keng ko`lamli, katta hajmdagi izchil islohotlar amalga oshirib kelinmoqda. Xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini qat`iy kafolatlovchi mustahkam qonunchilik bazasi shakllantirildi va bu jarayon tobora takomillashtirib borilmoqda. Bir so`z bilan aytganda, ayolga izzat-hurmat, e`zoz-ehtirom ko`rsatish — millatga ehtirom ko`rsatishning bosh omiliga aylandi.

Kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etishda fuqarolarning ijtimoiy-siyosiy jarayonlarda faol ishtirok etishlari muhim ahamiyatga ega. Bu borada mamlakatimizda xotin-qizlarning huquqiy va siyosiy savodxonligini oshirish, davlat va jamiyat boshqaruvida faol ishtirokini ta`minlash masalasiga alohida e`tibor qaratilmoqda. Zero, fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda ayollarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, barkamol avlod tarbiyasida xotin-qizlarga keng imkoniyatlar yaratish demokratik qadriyatlarni amalda ro`yobga chiqarish kabi vazifalar bilan bog`liqdir.

Mamlakatimiz hayotida davlat boshqaruvini demokratlashtirish va yanada liberallashtirish islohotlari jarayonida ayollarning huquq va erkinliklarini ta`minlash, siyosiy ongi va madaniyatini yuksaltirish borasidagi sa`y-harakatlar demokratik qadriyatlarning ijtimoiy hayotimizda o`z aksini topishida tamal toshi bo`lmoqda. Bularning bari istiqbolimizning dastlabki yillaridan boshlab mamlakatimiz hayotida xotin-qizlar faolligini oshirishga, ularning huquq va erkinliklarini ta`minlashga alohida ahamiyat qaratilganining amaldagi natijasidir.

Shu o`rinda yaqin tariximizga bir nazar tashlasak, muhtaram Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug`aniyevich Karimov tashabbusiga ko`ra 1991 yilning yozidayoq jamiyatda ayollar ro`lini yanada oshirishga xizmat qiladigan va ayniqsa, mamlakatda demografik vaziyatning xususiyatlarini inobatga olgan holda sobiq ittifoqda birinchilardan bo`lib O`zbekiston xotin-qizlar qo`mitasi qayta tiklandi.

Ayollarimizning davlat va jamiyat qurilishidagi ro`lini kuchaytirish, boshqacha aytganda, ularning siyosiy huquqlarini ta`minlash maqsadida 2004 yilda qabul qilingan «O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylovlar to`g`risida»gi Qonunga muvofiq, siyosiy partiyalardan ayollar nomzodini ko`rsatish bo`yicha 30 foizlik kvota joriy etildi. 1999 yilda O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga o`tkazilgan saylov yakunlari bo`yicha jami saylangan

deputatlarning 7 foizini xotin-qizlar tashkil etgan bo'lsa, 2005 yilda bu ko'rsatkich 16 foizga yetdi. 2009 yilda ikki palatali parla-mentga o'tkazilgan saylovdan so'ng xotin-qizlar quyi palata umumiy tarkibining 22 foizini tashkil etdi. 2014 yildagi saylovlardan so'ng esa, 24 nafar xotin-qiz Qonunchilik palatasida deputat sifatida saylandi.

Hozirgi vaqtda mamlakatimizda turli soha va tarmoqlarda mehnat qilayotgan ishchi va xizmatchilarning 45 foizini xotin-qizlar tashkil etadi. Jumladan, davlat va jamoat tashkilotlari tizimida 1 ming 400 ga yaqin ayollarimiz rahbarlik lavozimlarida mehnat qilmoqda. Ulardan 17 nafari senator, 16 nafari Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati bo'lib, 1 ming 75 nafari esa xalq deputatlari mahalliy kengashlari tarkibida faoliyat yuritmoqda.

Umuman, bugungi kunda mamlakatimizning siyosiy hayotida, davlat va jamiyat boshqaruvida, iqtisodiyotimizning barcha tarmoqlarida, madaniyat, ilm-fan, xalq ta'limi, sog'liqni saqlash, sport kabi ijtimoiy sohalarda ayollarimizning o'rni va ro'li ortib borayotganligi quvonarli holdir.

Ayniqsa, fermerlik, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, ishbilarmonlik faoliyati kabi sohalarda ham xotin-qizlarning faol ishtiroki va nufuzi tobora kuchaymoqda. Ayollarga o'z biznesini rivojlantirishi uchun salmoqli moliyaviy mablag'lar ajratilmoqda. Masalan, agar 2004 yilda ayol tadbirkorlarga qariyb 90 milliard so'm kreditlar berilgan bo'lsa, 2017-yili mamlakatimiz bo'yicha 120 mingdan ortiq tadbirkor xotin-qizlarga jami 2 trillion 700 milliard so'mlik kreditlar berildi, 84 mingdan ziyod xotin-qizlarimiz doimiy ish joylari bilan ta'minlandi<sup>4</sup>.

O'zbekistonda ayollar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha izchil va tizimli siyosatning asosiy yo'nalishlari esa, quyidagilar hisoblanadi:

- **birinchidan**, ayollar huquqlari va manfaatlarini himoya qilish, onalik va bolalikni muhofaza qilish sohasida qabul qilingan qonun hujjatlarini bajarilishini ta'minlash hamda huquqiy asosni yanada takomillashtirish bo'yicha choralar ko'rish;

- **ikkinchidan**, ayollar huquqlarini himoya qilish bo'yicha ishlarning ahvolini doimiy ravishda va kompleks monitoring qilish, ularning oilada, jamiyatda hamda jamoat va davlat ishlarini boshqarishdagi rolini oshirish;

- **uchinchidan**, ayollarning bandligini ta'minlash bo'yicha samarali choralar qabul qilish va amalga oshirish, ularni ishga joylashtirish uchun har tomonlama yordam ko'rsatish, ayollar orasida, ayniqsa, qishloq joylarida tadbirkorlikning turli shakllarini rivojlantirish;

- **to'rtinchidan**, ayollarning ijtimoiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy faolligini oshirishga qaratilgan tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish, ayollar nodavlat notijorat tashkilotlarining mamlakatning ijtimoiy va siyosiy hayotida faol ishtirok etishi uchun ko'maklashish.

Umuman, O'zbekistonda xotin-qizlarning jamiyatdagi o'rni va mavqeiini mustahkamlash borasida davlat ahamiyatiga molik salmoqli ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Zero, jamiyat rivojini xotin-qizlarsiz, ularning ishtirokisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Shu bois ayollarning oilada ham, davlat va jamoat ishlarida ham emin-erkin faoliyat yuritishlari, ularning huquq va manfaatlarini ro'yobga chiqarish yo'lida mamlakat miqyosida qator chora-tadbirlar ishlab chiqilib, hayotga joriy etilmoqda.

Mamlakatimizda izchil amalga oshirilayotgan islohotlarning ustuvor yo'nalishlaridan biri – bu kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishdir. Bugungi kunda ayollar tadbirkorligini rivojlantirish, sohaga ilg'or texnologiyalarni keng joriy etish, ishbilarmonlarga yanada erkinlik berish maqsadida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Natijada ayollar tadbirkorlik sub'ektlari soni ko'payib, ular aholi bandligi va turmush farovonligini ta'minlashga munosib hissa qo'shayapti. Bu borada O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi tomonidan ham qator loyihalar ya'ni, "Mahallaning eng namunali tadbirkor ayoli", "Tadbirkor qizning eng yaxshi loyihasi" kabi respublika tanlovlari va boshqa ko'plab seminar, konferensiya, forumlar o'tkazilib kelinmoqda, bundan oqilona foydalanayotgan opa-singillarimiz tadbirkorlikda ham samarali

---

<sup>4</sup>stat.uz

faoliyat ko'rsatib, nafaqat oilasiga naf keltirayapti, balki iqtisodiyotimiz rivojiga munosib hissa qo'shmoqdalar.

Yurtimizda aholining qariyb 51 foizdan ziyodini xotin-qizlar tashkil etadi. Hozirgi kunda iqtisodiyotning turli tarmoqlarida, boshqaruv va ishlab chiqarish sohalarida 62 foizdan ziyod ayollar ishlamoqda. Avvalgi yilda ayollar xalq xo'jaligida band bo'lganlarning 46 % ni, jumladan, sanoatda 52%, savdoda 37%, sog'liqni saqlashda 73%, qishloq xo'jaligida 48%, ta'lim tizimida 60%, boshqaruv sohasida 32% ni tashkil qildi. Bugungi kunda kichik biznes sub'ektlarining 120 mingdan ziyodini, xususan fermer xo'jaliklarining 4 ming 551 nafarini xotin-qizlar boshqarmoqda. So'nggi 10 yil davomida kichik va xususiy korxonalarni boshqarayotgan ayollar soni 1,6 barobarga o'sdi. Ularning 40 foizdan ortig'i kichik biznes sub'ektlarining rahbarlaridir. Markaziy bank ma'lumotiga ko'ra 2018-yilning 1-aprel holatiga ko'ra holatiga ko'ra tadbirkor ayollarni qo'llab-quvvatlash uchun tijorat banklari tomonidan 2017- yilning shu davriga nisbatan 25,5 foiz ko'p ya'ni 679,423 mlrd. so'm mablag' yo'naltirildi<sup>5</sup>. Shuningdek, respublikamizda ishlab chiqarish jarayonlarini xalqaro andozalar talablari darajasida yo'lga qo'yish, barqaror iqtisodiy o'sishga erishish, iste'mol mollari bozorini sifatli tovarlar va xizmatlar bilan to'ldirish, ayniqsa, aholini ish bilan ta'minlashda ham ayollar tadbirkorligining ahamiyati beqiyos hisoblanadi. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, ayollarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish, biznes g'oyalarini qo'llab-quvvatlash hamda imtiyozli kreditlar bilan ta'minlashga ko'maklashish, ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasining asosiy dasturiy vazifalaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi kunda keskin sur'atlarda rivojlanayotgan iqtisodiyotimizda ayollarning ijtimoiy, madaniy va iqtisodiy hayotdagi faolligini oshirish va ayollar tadbirkorligini rivojlantirish muhim hisoblanadi. Bu haqida prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmonida amaliy vazifalar belgilab berildi.

"O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmonda beshta ustuvor yo'nalish belgilab berilgan. To'rtinchi ustuvor yo'nalish "Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari" deb nomlandi va shu sohani rivojlantirishga qaratildi. Bu ustuvor yo'nalishning ikkinchi bandi "Aholini ijtimoiy himoya qilish va sog'liqni saqlash tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish" deb nomlangan va bu sohada quyidagi vazifalar belgilab berilgan:

- aholiga majburiy ijtimoiy kafolatlarni ta'minlash, aholining ehtiyojmand qatlamlarini ijtimoiy himoyasini hamda keksalar va imkoniyati cheklangan shaxslarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni kuchaytirish, ijtimoiy xizmat ko'rsatishni yaxshilash, aholiga ijtimoiy xizmatlar ko'rsatishda davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish;
- aholiga tibbiy va ijtimoiy-tibbiy xizmat ko'rsatish qulayligi hamda sifatini oshirishga, aholi o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirishga, tibbiyot muassasalarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlashga yo'naltirgan holda sog'liqni saqlash sohasini, eng avvalo, uning dastlabki bo'g'inini, tez va shoshilinch tibbiy yordam tizimini yanada isloh qilish;
- oila salomatligini mustahkamlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, onalar va bolalarning sifatli tibbiy xizmatdan foydalanishni kengaytirish, ularga ixtisoslashtirilgan va yuqori texnologiyalarga asoslangan tibbiy yordam ko'rsatish, chaqaloqlar va bolalar o'limini kamaytirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni yanada kengroq amalga oshirish;
- xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ularni davlat va jamiyat boshqaruvidagi o'rnini kuchaytirish, xotin-qizlar, kasb-hunar kolleji bitiruvchi qizlarining bandligini ta'minlash, ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish, oila asoslarini yanada mustahkamlash;

---

<sup>5</sup>[www.uzhurriyat.uz](http://www.uzhurriyat.uz)

- pensionerlar, nogiron, yolg'iz keksalar, aholining boshqa ehtiyojmand toifalarining to'laqonli hayot kechirishlarini ta'minlash uchun ularga tibbiy-ijtimoiy yordam ko'rsatish tizimini yanada rivojlantirish va takomillashtirish;
- farmatsevtika sanoatini yanada rivojlantirish, aholi va tibbiyot muassasalarining arzon, sifatli dori vositalari va tibbiyot buyumlari bilan ta'minlanishini yaxshilash, dori-darmonlar narxlarining asossiz o'sishiga yo'l qo'ymaslik bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- aholi o'rtasida kasallanish ko'rsatkichlari pasayishini va umr uzayishini ta'minlash<sup>6</sup>.

Bu izchil ishlar amalga oshirish maqsadida Prezidentimiz tomonidan "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni qabul qilindi. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev ta'бири bilan aytganda: "Farmonga asosan Xotin-qizlarni va oilani har tomonlama qo'llab-quvvatlash jamoat fondi tuzilib, uning faoliyatini samarali tashkil etish uchun hozircha 300 milliard so'm mablag' ajratilmoqda.

Ana shu mablag' hisobidan xotin-qizlar bandligini ta'minlash, mehnat sharoitlarini yaxshilash, ayniqsa, qishloq joylardagi yosh qizlarni oilaviy va xususiy tadbirkorlikka, hunarmandlikka keng jalb etishga alohida e'tibor qaratiladi. Bu boradagi sa'y-harakatlar faol tadbirkorlikni rivojlantirish, ayollarning oiladan, farzand tarbiyasidan ajralmagan holda kasanachilik, tomorqachilik bilan shug'ullanishi uchun zarur sharoit yaratadi."

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish mumkinki, hozirgi kunda ayollar tadbirkorligini rivojlantirish uchun juda katta amaliy ishlar bajarilmoqda. Tadbirkor ayollarimizga o'z faoliyatini rivojlantirish uchun juda ko'plab imkoniyatlar yaratilib berilmoqda. Bulardan tashqari biz quyidagi masalalarni ijobiy hal qilish orqali bu sohani yanada rivojlantirishimiz va salmoqli iqtisodiy samaraga erishishimiz mumkin:

- respublikamizda ayollar tadbirkorligini rivojlantirish bo'yicha faoliyat yuritayotgan davlat va nodavlat tashkilotlari tomonidan amalga oshirilayotgan loyiha hamda dasturlarini sonini ko'paytirish va monitoring qilish;
- davlat va jamoat birlashmalari, nodavlat notijorat tashkilotlari bilan birgalikda ayollarning ijtimoiy – iqtisodiy qo'llab-quvvatlash;
- ayollar o'rtasida tadbirkorlikni rivojlantirish hamda bandlikni ta'minlash muammolarini hal etishga qaratilgan istiqbolli rejalar ishlab chiqish;
- kasb-hunar kollejlari va akademik litsey bitiruvchi qizlarini, shuningdek uyushmagan ayollarni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish;
- ayol tadbirkorlar o'rtasida o'zaro amaliy-ijodiy hamkorlik muhiti, o'zaro tajriba almashish va hamkorlikda faoliyat olib borishda bir-biriga ko'maklashish uchun shart-sharoitlar yaratib berish, ularni ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish yo'nalishida birlashtirish.

Hozirda mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishda tadbirkorlik eng muhim omillardan biri hisblanadi. Shu ma'noda muhtaram prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tadbirkorlar haqida shunday fikr bildirgandi: "Tadbirkor-bu haqiqiy fidoiy inson. Shaxsan men bunday odamlarni yoki, mayli, ikkita bo'lsa ham ish o'rni yaratgan tadbirkorni boshimga ko'tarishga tayyorman. Shuning uchun, tadbirkor boy bo'lsa, davlat ham, xalq ham boy bo'ladi, degan fikrni qayta-qayta takrorlashdan men charchamayman. Tadbirkorlik yo'liga qarshi chiqish –davlat siyosatiga, Prezident siyosatiga qarshi chiqishdir". Bundan ko'rinib turibdiki, tadbirkorlik faoliyati subyektlari sonini oshirish iqtisodiyotimiz uchun muhim hisoblanadi. Bunda tadbirkor ayollar faolligini oshirish esa mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishning eng muhim omillaridan biri hisoblanadi.

---

<sup>6</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvori yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" to'g'risidagi farmoni, 2017 yil 7 fevral, PF-4947.

## АЁЛЛАРНИНГ ОИЛАДА, МАҲАЛЛАДА ВА ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Тўхтаева Н.Б. – катта ўқитувчи – ТИҚХММИ

### Аннотация

Кўхна Шарқда аёл доимо эъзозу эътиборда бўлиб, унинг оналик манфати, шаънини химоя қилиш Ватанни химоя қилиш билан баробар саналади. Аёлларимиз шаъни “Жаннат аёллар оёғи остидадир” дея улуғланган.

Фан ва таълим-тарбия тизими олдида турган энг долзарб масалалардан бири инсон дунёқарашини шакллантиришдир. Айнан шу жараёнда аёллар ва ёшларга алоҳида эътибор қаратаётганлигини эътиборли томони шундаки, бутун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёллар ва ёшларимиздек, десак муболаға бўлмайди.

Аёлларнинг оила ва бола тарбиясидаги роли жуда катта. Оила – муқаддас даргоҳ. Оилада урф-одатларимиз, кадриятларимиз ривож топади. Аёл қанчалик чاقқон, ишбилармон, тўғрисўз, саришта бўлса, оила шунчалик гўзал ва бахтли бўлади. Болани туғилиши, униб ўсиши ва ақл идроки фарзанд бўлиб вояга етишида аёлнинг меҳнати юксак ва шарафлидир.

Жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе ёки лавозимни эгаллашидан қатъий назар, аёл- оилада она. Оила деб аталмуш муқаддас маконда фарзандларининг руҳан, ҳам жисмонан соғломлигини таъминлаш вазифаси аёлнинг зиммасига юклатилади. Мактабда ўқитувчининг ўз предмети бўйича билимдончилик даражаси, касбий маҳоратларини нечоғлик чуқур эгаллагани ҳамда унинг инсоний фазилатлари тарбияланувчиларида инсоний сифатлар шаклланишида қай даражада аҳамиятли экани аён.

Оила ва ундаги муҳитни, ота-онанинг билимдонлиги даражасини жамият миллий тарбияшунослик олдида кўяётган талабларга мослаштириш, фарзандлар етуклиги нафақат ота-она учун, балки жамият ва миллат учун ҳам қанчалар аҳамиятли эканлигини аёлларга англатиш даври аллақачон келган. Бола тарбияси-жуда нозик масала.

Аёл дунё бешигини тебратган, жамики инсон учун волида, у аввало вафоли, муҳаббат, садоқат, бардош ва сўнмас кўшиқ. Шарқда уни волида, ожиза деб аташади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида оила масаласига ҳам катта эътибор берилди бошланди. Аёл кадр-қимматини янада ошириш, оила фаровонлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек: “Аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромни жойига кўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг жойлардаги ҳокимларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим”.

Оиласиз жамият, давлат бўлмагани каби, аёлсиз оилани ҳам тасаввур этиш қийин. Аёл-оила посбони, фарзандларимиз ҳомийси, фаровон, гўзал ҳаётимиз гарови, хонадонимиз файзидир. Ўзбек аёлининг шаклланиш тарихи халқимизнинг кўхна тарихи билан боғлиқдир. Шарқ аёллари шаклу шамойили, сийрати, маънавий таъсири беқиёс.

Маҳалла ҳаётида аёллар муҳим ўрин тутди. Чунки оила ғам-ташвишлари, кундалиқ ҳаётда муоммоларини ҳал қилиш, тўй ва маросимларни ўтказиш, анъанавий ўзбек маданиятини аёллар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маҳалла доирасидаги ижтимоий муносабатларнинг мувофиқлашуви, обод ва барқарор ҳаёт тарзининг шаклланиши аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришни тақозо қилади. Ушбу фаоллашувнинг қуйидаги асосий шакллари белгилаш мумкин.



1. Маҳалла бошқарув органларида аёллар даражасини ошириш. Маҳалла ҳаёти билан боғлиқ бўлган муоммоларни ечишда аёллар фаол иштирокини таъминлаш.
2. Аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби масалалар юзасидан амалий тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.
3. Маҳалла аёллар ижтимоий таъминоти, оиланинг ижтимоий иқтисодий ҳимоялаш тадбирларини амалга ошириш.

Маҳалла ҳаётида аёллар ижтимоий мавқеини ошириш, бошқарув ишларида фаол қатнашувини таъминлаш макро-ижтимоий муносабатлар доирасида ҳам уларнинг сезиларли даражадаги таъсирини белгилайди.

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, аёлнинг жамиятдаги ўрни, бола тарбияси, илм-фан соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш ва жамиятимизни мустаҳкамлашда ўрни бекиёсдир.

Бинобарин, аёлни эъзозлаш, унга оила таянчи, миллат тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатиш, бунга узвий равишда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аини йўналишда мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асос шакллантирилиб, хотин-қизларнинг ҳаётий манфаатларини кафолатлаш қамрови тобора кенгайиб бораётир.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фанлар академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Хотин-қизлар кўмитаси, ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий кўмитаси, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан Соғлом она ва бола йилига бағишлаб ўтказилган анжуманда ана шу хусусда сўз борди. Унда юртимиз етакчи социологлари, демографлари, ҳуқуқшунослари, иқтисодчи ҳамда сиёсатшунослари, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари, республика илмий тадқиқот институтлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. [ 1 ]

Миллат генофондини яхшилаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, кучли, барқарор давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлаш борасида давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Респондентларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг замонавий аёли — таълим олиб, касб эгаллаётган, хизмат даражаси пиллапояларидан кўтарилиб, мамлакат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этаётган ижтимоий фаол шахс. Аҳамиятлиси, сўровда қатнашган аёлларнинг мутлақ кўпчилиги ўзларини бахтли, деб ҳисоблашади. Оила ва мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, яқинларининг саломатлиги, бахт-саодати хотин-қизларнинг эртанги кунга ишончини ошириб, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардандир.

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ.

Мамлакатимиз Президенти аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юқори баҳо бериб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотинқизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шартшароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидаги энг устувор вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маълумки, миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида ва она тарбияси билан шаклланади. Мамлакатимизда юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни, уларнинг оилага бўлган муносабатлари, ижтимоий ҳаётдаги роли ғоят муҳим аҳамиятга эгаллиги боис уларнинг мавқеи ҳар жиҳатдан юқори баҳоланмоқда.

Ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимизда хотин-қизларнинг эркаклар билан барча соҳада тенглигини таъминлашга, уларни улуғлаш ва кадрлашга, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий ҳуқуқ тизими яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқини халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги, оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги **“Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони габиноан жамиятдасоғлом муҳитнинг шаклланишида хотин-қизларнинг фаолиштироқи кучайтирилди.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг давлат қурилишидаги иштирокини ошириш мақсадида сиёсий партиялар фаолиятида аёллар ролини кучайтириш, партия аъзоларининг муайян қисмини аёллар ташкил этишига эришилди ва республикаимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар қошида “Аёллар қанотлари” ташкил этилди.

Аёлларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти, чуқур билими ва изланишлари билан илм-фан ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Аёллар саломатлиги ва аёл бахтининг тўқислиги, аввало оила мустаҳкамлигини, оила мустаҳкамлиги эса жамият тараққиётининг асосий омилидир. Шу боис она ва бола саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Умуман, ҳеч бир давлатда оила тақдири, хотин-қизлар келажаги ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистондагидек эътибор қаратилмаган, десам муболаға бўлмайди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этилди. Биргина “Она ва бола скрининги” Давлат дастури доирасида барча вилоятларда янги скрининг марказлари ташкил этилди.

Қиз болалар, хусусан, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда бадий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилинган бўлиб, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳақиқатда бирор давлатда бизнинг юртимизда бўлгани сингари хотин-қизларга эътибор кўрсатилмаган, эъзозланмаган, мамлакат таянчи сифатида эътироф этилмаган

Бугунги кунда юртимизда оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш, хотин-қизларни давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштироки учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, биз хотин-қизлар берилган ана шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланишимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишимиз, бизга билдирилаётган

ишончни оқлашимиз, ўз меҳр ва садоқатимизни оила, жамият, Ватан равнақи ва барқарорлиги, тинчлиги ва осойишталиги йўлида намоён этишимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Аёлларнинг жамиятдаги ўрни” Ф.Маҳкамова “Халқ сўзи”
2. Миллийтикланиш, 7 март 2012 йил **М. РАЖАБОВА**,

## **ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГЕНДЕРНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Ст. преп. Ахмедова Д.Б., Кенжаева Д. студентка  
1-го курса Факультета «Узр» - ТИИИМСХ*

Важнейшим приоритетом государственной политики в Узбекистане является повышение роли и статуса женщины в общественно-политической и социально-экономической жизни. В этих целях принимаются эффективные меры по усилению социальной активности женщин, обеспечению их занятости, дальнейшему укреплению института семьи, охране материнства и детства.

Советом Федерации профсоюзов Узбекистана ведется системная работа по обеспечению социально-экономических интересов и трудовых прав женщин. В этих целях при Федерации профсоюзов создан совет женщин, а при отраслевых и территориальных профсоюзных организациях действуют комиссии по работе с женщинами. В частности, через коллективные договоры и соглашения создаются дополнительные льготы и гарантии для них. Вся работа ведется в социальном партнерстве государства, профсоюзов и работодателей.

Так, на предприятиях и в организациях молодым матерям с детьми в возрасте от 2 до 3 лет через коллективные договоры оказывается материальная поддержка. Для работающих матерей на предприятиях негосударственного сектора установлено рабочее время, не превышающее 35 часов в неделю, с сохранением заработной платы. Работницы, имеющие ребенка в возрасте до 2 лет, пользуются перерывами для кормления ребенка, данные перерывы включаются в рабочее время, оплачиваются по среднемесячному заработку.

Также профсоюзы Узбекистана оказывают поддержку женщинам-предпринимателям. Юридическая помощь, предоставляемая по горячей линии, – это важный инструмент, помогающий избежать некоторых бюрократических процедур. Для женщин-предпринимателей, начинающих работу в сфере малого бизнеса, частного предпринимательства, надомного труда налажена система бесплатных юридических консультаций. Растут объемы кредитов, выделяемых для развития женского предпринимательства.

Основными направлениями повышения социально-политической активности женщин согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.<sup>7</sup> являются:

- усиление их роли в управлении государством и обществом;

---

<sup>7</sup> Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 гг. Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042)

- обеспечение занятости женщин, выпускниц профессиональных колледжей;
- широкое привлечение их к предпринимательской деятельности;
- дальнейшее усиление основ семьи.

Опыт и достигнутые успехи страны в области всесторонней защиты прав и интересов женщин, обеспечения их активного участия в жизни государства и общества вызывают широкий интерес в мире. Данная тематика рассматривается и обсуждается на самом высоком уровне в рамках таких многосторонних институтов, как Организация Объединенных Наций, Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе, Содружество Независимых Государств, и других организаций.

В настоящее время 17% членов Сената ОлийМажлиса Республики Узбекистан и 16% депутатов Законодательной палаты составляют женщины, сотни женщин активно работают в областных, городских и районных Кенгашах народных депутатов. Среди действующих в Узбекистане предпринимателей женщины составляют 35%, среди фермеров – 10%.

В Узбекистане законодательно закреплена 30-процентная квота при выдвижении женщин-кандидатов в депутаты парламента Республики Узбекистан от политических партий и местных органов исполнительной власти.

Женщины в Узбекистане активно реализуют себя практически во всех отраслях экономики – 48 % в сфере управления и производства. Сегодня их число растет и в сложных высокотехнологичных отраслях – фармацевтика, электронная и электротехническая промышленность, система ИКТ и даже автомобилестроение. Около 70% педагогов, работающих в общеобразовательных школах – женщины. Среди директоров школ – 35%, заместителей директоров школ – 47%, руководители центров – 56%. В высших образовательных учреждениях – 43% профессорско-преподавательского состава, в сфере здравоохранения – 78%.

Опыт Узбекистана в области социальной поддержки женщин изучается мировым сообществом. В частности, информация по данной тематике распространена среди 57 стран-участниц, 11 партнеров по сотрудничеству Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, институтов и полевых миссий ОБСЕ, а также в Исполнительном комитете Содружества Независимых Государств и стран-членов СНГ.

Опыт Узбекистана в деле обеспечения прав и свобод женщин, реализация комплекса мер по улучшению их благосостояния и социальной защиты может стать моделью государственной гендерной политики для государств Центральной Азии, а в некоторых вопросах, обогатить европейские практики обеспечения равноправия полов.

### **Литература:**

1. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 гг. Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042)
2. Ассоциация деловых женщин Узбекистана: Тадбиркораёл. [На русском языке]. Презентация во время круглого стола на тему «Гендер и экономика» на Международной конференции по усилению субрегионального экономического сотрудничества в Центральной Азии и будущей роли Специальной программы ООН для экономических систем Центральной Азии, Астана, 26 мая 2005г.
3. 2011 г. Условия предпринимательской деятельности для женщин и мужчин – предпринимателей в Узбекистане. Презентация на Политическом семинаре ЮНЕКЕ о развитии женского предпринимательства в Центральной Азии, Женева. [http://www.unece.org/fileadmin/DAM/Gender/Events\\_Documents/2011/PolicySeminarWED/Session1/Sess1\\_2\\_DA\\_ENG.pdf](http://www.unece.org/fileadmin/DAM/Gender/Events_Documents/2011/PolicySeminarWED/Session1/Sess1_2_DA_ENG.pdf)

4. Правительство Республики Узбекистан. 2006. «О мерах стимулирования расширения сотрудничества между крупными предприятиями и сектором оказания услуг посредством домашней работы». Указ Президента No. УП-3706. 5 января.

## **АЁЛЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ФУҚОРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**Ботирова Ҳ. Э.- ассис. - ТИҚХММИ**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада истиқлол туфайли аҳолининг юксак ҳуқуқий маданиятининг шакилланиши, жумладан аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас. Аёлларнинг оналик вазифасини бажариши ижтимоий тараққиётнинг барча даврлари учун зарурият ҳисобланган. Шунинг учун аёллар меҳнатини баҳолашда мана шу махсус, ўзига хос омилларни ҳисобга олиш зарурлиги очиқ берилган.

Ўзбекистон истиқлол туфайли бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришга интилоқда. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Бугун биз бир тарихий даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улғу мақсадлар қўйиб, тинч-осуда ҳаёт кечираётган, авваломбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қўриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир заминда яшамокдамиз”.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг эндиги тараққиёти жамият аъзоларининг хусусий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа қилиб қўяр экан, шу ўринда аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, зеро улар аҳолининг 51 фоизини ташкил этадилар.

Ҳар қандай шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жумладан аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас. Аёлларнинг оналик вазифасини бажариши ижтимоий тараққиётнинг барча даврлари учун зарурият ҳисобланган. Шунинг учун аёллар меҳнатини баҳолашда мана шу махсус, ўзига хос омилларни ҳисобга олиш зарур. Аёллар икки бир-бирига номутаносиб вазифаларни: аёл бир вақтнинг ўзида ижтимоий меҳнатда ҳамда оналик вазифасини бажаришда баб-баробар ўз истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқаришга интилади. Икки соҳани ҳам бирдай олиб бориш аёллардан катта куч талаб қилади, уларнинг бўш вақтини камайтиради.

Шу туфайли аёлларнинг ишлаб чиқаришда меҳнат қилиши, жамоат ишларида қатнашуви ва оналик вазифасини бажариши ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Хотин-қизларнинг 1995 йили Пекинда бўлиб ўтган Тўртинчи Жаҳон Конференциясида муҳокама этилган масалалардан бири – аёлларнинг билим олишини таъминлаш ва касбий маҳоратни ошириш масаласи ҳисобланди. Бу ҳолатни амалга ошириш аёлларнинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини ошириш билан бирга жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишини таъминлашга имконият яратади. Шунинг учун ҳам инвестицияларни аёлларнинг маълумот олиши ва билимининг мукамаллаштиришга сарфлаш мақсадга мувофиқдир, деб топилди.

Аёлларнинг билим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан ва, энг муҳими, тенглик, тараққиёт, тинчлик каби мақсадларга эришиш воситаларидан биридир. Замонавий аёлга шунчаки саводли бўлиш: ўқиш, ёзиш, ҳисобни билиши етарли эмас, унинг олдига таълимнинг сифати, муаммоси пайдо бўлиб, доим мустақил таълим устида ишлаб, тинимсиз ўз билимларини орттириб, чуқурлаштириб боришни талаб этади. Хотин-қизлар орасида саводхонлик улар оиласида фарзандларнинг соғлигини сақлаш, овқатланиш ва таълим олишини таъминлашда қўл келади.

Бу соҳада олиб борган тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатмоқда: Оналар билими юқори бўлган оилаларнинг иқтисодий аҳволи яхши бўлади; оналар билими юқори бўлган оилаларда болалар жинояти кам содир бўлади; билимли оналарнинг фарзандлари одатда доимо тўқ, яхши кийинган ва камроқ касалга чалинувчан бўлади; билимли онанинг фарзандлари фан ва техниканинг янги йўналишларини тезда ўзлаштириб олади; билимли она ўз ўғил-қизларига оила қуриш, уни парваришлаш, оиланинг моддий таъминоти ҳақида кўпроқ маълумот беради ҳамда фарзандларига ўз жисми, саломатлигини сақлашни ўргатади. Шунинг учун ҳам билимли аёллар туғиш пайтида камроқ нобуд бўлади, аёллар билими қанчалик юқори бўлса, уларнинг ҳаётда танлаш имконияти шунчалик кенг бўлади, жамият ва оилада ўз мавқеини англаш учун шароит ярата олади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётда ўз ўрнини топишга, билим олиш, касб танлаш, мутахассисликка эга бўлишга яқиндан кўмаклашиш имкониятига эга бўлади; аёл билимли бўлса, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиш қобилияти кучли бўлади ҳамда фарзандларига тўғри маълумот бериш имкониятига эга бўлади; оқила она тарбия қилган фарзандларда муомала маданияти юксак бўлади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётнинг мураккабликларига тайёрлаб боради ва хоказолар.

Никоҳингизнинг ташаббускори ким деган саволларнинг 52 фоизи ўз никоҳ ришталарини ота-оналарининг иродаси билан боғланганларини, фақат икки фоиз аёл ота-онасининг иродаси уларнинг туйғулари билан мос тушганлиги кўрсатди. Бошқача айтганда, аёллар турмушга чиқишда қарор қабул қилиш учун шахсий эркинликка эга эмас. Улар учун жуда муҳим ҳаётий воқеанинг асоси ота-онанинг хоҳиши, ота-онанинг танлови, деб ҳисоблайдилар. Аёллар ихтиёрий равишда турмуш қуришдаги танлаш ҳуқуқларини ота-оналар зиммасига юклайдилар. Сўралганларнинг 42 фоизи ўз ташаббуслари билан севиб турмушга чиққанлар. Сўралганларнинг 2 фоизи ўз хоҳишларига қарши турмушга чиққанларига иқрор бўлдилар. Иккинчи ва учинчи жавоблар ўртасида тенглик ишорасини қўйиш мумкин. Шундай қилиб, сўралганларнинг 54 фоизи ўз хоҳишларига қарши, сукут билан, эътирозларсиз бировнинг иродасига бўйсундилар.

Анъанавий кўрсатмалар сизга турмушга чиқиш ёки чиқмаслик хоҳишларини намоён қилиш имконини бермайди. Бу жамият томонидан қиз зиммасига юклатилган мажбуриятдир ва бу мажбуриятни бурч сифатида ўз хоҳиши, ҳис-туйғулари ва иродасига қарши равишда 100 тадан 54 ҳолатида бажариши лозим. Шундай қилиб, тадқиқот натижаларига кўра ҳар иккинчи аёл никоҳда ўз ҳуқуқлари тўғрисида ўйлаб кўрмасдан, ҳис-туйғу ва хоҳишларини инобатга олмай яшамокда.

Бу никоҳга ўтишда сўралганларнинг ярмидан кўпи ўз хоҳишини эркин изҳор эта олмаслигини англатади. Аёлларнинг оиладаги бундай аҳволи Оила кодексига зиддир. Никоҳ ихтиёрий равишда тузилади. Никоҳ тузиш учун бўлғуси эр-хотинлар ўз ихтиёрларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Никоҳдан ўтишга мажбур қилиш тақиқланади.

Сўралганларнинг ярмидан кўпи 19-20 ёшга етган қизлар турмушга чиқиши шарт, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, қизлар йигирма ёшида оила қуриш, фарзанд кўриш, оилани таъминлаш ва келгуси авлодни тарбиялашга тайёрдирлар. 42 респондентнинг жавобида қизлар 21дан 25гача бўлган ёшда оила қуриш лозим, деб ҳисобланади. Фақат бир респондентнинг жавобдагина қиз шошмаслиги мумкин ва оилани 25 ёшдан кейин ҳам барпо қилса бўлади, дейилади.

Мазкур савол бўйича сўров натижалари кишини ўйлантиради. Сўралганларнинг 96 фоизи 25 ёшга етган қизларнинг турмуш қуриши шарт, деб ҳисоблайди. Демак, 25 ёшида аёл нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиши лозим. 25 ёшида у оила қуриш ва уни сақлаб қолиш, ўзини ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Бу ёш қиз учун ҳар доим ҳам қўлидан келадиган иш эмас.

Сўров натижаларига кўра, 100та ҳолатдан 60 тасида аёллар ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу рақам аёлларнинг ярмидан кўпи ўз оиласининг тенг ҳуқуқли

азвоси эмаслигини кўрсатади, уларнинг ҳис-туйғулари, фикрлари, хоқишлари ва эктиёжлари кўпинча оилада эътиборсиз қолдирилади. Бу билан мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг “Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги” (3-моддаси)га зиддир. Бу моддада “ҳар бир фуқаро оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадир ва ҳуқуқларнинг бевосита ёки билвосита қандайдир чекланишига йўл қўйилмайди...” дейилган.

Ҳуқуқий маданият шахсий эътиқод ва анъаналарга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Юқорида биз аёлларни меҳнатга жалб этишда урф-одат ва диний эътиқодларнинг таъсири қанчалик кучли эканлигини кўриб чикдик. Аёллар ҳуқуқий саводхонлик масаласида анча орқада қолаётганлиги айнан уларнинг оиладаги аҳволига боғлиқдир. Оилада анъанавийлик кучли бўлса, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларга эришуви жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши мураккаб кечади. Агар биз мана шу ҳолатни ҳисобга олсак, оила аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлиши, ўз тақдирларини ўзлари ҳал этишлари, билим олишлари ҳамда касбий маҳоратга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бу аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш юзасидан доимий равишда иш олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги таъкидланган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, аҳоли таркибига нисбатан дифференциал ёндашувни талаб этади.

Жумладан, аёллар ҳам ўзига хос демографик гуруҳ бўлганлиги учун уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини такомиллаштириш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Улар қуйидагилардир:

1. Жинсларнинг био-физиологик тузилишига кўра, аёллар репродуктив вазифасини бажарганлиги туфайли кўпроқ оила доирасида чекланиб қоладилар.
2. Аёллар гарчанд меҳнатга жалб этилсалар ҳам, фарзанд кўриб, уларни тарбиялашга кўп вақтларини сарф қилганликлари туфайли узоқ йиллар танаффус билан ишлашга мажбурдирлар, бу ҳолат уларни оилада эрлари, қайнота-қайноналарига қарам бўлиб яшашига, уларнинг турли талабларини бажаришга олиб келади.
3. Миллий урф-одат ҳамда диний талаблар ҳам оилада аёлларни таҳқирловчи ҳолатларни доимий одатга айлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Масалан, эрта никоҳлилик аёлларни билим олиши, касб ўрганишига имконият қолдирмайди, иқтисодий қарамликка олиб келади. Бу оиладаги гендер тенгсизлигини вужудга келтиради.
4. Аёллар ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг оиладаги мавқеига, улар ҳуқуқининг тан олинишига, оилавий муносабатлар маданиятининг даражасига, билимига, касб маҳоратига, иқтисодий мустақиллигига боғлиқ бўлади.
5. Аёллар ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши аёллар ҳақидаги эркакларнинг тасаввурлари, қарашларига ҳамда уларни ўзлари билан тенг инсон деб билишларига ҳам боғлиқдир.
6. Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш, бу соҳада фақат аёллар орасида тарғибот ишлари билан чекланмасдан, бутун жамият аҳолиси орасида аёллар, аёллар ҳуқуқий, уларнинг ҳуқуқий маданиятлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий онгни юксак даражага кўтариш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фақат амалдаги мавжуд ҳуқуқий нормаларни билиб олишнигина назарда тутмайди. Балки қонунларни турли ҳаётий вазиятларда қўллаш олиш, уларни тўғри татбиқ эта билиш масаланинг муҳим томонидир. Бинобарин, ҳуқуқий онг ҳам ҳуқуқий маданиятдан келиб чиқадиган ҳодиса бўлиб, қонунчилиқни янада ривожлантиришнинг ишончли омилдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2019.39б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон. 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. – Т.: “Халқ сўзи”. 2016 йил 31 декабрь.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -62 б.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИЛАРИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**ГАЗИЕВА Р.Т. АЗИЗОВА Н.Ш. АБДУЛЛАЕВА Д. – ТИҚХММИ**

### **Аннотация**

Олий таълим тизимида малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммолардан саналади. Бу муаммони доимий ҳал қилиб бориш олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш жараёнига ўқув-тарбия фаолиятини ташкил этишнинг янгича ёндашувларини жорий этиш, талабаларнинг сифатли ва малакали кадрлар бўлиб етишишлари борасидаги фаоллигини рағбатлантирувчи ҳамда уни кўзда тутувчи назарий ва амалий тайёргарлик машғулотларининг янгича турларидан фойдаланиш билан бевосита ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Олий таълим муассасаларини битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатига эришиш самарадорлиги нафақат ўқув фанларини ўрганиш-ўқитиш соатларини оддийгина ошириб қўя қолиш билан, балки назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш сифатига ҳам боғлиқ бўлади. Мазкур муаммо бўйича ҳали ҳозирда мавжуд бўлган оз сонли ишланмалар кўпинча ахборотли-эҳтимолий хусусиятга эга бўлиб, эмпирик тажрибага асосланган концептуал-конструктив хусусиятни ўзида жамлай олган эмасдир.

Олий таълим муассасаси битирувчиларнинг сифатини таъминлаш борасида касбий ва психологик-педагогик омилларни ўрганиш билан бир қаторда ҳозирги кун талабига жавоб берадиган олий тоифали соҳа мутахассиснинг рақобатбардошлигини ошириш мутахассислик кафедраларининг кун тартибидаги масаласи ҳисобланади.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатига таъсир этувчи омилларнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилиш зарурати туғилмоқда. Давлат таълим стандартлари ва меҳнат бозорининг конъюктураси мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган сифат талаблари мазмунини тубдан ўзгартириб юборди. Бу ўз-ўзидан олий таълим муассасаларида таълим мазмунини шакллантиришга янгича ёндашувларнинг таълим олувчилар ва таълим берувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда маъсулиятини демократлаштириш ва кенгайтиришда, ўқув дастурлари мазмунини белгилашда, бошланғич таянч касб таълимидан то олий таълим муассасаси дипломини олишдан кейинги касбий таълимнинг барча босқичларида изчилликнинг мавжуд бўлишида намоён бўлмоқда<sup>8</sup>.

Бундан келиб чиқиб, ҳар бир олий таълим муассасаси битирувчиларининг сифатига эришиш учун таълим муассасасидаги ўқув жараёни битирувчиларда мустақил равишда илмий-назарий ва профессионал фикрлаш қобилиятларининг шаклланишини таъминлаши лозим. Шунга кўра ҳозирги кунларда олий таълим муассасаларида бир томондан, битирувчилар сифатини таъминлаш учун уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарликларини яхшилаш, иккинчи томондан эса битирувчилар сифатини таъминлашга таъсир қилувчи омилларни аниқлаб, уларнинг хусусиятларини ўрганиш ҳар бир олий таълим муассасасининг асосий муаммоларидан бирига айланди.

Бу борада олий таълим муассасаси битирувчиларининг сифатини таъминлаш учун ўқув жараёнида талабаларнинг назарий-амалий тайёргарликлари сифатини таъминлашнинг кўп омилли модели ва унинг самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш

---

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида”ги №242-сонли Қарори.



мақсадга мувофиқ саналади. Мазкур йўналишда асосий мақсад бўлиб битрувчиларнинг касбий тайёргарлик сифатини оширишга имкон берадиган психологик-педагогик омиллар тизимини илмий жиҳатдан асослаш ва уни тажрибавий йўл билан текшириб кўриб, амалда жорий этиш саналиши лозим.

Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатига таъсир этувчи касбий ва психологик-педагогик омилларни ўрганиб, тадқиқ қилиш ва жорий этиш талабаларни ўқитиш жараёни тартибли ва оптимал даражада самарали бўлишини таъминлайди. Шунинг учун олий таълим муассасаларини битирувчиларнинг сифатини таъминлаш борасида касбий ва психологик-педагогик омилларни ўрганишда қуйидаги назарий-методологик тадқиқот усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади<sup>9</sup>:

- фаолият назариясининг психологик-педагогик концепциясида конкретлаштириб берилган тизимли ва шахсий-фаолиятли ёндашувларнинг умумилмий қоидалари ва тамойиллари;

- фаолият назарияси, касбий ўз-ўзининг тақдирини (мақсадини) белгилаш назарияси, ривожлантирувчи таълим назарияси, шахснинг касбий йўналтирилганлик назарияси, педагогик тадқиқотлар назарияси ва методикаси бўйича ишларни олиб бориш.

Олий таълим муассасаларини битирувчиларнинг сифатини таъминлаш борасида амалга ошириладиган бу чора-тадбирлар натижасида олинadиган маълумотларнинг ишончлилигини методологик тамойиллар ва методларнинг ўрганиладиган муаммолар мақсади ҳамда вазифаларига мос келиши, олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш, ўрганиш натижасида олинган маълумотлардан педагогик амалиётдан фойдаланиш билан таъминлаш мумкин.

Кўриб ўтиладиган муаммо ҳозирги кунларда меҳнат бозоридаги конъюнктуранинг ҳолати, олий таълим муассасаларига давлат ва жамият томонидан билдириладиган таълим хизматларига бўлган талаб даражаси ўсиб бораётганлиги сабабли кенг қамровли ва мураккаб саналади. Шунинг учун олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий сифатини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун қуйидаги тўрт йўналишда ишларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий таълими назарияси ва амалиётининг ҳал этилиши зарур бўлган муаммолари ҳолатини таҳлил қилиб чиқиш;

2. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва битирувчилар сифатини бошқаришнинг кўп омилли моделини ишлаб чиқиш;

3. Олий таълим муассасаларидаги касбий таълим жараёнининг кўп омилли моделини жорий қилиш технологиясини ишлаб чиқиш;

4. Олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини бошқаришнинг самарали тизими мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни тажрибавий йўл билан текшириб кўриш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни амалга ошириш учун ўтказиладиган тадбирлар давомида қўлланиладиган у ёки бу методнинг мезонини танлаб олишда асосий мақсад бўлиб ўрганиладиган объектнинг предмети ҳақида адекват ҳамда ишончли ахборотни олиш саналади. Шунинг учун мазкур тамойилга асосланган ҳолда олинadиган маълумотларнинг субъективлик хусусиятини камайтириш ва натижаларнинг янада ишончлилигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни ўз ичига оладиган методлар мажмуасидан фойдаланиш тавсия этилади:

---

<sup>9</sup>Ҳожиахмедов Ғ.Ҳ. «Сифат менежменти» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма – Т., ТДИУ, 2011й.

- мазкур муаммога бағишланган адабий манбалар ва дастурий хужжатларнинг назарий таҳлил қилиниши ва хулосаларнинг умумлаштирилиши;
- педагогик тажриба орқали кузатишларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича професор-ўқитувчиларнинг амалий иш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш;
- анкета сўровномаларини ўтказиш;
- психологик диагностика методларидан фойдаланиш;
- педагогик тажрибаларни ўтказиш;
- математик статистика методларидан фойдаланиш.

Қўлланиладиган бу методлар натижасида олинadиган дастлабки маълумотларнинг ишончилигига ва иш натижаларининг асосланганлигига тажрибавий йўл ва валид методларни қўллаш, шунингдек, мавжуд методик ёндашувларни эътиборга олган ҳолда тадқиқотларни ўтказиш, тадқиқот вазифаларига мос келувчи статистик мезонларни қўллаш билан эришиш мумкин бўлади.

Бунда олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатларини таъминлашга қаратилган тажриба-тадқиқот ишларини иккита босқичда амалга ошириш тавсия қилиниб, биринчи босқичда мазкур муаммо бўйича адабий манбаларни, турли таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалий тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, методлар мажмуасини танлаб олиш ва анкета сўровномаларини ўтказиш, мазкур муаммони ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, дастлабки тажрибаларни ўтказиш натижасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиб чиқиш ишлари амалга оширилади.

Иккинчи босқичда эса олий таълим муассасаси битирувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш бўйича педагогик тажриба ўтказилади.

Олий таълим муассасаларида таълим бериш сифати бир қанча омилларга, биринчи навбатда эса талабалар таълим олаётган олий таълим муассасасида педагогик фаолиятни олиб бориш сифатига, шунингдек, таълим муассасасининг ўқув-моддий ва илмий-методик асосларига, ташкилий-бошқарув, молиявий-иқтисодий, техник ва кадрлар билан таъминланганлик ҳолатларига боғлиқ бўлади. Олий таълим муассасасида ўқитиш сифати юқорида санаб ўтилганлар билан бирга яна бир муҳим омил – таълим олиш даври мобайнида талаба қандай илмий мактаб орқали ўтганлиги билан ҳам белгиланади.

Таълим стандартларида мақсадлар мазмунан конкретлаштирилган бўлгани учун амалда таълимнинг конкрет тизимларида олий таълим муассасасидаги таълим бериш сифати шу муассасанинг фаолият йўналишига ва танлаб олинган мутахассисликка мос ҳолда таълим стандартини ўзлаштириш кўлами билан аниқланади.

Бу тартибда ўтказиладиган тадқиқот натижасида олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатига таъминлаш тизимини такомиллаштиришда ўқув жараёни мазмунига ва уни ташкил этишга, шунингдек, олий таълим муассасасининг ўзига хослиги ҳамда асосий омилларини ҳисобга олган ҳолда назарий ва амалий тайёргарликни такомиллаштиришга ёндашувлар катта аҳамиятга эга эканлиги ойдинлашади.

Таълим тизимида амалга ошириб борилаётган ислохотлар шароитларида исталган олий таълим муассасаси фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб ўзига таълим хизматлари бозорида рақобатбардош ҳолатни таъминлаш саналади. Ҳеч кимга сир эмаски, исталган олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири – бу битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатининг даражасидир. Бунинг тасдиғи бўлиб камида қуйидаги икки ҳолат саналади:

1. Мутахассислик бўйича ўтказиладиган давлат аттестацияси давомида битирувчилар касбий тайёргарлигининг сифат даражаси кўрсаткичидан фойдаланилиши;

2. Битирувчилар, талабалар ва иш берувчилар каби таълим хизматлари истеъмолчиларининг субъектив мажмуавий баҳолашлари натижалари бўйича шакллантириладиган олий таълим муассасаси жозибадорлиги (обрўси)нинг умумлашган доминантали компоненти сифатида битирувчиларнинг муваффақиятли ишга жойлашишларини тавсифлаш.

Шунинг учун олий таълим муассасалари битирувчилари сифатини баҳолаш мақсадида битирувчи рақобатбардошлигининг мазмунини қуйидагича тавсифлаш тартиби тавсия этилади. 1-жадвалда келтирилган битирувчи рақобатбардошлигининг мазмуний жиҳатларини тавсифлаш тартибидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олий таълим муассасаси битирувчисининг сифатига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири - бу битирувчининг рақобатбардошлилигидир.

**Меҳнат бозорида олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлиги**  
**1-жадвал**

Аниқланадиган ёки тавсифланадиган мазмуний жиҳат	Иш изловчи субъектлар	
	Олий таълим муассасаси битирувчилари	Бошқалар
<b>Рақобат предмети</b>	<i>Олий таълим муассасасида олинган мутахассисликка (тайёрлов йўналишига) мос келувчи “яхши” (сифатли) бўш иш ўринлари</i>	<i>Касбий тайёргарликка мос келувчи “яхши” (сифатли) бўш иш ўринлари</i>
<b>Рақобатбардошлиликнинг намунавий параметрлари</b>	- битирувчининг олий таълим муассасасида олган реал (ҳақиқий) билимлар, маҳорат ва кўникмаларини акс эттирувчи <i>касбий тайёргарлик даражаси; - шахсий фазилатлар.</i>	-малака (масалан, ишчилар категориясига бериладиган тариф разряди, турдош ва кўшимча касблар мавжудлиги, такдим этилган рационал таклифлар ва шу кабилар); - <i>маълумот даражаси</i> (олий таълим муассасаси, коллеж, лицей ва шу каби); - <i>касб бўйича иш стажси;</i> - <i>ёши;</i> - <i>шахсий фазилатлар.</i>
<b>Рақобатбардошлилик мезонлари</b>	Битирувчи шахсий фазилатлари ва касбий тайёргарлиги даражасининг иш жойи талабларига ва иш берувчининг субъектив хоҳиш-истакларига мос келиши даражаси	Иш изловчи агент шахсий фазилатлари ва касбий тайёргарлиги даражасининг иш жойи талабларига ва иш берувчининг субъектив хоҳиш-истакларига мос келиши даражаси

Битирувчининг рақобатбардошлилиги деганда унинг олий таълим муассасасида олган мутахассислигига мос келувчи “яхши” иш ўрнига эга чиқиш борасида шу иш ўрнига бошқа даъвогарлар билан иқтисодий беллашувни ўзининг энг яхши касбий тайёргарлиги ва шахсий фазилатлари иш ўрни талабларига ва иш берувчининг субъектив хоҳиш-истакларига тўла мос келиши ҳисобига ютиб чиқишидир.

Таъкидлаш лозимки, иш жойи талаблари битирувчи малакасининг норасмий параметрлари (ҳақиқий билими, маҳорати, кўникмалари)да мужассамлашадиган касбий тайёргарлиги даражасини белгилайди. Шунга мос ҳолда иш берувчиларнинг субъекти хоҳиш-истаклари битирувчи шахсий фазилатларига ва унинг олий таълим муассасасида

олган дипломи иловасидаги баҳоларда қайд этилган малакасининг расмий параметрларига талабларни шакллантиради.

### **Хулоса**

Олий таълим муассасалари битириувчиларининг малака сифати кўрсаткичларининг меҳнат бозори талабларига мос ҳолда шакллантирилиши ҳар бир маълим муассасаси учун унинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда энг муҳим бўлган кўрсаткичлар сирасига киради. Шунинг учун олий таълим муассасалари томонидан битириувчиларнинг касбий тайёргарлиги самарадорлигини аниқлашда маълум бир методик ёндашувлардан фойдаланиш талаб этилади. Бунда таълим муассасасининг битириувчилар юқори касбий тайёргарлигини таъминлашдаги ҳам ички, ҳам ташқи омилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай омиллар қаторида эса олий таълим муассасаси абитуриентларининг тайёргарлик сифати, битириувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари, шунингдек, битириувчиларга меҳнат бозорида кўшимча талаб ва таклифнинг мавжудлиги кабилар ҳисобга олинади.

Олий таълим муассасаларида таълим бериш сифати бир қанча омилларга, биринчи навбатда эса талабалар таълим олаётган олий таълим муассасасида педагогик фаолиятни олиб бориш сифатига, шунингдек, таълим муассасасининг ўқув-моддий ва илмий-методик асосларига, ташкилий-бошқарув, молиявий-иқтисодий, техник ва кадрлар билан таъминланганлик ҳолатларига боғлиқ бўлади. Олий таълим муассасасида ўқитиш сифати юқорида санаб ўтилганлар билан бирга яна бир муҳим омил – таълим олиш даври мобайнида талаба қандай илмий мактаб орқали ўтганлиги билан ҳам белгиланади.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

*З.Исмаилова – проф. п.ф.д.*

*Муқумова Д. И. - ТИҚХММИ*

### **Аннотация**

Мақолада мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат қилаётган аёллар фаолияти, уларга берилаётган давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медаллари, буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари билан фахрланиши, хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги салоҳиятнинг намоён этилиши учун жамиятда яратилган имкониятлар доирасини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** Хотин-қизлар, унвон, Президент қарорлари ва фармонлари, келажак авлод, аёл қалби, интеллектуал салоҳият, Қонунчилик палатаси, аёл иқтидори, машҳур ўғлонлар, мукофат, шоир ва олимлар.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 8 март Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқида Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлишини албатта истайди, Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлашга тайёр туради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари

таркибида фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз *“Ўзбекистон Қаҳрамони”*, *“Ўзбекистон фан арбоби”*, *“Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”*, *“Ўзбекистон халқ шоири”*, *“Ўзбекистон халқ артисти”* сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақида астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган *“Мўътабар аёл”* кўкрак нишони тассис этилди.

2018 йил 2 февралда ПФ-5325 “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” Президент Фармони эълон қилинди. Бунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини ошириш соҳасидаги олиб бораётган ишлари тақсинга сазовордир. Бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг асосий «кўзгуси» – хотин-қизлар эканлиги шубҳасиздир. Негаки, жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ўша жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажак авлод – фарзандлар тарбияси, иқтидори, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, қўйингки, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Халқимиз орасида «Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратди», деган нақл бежиз вужудга келмаган. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари – жасур, ботир Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Гиждувоний, ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали каби азизу-авлиёлари, жаҳонни турли жабҳаларда лол қолдирган олимлари – Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Имом Ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, адиблари – Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умар Ҳайём, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек кабилар билан машҳурдирлар. Мағрур, жасур ва доно Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсийлар номлари нафақат биз учун, балки илғор фикрли дунё аҳли учун ҳам илиқ ва улуғ эканини ҳаммамиз яхшибиламыз.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаши, ўзларидаги салоҳиятни намоён этишлари ва жамиятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида илқ мустақиллик йилларидан бошлаб, давлатимиз томонидан имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Чунки, бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан етуқлиги, сиёсий онги, ижтимоий тафаккури, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги беқиёс аҳамиятга моликдир.

Хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги салоҳиятнинг намоён этилиши учун жамиятда яратилган имкониятлар доирасини янада кенгайтириш – ўз-ўзидан оилаларнинг мустаҳкамланишига,

жамият тараққиёти ривожига, қолаверса, халқаро миқёсда ҳам мамлакатимиз нуфузининг янада юксалишига, фарзандлар тарбиясининг яхшиланишига, хотин-қизлардан аксариятининг нафақат ўз оилалари учун, балки жамият тараққиёти учун, жамият ривожига учун фидойиларча меҳнат қилишларининг фаоллашувига, ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида аёллар иштирокининг бундан-да кўпайишига кўмаклашиши муқаррар. Аёл қадрини қанчалик юқорига кўтаришга муяссар бўлсак, миллий ғуруримиз, маънавият ва маданиятимиз янада юксалиши, оилаларимиз барқарорлиги таъминланиши, ҳалол ва пок, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатимизни бутун жаҳонда кўз-кўз қилдирувчи фарзандларимиз сони кундан кунга кўпая бориши табиий ҳолдир. Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқатдир ва биз қураётган жамиятнинг оғир юкини дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч – жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Асосий қисм.** Мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиш қобилиятига яраша ишлаши учун барчашароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса унга боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётидан қаноатлана олади. Агарки фақат оилани ҳаётининг асосий мақсади қилса, пировард натижада намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армон бўлади ва қалбида барча нарсага эриша олган аёлларга нисбатан ҳасад туйғуси шаклланади, бу унинг ғазабнок бўлишига олиб келади. Шуниси қувонарлики, сўнгги йигирма йилда ўз мақсадини аниқ билган, оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида касби орқали камолотга эришаётган аёлларнинг сони кўпайиб бормоқда. Юртимизда барча учун «Тенг имконият ва тенг ҳуқуқлар белгиланган», шу боис маош олиш, ишга кириш, у ёки бу соҳада муайян ютуқларга эришиш ҳоҳ эркак ёки аёл бўлсин, бу нсоннинг мақсадли фаолиятига боғлиқ.

Аёлнинг ҳар қандай ишга масъулияти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим тизимими, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳасими ва бошқа бўлишидан қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бироқ баъзи соҳаларда, тўғрироғи аёлларни раҳбар лавозимига тайинлашда уларга нисбатан ишончсизлик устиворлик қилади. Масалан Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Олий ўқув юрти бор, бироқ уларнинг бирортасини аёл бошқараётгани йўқ. Лекин раҳбар ўринбосарлик вазифасида бир қанча аёлларимиз: профессорлар: Г.Боқиева, Б.Абдуллаева, Г.Рихсиева ва бошқалар фаол, наъмунали раҳбар бўлиб ишлаб келмоқдалар, 90 йилларда эса профессор Ҳалима Алимова Тошкент текстил ва енгил саноат институти ректори лавозимида ишлаган ва айнан шу институт Ўзбекистон республикаси тест маркази томонидан ўтказилган аттестация ва аккредитациядан энг юқори балл билан биринчи ўринни эгаллаган. Опанинг бошқа ишга ўтганлигига анча йиллар бўлсада институтда ҳалигача улар ўрнатган темир тартибга риоя қилиниб келинмоқда. Нима учун?, шунинг учунки раҳбар аёл ўз жамоасини оиласи сифатида қабул қилади, хўжалиқдаги ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг энг осон, беозор йўлини танлайди. Шу боис аёлларимизга раҳбар лавозимлари ишониб топширилса, улар орасида Ўзбекистоннинг бирор давлатдачи Мухтор элчиси, вазир, вазир ўринбосари ва ҳаказо қабиларни аёлларимиз ҳеч иккиланмай эплаган бўлар эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки аёлнинг шахс сифатида камолотга эришувида эркакнинг ўрни жуда ҳам салмоқли. Чунки фақат эр қўлласагина аёл ўз мақсадига эркин эриша олади, фақат эр қўлласа аёл жамиятда ўз ўрнини топади, фақат эр тушунсагина оилада ўзаро ишонч, садоқат ва ҳурмат бўлади, фақат эрнинг мададини ҳис қилсагина аёл чинакам бахтли бўлади ва қалби ором топади. Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза

дейишган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради. Бизнингча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас ва ҳозир бундай эмас. Чунки фақат аёл Аллоҳ унга ато этган тўлғоқ азобини сабр тоқати, кучи, бардоши билан енга олади, тўлғоқ азобининг нималигини эса фақат аёл билади. Аёл ҳар қандай мусибатни кўтариши, ҳар қандай жисмоний оғир ишни бажариши мумкин. Фақат аёл ишдан қайтиб, чарчокни ҳам сезмасдан овқат пишириши, кир ювиши, болага қараш, меҳмон кутиши, меҳмонга бориши, турмуш ўртоғининг кўнглини олиши ва бу ишларни кундалик юмуш сифатида бажариши мумкин. Бугунги кунда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида кўп фикрлар илгари сурилмоқда. Энг аввало ҳар иккаловининг масъулияти, ўзининг оила олдидаги бурчини тўлиқ ҳис қилиши, ўзаро ҳурмати, оиладаги муаммоларнинг ечимини бафурча биргалашиб ҳал қила олиши, эркекнинг ўзини аёлидан юқори қўймаслиги, беписанд бўлмаслиги, шунингдек аёлнинг ҳам эрига нисбатан айнан шундай муносабати, оила бюджетини талон тарож қилмаслиги кабилардир. Агар аёл тенг ҳуқуқлиман деб, оналик масъулиятини унутса, ўзини фақат ишга бағишласа-ю, уйда саранжом-сарихталик бўлмаса, бундай «тенглик» ҳеч кимга татимайди. Агарки эр кўча хандон уй зиндон бўлса, аёлининг бошини таънаю дашномлардан аритмаса бундай оиладан барака кетади. Шу боис «тенг ҳуқуқлилиқ»да мураса-ю мадора, ўзаро ҳамкорликка риоя қилиш муҳим. Агар биз менталитетимизга фарзандларимизга муносабатни уларнинг ёшига, жисмоний ўсишига эмас, балки, кўнглига мослаб борсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Бугунги эркеклар учун аёлларнинг қадри ошмоқда. Дунёнинг қайси мамлакатда бўлмасин эркек учун аёл энг аввало иффати, назокати, ҳаё-ибоси, меҳри-вафоси, садоқати билан қадрли. Нима учун?, чунки шиддат билан ўтаётган умрнинг ҳар бир кунини сарқаш дарё тошқинлари каби муаммоларга тўлиб-тошиб ётибди. Кун бўйи ишдаги ташвишлардан чарчаб уйга келган эркек албатта аёлидан эътибор, меҳр кутади. Агар аёл шу эътибор ва меҳрни бера олса эркек қаерда бўлмасин уйига ошиқади, аёлига ташна бўлиб яшайди ва бу ташналик уни ҳеч қачон тарк этмайди. Европадаги тадқиқотларга кўра овқат пишириш, кир ювиш, тикиш бичишни биладиган аёллар сони камайиб бормоқда экан. Хўш бу борада биздаги вазиятни қандай баҳолаш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кир ювиш, овқат пишириш бизнинг аёллар учун муаммо эмас, бу кундалик вазифалар, тикиш бичишга келсак илгари ҳам ҳозир ҳам бу ишни ҳамма аёл қилган эмас, албатта бундан тугма қадаш каби майда-чуйда тикишлар мустасно. Айни пайтда, илгариги аёллардан фарқли ўлароқ бугунги кунда мураккаб жарроҳлик операцияларини қилаётган, ёстикдек келадиган катта илмий асарларни яратаётган, давлат бошқарувида (кам сонли бўлсада) ҳеч оғринмай иштирок этаётган, 100-200 гектарлик ерларда боғдорчилик ёки пахтачилик билан шуғулланиб катта мувоффақиятларга эришаётган ва умуман қайси соҳа бўлмасин, бошлаган ишларини охирига етказа олаётганлигини ҳам эътироф қилиш лозим.

**Хулоса** қилиб шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илгари аёллар фақат оила ишлари билан машғул бўлишган. XXI аср аёлларининг эса фарзанд тарбияси, оиласига садоқатидан ташқари бошқа қадриятлари ҳам шаклланди. Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, эгаллаган касби орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истагидир, бу ижобий ҳол. Ундан ташқари такомиллашган маиший хизмат кўрсатиш технологиялари муайян даражада қўл меҳнатини осонлаштирди. Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчиси ё буйсунувчи, эргашувчиси ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретига қандай чизғилар билан бойитиш мумкин? Аёл барча даврларда энг аввало «Она»дир, кейин эса у бошқарувчи ва буйсунувчи, эргаштирувчи ва эргашувчи ҳамдир. Оналик бу табиат қонуни ва уни бузишга ҳаракат қилганлар адашганлар тоифасига киради. Ижтимоий фаолияти эса унинг иқтидори, қобилияти, ташаббускорлиги билан белгиланади. Ҳеч бир даврда аёллар фақат бошлиқ бўлиши ёки фақат эргашуши лозим деб ҳисобланмаган. Аксинча ҳозирги кунда аёлларга муносабат ижобий томонга ўзгариб, уларнинг она бўлиши билан бир қаторда потенциал қобилиятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.” Ўзбекистон “1992й
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.”Шарқ” 1997 й.
3. Ш.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5325-сонли Фармони. Т.2018 йил 2 феврал.
4. Ш.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ги 201-сонли Қарори. 2018 йил 13 март. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. Т.,1998 й.
5. Аёд ҳуқуқлари. Аёллар ва сайловлар. Аёллар ва нодавлат ташкилотлар. "Аёлларни фуқаровий ва ҳуқуқий ўқитиш дастури".Т.,1999 й
6. Туйчиева С. Ўзбекистон Республикаси да бозор муносабатларига ўтиш шароитида шахс ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий маданиятнинг роли. Автореферат. Т.. 2004 й.

---

## **ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ**

Н.Р.Нишонова ф.ф.н., доц. ТДТУ

### **Аннотация**

Бозор муносабатларига ўтиш тараққий этган давлатларнинг узок ижтимоий-сиёсий, иқтисодий изланишларининг маҳсулидир. Унда шахснинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий эркинлиги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Академик М.Шарифхўжаевнинг ёзишига кўра, бозор иқтисодиёти фаолият хиллари ва шакллари эркин танлаш, мулк шакллари тенглиги, хўжалик юриштининг мустақиллиги, товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида рақобатнинг, товар ва хизматларга, уларнинг ўзи, ўзаро келишилган ҳолда нарх қўйишлари, эҳтиёжларга мувофиқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тартиби билан изоҳланади<sup>10</sup>.

Бозор муносабатлари эркин ишлаш, фаровон яшаш учун зарур маблағлар топиш, бор кучини, ақлини намоён этиш имконини берса-да, кишидаги бойликка, пул топишга ўчликни ҳам авж олдириш хислатига эга. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда, айниқса, жаҳон тилларида чоп этилаётган асарларда бозор муносабатлари талабларига мувофиқ дадиллик, шижоат, топқирлик ва қаттиққўллик кўрсатиб, кўп пул ёки обрў топган аёллар лидер сифатида улуғланади. Баъзи асарларда эса аёллардаги ожизлик қораланиб, улар маккор, боқиманда, ўз хуснини бозорга солиб, эркакларни шиладиган шахслар сифатида қораланади. Масалан, “Эркакка аёл ҳақида” асарининг муаллифи В.В.Юрчук ёзади: “Эсингда турсин, кўпчилик аёллар, агар сиз уларга моддий таъминлашда қулай имконият бўлмасангиз, ҳеч қачон сиз билан узок мулоқотда бўлмайди ёки яшамайди...”<sup>11</sup>. Бу билан муаллиф аёлни эркак эмас, унинг чўнтаги қизиқтиради, деган фикрни билдирмоқда. Ҳа, бозор муносабатлари бойликка, мулкка бўлган қизиқишни оширди, баъзи даврларда шахснинг ижтимоий борлиқдаги ўрни унинг шоҳона қасрлари, топаётган минг-миллионлаб долларлари, чет эллик оға-иниларининг ва ҳовлисидаги “Шевролет” ёки “Жип”ларнинг сони билан белгиланадиган бўлди, муносабатларни сотиб олиш одатга айланди. Хотин-қизларга ҳузур берадиган, фақш объекти деб қараш авж олди, “аёллар

---

<sup>10</sup>Ўша асар.–Б.202.

<sup>11</sup>Юрчук В.В. Мужчине о женщине: жизнь, общение или искусство не остаются в дураках. М.: ООО “Совр.слово”, 1997. –С.74.



савдоси” глобал ҳодисага, хотин-қизлар сотиладиган ва сотиб олинадиган товарга айланди<sup>12</sup>. Бундай деструктив характерга эга мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бозор муносабатларидаги ушбу салбий томонлар миллий тараққиётга хавф солишини, эндигина фаолият кўрсатаётган давлатни, унинг мустақиллигини барбод этишини англаган давлатимизнинг биринчи раҳбари Ўзбекистонда ижтимоий бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш, бунинг учун эса давлат бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, кучли давлат барпо этиш йўлидан бормок зарур, деган фундаментал аҳамиятга молик хулосага келди.

Бозор муносабатлари эски марказлашган маъмурий бошқарув тизимини рад этгани учун Республикамизда янги давлат бошқаруви тизимлари юзага келди. Биринчи босқичда тотарилитар тузумда амал қилган марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлашдан, бошқаришдан бозор механизмига, иқтисодий омиллар ва рағбатлантиришга асосланган ўзини ўзи бошқаришга ўтилди<sup>13</sup>. Унда давлат пул муомаласи, конъюктура сиёсати ва рақобатчиликни қўллаб-қувватлаш йўли билан бозор муносабатларини ташкил этиш; ижтимоий тизимлар (корхона ишчиларининг бошқарувда қатнашуви) билан бозор бошқаруви тизимини тўлдириш; аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш; ташқи алоқаларда либерал сиёсат қўллаб, капитал ҳаракати, божхона чекловлари ва товар ҳаракати учун имкониятлар яратиш; монополияга йўл қўймай, кичик корхоналарнинг фаоллигини таъминлаш; ишчи кучларининг эркин ҳаракат қилишига эришиш; меҳнат бозорини шакллантириш; кичик ва ўрта корхоналарга, айниқса, дастлабки даврда ёки банкротга учраганда моддий-ташкилий механизмлар билан қўллаб-қувватлаш орқали бозор иқтисодиётига хос бўлган ўзини ўзи бошқарув тизимини яратди<sup>14</sup>. Мазкур вазифалар давлат бошқарув тизими фаолиятининг моҳияти ва мазмуни тубдан ўзгарганини, энди давлат эркин иқтисодиёт қонунларига мувофиқ ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Буни ўз вақтида илғаган, кўрган Республикамиз ҳукумати хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш чора-тадбирларини кўрди.

Тадбиркорлик хотин-қизларнинг бўш вақти ва хоҳиш-истакларига мувофиқ бажариладиган меҳнат туридир. У аёлларга нафақат қўшимча даромад келтиради, худди шунингдек, уларга ижтимоий фазилатлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш имконини беради. Ўзимиз ўтказган савол-жавобда қатнашган эксперт-респондентларнинг 72 фоизи тадбиркорлик негизида ижтимоий-фойдали меҳнат ётганини, айнан ушбу фаолият аёлларга жамият ва давлат ҳаётида фаол қатнашиш имконини бераётганини қайд этадилар. Оддий респондентларнинг 58 фоизи тадбиркорлик билан бажонидил шуғулланиши мумкинлигини, аммо уни қаерда, қандай бошлашини билмаслигини айтади. Эксперт-респондентлар (62 %) ҳам, оддий респондентлар ҳам (74 %) маҳаллий ҳокимият тизимлари хотин-қизларнинг бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишига зарур шарт-шароитлар яратиб бераётганини, гоҳо уларга маъмурий-расмийчилик, қоғозбозлик, “текшир-текширлар” ҳалақит бераётганини айтадилар. Мазкур фикримизнинг тўғрилигини “Ижтимоий фикр” олган жавоблар натижалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, “Сизнинг фикрингизча, шахрингизда, туманингизда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб қилиш учун шароитлар борми?” деган саволга Бухоро вилоятида аёл респондентларнинг 72,0 фоизи, Қашқадарё вилоятида 74,0 фоизи, Фарғона вилоятида 59,5 фоизи, Тошкент шаҳрида 50,0 фоизи, Хоразм вилоятида 36,4 фоизи, Самарқанд вилоятида 26,8 фоизи “йўқ” деб жавоб қайтарган. Демак, жойлардаги давлат бошқаруви тизими, фуқароларнинг бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-

<sup>12</sup>Қаранг: Малерик В. Продаются Наташи.–М: Интер-Пресс, 2006; ФлитР. Политика, секс, ложь. –М.: Радуга–К, 2007; Алимасов В. Аёллар савдоси // Хуррият. –2006 йил 12 октябрь; Каримова Н. Инсон савдосининг олдини олиш // Оила, жамият, қонун. –Тошкент: O‘zbekiston, 2007.–Б. 97-103.

<sup>13</sup>Қаранг: Мадалиев А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти миллий моделини яратиш асослари. –Тошкент: Фан, 2004. –Б.19.

<sup>14</sup>Ўша асар. –Б.13-15.

қувватлашга даъват этилган институтлар ҳали кўнгилдагидай фаолият олиб бормаяптилар. Юқоридаги вилоятларда ишсизликнинг юқори бўлиб қолаётгани, айниқса кўп болали хотин-қизларни бизнесга, тадбиркорликка кенг жалб этиш долзарб масала эканини англаймиз. Давлатимиз оилавий бизнесни, касаначиликни қўллаб-қувватлаётган экан, маҳаллий давлат бошқаруви тизимлари хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга, уларда ижтимоий-иқтисодий фаолликни ривожлантиришга давлат ва бутун жамият аҳамиятидаги вазифа, деб қараши лозим. Тўғри, социологик сўровномалар 25,5 - 30,0 фоиз аёллар қўшимча меҳнат, тадбиркорлик билан шуғулланишини кўрсатади. Лекин бу меҳнат турлари ғайриқонуний тарзда, яъни кўчалар, муюлишлар ва бекатларда сигарета, сақич, сув ёки пишириқлар сотиш билан олиб борилаётгани ҳам кузатилади. Бундай тадбиркорлик оила бюджетига маълум бир улуш қўшади, истеъмолчиларнинг манфаатларини қондиради, аммо уларнинг сифатига, инсон соғлигига зарар етказмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди. Бундан ташқари, улардан давлат солиғи олиш ҳам қийин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги Фармони, “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 07.03.2019й. ПҚ-4235-сонли Қарори хотин-қизларга кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Бугун мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилади. Уларнинг 180 мингдан ортиғи (34 %) тадбиркор хотин-қизлардир. Лекин бу кўрсаткич ҳали кам, чунки меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмини (50 %) хотин-қизлар ташкил қилади. Улар саноатда 38 фоиз, қишлоқ хўжалигида 45 фоиз, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиз, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида-72 фоизни ташкил этган ҳолда кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги кўрсаткич ҳамон орқада қолмоқда. Истиқболини аниқ тасаввур этолмайдиган, ўз ишини, корхонасини ривожлантириш лойиҳаларини, режаларини тузмайдиган тадбиркор, мулк эгаси ё ижтимоий-сиёсий муҳитга ёки ўзининг фаолиятига, кучига ишонмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий институтларнинг, давлат бошқаруви тизимларининг барқарорлиги, ўз режаларида собитқадам туриши муҳим аҳамиятга эга. Тинмай ўзгартириладиган қонун, тартиб шахсда иккиланишларни, ишончсизликни келтириб чиқаради, бундай вазиятда у шу куннинг талаби, эҳтиёжи билан яшашга, имкониятдан фойдаланиб, бойлик орттиришга мажбур бўлади. Бу ўринда эксперт-респондентларимизнинг жавобларига эътибор бериш ўринлидир. “Бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишга нималар халақит бермоқда?” деган саволимизга уларнинг 80 фоизи –“Маблағи етишмайди”, 72 фоизи –“Маҳаллий ҳокимиятдагилар тўсқинлик қилади”, 61 фоизи –“Муқим ишлашига имкон беришмайди”, 53 фоизи – қоғозбозлик, текшир-текширлар бездиради”, 43 фоизи –“Вақти йўқ”, 29 фоизи –“Билими етишмайди”, 27 фоизи –“Ташкилотчилик, тадбиркорлик қобилияти йўқ”, 12 фоизи – “Оиласидагилар қўллаб-қувватламайди”, 4 фоизи –“Эри, турмуш ўртоғи рухсат бермайди”, деб жавоб қайтарган. Бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишга ғов бўлаётган тўсиқлардан бири маблағ етишмаслигидир. Кейинги жавоблардан маълум бўладики, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини маҳаллий ҳокимиятдагилар, айниқса оиласи, энг аввало турмуш ўртоғи, эри қўллаб-қувватлайвермайди. Расмиятчилик, текшир-текширлар ҳам аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолият олиб боришга ғов бўлмоқда. Шу билан бирга эксперт-респондентларнинг 72 фоизи, оддий респондентларнинг 47 фоизи давлатимиз аёлларнинг бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаётганини, бу борада муҳим қонунлар қабул қилинаётганини, кредитлар берилиб, текширишлар қамайтириляётганини қайд этадилар. Улар яқдиллик билан хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаётган ва қафолатлаётган Президентимиз эканини эътироф қиладилар.

Республикамизда хотин-қизларни бозор муносабатларининг, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол субъектларига айлантириш давлат сиёсати даражасидаги вазифадир. Буни барча эътироф этади, ушбу сиёсий вазифага ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди. Давлат бошқаруви тизимлари устига ушбу сиёсий вазифани бажариш учун хотин-қизлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, иш жойлари ташкил этиб, аёллар ташаббусидан унумли фойдаланиш юклатилган. Аммо бу борада маълум бир этномаданий ва консерватив хусусиятга эга тасаввурлар, анъаналар мавжуддир. Бундай тасаввурлар ва анъаналар оилада, оилавий муносабатларда кўпроқ учрайди ва бугунги кунда сақланиб қолмоқда. Сегрегацияни давлат қарори ва махсус қонунлар, билим бартараф этиши мумкин, аммо улар билан оиладаги гендер муносабатларни бошқариб, дискриминацияни тугатиб бўлмайди.

Тўғри, бугун бозор муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий муаммолар оилавий ҳаётга таъсир этиб, хотин-қизларнинг ҳам ижтимоий ҳаётда тенг ҳуқуқли, фаол қатнашишига ундамоқда. Илгарилари бўлганидек, бугун хотин-қизлар боқиманда қолишни, эри ихтиёрига тўла бўйсуниб, унинг сўзидан чиқмай яшашни исташмайди, улар давлат ва жамият ишларини бошқариш, ҳеч бўлмаганда маҳалласи, тумани, қишлоғи турмушида сезиларли из қолдиришга интилишмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ҳам шундай баҳолаш керак.

Бозор муносабатларига ўтиш давлат бошқаруви тизими олдига турли, гоҳо мураккаб ва зиддиятли вазифаларни кўяди, уларнинг ҳаммасини ҳам кишилар манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш, ечиш қийин. Бу ўринда ижтимоий манфаатлар, давлатнинг рационал-оптимистик бошқариш талаблари ҳам борлигини унутиб бўлмайди. Давлат бошқаруви тизимида фаолият кўрсатаётган субъектлар энг аввало, ушбу умумижтимоий манфаатлардан келиб чиқади, ўзининг хатти-ҳаракатларини, муносабатларини шу нуқтаи назардан рационал-оптимистик олиб боради. Шунинг учун ҳам давлат ижтимоий-иқтисодий фаолликни фақат хотин-қизлар билан чегаралаб қўймайди, унинг учун ҳар бир фуқаронинг, жинсидан қатъи назар, фаоллиги зарурдир. Аммо ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаоллигининг сустиги давлатни бефарқ қолдирмайди, улардаги потенциалдан унумли фойдаланмай, ижтимоий ҳаётдаги бўшлиқни хотин-қизларнинг фаоллиги билан тўлдирмай, демократик жамият, ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин эмаслигини у билади. Пировард натижада инсон ижтимоий мавжудот (Аристотель) сифатида ўзининг нима учун дунёга келганини, бахтли яшашга интилганининг боисини англаб этади. Моддий фаровонликка техника воситаларидан фойдаланиш орқали ҳам эришиш мумкин, бироқ, бундай фаровонлик инсонни тез бездиради, Э.Фромм ибораси билан айтганда, уни “жамиятдан бегоналаштиради”<sup>15</sup>. Демак, инсонга меҳнат қилиб, азият тортиб, машаққатлар чекиб, тўсиқларни бартараф этиб, ўзини бахтиёр сезиш ҳисси хосдир. Бозор муносабатларидаги рақобат, янги-янги воситалар ва усулларни излаш, таваккалчилик ана шундай ҳис-туйғунинг шаклланиши ва намоён бўлишига имкон беради. Бундай ҳис-туйғу рақобатни, курашни, мусобақани, дадиллик ва мардликни севадиган нафақат эркакларга, шунингдек, гўзалликни, муросани, аҳилликни, оиласи фаровонлигини севадиган аёлларга ҳам хосдир.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИНИ КАФОЛАТЛАШ УЧУН ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Йигиталиева Р. Р – талаба Абдурахмонова Ш. “Умумтехник” асс.,  
ТИҚХММИ

### **Аннотация**

<sup>15</sup>Фромм Э. Бегство от свободы. –М.: Интер-Пресс, 1996. –С .12.

*Ушбу мақола Республикамизда хотин-қизларнинг турли соҳаларда ўз меҳнат фаолиятини унумли амалга ошириши учун яратилган чора-тадбирларга бағишланган.*

Ватанимиз таракқиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Жаҳон банкининг «Аёллар, бизнес ва қонун - 2019» тадқиқотида 187 мамлакат рўйхатга киритилган. Дунёда гендер тенглигига эриша олган фақатгина олтита давлат бор, дейилади тадқиқот хисоботида. Бу Бельгия, Дания, Франция, Латвия, Люксембург ва Швеция.

Сунгра эса, Австрия, Канада, Эстония, Финляндия, Греция, Ирландия, Португалия, Испания ҳамда Буюк Британия деярли 100 балл тўплаган (барчасида 97,5дан).

Энг ёмон кўрсаткичлар Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Судан, Эрон ва Қатарда - 32 дан кам.

Рейтингда Ўзбекистон 70,6 балл тўплади. Гватемала ва Конгода ҳам тахминан шунча. Тадқиқотда МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон сўнгги ўринда, ушбу кўрсаткич бўйича - Литва 93,7 балл, Тожикистон - 81,8 балл, Грузия - 79,3 балл, Украина, Озарбойжон ва Беларусь - 78,7 балл, Қирғизистон - 76,8 балл, Қозоғистон ва Арманистон - 75,6 балл, Россия - 73,1 баллга эга.

Экспертлар уларнинг қонунчилик базасини баҳолашди ва мезон сифатида сўнгги 10 йил ичида киритилган, аёллар ҳуқуқларига у ёки бу тарзда таъсир қилган ўзгаришлардан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармонида мавжуд камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида кўмита фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди.

Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир

фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Оилавий кадриятлар ва анъаналар йўналишида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш мақсадида Республика “Оила” илмий-амалий маркази негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда **“Соғлом оила – соғлом жамият”** концептуал ғояси ҳамда **“Оила жамият ва давлат ҳимоясида”** конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш “Оила” марказининг асосий вазифалари қаторидан жой олди.

Фармонга биноан 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ФХДЁ органлари уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилади. Оила ва хотин-қизлар масалаларида тизимли ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ФХДЁ органи, “Оила” марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Тадбиркор аёл” уюшмасининг оила ва хотин-қизлар масалаларига оид фаоллигини эътироф этган ҳолда, Фармонда **Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу жамоат фондининг асосий вазифаси оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларига қўмаклашиш ҳисобланади.

Фармонда кўзда тутилган яна бир муҳим масалалардан бири бу оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида “аёллар маслаҳатхоналари”ни ташкил этиш бўлиб, бу маслаҳатхоналар бевосита жойларда ўсмир қизлар ва фертиль ёшидаги аёлларга зарур маслаҳатларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон Фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакилаларига берилган эди.

Эндиликда янги Фармонга мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга бериш белгиланди ва ёш чегарасининг узайтирилгани таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ютуқларга эришган ҳамда илмий изланишлар билан шуғулланаётган олима қизларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

Фармонда белгиланган янги тартибга мувофиқ, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Аёл – улуғ, аёл – мўътабар. Фармонга мувофиқ жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, уларга имтиёзли уйлардан ажратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган 1207 нафар аёлга арзон уй-жойлар ажратилди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларга қулай шароитларга эга арзон уйларни қуриш ва бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Фармонда белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларни амалиётда татбиқ этишни таъминлашга қаратилган 5 та бўлим ва 56 та банддан иборат “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.

## ХУЛОСА

Қабул қилинган Фармон хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Аёллар, бизнес ва қонун - 2019» тадқиқоти
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
3. “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”

## ФЕМИНИЗМ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ САЛОҲИЯТЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ

**Нишонова Н. Р. ф.ф.н. доц. Хамрақулов О. Р. ўғли ТошДАУ 1-босқич талабаси**

### Аннотация

Хотин-қизлар масаласининг ижтимоий муаммо сифатида қаралиши феминизм билан боғлиқдир. 1779 йили француз файласуфи Ж.Кондорсье “Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш тўғрисида”, Олимпия де Гуж эса “Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи” декларацияси орқали Европа, кейинчалик АҚШда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари учун ҳаракатга асос солдилар. Ушбу даврдан бошлаб “феминизм”, “феминист” тушунчалари пайдо бўлди. Аслида, “феминизм” тушунчаси французча *feministe* сўзидан олинган. “Фемина” – аёл деган маънони англатади.

Феминизм ғоя сифатида аёлларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини ифодаласа, мафкура сифатида аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларга эга бўлиши ҳамда аёлларнинг барча кўринишлардаги камситилишига қарши қаратилган маданий ҳаракатдир.

Илмий адабиётларда феминизмнинг ушбу онтологик генезиси ва гносеологик моҳияти энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кураши билан боғлаб талқин қилинади. XIX асрда юзага келган турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қарашларнинг кенг ёйилиши феминизм учун асос яратади. Шунинг учун XIX аср ўрталарига келиб аёллар масаласи мавжудлиги нафақат китобларда, балки давлатлар сиёсатида ҳам тан олинди. Аёлларнинг сиёсий ҳаракати таъсирида XIX асрнинг 70-йиллари ва XX аср бошларида Шимолий Америка, Янги Зиландия, Австралия,

Филиндия, Норвегия, Швеция, Англия, Германия, Австрияда либерал қонунлар қабул қилинди ва аёллар ички ҳаётнинг айрим соҳаларида (муниципалитет сайловида, мактаб ва лицейларни бошқаришда, госпиталлар ҳаётида ва б.) қатнашиш имконига эга бўлдилар. XX асрнинг ўрталарига келиб эса, аёллар тўла сиёсий ҳуқуққа эга бўлдилар ва уларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки масаласи Европа кенгашлари, БМТ симпозиумларида кенг муҳокама қилинадиган бўлди”<sup>16</sup>.

Феминизм тўғрисида тўғри тасаввурларнинг шаклланмагани боис унга салбий муносабатлар, қарашлар ҳам йўқ эмас. Бу, энг аввало дискриминация кўринишларида намоён бўлади. Масалан, Жаҳон Иқтисодий Форуми (World Economic Forum) аёллар ижтимоий ҳаётдаги мавқеини уларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштироки, иқтисодий имкониятлари, сиёсий ҳокимиятдаги ўрни, маълумоти ва саломатлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилган. У маълумотларга кўра, аёлларга зарур шарт-шароитлар Швеция, Норвегия ва Исландияда яратилган. Ушбу давлатларда аёллар дискриминацияси батамом бартараф этилган, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бошқа давлатлар ҳавас қиладиган даражада. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича, Латвия 11-ўринда, Литва –12, Эстония –15, Россия –31, АҚШ эса 17-ўринда туради. Охирги ўринларни Миср, Туркия ва Покистон эгаллайди<sup>17</sup>.

Баъзан феминизм тўғрисида гап кетганида аёлларнинг миллий парламентлардаги сонига мурожаат этилади. Амалий нуқтаи назардан бу феминистик ҳаракат эришган ютуқлардан биридир. Бироқ, парламент аъзоларининг ўз жинсининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашгани, дискриминацияни бартараф этишга оид эътиборли ташаббуслар билан чиққани кузатилмайди. Шунинг учун парламент аъзолари бўлган аёлларни феминизм тарафдорлари деб аташ қийин. Бундан ташқари, аъзоларининг 17-20 фоизини аёллар ташкил этилган парламентларнинг аёллар дискриминациясини тўла тугатиш ва гендер тенгликни таъминлашга оид қонунлар қабул қилишига эришиши ҳам шубҳалидир. Эркаклар кўпчилик бўлган сиёсий партиялардан сайланган аёллар парламентда уларнинг, яъни эркакларнинг манфаатларини ҳимоя қилмаслиги мумкин эмас.

Феминизм аёллар, хотин-қизлар ҳуқуқронлигини таъминлашга қаратилган ҳаракат эмас. Давлат бошқаруви тизимида аёллар сони 10-12 фоизга етган заҳоти эркакларда ҳам, қуйи поғоналарда хизмат қилувчи аёл- хизматчиларда ҳам ҳасад, эътироз уйғонади ва миш-мишлар тарқалади. Бу ҳол феминизмни тенг ҳуқуқлилик учун кураш эканини жамият қабул қилишга тайёр эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистонда феминистик ҳаракатлар кузатилмаса-да, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиб чиққан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш муаммолари билан шуғулланаётган жамоат арбоблари, олимлар бор. Бундан ташқари, Ўзбекистонда давлатнинг ўзи хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги, жамият ва давлат қурилишидаги фаоллигини юксалтириш ташаббусқори бўлиб келади. Тарих кўрсатадики, феминистик ҳаракат хотин-қизлар масаласи унутилган, давлат бошқарув тизимида эркаклар устуворлик қилган, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишига тўсиқлар пайдо бўлганида юзага келади. Ўзбекистонда ушбу тўсиқларни бартараф этишга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга давлатнинг ўзи киришган.

Феминизм ўзича сиёсий назариядир. Унга кўра, аёллар ижтимоий-сиёсий борлиқни эркаклардан кўпроқ ўзгартириш имкониятига эга ва технологиясини биладилар. Эркаклар қанчалик кучли, узоқни кўзловчи, муғомбир, сиёсий ўйинларга мойил бўлмасин, улар ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини аёллар таъсирида, гоҳо бевосита иштирокида яратадилар. Бундан ташқари, дадил ҳаракатлари, стратегик ўйинлари ва “ојизона талаблари” билан кишиларни ўз кетидан эргаштира оладилар<sup>18</sup>.

<sup>16</sup>Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б.34-35.

<sup>17</sup>World Economic Forum. 01.02.2007.

<sup>18</sup>Қаранг:Брайсон В. Политическая теория феминизма.–М.: Идея-Пресс, 2001.–С.17-24.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар қошидаги аёллар қанотини сиёсий феминизмнинг ижтимоий-сиёсий амалиётдаги бир кўриниши дейишимиз мумкин. Тўғри, улар ўзини феминистик ҳаракат деб атамайди, аммо ўзларининг сиёсий партияларида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш масалалари билан шуғулланадилар.

Феминизм аёлларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашини ифода этувчи ижтимоий ҳаракат бўлса, “гендер” эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни назарда тутувчи тушунчадир. Ушбу муносабатлар генезиси жамият шаклланишининг илк даврларига бориб тақалади. Шу даврдан бери у аристократик, монархистик, феодал-патриархал, теологик, либерал босқичларни босиб ўтди. Аёлга бўлган муносабат жамиятга, шу жумладан, эркакка бўлган муносабатнинг кўриниши сифатида ҳар бир давр учун долзарб эди. Чунки хотин-қизларга бўлган муносабатнинг субъектлари эркаклар эди; ижтимоий ҳаётда етакчи мавқега эга бўлган эркакларнинг аёлларга муносабати гендер аҳамият касб этиши табиий ҳол эди<sup>19</sup>. Шунинг учун гендер муносабатларнинг бош актори эркаклар бўлиб келган<sup>20</sup>.

Тўғри, “Гендер фалсафаси”да гендерга оид турли, гоҳо зиддиятли фикрлар ҳам бор. Улар билан баҳслашиш, айримларини рад этиш мумкин. Бироқ, бу ҳол энг аввало гендер муаммоларидаги қарама-қаршиликлардир. Ушбу зиддиятли томонларни объектив ёритиш, муҳокамага қўйиш илм-фан учун муҳимдир.

Ўзбекистонда гендер муаммосини М.Холматова ҳам ўрганган. Унинг фикрича, “Меҳнат турлари ва санъатни дастлаб аёллар кашф этган, эркаклар уларни камолотга етказганлар. Шубҳасиз, ҳозирги замон цивилизациясининг ибтидосида аёл турган. Ҳатто, аёллар салтанати даврида фарзандлар оналар томонидан аниқланган. Аёллар салтанати даврдан эркаклар салтанатига ўтиш аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини ўзгартирди, улар жамият тараққиётидаги иштирокини рад этиб, уларнинг фаолиятини оила доирасига туширди. Бу даврда аёллар камситилган, оила хўжалигидаги барча ишларни бажаришга маҳкум этилган. Оқибатда, бу даврда аёл ўз қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш имкониятларидан маҳрум бўлиб, инсонга хос ва мос ҳаёт кечири олмаган. Шу даврдан бошлаб, жамият ва оилани бошқариш, уларга ҳуқуқронлик эркаклар қўлга ўтди, аёл эса оила доирасида чекланиб эркак кишига моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлиб қолди”<sup>21</sup>.

Хотин-қизлар масаласини ўрганиш ва БМТ қарорлари, халқаро ҳужжатларга мувофиқ тўла бажарилишига эришишни таъминлаш мақсадида CEDAW (аёллар масаласи бўйича давлат ўз устига олган мажбуриятларнинг бажарилишини ўрганувчи халқаро ташкилот) Ўзбекистон ҳукуматида қуйидагиларни тавсия этган:

- Аёллар дискриминациясининг барча, шу жумладан, оиладаги кўринишларини ҳам бартараф этишга қаратилган қонунлар қабул қилиниши, мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритилиши керак.
- Барча раҳбарлар, айниқса судлар, адвокатлар ва прокурорлар дискриминация ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиши, эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқли эканликларини яхши билиши, ўз фаолиятларида халқаро нормаларга риоя этиши даркор.
- Пекин платформасидаги гендер тенглик ҳақидаги талабларни тўла бажариши учун Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси ташкилотларга таъсир этиш кучига ва зарур ресурсларга, имкониятларга эга бўлиши керак.

<sup>19</sup>Ўша асар. –Б.8-9.

<sup>20</sup>Қаранг: Пушкарёва Н.Л. Что такое феминизм? Женская история. Гендерная история (теория и исследование). Калуга, 2001. –С.44-46.

<sup>21</sup>Холматова М. Гендер муаммоси ва уни Ўзбекистонда ҳал этишнинг ўзига хослиги // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. –Тошкент: Фан, 1999. –Б. 23.



- Хукуматга нодавлат ташкилотлари фаолиятига оид меъёрларга ўзгартиришлар киритиш, уларнинг халқаро, чет эл маблағларини жалб этишга тааллуқли ёндашувларни кўриб чиқиш таклиф этилган.
- Эркак ва аёл муносабатида, айниқса оилаларда патриархал муносабатлар, тарихий-маданий стереотиплар сақланиб қолмоқда, бу эса гендер нотенгликни келтириб чиқармоқда.
  - Хотин-қизларни сиёсий ҳаётга, давлат бошқарувида жалб этиш ҳамон етарли даражада эмас, дипломатик идораларда эса улар деярли йўқ.
  - Меҳнат бозорида жинсларга ажратиш, сегрегация сақланиб қолмоқда.
  - Қишлоқ хотин-қизларини ижтимоий ҳаётга, жамият ва давлат бошқаруви тизимига жалб этиш алоҳида эътиборни талаб этади ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Минг афсуски, ижтимоий-фалсафий адабиётларда феминизм ва гендер тенглик масалалари таҳлил қилинмайди, эълон қилинаётган мақолалар эса тасодифий характерга эга.

## **ОЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ**

**Нишонова Н. Р. Доц. ТДТУ, Мелибоев З. М. ўғли НамДУ талабаси**

### **Аннотация**

Олий давлат бошқаруви тизимининг имманент қонунларини, фаолиятига оид хусусиятларини билмасдан туриб, умуман унинг фаолиятидаги субъектларни, шу жумладан хотин-қизларни қандай ижтимоий-сиёсий ўринга эга эканини англаш қийин.

Олий давлат бошқаруви тизимига хос бўлган имманент қонунлар, фаолиятига оид хусусиятлар қуйидагиларда акс этади.

Олий давлат бошқаруви институти халқ томонидан сайланади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (1993 йил 28 декабрь) Қонунга мувофиқ ҳар бир фуқаро жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш умумий (яъни халқ томонидан, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали), Сенат аъзолари эса Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади<sup>22</sup>. Мазкур қонунга кўра, 18 ёшга кирган фуқаролар сайловларда қатнашиши, 25 ёшида халқ депутати, 35 ёшда эса мамлакат президенти этиб сайланиш ҳуқуқига эга.

Демократия ва олий давлат бошқаруви тизимига сайловда ҳаммининг, ақли роса фуқароларнинг жинси, миллати, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли қатнашиши муҳим аҳамиятга эга. Хотин-қизларнинг олий давлат бошқаруви тизимига сайловда қатнашиши, ушбу давлат ҳокимиятига сайланиши демократиянинг асосий талаблардан биридир.

Олий Совет томонидан 1988 йил 20 октябрда тайинланган сайловда 500 сайлов округининг 174 тасидан бир номзод, 177 тасидан икки номзод, 149 тасидан уч ва ундан кўп номзодлар кўрсатилди. Кўпгина номзодлар сайловда етарли овоз ололмади, Олий Совет қарорига мувофиқ 91 депутат ўрни учун қайта сайлов ўтказилди. Мазкур сайловда 4 та округда бир мандатли, қолганларида эса кўп мандатли, жами 37 та мандат ўринга 208 номзод депутатликка даъвогарлик қилди. Умуман, илк бор ўтказилган кўп мандатли сайловда сайловчиларнинг 33,5 фоизи қатнашиб, демократик сайловнинг афзаллигини,

<sup>22</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент, 2009. –Б. 5-6.

Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга бефарқ эмаслигини намоён этди. Биз учун муҳими шундаки, бир мандатли 174 та округда 32 нафар, кўп мандатли 326 та округда эса 118 нафар хотин-қизлар депутатликка номзод қилиб кўрсатилдилар. Тўғри, олий ҳокимиятга сайловда атиги 47 нафар хотин-қиз ғолиб чиқди, бу 500 депутатнинг 9,4 фоизидан зиёдроғини ташкил этади, холос<sup>23</sup>. Бунинг сабаблари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардир: *Биринчидан*, хотин-қизларимиз очиқ демократик сайловда ўз номзоди билан қатнашиш, депутатлик мандати учун ижтимоий-сиёсий курашиш тажрибасига эга эмас эди. Советлар даврида илдиз отган бир мандатли ва номзодни юқоридан кўрсатиш тартиби сайловчиларда ижтимоий-сиёсий тортишувга, курашга киришиш майлини сўндирган эди. Чунки бу тартибга кўра, юқоридан кўрсатилган номзод, унга овоз берсанг ҳам, бермасанг ҳам, сайловда ғолиб чиқарди, олий ҳокимиятга сайланарди.

*Иккинчидан*, сайлов ҳақидаги қонунга маълум бир ўзгартиришлар киритилган бўлса-да, сайловни ўтказиш технологияси ҳали эски эди. Масалан, кўппартиявийлик тизими ҳали қарор топмаган мамлакатда маҳаллий ҳокимият вакиллари олий давлат ҳокимиятига номзод кўрсатиши сақланиб қолиши аниқ эди. Э.Х.Халилов тўғри таъкидлайди: “кўппартияли тизим етарли даражада ривожланмаган шароитларда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи, сайловлар, албатта, муқобиллик ва тортишув кураши асосида ўтказилишини назарда тутди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, муқобиллик ва тортишув кураши демократик сайловларнинг муҳим жиҳатидир. Башарти, у ёки бу номзодни танлаш вариантлари ва афзал кўрган номзодни монеликсиз ташвиқот қилиш имконияти мавжуд бўлса, сайловчининг хоҳиш-иродаси эркиндир. Муқобиллик ва тортишув кураши учун шарт-шароитлар яратиш совет сайлов тизимининг энг заиф томонларидан бири бўлди. 1990 йилда Ўзбекистон Олий Кенгашига ўтказилган сайлов муқобиллик асосида ўтказилган бўлса-да, бироқ инерция бўйича, асосий совет тузуми шароитларида, ўн йилликлар ичида ишлатилиб келган технология асосида ўтказилди”<sup>24</sup>.

*Учинчидан*, мамлакатда бошланган ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, танқислик хотин-қизларимизни кўпроқ оилани боқиш, фарзандларни соғ-саломат ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан банд қилиб қўйди. Шунинг учун улар депутатликка номзодини қўйиш ва ижтимоий-сиёсий курашда қатнашиш эмас, балки ўз оиласи фаровонлигини таъминлаш ҳақида қайғуришга мажбур эдилар.

1989-1990 йиллардаги сайловлар сайлов тизимини такомиллаштиришга ундади. Мустақилликка эришгач, бу борада жиддий изланишлар, ижтимоий-сиёсий тузумни янгилаш бошланди. 1993 йил 4 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғриси”даги Қонун умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. У халқ томонидан 4 ой муҳокама қилинди, қонунни такомиллаштиришга оид 600 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар тушди<sup>25</sup>. Натижада қонуннинг кўп моддалари кенгайтирилган ва аниқлаштирилган ҳолда, жаҳон стандартларига мувофиқ келадиган тарзда 1993 йил 28 декабрда Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинди. 1994 йилнинг 25 декабрида мустақил Ўзбекистоннинг олий давлат ҳокимияти – Олий Мажлисга биринчи сайлов ўтказилди. Мазкур сайлов уч турда: 1994 йил 25 декабрь, 1995 йил 8 ва 22 январда ўтказилгани билан эътиборлидир. Биринчи турда 205 нафар, кейинги турларда эса 45 нафар номзод Олий Мажлисга депутат этиб сайланди. Барча депутатлар олий маълумотли, ҳар етти депутатдан бири илмий даражалидир. Депутатлар 30-50 ёшлардаги халқ вакиллари дур. 250 депутатдан 15 нафари хотин-қизлар бўлган. “Файз” давлат ҳиссадорлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.А.Азимова, Ўзбекистон “Соғлом авлод учун” жамғармаси бошқарув раиси Г.Б.Йўлдашева, Косонсой тумани ҳокими Т.Мирзаева, Ангор тумани “Мустақиллик” жамоа хўжалигидаги болалар боғчасининг мудираси Ш.М.Норбоева, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳақимова, Самарқанд шаҳар 14-

<sup>23</sup>Қаранг: Саодат. 1993 йил 12-сон. –Б.15.

<sup>24</sup>Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарори ва ривожланиши. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б.13.

<sup>25</sup>Ўша асар.–Б.14.

мактаб директори З.З.Ҳасанова, ЎзХДП Бешариқ тумани кенгашининг биринчи котиби З.Холматова, Боғот тумани ҳокими Ш.Ю.Хўжаниёзова, Республика Фанлар академияси кимё-физика ва полимерлар институти директори С.Ш.Рашидова, Кува тумани Ш.Рашидов номидаги жамоа хўжалик раиси М.Сайфутдинова, Пахтакор тумани марказий касалхонасининг бош шифокори ўринбосари М.С.Содиқова, Чимбой туман марказий касалхонаси туғруқхонасининг бош шифокори Д.М.Таганиёзова, Жалолқудуқ тумани ҳокими М.Эгамова, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.М.Ғуломова, Сурхондарё вилояти хотин-қизлар кўмитасининг раиси Б.А.Шодиева Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган илк хотин-қизлардир. Уларнинг биттаси Ўзбекистон халқ-демократик партиясининг, биттаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг вакиллари дир. Тўртта аёл туман ҳокимлари, иккитаси хотин-қизлар кўмитасининг раислари, қолганлари турли меҳнат жамоаларини бошқарувчилар дир. Уларнинг олий маълумотли ва ижтимоий ҳаёт муаммоларидан яхши хабардор бўлгани депутатлик фаолияти учун муҳим аҳамият касб этган. Совет тузими олий давлат ҳокимиятига саводсиз ишчи-деҳқонларни ўтказишга қурилган эди, энди бундай ёндашиш қонунчилик органининг самарали ишлашига ёрдам бермаслиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам олий давлат бошқаруви тизимида олий маълумотли, ижтимоий-сиёсий ҳаёт муаммоларидан яхши хабардор, кишилар билан ишлаш тажрибасига эга кишилар депутатликка сайланадиган бўлди. Бироқ, 1989 йилги кўрсаткичдан 1994-1995 йиллардаги сайловда ўрин олган аёллар сони деярли уч марта камдир. Юқоридаги даврларда депутатлар сони 500 нафардан 250 нафарга, аммо аёл депутатлар сони уч мартадан зиёдга қисқарган ва 250 депутатнинг 6 фоизини ташкил қилган, холос<sup>26</sup>.

Бундай ҳолат хотин-қизларнинг умумий аҳоли тизимидаги ўрнига ҳам, сиёсий партиялардаги иштирокига ҳам мувофиқ келмас эди, албатта. Масалан, 1991-1992 йилларда сиёсий партиялар (энг аввало ЎзХДП) фаолиятида хотин-қизлар 22,3 фоизни, 1994 йилда мазкур кўрсаткич 22,6 фоизни, 2008 йилда 37,5 фоизни, 2012 йилда 50,0 фоизни ташкил қилган. “Адолат” социал – демократик партияси аъзоларининг 2006 йилда (партия 2005 йил 18 апрелда ташкил топган) 42,2 фоизи, 2008 йилда 50,3 фоизи, 2012 йилда 50,0 фоизи; “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларининг (партия 1995 йил 3 июлда ташкил қилинган) 1997 йилда 30 фоизи, 2000 йилда 34,5 фоизи, 2008 йилда 43,0 фоизи ва 2012 йилда 46,5 фоизини хотин-қизлар ташкил қилган. “Фидокорлар” партияси аъзоларининг хотин-қизлар 2006 йилда 24,0 фоизи, 2008 йилда 39,8 фоизи, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати либерал – демократик партияси (2003 йил 3 декабрда тузилган) аъзоларининг 2008 йилда 34,8 фоиз, 2012 йилда эса 38,2 фоизи хотин-қизлар бўлган<sup>27</sup>.

Кўришиб турибдики, хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги иштироки кўпайиш тенденциясига эга, аммо уларнинг Олий Мажлис депутатлигига сайланиши ҳали юқори даражада эмас. Буни қуйидаги кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Биринчи чақириқ Олий Мажлис таркибида 69 нафар депутатдан 2 нафари аёл, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг, 47 нафар депутатидан 3 нафари аёл, “Адолат” социал демократик партиясининг 14 нафар депутатидан 1 нафари аёл бўлган. “Миллий тикланиш” демократик партиясининг вакиллари ичида эса аёллар бўлмаган. Кейинроқ Олий Мажлис таркибида аёллар сони ошгани кузатилади. Масалан, 2004 йил Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига 21 нафар аёл (18 %), Сенатга 15 нафар аёл (15 %), 2009 йилги сайловларда эса, ўша тартибда, 22 фоиз ва 15 фоиз хотин-қизлар сайланган<sup>28</sup>. “Адолат” социал-демократик партияси номзодларининг 31,7 фоизи, “Миллий тикланиш” демократик партияси номзодларининг 32 фоизи, Халқ демократик партияси номзодларининг 30,6 фоизи, Либерал-демократик партияси номзодларининг 33,3 фоизи

<sup>26</sup>Қаранг: Саодат-1995 йил 2-сон. –Б. 3.

<sup>27</sup>Мустақил Ўзбекистон аёллари. –Тошкент: “Истиклол нури” нашр., 2013. –Б.11.

<sup>28</sup>Народное слово, 2011 г. 3 июня.

хотин-қизлар эди<sup>29</sup>. Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки жонлангани, улар қошидаги “Аёллар қаноти” олий давлат ҳокимиятига ўз номзодларини қўйишда дадиллик кўрсатаётгани кузатилади. Масалан, 2004 йилги парламент сайловларида 14 млн. 302 минг 662 киши (сайловчиларнинг 85,1 %) иштирок этган, улар сиёсий партиялар қўйган 495 номзодлар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари қўйган 54 нафар номзод бўйича овоз берганлар. Энг кўп 41 нафар (34,2 %) депутат Либерал-демократик партиядан, 28 нафар (23,3 %) депутат Халқ демократик партиядан, 18 нафар (15 %) депутат Фидокорлар партиядан, 11 нафар (9,17 %) депутат “Миллий тикланиш” демократик партиядан, 10 нафар (8,33 %) депутат “Адолат” социал демократик – партиядан, 12 нафар (10 %) депутат сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган<sup>30</sup>. 2009 йил 27 декабрда ўтказилган Олий Мажлисга сайловда депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга кўтарилди, сиёсий партиялар йиғадиган имзолар сони 50 мингдан 40 мингга туширилди. Сайловда 18 миллиондан ортиқ киши қатнашган. Сиёсий партиялар ўз сафидан 517 номзод кўрсатишган<sup>31</sup>. 2004-2009 йиллар ичида хотин-қиз депутатлар 17,5 фоиздан 22 фоизга кўтарилган. Шунингдек, 2014 йил Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 24 нафари ёки 16 фоизи хотин-қизлардир.

Хотин-қизларнинг олий давлат бошқаруви тизимидаги фаолияти Олий Мажлисга депутат қилиб сайланишдангина иборат эмас, улар вакиллик органининг барча ҳуқуқий, ташкилий, маърифий-ташвиқий ишларида қатнашадилар.

Бу ўринда энг аввало ким депутат бўлиши зарур, деган савол пайдо бўлади. Депутатнинг ижтимоий портретини, у қандай шахсий ва умумий фазилатларга эга бўлиши лозимлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, “оддий одамларнинг депутатга муносабати фақат икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас, балки у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни яратади. Демак, жамиятдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги, сиёсий, маданий тараққиёт бевосита одамлар кайфиятига, хусусан депутат шахсига бўлган муносабатга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади”. Ушбу умумий қарашдан келиб чиқиб Б.Мустафоев ва Қ.Назаров депутатларга зарур бўлган фазилатларга қуйидагиларни киритадилар: “Халқ барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий депутат ана шу яхшилиқни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиш билан, зикр этилган нуқсонларни бартараф этиш борасидаги амалий ишлари билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозониши мумкин”<sup>32</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий-ахлоқий фазилатлар депутатнинг юзи, маънавий киёфаси, борлиғидир.

Хулоса ўрнида, Олий давлат бошқаруви тизими депутатга юксак, мураккаб, ўта масъулиятли вазифаларни юклайди. Кишиларни, халқни бошқариш, уларда миллий демократик тараққиётга ишонч, оптимизм уйғотиш ушбу вазифаларнинг асосидир. Депутатдан саводхон, ўз касбини яхши биладиган, севадиган шахс бўлишни талаб этиш етарли эмас, у ижтимоий-сиёсий борлиққа позитив олиб кирадиган, конструктив фикрлашга мойил кишиларни бирлаштирадиган, миллий демократик тараққиётнинг стратегик мақсадларига хизмат қиладиган шахсдир. У ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатиб, бошқаларда ҳам фаоллик уйғотадиган инсондир.

## ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Нурматова С. И. талаба, Нишанова Г. Х. асс. ТошТЙМИ

<sup>29</sup>Ўзбекистон Республикасининг Сайлов ва референдум тўғрисидаги Қонунлари.–Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 87.

<sup>30</sup>Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий тизими. –Тошкент: O`zbekiston, 2010. –Б. 67.

<sup>31</sup>Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти. –Тошкент: ИИВ Академияси, 2011. – Б. 95-96.

<sup>32</sup>Мустафоев Б., Назаров Қ. Ким депутат бўлиши мумкин? –Тошкент: ТДЮИ, 2004. –Б.7.

## Аннотация

Мамлакатимизнинг катта ютуқларидан бири хотин- қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигидир. Хотин –қизларнинг ҳуқуқ ва мафаатларни ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлатириш ҳозирда муҳим аҳамият касб этмоқда. Оиланинг аҳил ва бахтиёрлиги ҳаётимизнинг янада ободлиги ва фаравонлиги кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеига боғлиқ. Аёл зотини эъзозлашда Ўзбекистон собит қадамдир. Бу-Ўзбекистон халқининг ярмидан кўпи алоҳида ҳурмат топаётир, дегани. Бундан ҳар бир хонадон чароғон ҳаёт кечирмоқда. Бизгаёнки, Президентимиз китобида оналарга, қизларга бўлган ҳурмат -эҳтиром шу қадар самимият, куйинчаклик, жонқуярлик билан ёзилган. Уларни ўқир эканмиз, ўз халқини, миллат оналари ва қизларини бекиёс меҳр-муҳаббат билан севган, бошига кўтарган президентга ҳурматимиз тобора ортиб боради.

Хотин- қизларнинг билим олаётганлари, ташкилотларда ишлаётганлари, ўз соҳалари бўйича мартабаларни эгаллаётганлари, давлат сиёсатига ўз ҳиссаларини қўшаётганлари ҳеч биримизга сир эмас. Бу аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканини яна бир исботидир. Шу билан бирга демократиянинг муҳим элементидир. Бу тенглик фуқароларнинг давлат, қонунва суд олдида расмий тан олинадиган ҳуқуқий тенглиги бўлиб, у ҳар бир фуқароларнинг қайси жинсга мансублигидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга эканлигини англатади. Оиладаги ишларнинг асосий қисми аёллар зиммасига тушгани сабабли, улар ўзларининг тўла ҳуқуқ ва имкониятларидан фойдалана олмайдилар. Шунинг учун давлат аёллар ва эркакларнинг тенглигини эълон қилар экан, буни таъминлаш учун аёлларнинг меҳнат қилишда, соғлигини мустаҳкамлашда, яхши шароитлар ва имтиёзлар яратиб бериш ва қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлатириш чоралари кўрилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 2003- йил 29-августда қабул қилинган қонунга асосан сиёсий партиялартомонидан депутатликка қўйиладиган номзодларнинг 30 % и хотин- қизлардан бўлиши мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги «хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Президент фармонига кўра Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

1. Хотин —қизларни қўллаб—қувватлашга Доир Давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий,сиёсий ҳаётидаги роли вафаоллигини ошириш.
2. хотин—қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш,ёрамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин- қизларнинг, шу жумладан,ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзили рўйхатларини тузиш,уларга ижтимоий—ҳуқуқ,психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш.
3. хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин- қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалалари да ҳар томонлама манзилли қўллаб қувватлаш.

« Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй- ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак», - деди давлатимиз раҳбари. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзинингсамарали меҳати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшилган хотин-қизларга бериладиган « Мўтабар аёл» кўкракнишони таъсис этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлар орасидаги 514 нафар фандоктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 % идан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этилишини таъкидлаш лозим.

«Ўзбек аёлларининг сабр-бардоши ва чидамини, бошига қандай оғир мусибат тушган бўлмасин, худо бор, ҳақиқат бор, деган умид билан яшагани, адолатга ишончи, оиласига меҳри, садоқати нақадар кучли бўлганини ўз кўзим билан кўрганман. ...Юзлари офтобда қорайиб кетган, қўллари меҳнатда қадок бўлган бу аёлларнинг қалби, юрагишунчалар гўзал, шунчалар беғубор эканини кўриб, дунёда ҳақиқат ҳам ўзбек аёлига тенг келадиган аёл йўқ, деган фикрга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилганман».

Аёлларнинг шижоати аввало фарзанд. Оила шу билан бирга халқ равнақи учун хизмат қилади. Фарзандга бўлган эътибор оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Оила мустаҳкамлиги давлатни фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши барчамизга аён. Шундай экан аёлга эътибор демократиянинг асосий вазифаларига киритилгани ҳам бежиз эмас. Қизларимиз, аёлларимизнинг билимли бўлиши, уларнинг дунёқарашининг кенглиги ҳар доим мувофақият олиб келиши барчамизга ҳақиқат. Биринчи президентимизнинг сўзларида ҳам бу ўз аксини топган. „Қиз болани коллежни битирмасидан, хунар эгалламасидан кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинлар, мен бунга мутлақо қаршиман. Қиз бола аввало касб егалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўз ўрнини топади, йўлини йўқотмайди.

Юртимиздаги ҳар бир қиз бола бу менинг қизим, менинг набирам ва уларни хафа қилишларига мен ҳеч қачон йўл қўймайман. Улар албатта бахтли бўлиши керак,,

Бугунги кунда аёллар ва эркекларнинг тенглигини ҳаётий амалиётда ҳам куриб турибмиз. Бу фақат ижобий ҳолатдир. Давлатимиз қонунлари ҳам буни тасдиқламоқда.

Қанча-қанча аёл ҳақидаги фикрларни қисқартираман десак бунинг ҳеч ҳам имкони йўқ. Аёл бу ҳақиқат, аёл бу ҳаёт, аёл бу ердаги фаришта демакдир. Аёлнинг меҳр ва муҳаббатга тўла кўзларида фидоийлик барқ уради. Унинг гўзаллиги эса бу олам табиатида ягонадир. Чиндан ҳам аёл зоти- яратганнинг тенгсиз мужизаси. Уларга эҳтиром қурсатган юрт эса доим нурга тўлади ва ривожланади. Олий ўқув юртлири, илмий марказлар, турли лойиҳалар яна кўплаб танловларда хотин-қизларимизнинг пешқадам бўлиб ҳаракат қилишлари ҳам ҳеч биримизга сир эмас албатта. Уларнинг бошлаган ишларига масъулият билан ёндашишлари ҳам ишларининг самарадорлигини янада оширади. Ўзбек аёллари эса нафақат ишда, балки, уйда яъни оилада ҳам энг жонкуяр, меҳрибон ҳисобланадилар.

Аёлларга бўлган эътибор нафақат ҳозирда, қадим тарихимизда ҳам амалда бўлган. Масалан Бобурийлар сулоласида ҳам аёллар алоҳида ўрин тутган. Жумладан Гулбаданбегим ўзининг “Хумойуннома” асарида шундай ёзади: “Бобурнинг севимли хотини Мохим бегим сарой аёллари ичида энг доно ва билимдони бўлиб, ички ва ташқи сиёсат бобида шохга ўринли маслаҳатлар бериб турган. Акбаршоҳнинг онаси Хадичабону давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этиб, катта обрў-эътиборга сазовор бўлган”. Шу жумладан бобурий маликалар орасида Жаҳонаробегим, Аржумандбону, Нуржаҳонбегим, Зебуннисодек оқила аёллар на фақат давлат бошқарувида фаол иштирок этган, балки санъат, адабиёт, илм-фан ва маданият ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган.

Бундан маълумки Бобурийлар сулоласининг ривожига ҳам аёлларнинг ўрни сезиларли бўлганини.

Бизнинг тарихимизда юз берган турли оғир вазиятларда ҳам аёллар юксак жасорат қурсатишган. Жаҳоннинг икки оғир уруши, юртимизда кечган очарчилик пайитлари, турли диний ва экстримистик ташкилотларнинг ҳаракатлари барча-барчасида аёлларимиз сабр-тоқат қилиб, оиладаги йўқчиликни қўлдан келгунича яшириб, бор қилиб, нурафшон кунлардан умид қилиб яшашган. Бизнинг меҳрибон оналаримиз нафақат ўзларининг,

балки ўзгаларнинг фарзандларига ҳам худди ўз фарзандидек қарайди ва бунга куплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бизнинг меҳрибон оналаримиз қанча меҳр кўрсатиб, қанча меҳнат қилсалар ҳам, бунинг эвазига ҳеч нарса сўрамайдилар. Улар оиласи, фарзандлари учун ҳар қанча меҳнатга тайёрлар. Юртимизда 8-март санаси “Халқаро хотин-қизлар куни” деб белгиланган. Бу кун бутун мамлакатимиз бўйлаб неча йилдирки кенг нишонланиб келинади. Аслида гул бўлган аёлларимизга, ўзларидек гўзал ва нозик бўлган гуллар берилади. Бизнинг меҳрибон аёлларимизга кўп нарса керак эмас, уларга ширин сўз ваътиборнингўзи ҳам кифоя. Улар чиндан ҳам оиламизнинг беминнат фаришталари. Ўзбек аёллари ўзининг иродаси, садоқати, меҳнатсеварлиги билан жамиятда ўз ўрнини топган. Юртимиз аёллари ҳар доим хурмат ва эҳтиромдалар. Улар доим бунга лойиқ ва шундай бўлиб қолади албатта.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2014.
2. Мунис ва меҳрибона аёлларимизга эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш-барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз // Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. Т., “Ўзбекистон”, 2017.

#### **ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Х.Раҳимова Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчиси

#### **Аннотация**

Буюк бобокалонимиз, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий: «Ҳам жисминга заъф бўлса, жоним садқа, Ҳам жонингга жони нотавоним садқа, Сарвингга шакиб ўлса, равоним садқа, Йўқ-йўқки, сенга жону жаҳоним садқа», – дея тараннум этади. Машҳур рус ёзувчиси Максим Горький: «Аёл – бутун оламнинг онаси, фарзандни дунёга келтиргани учунгина эмас, энг муҳими, инсонни тарбиялагани, унга ҳаётнинг энг улуғ қувончларини бахш этгани учун ҳам уни улуғлаб «она» деб атаймиз», – деган эди. Чунки аёл олам беазаги бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак. Бу анъана аёлларнинг жамиятдаги салоҳияти юксалишига, истеъдоди ва инсоний фазилатларининг намоён бўлишига хизмат қилади. Чиндан ҳам аёлларимизнинг оилада тутган ўрни бекиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги муносабатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилди. 2018 йил 2 февралда ПФ-5325-Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. Бунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги хотин-қизларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг асосий «кўзгуси» – хотин-қизлар эканлиги шубҳасиздир. Чунки, жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ўша

жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажак авлод–фарзандлар тарбияси, иқтидори, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат ҳамда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиған хиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга муносабати билан белгиланган.

Замонамизда устувор бўлган қарашларда ҳам жамиятнинг қанчалик тараққий этгани унинг аёлга муносабати нечоғлик гўзал ва маънавий асосга эга экани билан белгиланиши таъкидланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичини қишлоқ хўжалигини ислох қилишга устуник берилди.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан аёлларнинг жамият тараққиётида фаол қатнашишлари учун кўплаб қулайликлар яратилди. Қишлоқ хўжалигида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларида олдинда турган муаммолар ечими ва истиқболли вазифаларга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 200 дан ортиқ фермер ва деҳқон хўжалигини юритувчи аёллар фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирги кунда фермер аёллар сонини кўпайтириш, уларнинг малакасини ошириш, фермер хўжаликларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва соҳани ривожлантиришда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Фермер-бугунги жамиятнинг нафақат энг фаол, керак бўлса, энг ишончли аъзоси. Фермер- фаровон ҳаёт бунёдкори. Фермер- бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон эканини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Фермер биринчи навбатда ернинг, деҳқончиликнинг сир-асорини пухта билиши керак. Табиатан деҳқончилик илмидан узоқ бўлган, билими ва тажрибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди. Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга ва шу тариқа ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришилади.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири-бу еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равишда ошириш билан боғлиқ экани барчамизга аён. Бу мақсадга эришиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади. Яъни ер деҳқонни боқади, деган ҳикмат ҳамиша диққатимиз марказида туриши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

Иқтисодиётни ислох қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлди. Қишлоққа доир қабул қилинган фармонлар, “Ер тўғрисида”ги Қонун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилган.

Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари 1999-2000 йилларда пайдо бўла бошлади. Бу даврда ўз харажатларини қоплай олмайдиган жамоа хўжаликларини ислох қилиш натижасида фермер хўжаликлар ташкил этилиб, улар фермерлар уюшмасига бирлаштирилди, сўнгра уларнинг негизида дастлабки 13 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси шакллантирилди. Ҳукуматнинг қишлоқ хўжаликка доир сиёсати институционал туб ўзгаришларни келгусида ҳам амалга ошириш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқ ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш орқали иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Жойларда хотин-қизлар ҳам фермер хўжаликларини ташкил этишда фаол иштирок этмоқда, уларнинг Ҳукумат томонидан ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, фермерлар ишига маъмурий ташкилотларнинг ноқонуний аралашувига йўл



қўймаслик зарурлиги қайд этилган. Сув хўжалиги сиёсати сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини химоя қилиш, мамлакат сув хўжалиги мажмуини бошқариш самарадорлиги ҳамда ишончлилигини ошириш, мавжуд инфратузилмани реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш учун ресурслар ажратиш орқали сувни кафолатли етказиб бериш, жамият ва табиий экотизимларга зарур сервис хизмати кўрсатишни таъминлашга йўналтирилган.

Фойдаланиладиган ерлардан сув босган ерларни, кишлоқ хўжалик инфратузилмаси, жумладан, аҳоли яшаш жойлари чиқарилгани учун компенсация механизми кўрсатилмаган. Сув ва ресурсларни тежаш бўйича ҳуқуқий нормаларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмагани амалдаги сув қонунчилиги бажарилишига монелик қилаётган омиллардан бири саналади. Мамлакатда ҳали сув-энергетика ресурсларидан фойдаланишга доир халқаро ҳуқуқ, процедура ва меъёрий ҳужжатларни изчил ҳамда мувофиқ тарзда қўллаш бўйича умумий амалиёт тўла шаклланганича йўқ. Айни пайтда мавжуд қийинчилик ва чекловларга қарамай, халқаро ҳуқуққа қўшилиш ва глобал келишувлар сувга доир муносабатларни барча даражада уйғунлаштириш учун ишончли ҳуқуқий асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ўша жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажак авлод – фарзандлар тарбияси, иқтисодий, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат ҳамда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият таракқиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга муносабати билан белгиланган.

#### **Фойдаланган адабиётлар**

1. И.Каримов “Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир”-Тошкент “Ўзбекистон”-2015
2. И.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” – Тошкент- “Ўзбекистон”-1995
3. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Extremum Press, 2011

Урдушев Х., Усмонов Р. Қишлоқхўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Самарқанд, 2006.

### **БУГУНГИ КУНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН МУҲИМ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ.**

Турдибоева М. Ў. Асс. Абдурахимова Л. – талаба – ТИҚХММИ

#### **Аннотация**

Бугунги кунда ўзбек аёлининг жамиятдаги маънавий тубдан ўзгармоқда. Шунингдек Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг 46%ини аёллар ташкил этади. Яъни аёлларимиз иқтисодиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар жамиятнинг барча жабҳаларида фаолият юритишмоқда.

Сўнгги икки йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмиталари ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолияти тубдан ўзгартирилиб, аниқ вазифалари белгилаб олинди. Қабул қилинган фармон доирасида Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4та қарори, ҳукуматнинг 6та қарори, 4та фармойиши ва 12та чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли меҳнат қилиши борасида ҳуқуқий асослар яратилди.

Халқаро ташкилотлар бизни кўпинча қарор қабул қилишда аёллар камчилигини ташкил этаётгани учун танқид қилишади, яъни раҳбарлик лавозимларида аёллар камлиги учун.

Лекин бу ҳолат бугун ўзгармоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунда депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квотанинг белгиланганлиги вакиллик органларида уларнинг самарали фаолият юритиши учун хизмат қилмоқда. Ҳозирда 3 минга яқин фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилиб, уларни депутатлик ва раҳбарликка тайёрлаш борасидаги ўқишлар ташкил этилмоқда. Агар беш йил олдинни олиб қарайдиган бўлсак, бирорта ҳам вазир аёл бўлмаган. Ҳатто вазир ўринбосарлари ҳам бўлмаган. Аммо бугунги кунни олиб қарайдиган бўлсак, Сенат раиси ўринбосари, меҳнат масалалари бўйича Сенат кўмитаси раиси – аёл кишидир. Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазири ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари, бундан ташқари йирик жамоат ташкилотлари раҳбарлари орасида ҳам аёлларимиз бор. Бугунги кунда Парламентда 15%, сенатда 17% аёллар, куйида, халқдепутатлари туман кенгашларида улар 50%ни ташкил этади.

Шунингдек мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим муассасасида хотин-қизлар кўмиталари фаолият кўрсатмоқда, аммо талаб даражасида эмас.

"Нега хотин-қизлар кўмиталари раислари жойларда аёллар тақдирига таъсир кўрсата олмаяпти, уларни фаол позицияни эгаллашга илҳомлантира олмаяпти?" деган савол туғилади. Менинг фикримча барча хотин-қизлар раислари бир қолипга солиб қўйилган. Юқоридан қандай буйруқ берилса ўшани амалга ошириш керак, амалга оширилмаса "жазоланади". Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, барча хотин-қизлар кўмиталари раисларини бир қолипга солиш мумкин эмас. Улар орасида ўз вазифасини виждонан, масъулият ила бажараётганлар, ўз ортидан эргаштира оладиган, кўплаб яхши ишларни амалга ошираётганлари ва имкони борича аёлларнинг ҳаммасига ёрдам қўлини чўзаётганлари бор. Бундан ташқари Ўзбекистонда хотин-қизлар кўмиталарига раҳбарларни тайёрлайдиган махсус мактаблар йўқ. Хизмат лавозими учун рағбат йўқ, хизмат лавозимида ўсиш йўқ, бу ҳаммининг онгида шаклланиб бўлган. Бу муносабат ҳам жойларда Хотин-қизлар раисларини "тепадан буйруқ кутишга" ўргатиб қўйган. Шу туфайли ҳам улар ташаббус кўрсатмайдилар.

Юқоридаги фикрлардан кейин "Ҳақиқий етакчи аёл қандай бўлиши керак?" деган савол туғилади. Менинг фикримча етакчи аёл — бу ортидан одамларни эргаштира оладиган, энг яхши фазилатларга эга бўлган, янгиликни ҳис қила оладиган, қонун доирасида ишни амалга оширадиган, ўзини тутиши ва фаолияти орқали бошқаларга намуна бўла оладиган инсон бўлиши керак. Ана шундай инсонлар хотин-қизлар кўмиталарини бошқарса хотин-қизлар кўмиталари фаолияти ривожланади ва юксалади деб ўйлайман.

Шунингдек олий таълим муассасаларидаги Хотин-қизлар кенгаши фаолиятида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати институт хотин-қизлари ва талаба-қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Масалан:

- Хотин-қизлар Кенгаши қошида -Жамоатчилик уюшмалари тўғрисидаги Низом асосида ташкил этилган "Фахрий аёллар", "Ҳуқуқшунос аёллар", "Ижодкор аёллар", "Илм-фан ва аёл", "Аёл ва саломатлик", "Ихтирочи аёллар" номли уюшмалар фаолиятини жонлантириш ва ҳақиқатда ижтимоий фойдали тузилмага айлантиришнинг зарурлиги;

- Қизлар жон клубининг фаолиятини шаклан ва мазмунан янгилаш, – замон талабларига мос ривожлантиришнинг зарурлиги, унинг талаба-қизлар бўш вақтини мазмунли ўтказишларига хизмат қилувчи таъсирчан механизмга айлантиришнинг зарурлиги, клубга раҳбарлик қилувчи педагог ходимнинг яхши иш натижаларини рағбатлантириш лозимлиги;

- Талаба-қизлар, айрим ҳолларда эса педагог ва ишчи ходимларнинг ҳамкийиниш, муомала маданиятида камчиликларнинг мавжудлиги ва бу ҳолат эътирозларга сабаб бўлаётганлиги;

- Оғир ижтимоий ҳолатдаги хотин-қизларни, айниқса, ногиронлиги бор– аёлларни ва талаба-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг суствлиги ва самараси пастлиги;
- Хотин-қизлар ва талаба-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва– маиший муаммоларини ўрганиш, уларнинг таҳлили асосида институт раҳбариятига таклифлар киритиш зарурлиги;
- Олий таълимда таҳсил олаётган турмушга чиққан, ҳомиладор ва фарзандли талаба-қизларнинг давомати ва ўзлаштириш кўрсаткичлари пасайиб кетгани, бу ҳолат умумий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатаётганлиги;
- Моддий ёрдамга муҳтож талаба-қизларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича– институт раҳбариятига таклифлар киритиш кераклиги;
- Талаба-қизларни оилага тайёрлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий– ажримларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг тизимли равишда йўлга қўйилмаганлиги ва ҳоказо. Юқорида санаб ўтилган муаммолар олий таълим муассасасининг умумий маънавий қиёфаси, ундаги ахлоқий муҳит, ўзаро муносабатлар, охир-оқибат, меҳнат самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, олдимишга қўйилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига маълум даражада тўсқинлик қилади. Ушбу муаммоларни бутунлай бартараф этиш керак деб ўйлайман.

Олий таълим муассасаларининг Хотин-қизлар қўмиталари - Олима аёллар уюшмаси билан ҳамкорликда талаба қизлар, илмий тадқиқотчи ва мустақил изланувчи қизларнинг интеллектуал салоҳияти, онги ва тафаккурини юксалтириш ҳамда ушбу иқтидорли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни илмий фаолиятга янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида куйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади, хусусан:

1. Асрий қадриятларимизга хос Устоз-шогирд мактаби анъаналарини жадал давом эттириш. Зеро, Президентимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари, илм-фан намояндалари билан учрашувида таъкидлаганларидек: ”Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашда илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарсани аямаймиз” – деган фикрлари алоҳида эътиборга моликдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябридаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони асосида тасдиқланган стратегиянинг муҳим устувор йўналишларидан бири таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилгандир. Ушбу йўналишда белгиланган қатор вазифаларни бажаришда олий таълим муассасалари аёл профессор-ўқитувчилар, иқтидорли талаба ва тадқиқотчи қизларнинг, хусусан, улар томонидан чоп этилган илмий мақолалар сонини кўпайтириш, уларда иқтибос келтириш индексини юқорилаш, халқаро конференциялар ва семинарларда иштирокини янада жадаллаштириш.

3. Илм соҳасидаги фаоллиги, эришган ютуқлари, иқтидори, илмий салоҳияти билан алоҳида ажралиб турган, илмий тадқиқот олиб боришга иштиёқи баланд талаба ва тадқиқотчи қизлар билан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш.

4. Республикада академиклар ва бошқа етакчи олимларнинг раҳбарлигида иқтидорли ёшлар томонидан келажакда ўз касбини тўғри танлашига кўмаклашиш ҳамда танланган мутахассисликларини чуқур ўрганишга қизиқишини ошириш, жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш ва хоқоза.

2019 йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида жамият ҳамда давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, шунингдек оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга илк бор “Мўътабар аёл” кўкрак

нишони топширилди.

Президентфармонибилантаъсисэтилганмазкуркўракнишонилантакдирлашучун Республика комиссиясига 684 та хужжатқабулқилиболинган. 2019 йилда 290 нафараёлмазкурнишонсоҳибигаайланган.Кўрак нишони билан мукофотланганларга энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти топширилган.Танланган номзодларнинг 84 нафари Республика идоралари ва ташкилотлари тавсияси асосида, 3 нафари - хотин-қизлар тизимида намунали фаолият олиб бораётган, 9 нафари - “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ходимлари, 44 нафари - таълим тизимидаги фидойи устозлар, 25 нафари - соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, 53 - нафари меҳнат фахрийлари, кекса онахонлар, 5 нафари - ибратли фарзандлар оналари, 5 нафари - мактабгача таълим тарбиячилари ва 19 нафари - хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислардир. Юқоридаги танланган номзодларга эътибор берсангиз 3 нафари хотин-қизлар тизимида тегишли, ваҳоланки Тошкент шаҳрининг барча олий ўқув муассасаларида хотин-қизлар кўмитаси мавжуд.Мана шу жойда ҳам хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятига эътибор камлигини кўра бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида санаб ўтилган муаммолар жамоанинг умумий маънавий кифоати, ундаги ахлоқий муҳит, ўзаро муносабатлар, охир-оқибат, меҳнат самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, олдимишга қўйилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига маълум даражада тўсқинлик қилади.Шунинг учун муаммоларни ўз вақтида бартараф этсак мақсадга мувофиқ бўларди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

- 1.Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев республика Парламентида йўллаган мурожаатномаси.Тошкент.2018.декабрь
- 2.Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 7 февраль куни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш.Халқ сўзи. 2018 йил 8.02.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони 2018 йил 2 февраль.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиясининг биринчи йиғилиш материаллари. Тошкент. 2019 йил 5 апрель.

### **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ**

**Ходжимухамедова Ш. И.- доц. Бобонарова К. У. Талаба - ТИҚХММИ**

#### **Аннотация**

Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар- жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлатаҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ. Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, ҳатто келажаги буюк давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал қилиш мушкул. Келажаги буюк давлат қуриш борасида биз, энг аввало, ёш авлодга таянамиз. Фарзандни камолга етказиш оилавий тарбияни тўғри йўлга

кўйишдан бошланади. Оиладаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳаммадан бурун аёлларимизга боғлиқ.

Давлатимизнинг биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, “Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналаримиз, мунис опа - сингилларимиздир. Оқида, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар. Онани эъзозлаш - бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз”.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитларни яратилмоқда. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабатда ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган аجدодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурматли ва иззатли муносабатда бўлишга даъват этишган.

Ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимизда хотин-қизларнинг эркаклар билан барча соҳада тенглигини таъминлашга, уларни улуғлаш ва қадрлашга, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий ҳуқуқ тизими яратилди. Истиклол йилларида Конституциямиз ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Оила Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсат тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда асосий мақсад юртимиз аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, опа-сингилларимизнинг фаоллигини оширишга, уларга маънавий-руҳий мадад беришга, қолаверса, уларни турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимоя қилишга қаратилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқини халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги, оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияларга қўшилди.<sup>33</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги “Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида биноан жамиятда соғлом муҳитнинг шаклланишида хотин-қизларнинг фаол иштироки кучайтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамдатуманларда хотин-қизлар кўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди. Улар жойларда ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари мақомига эга бўлди. Жамиятда аёлларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш ва амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларимизда янада фаол иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар

<sup>33</sup> А. Машарипов, Хоразм Аҳлибобшқармаси раҳбари. 12.02.2018 йил.

тўғрисида”ги Фармони хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги бир давр, янги бир босқични бошлаб берди, хотин-қизлар фаоллигини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди ва аёллар салоҳиятини намоён этиш йўлларини белгилаб берди. Жумладан, 2004йилдан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловтўғрисида”ги қонунга асосан депутатликка сиёсий партиялардан аёллар номзодини кўрсатиш бўйича 30 фоизлик квота жорий этилгани юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўлида янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг давлат қурилишидаги иштирокини ошириш мақсадида сиёсий партиялар фаолиятида аёллар ролини кучайтириш, партия аъзоларининг муайян қисмини аёллар ташкил этишига эришилди ва республикада фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар қошида “Аёллар қанотлари” ташкил этилди. 2007 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатилган бир неча номзод қаторида аёл кишининг ҳам номзоди кўрсатилди ва илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига аёл киши сайланди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, “Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга муносабати, унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди”. Бугунги кунда хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки жамиятимизнинг катта кучига, шу билан бирга ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Бунга қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларида аёлларнинг сони сезиларли даражада ўсганини мисол келтириш мумкин. Масалан, шу бугунга келиб мамлакатимиз бўйлаб Суд ҳокимияти органларида 323 нафар, Тармоқлар бўйича раҳбарлик лавозимида 30414 нафар, Сиёсий партия ва депутатлик кенгашларида 20050 нафар, Давлат ҳокимияти органларида 321 нафар хотин-қизлар фаолият юритаётгани фикримиз далилидир.<sup>34</sup>

Бундан ташқари, Давлат мукофоти соҳибалари 2466 нафар ва “Қизларжон” клубини 2350463 нафар хотин-қизларни ташкил этаётгани мамлакатимизда хотин-қизларга қайдаражада эътибор қаратилаётганлигига яққол далилдир. Аёлларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти, чуқур билими ва изланишлари билан илм-фан ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мустақиллик йилларида ҳимоя қилинган 1800 га яқин докторлик диссертациясининг салкам 500 таси, 8500 га яқин номзодлик диссертациясининг деярли 3100 таси аёллар томонидан бажарилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Аёллар саломатлиги ва аёл бахтининг тўқислиги, аввало оила мустаҳкамлигини, оила мустаҳкамлиги эса жамият тараққиётининг асосий омилidir. Шу боис она ва бола саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Умуман, ҳеч бир давлатда оила тақдири, хотин-қизлар келажаги ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистондагидек эътибор қаратилмаган, десам муболаға бўлмайди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этилди. Аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар 2011 йили Республикаимиз пойтахтида ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиумда қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ томонидан юксак баҳоланди.

<sup>34</sup>Ўзбекистон Хотин-Қизлар Қўмитаси. Ўзбекистон Республикасида 2018 йилнинг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳолати юзасидан кўрсаткичлар. [Wcu.uz/uz/menu/davlat-boshqaruv-organlarining-ishtiroki](http://wcu.uz/uz/menu/davlat-boshqaruv-organlarining-ishtiroki).

Жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларда оилаларга, хусусан, хотин-қизларга кенг кўламли ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда уларга катта имкониятлар яратиш, шунингдек, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтариш мақсадида 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши Юртбошимиз томонидан биз аёлларга берилган юксак ҳурмат, эътибор ва эъзоздир. Бу ўринда мамлакатимизда ҳар бир йилнинг “Инсон манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод”, “Она ва бола”, “Меҳр ва мурувват”, “Сиҳат ва саломатлик”, “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили деб аталиши, давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, авваламбор, хотин-қизларни ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилганлигини таъкидлаб ўтишимизлозим.

Республикамиз БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари йўқ қилиш ҳақида”ги конвенциясига, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги конвенцияларига МДҲ давлатлари ичидан биринчилар қаторида кўшилди. Бу ҳужжатлар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларнинг оиладаги ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар комплексининг таркибий қисмидир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.<sup>35</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу Фармоннинг қабул қилинишидан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланаяпти. Юртимизда оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақидағамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш, хотин-қизларни давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштироки учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, биз хотин-қизлар берилган ана шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланишимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишимиз, бизга билдирилаётган ишончни оқлашимиз, ўз меҳр ва садоқатимизни оила, жамият, Ватан равнақи ва барқарорлиги, тинчлиги ва осойишталиги йўлида намоён этишимиз лозим. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаш учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир. Зеро, муҳтарам Юртбошимизнинг самимият билан айтилган: “Оқида, гўзал

<sup>35</sup>Мавжуда Ражабова, ЎзМТДП фракцияси аъзоси. Миллий тикланиш, 7 март 2012 йил.

аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, калби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар”, деган ишончларини оқлаш биз аёлларнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

## ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ ЖЕНЩИН В РАЗЛИЧНЫХ СФЕРАХ ЖИЗНИУЗБЕКИСТАНА

Ш.А.Раупова ст. пр. Кафедры “ПП и МО”  
Ш.Р.Алиқулова ст. 3 курса фак. “Узр” - ТИҚХММИ

### Аннотация

Общественно - политическая активность женщин в общественных организациях и политических партиях позитивно отражавшейся и в их профессиональной деятельности, связанной с социально - экономической сферой. Так-же, про патриотизм и мужество узбекских женщин, роль женщины в жизни общества являющийся показателем уровня прогресса данного общества. Женщины зачастую находившейся на передовых позициях в борьбе за справедливость, за торжество идей мира, иногда даже становившейся во главе управления государством.

**Ключевые слова:** роль женщины, деятельность, история, общественно – политическая, важное место.

Роль женщины в жизни общества является показателем уровня прогресса данного общества. Женщины зачастую находились на передовых позициях в борьбе за справедливость, за торжество идей мира, иногда даже становились во главе управления государством.

Таких примеров больше чем достаточно и в истории Узбекистана. Уже больше 2700 лет назад когда в регионе начали появляться первые государственные образования, одно из них возглавляла мужественная женщина по имени Томирис - царица племени массагетов. По сведениям греческого историка Геродота ей удалось одержать верх над могущественным правителем Ахеменидской державы Киросом II, несмотря на то, что в бою с персами погиб её единственный сын.

Спустя 12 веков территория Средней Азии подверглась нападению арабов. В этот период, а точнее 680-693 гг. в Бухаре правила царица Кабажхатун, которая возглавила беспощадную войну с Арабским халифатом. Сражаясь наравне с мужчинами, она показала беспрецедентный пример героизма и мужества в борьбе с захватчиками.

Было бы неверным считать, что после принятия ислама, который в корне меняет отношение к женщине, они не принимали никакого участия в управлении государством. Примером может служить роль жены Амира Темура Сарай Мулькхоним в общественной и политической жизни государства. По сведениям испанского посла Клавихо, обладая незаурядным умом и дипломатическими способностями, она активно участвовала не только во внутренней, но и во внешней политике, вступая в переговоры с иностранными послами. При её поддержке было построено медресе в Самарканде. К тому же она занималась воспитанием детей и внуков, каковым являлся Мирзо Улугбек. Патриотизм и мужество узбекских женщин проявились и во время завоевания территории региона царской Россией во второй половине XIX века. По сведениям автора этого периода Аваз Мухаммад АтгорКаканди, во время защиты АулиеАта женщины с утра до ночи, на улицах и рынках сражались и погибали наравне с мужчинами. Участвовали женщины и в обороне города Ташкента. Согласно источникам женщины, дети и старики доставляли на поле боя еду, хлеб и фрукты. И таких примеров можно привести очень много. Ещё одной характерной чертой местных женщин, несмотря на многочисленные ограничения Ислама, было стремление к самореализации. Официально мусульманское общество отказывало женщинам в праве получить образование. Им было запрещено учиться в



мактабах (школах) и мадраса. Но они могли получать домашнее образование. Обучением девочек грамоте занимались в своем доме женщины- учительницы (отин). Занимались девочки почти по той же программе, по которой занимались мальчики в мактабах (школах). Более того, когда в начале XX в. в Туркестане начали создаваться новометодные мактабы, то они стали создаваться и для девочек. В них девочкам преподавали – Каран, богословие, чтение, правописание, арифметику, географию, рукоделие и основы гигиены. В регионе было немало образованных и начитанных женщин. Об этом говорят многочисленные свидетельства европейцев, которые в силу различных обстоятельств жили среди населения Туркестана. Их поражало умение многих местных женщин искусно излагать свои мысли, говорить красиво и последовательно. В начале XIX в. в Кокандском ханстве были известны две поэтессы, писавшие стихи под псевдонимом «Зиннат», другая – «Мохсуна», в конце XIX - начале XX вв. В Туркестане довольно широко были известны поэтесса Анбар-Отин, призывавшая к борьбе с женским затворничеством: певица, танцовщица и музыкантша Курбон – хон, выступавшая в составе русской труппы с концертами в городах края: Бухарская поэтесса Хулосан–хон, писавшая стихи под псевдонимом «Маахджурий». Немало было случаев самореализации местных женщин через проявление своих организаторских способностей, активности в общественной жизни. Вот только один пример. В Наманганской области ещё до завоевания Кокандского ханства в Россию жила женщина, некая Халь–биби, которая в народе была известна под именем Халь – мираб – баши. Её муж был мирабом в Наманганской области. Еще при жизни мужа, энергичная бойкая, к тому же хорошо знакомая с местной системой ирригации. Халь – биби принимала активное участие в делах мужа, а когда он умер, она оделась в мужскую одежду и заставив всех намаганцев признать ее мираб – баши, заняла место своего мужа и провела в этом качестве всю оставшуюся жизнь. Конечно приведенные примеры не были массовым явлением. Но они имели место и свидетельствовали об огромном внутреннем потенциале женщин, который в настоящее время раскрылся в полную силу, когда современная женщина Узбекистана получила доступ к образованию, смогла реализовать свои знания и способности в работе, общественной жизни, творчестве.

Процесс неуклонного развития узбекского общества за 20 лет независимости по пути построения правового демократического государства с социально - ориентированной рыночной экономикой и с сильным гражданским обществом сопровождается всевозрастающим активным участием женщин во всех сферах жизни, наиболее важные из которых можно отметить в следующих областях деятельности, а именно, общественно - политической, социально- экономической, культурной, образовательно-просветительской.

Литература:

1. Тревер К.В., Якубовский А.Ю., Воронец М.Э. История народов Узбекистана. Ташкент ; 2010г.
2. Хампаев М. Очерки истории ; Душанбе 1959г.
3. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства; СПб, 1843г.
4. Чебоксарова Н.Н., Чебоксарова Й.А. Народы, расы, культуры; М, 1971г.

**XOTIN-QIZLARNING DAVLAT VA JAMIYAT BOSHQARUVI HAMDA  
IQTISODIYOT TARMOQLARIDAGI O'RNINI  
Sharipbayeva L.Sh. qizi, TDIU talabasi**

**Annotatsiya**

Mamlakatimizda ayollar haq-huquqlarini himoya qilish, jamiyatdagi o'rnini mustahkamlash, ularning xohish istaklarini amalga oshirish va qo'llab quvvatlash maqsadida shu kunga qadar ko'plab qonunlar ishlab chiqildi va amalda joriy etilib kelmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmonida ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishi sifatida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ularni davlat va jamiyat boshqaruvidagi o'rnini kuchaytirish asosiy maqsadlardan biri etib belgilanganligi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 2 fevral kuni qabul qilingan "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmonida mamlakatimizda xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlashga doir davlat siyosatining samarali amalga oshirilishini ta'minlash, ularning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish hamda ularning mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotidagi roli va faolligini oshirish muhim ustuvor yo'nalish etib belgilanganligi xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy mavqei yuksalishining yangi bosqichini belgilab berdi<sup>36</sup>.

Bugungi kunda jahon miqyosida xotin-qizlarning o'rnini va roli tobora yuksalib bormoqda. Bu holatni ko'plab mamlakatlarning siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy hayotining hal qiluvchi sohalarida faoliyat yuritayotgan ayollarning soni va salmog'i ko'payib borayotganligida ko'rish mumkin. Xotin-qizlar jamiyatning teng huquqli a'zosi sifatida jahon miqyosida taniqli siyosatchi, olim, san'atkor, sportchi, tadbirkor va boshqaruvchi sifatida o'zlarining nimalarga qodir ekanliklarini namoyon qilmoqdalar. Ba'zi hollarda o'zlarining faolligi, bilimliligi, uddaburonligi va mas'uliyatliligi bilan erkaklardan qolishmasligini namoyon qilayotganliklarini isbotlash shart emas. Ular insoniyatning hayotiy muhim sohalarini, ya'ni sog'liqni saqlash, ta'lim, ijtimoiy xizmatlar, fan, madaniyat va sport, san'at, axborot, xullas, barcha sohalarini, garchi erkaklarchalik imkoniyatlarga ega bo'lmasalarda, zabt etmoqdalar. Siyosiy nuqtai-nazardan olib qaraganda, jahonning bir qancha mamlakatlari ayollar rahbarligida boshqarilmoqda. Mamlakatimizda ham ayollarning siyosiy-ijtimoiy hayotdagi faolligini oshirish borasida qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Birgina misol, O'zbekiston xotin-qizlar qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalari faoliyati tubdan o'zgartirilib, aniq vazifalar belgilab olindi<sup>37</sup>.

Davlat qonunlarini qabul qilinishida ishtirok etish, unda xotin-qizlar masalasini qo'ya bilish, ularni manfaatini himoya qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Tadqiqotlardan aniqlanmoqdaki, xotin-qizlar masalasi o'z-o'zidan hal bo'lmaydi, buning uchun izchil davlat siyosati, uning aholi tomonidan qo'llab-quvvatlanishi, eng muhimi, xotin-qizlarning faolligi zarur. Hozirgi kunda mamlakatimizda turli soha va tarmoqlarda mehnat qilayotgan ishchi va xizmatchilarning 45 foizini xotin-qizlar tashkil etadi. Jumladan, davlat hokimiyati organlarida 321 nafar, tarmoqlar bo'yicha rahbarlik lavozimlarida 30414 nafar ayol mehnat qilmoqda. Ulardan 15 nafari senator, 21 nafari Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati bo'lib, Qoraqalpog'iston Respublikasi Juqori Kengesi, viloyatlar va Toshkent shahar xalq deputalari Kengashlari deputatlari va Xalq deputatlari tuman/shahar Kengashlarida 1516 nafar ayol deputatlarimiz faoliyat olib bormoqda.

Jamiyat hayotida ayollarning rolini oshirish, avvalo, ularning bandligini ta'minlash borasida tegishli chora-tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha mamlakatimizda tub islohotlar rejasi tuzilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2018 yil 28 dekabrda Oliy Majlisga yo'llagan murojaatnomasida xotin-qizlar va yoshlarni davlat tomonidan ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish ularni ish bilan bandligini ta'minlash, oilaviy turmush sharoitlarini yaxshilash lozimligi ta'kidlab o'tildi<sup>38</sup>.

---

<sup>36</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Xotin qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi 2018 yil 2-fevraldagi PF-5325-sonli Farmoni

<sup>37</sup>O'zbekiston xotin-qizlar qo'mitasi ma'lumotlari, 2019 yil yanvar

<sup>38</sup>www.prezident.uz. Sh.M.Mirziyoyevning 2019 yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2018 yil 28.12.

Shu nuqtai nazardan ham bugungi kunda jamiyatdagi ayollarning ahvolini har tomonlama o'rganib, tadqiq etish dolzarb ahamiyat kasb etmoda hamda ayollarning ijtimoiy-iqtisodiy ahvolini yaxshilash uchun uni, avvalo, ish bilan ta'minlash lozim. Takidlash kerakki, 2018 yilda bandlik dasturlari asosida yaratilgan ish o'rinlariga xotin-qizlar qo'mitalari va aholi bandligiga ko'maklashish markazlari tomonidan uyma-uy yurish orqali aniqlangan 245 ming nafar ishsiz xotin-qizlar ishga joylashtirildi. Mahallalar kesimida manzilli ro'yxatlar shakllantirilib, alohida dastur asosida 10 ming nafarga yaqin og'ir turmush sharoitida yashayotgan ayollar bandligi ta'minlandi va bunga 38 mlrd. 261 mln. so'm mablag' yo'naltirildi<sup>39</sup>.

Bundan tashqari bugungi kunda ayollarni ishlab chiqarish, tadbirkorlik, hunarmandchilik, ilm-fan, san'at, sport kabi sohalarda o'zlarini ko'rsata olishlari maqsadida mamlakatimizda turli xil shart-sharoitlar yaratilmoqda. Birgina misol, qariyb 27 yildan buyon faoliyat ko'rsatayotgan "Tadbirkor ayol" O'zbekiston ishbilarmon ayollar assotsiatsiyasi shu kunga qadar yuzlab biznes ta'lim dasturlarini amalga oshirdi. Ushbu assotsiatsiyaning asosiy maqsadi ayollar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash, xotin-qizlarni bandligi ta'minlash, ularga qulay mehnat sharoitlarini yaratish, xotin-qizlarni, ayniqsa, qishloq joylardagi yosh qizlarni oilaviy va xususiy tadbirkorlikka, hunarmandchilikka keng jalb etish, ishlash istagi bo'lgan xotin-qizlarning ro'yxatini shakllantirish, tadbirkor ayollarning jamiyatdagi o'rnini mustahkamlash, endigina tadbirkorlikka qo'l urayotgan ayollarga to'g'ri yo'l ko'rsatish va ularga tushuntirish ishalarini amalga oshirishdan iborat.

Ayollar tadbirkorligining qaror topishi mamlakatimizda juda ko'p ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qiladi. Ayol tadbirkorlarning iqtisodiyotdagi hissasi, bizning fikrimizcha, quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- Oilalarning moddiy farovonligini ta'minlashdagi hissasi;
- Oila a'zolarini ish bilan band qila olishdagi hissasi;
- YaIMda, kasanachilikda, qishloq xo'jalik maxsuloti xajmida, savdo va xizmat ko'rsatish sohasidagi hissasi. Oilalarning moddiy farovonligini ta'minlashdagi hissasi;

Bugungi kunda ayollarimiz iqtisodiyotining barcha tarmoqlarida faoliyat yuritib kelmoqdalar. Jumladan, sanoatda 52%, xalq ta'limi tizimida 70%, sog'liqni saqlash tizimida esa 73% ayollar mehnat qilmoqdalar. Qo'shimcha qiladigan bo'lsak "Mamlakatimizda turli soha va tarmoqlarda mehnat qilayotgan ishchi va xizmatchilarning 45% xotin-qizlar tashkil etadi. Davlat va jamoat tashkilotlari tizimida 1ming 400ga yaqin opa-singillarimiz rahbarlik lavozimlarida mehnat qilmoqda" Xotin-qizlar faolligini orttirishda ular ijtimoiy ongining sustligi qiyinchilik tug'dirmoqda. Agar biz xotin-qizlar ijtimoiy ongida yangicha munosabatlarni qaror toptira olsak, ularning ijtimoiy faolligi ortib boradi.

Jamiyat hayotida xotin-qizlarni ijtimoiy faolligini oshirish uchun quyidagi choralarni amalga oshirmoq zarur:

- xotin - qizlarning mehnat va turmush sharoitini yaxshilash masalalarini o'z ichiga olgan dasturlar ishlab chiqish;
- xotin-qizlarni o'z-o'zini band etish va tadbirkorlik tashabbusiga ko'mak berish;
- ish o'rinlarini yaratish, kasanachilik mehnatini tashkil etish.

Siyosiy faol, yetuk ma'naviyatli, jamiyatning muhim tayanchi bo'lgan xotin-qizlar sonini yanada oshirish uchun quyidagilar taklif etiladi:

- ayollarimizning davlat va jamiyat boshqaruvidagi ishtirokini kuchaytirish maqsadida OAVlarda siyosiy, huquqiy bilimni oshiruvchi ko'rsatuvlarni ko'paytirish;
- Respublika xotin-qizlar qo'mitasi va ularning joylardagi organlari, siyosiy partiyalarning «Ayollar qanoti» faoliyatini yanada takomillashtirish hamda ularning faoliyatlarini OAVlarda muntazam ravishda yoritib borish;
- xotin-qizlarni ijtimoiy muhofazalash, xususan, onalik va bolalikni himoya qilish, ayollarning reproduktiv salomatligini yaxshilash borasida olib borilayotgan ishlarni nazoratga olish;

<sup>39</sup>O'zbekiston respublikasi davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari, 2019 yil. stat.uz

- tugʻish va bola parvarishi taʼtiliga chiqqan ayollarga malaka oshirish, qayta tayyorlash kurslari (zamonaviy, innovatsion usullar asosida qisqa oʻquv dasturlari asosida) tashkil etish;

- oliy taʼlim olishlari uchun xotin-qizlarga Oliy taʼlim muassasalarida (qaysi soha mutaxassislariga ehtiyoj sezilsa, oʻsha sohadagi OTMlarga) xotin-qizlar uchun kafolat va imtiyozlar (kvota, taʼlim krediti) berish, ularning sifatli taʼlim olishlari uchun sharoit yaratib berish;

- kechgi maktabgacha taʼlim muassasalari, maxsus fanlarga ixtisoslashtirilgan maktab va gimnaziya kabi taʼlim tizimlarini rivojlantirish

Xulosa oʻrnida shuni aytish kerakki ayol bu ona, ayol bu uy bekasi u oʻz kasbi egasi u nimaiki qilsa oilasining farovonligi, tinchligi va baxt-saodatini koʻzlaydi. Jamiyatimizda oilalar tinch boʻlsa, tadbirkor boʻlsa davlatimiz ham yuksaladi, taraqqiy topadi. Ayolning oiladagi, farzand tarbiyasidagi oʻrni juda katta, farzandlarning koʻp vaqti onalar bilan oʻtadi, onasining ijtimoiy-iqtisodiy faolligini koʻrgan bola kelajakda davlatga ravnaq keltiruvchi malakali kadr boʻlib voyaga yetishi begumondir. Ayollar oila va jamiyat hayotining turli jabxalaridagi ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning asosiy subyekti sifatida, bozor munosabatlari sharoitida ularning funksiyalari kengayib bormoqda. Shunday ekan ularga har tomonlama qulay shart-sharoitlar yaratish va qoʻllab-quvvatlash yana bir muhim vazifa desak adashmaymiz.

## **DAVLAT VA JAMIYAT BOSHQARUVI HAMDA IQTISODIYOT TARMOQLARIDA XOTIN – QIZLARNI Oʻrni.**

**Shukurullayeva K. Z.** talaba

### **Annotatsiya**

Barchamizga ayonki, dunyoda davlat va jamiyatning nufuzi, madaniy darajasini koʻrsatadigan mezonlar koʻp. Lekin har qaysi millat va xalqning maʼnaviy kamolotini yaqqol aks ettiradigan shunday bir mezon borki, u ham boʻlsa, jamiyatning xotin-qizlarga boʻlgan munosabati, hurmati bilan belgilanadi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning “Oʻzbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” kitobida keltirilgan dolzarb masalalar qatorida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy huquqlarini, nufuzi va qadr-qimmatini himoya qilishning yetarli kafolati uchun, ularning ijtimoiy ishlab chiqarishda va boshqarishda ishtirok etishiga qulay sharoitlar yaratish lozimligi, onalar va bolalar sogʻligʻini, aholining bilim va madaniyat darajasini saqlash har tomonlama ijtimoiy-iqtisodiy va mafkuraviy jihatdan taʼminlanishi kerakligi qayd etilgan.

Bundan anglashiladiki, mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq, xotin-qizlarga gʻamxoʻrlik koʻrsatish, siyosiy faolligini oshirish, kasbiy, jismoniy, maʼnaviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish, qiz bolalarni zamonaviy kasb-hunarlariga yoʻnaltirish, ularni sportga keng jalb etish, onalik va bolalikni muhofaza qilish, sogʻlom oilani shakllantirish davlat siyosati darajasiga koʻtarildi.

Mamlakatimiz dunyoning rivojlangan davlatlari qatorida «Xotin-qizlar kamsitilishining barcha koʻrinishlariga barham berish boʻyicha xalqaro Konvensiya»ga qoʻshilgan. «Xalqaro mehnatni muhofaza qilish», «Onalikni muhofaza qilish», «Mehnat va bandlik borasida kamsitilishlarga barham berish» kabi oʻnlab xalqaro hujjatlar ratifikatsiya qilindi. Milliy qonunchiligimiz va mazkur xalqaro hujjatlar asosida yurtimizda xotin-qizlarning jamiyat hayotidagi faolligini oshirish, huquqlarini himoya qilish, manfaatlarini ifodalash borasida chuqur islohotlar amalga oshirilmoqda.

Xotin-qizlarning oila, davlat va jamiyat qurilishdagi mavqeyini kuchaytirish, ularning xuquqiy, ijtimoiy, iqtisodiy va maʼnaviy manfaatlarini himoya qilish tizimini takomillashtirish

bo'yicha Prezidentimizning bir necha farmonlari e'lon qilindi, Vazirlar Mahkamasining qarorlari chiqdi. Bularning barchasidan ko'zlangan maqsad xotin-qizlar qo'mitalari, jamoat tashkilotlari, davlat tuzulmalarining, xotin-qizlarning iqtisodiy va ijtimoiy hayot va davlat qurilishidagi faolligini oshirishdan iboratdir.

Mustaqil taraqqiyot yillarida O'zbekistonimizni har tomonlama ravnaq toptirish, oldimizda turgan ezgu maqsadlarga erishish yo'lida butun xalqimiz qatori xotin-qizlarimizning beqiyos hissasi borligini ta'kidlamay, e'tirof etmay bo'lmaydi. Mamlakatimiz aholisining yarmidan ko'prog'ini tashkil etuvchi xotin-qizlar islohotlar jarayonida faol qatnashib, Vatanimiz taraqqiyoti, uning yanada gullab-yashnashiga munosib hissa qo'shmoqda.

Azaldan muhtarama ayollarimizga xos bo'lgan mehnatsevarlik, mehribonlik, shukronalik va orastalik, ro'zg'orni, umuman, oila hayotini oqilona boshqarish fazilatlarini eng yuksak tahsilarga sazovordir.

Bundan o'n — o'n besh yillar ilgari faqatgina ijtimoiy sektor, ayniqsa, ta'lim va tibbiyot sohasi xodimlarining asosiy qismini ayollar tashkil etgan bo'lsa, hozirgi vaqtga kelib, davlat idoralari boshqaruvida va respublikamiz iqtisodiy rivojida katta ahamiyatga ega bo'lgan bank-moliya, ishlab chiqarish, qishloq xo'jaligi, kabi sohalarda, avtomobilsozlik, mikrobiologiya, farmatsevtika, elektron va elektrotexnika sanoati, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, servis va bozor iqtisodiyoti xizmatlari kabi yuqori texnologiyalarga asoslangan zamonaviy tarmoqlarda ham xotin-qizlarimizning hissasi tobora ortib bormoqda.

Ayniqsa, so'nggi yillarda tadbirkorlik, xususiy va oilaviy biznes sohasida ayollarning ishtiroki kuchayib borayotganini qayd etish joiz. Buni oxirgi o'n yilda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalariga rahbarlik qilayotgan xotin-qizlarning misolida ham yaqqol ko'rish mumkin.

Shu borada birgina misol — mamlakatimiz iqtisodiyotining barcha soha va tarmoqlarida mehnat qilayotgan aholining 50 foizga yaqinini aynan xotin-qizlar tashkil etayotganining o'zi ko'p narsani anglatadi.

Sobiq ittifoq davrida ayollarning to'rt devor ichida hayot kechirganini, mushtipar onalarning zaharli paxta dalalarida bolalarini opichlab "plan" uchun o'zini ayamaganini, tashvishlanarlisi, bu ular peshonasidagi qismat bo'lganini ko'p eshitganmiz. Qancha og'ir bo'lmasin, qancha zulm o'tkazilmasin ayollarimizdagi chidam, sabr-bardosh, fidoyilik, mehnatsevarlik, qisqacha aytganda, bag'rikenglik ularni bugungi dorilamon kunlarning qahramoniga, vafo va nazokat ramziga aylantirdi.

Bugun biz halqaro demokratik jamiyat safidan munosib o'rin egallash, hech kimdan kam bo'lmaydigan fuqarolik jamiyati barpo etishni o'z oldimizga yuksak maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, aholimizning ongi tafakkuri, dunyoqarashini yanada kengaytirish, bu yo'lda to'siq bo'lib turgan, eskidan qolgan qoldiq va asoratlardan butunlay voz kechish, zamon talablari bilan uyg'un va hamohang bo'lib yashash muhim ahamiyat kasb etishni yaxshi anglab olishimiz lozim. "Shu borada ayollarimizga xar tomonlama munosib sharoit yaratib berish yo'lida olib borayotgan ishlarni ham qonuniy, ham amaliy jixatdan yanada kuchaytirish, ularning qobiliyat va iste'dodini to'la ro'yobga chiqarish, jamiyatimizdagi obro' — e'tibori va nufuzini oshirish — bunday vazifalar faqatgina so'zda emas, kundalik hayotimizda o'z ifodasini topishi shart".

Darhaqiqat, jamiyatning xotin-qizlarga bo'lgan munosabati, hurmati xalqning, millatning madaniy darajasini va ma'naviy kamolotini belgilaydi. Mamlakatimizda ayollarning ijtimoiy-iqtisodiy hayot va madaniyat sohalaridagi, davlat va jamiyat boshqaruvidagi ishtiroki faollashib borayotgani ularga ko'rsatilayotgan yuksak e'tibor va g'amxo'rlikdan dalolatdir. Zotan, har bir ayol uchun tinch va farovon yurtda yashashdan, oila va jamiyat e'zozida bo'lishu sog'lom farzandlarni kamolga yetkazishdan ortiq saodat yo'q.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.ZiyoNET.uz](http://www.ZiyoNET.uz)

## JAMIYATDA XOTIN–QIZLARNING IJTIMOY–SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISH

**Yunusova O. A.-Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
talabasi**

Ma'lumki, millatning o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, shubxasiz oilaning, oilada esa ayolning o'rni beqiyos ahamiyat kasb etadi. Sababi insondagi eng ezgu fazilatlar aynan oila bag'rida, ona tarbiyasi bilan shakllanadi. Xotin-qizlarning huquqiy savodxonligini rivojlantirish, ularni davlat va jamiyat qurilishidagi faolligini oshirish mamlakatimiz oldiga qo'ygan maqsadlardan biri hisoblanadi.

Yurtimizning har tomonlama taraqqiyotida, oila va jamiyat farovonligida xotin-qizlar alohida ahamiyat kasb etadilar. Mamlakatimiz aholisining qariyb 50 foizini tashkil etadigan ayollari ijtimoiy-ma'naviy, siyosiy-iqtisodiy hayotning barcha sohalarida xususan, davlat boshqaruvi va vakillik organlarida, ishlab chiqarish, tadbirkorlik, fermerlik, sog'liqni saqlash, ta'lim, ma'rifat, madaniyat va boshqa ijtimoiy sohalarida samarali mehnat qilmoqda.

Hozirgi vaqtda mamlakatimiz xotin-qizlari orasida 514 nafar fan doktori, 6 nafar akademik, 15 nafar O'zbekiston Qahramoni, 17 nafar senator, 15 nafar Qonunchilik palatasi deputatiborligi, shuningdek, mahalliy Kengashlar deputatlarining 23 foizidan ziyodini hamda ilm-fan, ta'lim-tarbiya, sog'liqni saqlash, madaniyat va san'at sohalarida mehnat qilayotganlarning 72 foizini aynan ayollar tashkil etishi bu jamiyatimiz uchun quvonarli holatdir<sup>40</sup>.

Mamlakatimizda xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, huquq va qonuniy manfaatlariga so'zsiz rioya qilinishini ta'minlash, onalik va bolalikni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning turli soha va tarmoqlarda o'z qobiliyat va imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishi uchun shart-sharoit yaratish, shuningdek, oila institutini mustahkamlash borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

Biroq mamlakatda xotin-qizlarning mavqeini yanada oshirish, oilalarda ma'naviy-axloqiy muhitni yaratish, xotin-qizlarning bandligini ta'minlash, ular bilan maqsadli ishlarni amalga oshirish, ularga har tomonlama ko'mak berish va qo'llab-quvvatlashga xalaqit beruvchi ba'zi bir omillar ham yo'q emas. Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlashga doir bunday xato va kamchiliklarni, muammoli masalalarni o'z vaqtida atroflicha ko'rib chiqib, o'rganib, tahlil qilib ularni bartaraf etish eng muhim vazifalarimizdan biridir. Bunday xato va kamchiliklarga to'xtaladigan bo'lsak:

- **birinchidan**, yordamga muhtoj bo'lgan va og'ir ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan xotin-qizlarni manzilli qo'llab-quvvatlash tizimi yaxshi takomillashmagan, ishsiz va ijtimoiy faol bo'lmagan xotin-qizlar bilan yakka tartibda ish olib boorish amaliyoti yaxshi yo'lga qo'yilmagan, xotin-qizlar o'rtasida bandlikka ko'maklashish va tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha faoliyat samarasiz tashkil etilgan;

- **ikkinchidan**, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash, zamonaviy namunali oilani shakllantirish, uning ma'naviy-axloqiy negizlari va an'anaviy oilaviy qadriyatlarini mustahkamlash bo'yicha maqsadli ishlar olib borilmayapti, erta nikohlarning, oilalardagi nizoli holatlar va ajrashishlarning oldini olish bo'yicha choralarning samaradorligi past darajada qolmoqda;

- **uchinchidan**, xotin-qizlarning reproduktiv salomatligini muhofaza qilish borasidagi faoliyat yetarli darajada tashkil etilmagan, onalar kasalligi va perinatal kasalliklar profilaktikasi va ularning oldini olish bo'yicha samarali tizim, ayniqsa, chekka qishloq hududlarida mavjud emas;

---

<sup>40</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018yil 2-fevralidagi "Xotin qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida" gi farmonidan.

• **to'rtinchidan**, xotin-qizlar o'rtasidagi huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikning oldini olish bo'yicha samarali choralar ko'rilmayapti, xotin-qizlarning huquqiy madaniyatini oshirish, ularga yuridik maslahatlar berish mexanizmi zamon talablariga javob bermaydi;

• **beshinchidan**, xotin-qizlar qo'mitalarining keng ko'lamli vazifalari zarur vakolatlarning yo'qligi va tashkiliy-shtat birliklarining yetishmasligi sharoitida xotin-qizlarning eng muhim muammolarini hal etish borasida ularning kuch va imkoniyatlarini to'liq safarbar etish imkonini bermayapti;

Xususan, mamlakatimizda xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy va sotsial faolligini oshirish, ularning turli soha va tarmoqlarda o'z qobiliyat va imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishi uchun shart-sharoit yaratish, huquq va qonuniy manfaatlariga so'zsiz rioya qilinishini ta'minlash, onalik va bolalikni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, shuningdek, oila institutini mustahkamlash borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Bir qator yangidan yangi dasturlar ishlab chiqilib amaliyotga tadbiiq etilmoqda, bundan tashqari prezidentimizning qaror va farmonlari fikrimiz isbotidir.

Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish maqsadida, shuningdek, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilab berilgan vazifalarni inobatga olgan holda O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi faoliyatining ustuvor yo'nalishlari etib quyidagilar belgilandi<sup>41</sup>:

– **birinchidan**, xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlashga doir davlat siyosatining samarali amalga oshirilishini ta'minlash, ularning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish hamda ularning mamlaka tijtimoiy-siyosiy hayotidagi roli va faolligini oshirish;

– **ikkinchidan**, xotin-qizlarning muammolarini o'z vaqtida aniqlash, yordamga muhtoj bo'lgan va og'ir ijtimoiy ahvolga tushib qolgan xotin-qizlarning, shujumladan, nogironligi bo'lgan ayollarning manzilli ro'yxatlarini tuzish, ularga ijtimoiy-huquqiy, psixologik va moddiy yordam ko'rsatish;

– **uchinchidan**, xotin-qizlarning bandligini ta'minlash, mehnat sharoitlarini yaxshilash, xotin-qizlarni, ayniqsa, qishloq joylardagi yosh qizlarni oilaviy va xususiy tadbirkorlikka, hunarmandchilikka keng jalb etish masalalarida har tomonlama manzilli qo'llab-quvvatlash.

Bunday keng ko'lamli ishlar bilan bir qatorda O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi, O'zbekiston yoshlar ittifoqi, "Tadbirkora yol" uyushmasining "Xotin-qizlarni va oilani qo'llab-quvvatlash jamoat fondi"ni tashkil etilishi to'g'risida fikrlar aytib o'tildi. Bu jamoat fondining asosiy vazifasi:

– xotin-qizlarni va oilani hartomonlama qo'llab-quvvatlash, shujumladan, og'ir ijtimoiy ahvolga tushib qolgan xotin-qizlar va oilalarga, nogironligi bo'lgan ayollarga moddiy yordam ko'rsatish;

– xotin-qizlarga oilaviy va xususiy tadbirkorlik, hunarmandchilikni tashkil etishda, mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan kasblar bo'yicha bilim va ko'nikmalarni egallashda ko'maklashishdan iboratdir.

Ayol eng muqaddas va eng mo'tabar zotdir. Davlat va jamiyat hayotida qator muhim vazifalarni ado etgan, oila va jamiyatning farovon turmush hayotiga o'z hissasini qo'shgan, o'z intellectual bilim salohiyatini ishga slogan holda davlatimiz taraqqiyoti uchun salmoqli mehnat qilgan jonkuyar xotin-qizlarimiz uchun "Mo'tabar ayol" ko'krak nishoni ta'sis etildi. Bu ham o'z navbatida xotin-qizlar mehnatini samarali rag'batlantirish va yuksak darajada baholashdir.

Xotin-qizlarning har tomonlama faolligini oshirish, ularga keng imkoniyatlarni yaratib berish davlat va jamiyat qurilishida alohida o'rin egallaydi. Shu boisdan ularni ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish muhim sanaladi. Kundan kunga ayollar har sohada o'zlarining qobiliyatlarini

---

<sup>41</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 – fevral "2017 – 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi" farmonidan

namoyish etib barcha sohalarda samarali faoliyat olib bora olishlarini isbotlamoqdalar. Iqtisodiyotimizning turli sektorlarida faoliyat ko'rsatayotgan ayollarning salmog'i yildan yilga oshib bormoqda. Bugungi kunda davlat va jamoat tashkilotlari tizimida 1 ming 400 ga yaqin opa-singillarimiz rahbarlik lavozimlarida ishlamoqdalar. Xotin-qizlarning ulushi sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar sohasida 82 % dan ziyodini, ilm-fan, ta'lim-tarbiya, madaniyat va san'at sohalarda 72 % ni, qishloq xo'jaligida 45 % dan ortiqni, sanoatda 38 % ni tashkil etmoqda. Ayollarimizning mehnat huquqlarini ta'minlash hamda ularning tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash maqsadida prezidentimiz tomonidan "Xotin-qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori imzolandi. Qarorga ko'ra ayollarning mehnat va pensiya sohasidagi huquqlari, gender tengligini ta'minlash bo'yicha mutlaqo yangi kafolatlar belgilab berilgan. Ayollarga o'z biznesini tashkil etish, biznes g'oyalarini tayyorlashda yordam berish, uzoq vaqt davomida bola tarbiyasi bilan band bo'lgan, og'ir iqtisodiy ahvolga tushib qolgan ayollarni talab katta bo'lgan kasbga tayyorlash va ishga joylashish uchun ularga ko'maklashish maqsadida Xotin-qizlar tadbirkorlik markazlari tashkil etilmoqda. Qarorga muvofiq ayollarga tadbirkorlik bilan shug'ullanishlari uchun 100 milliard so'm ajratiladi. Bu mablag' ularga imtiyozlik reditsifatida beriladi. Mazkur mablag'larning kamida 50 % qishloq joylarda yashayotgan xotin-qizlar o'rtasida tadbirkorlikni rivojlantirish uchun yo'naltiriladi.

Yurtimizda xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha qator chora-tadbirlarning ishlab chiqilishi, ularning samarali mehnat qilishi uchun zarur shart-sharoitlarning yaratilishi, xotin-qizlar o'rtasida mavjud muammoli masalalarni hal etish, xato va kamchiliklarni bartaraf etish davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligi ayollarning jamiyatda tutgan o'rnining nihoyatda ahamiyatli ekanini bildiradi. Xulosa o'rnida shuni aytishim mumkinki, davlatning har tomonlama ravnaq topishida va jamiyat taraqqiyotida xotin-qizlarimizning o'rni beqiyosdir.

#### **O'ZBEKISTONLIK OLIMA AYOLLARNI RESPUBLIKA VA DUNYO MIQYOSIDAGI E'TIROFI**

Djumabayeva F. I. - o'qituvchi. TAYLQEI  
Urishev A. E. TIQXMMI.

Yurtimizning turli soha va tarmoqlarida mehnat qilayotgan ishchi va xizmatchilarning 45 % ini xotin-qizlar tashkil etib, davlat va jamoat tashkilotlari tizimida rahbarlik lavozimida 1.400 ga yaqin opa-singillarimiz mehnat qilmoqda. Ular 17 nafar senator, 16 nafar Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatlari bo'lib, 1 ming 75 tasi xalq deputatlari mahalliy kengashlarida muntazam faoliyatdagi ayollardir. Ular hukumatimiz tomonidan "O'zbekiston Qahramoni", "O'zbekiston fan arbobi", "O'zbekiston xalq o'qituvchisi", "O'zbekiston xalq shoiri", "O'zbekiston xalq artisti" va "Zulfiya" singari davlatimizning yuksak faxriy unvonlariga, orden va ko'krak nishoniga sazovor bo'lgan opa-singillarimizdir [1, 2].

Jamiyatimiz ayol-qizlariga bo'lgan milliy e'tibor-e'tirof an'anasi xalqaro nufuzni ham namoyon etuvchi ko'zgudir. Jumladan, an'anaga binoan 2019 yil 8 mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi prezidenti Farmoniga ko'ra mamlakatda aziz va mo'tabar ayol zotini ulug'lash, ularning davlat va jamiyat hayotida tutgan o'rnini va nufuzini oshirish, xotin-qizlarning oilalarda ma'naviy-axloqiy muhitni mustahkamlash, farzandlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida, sog'lom va ma'nan barkamol etib tarbiyalash, yurtimizda olib borilayotgan tub islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirish hamda aholi farovonligini yuksaltirish borasidagi ulkan xizmatlarini munosib qadrlash maqsadida qishloq xo'jaligi, sanoat, tadbirkorlik, fan-texnika, innovatsiya, ta'lim-tarbiya, sog'liqni saqlash, madaniyat, san'at va boshqa sohalarda alohida tashabbus ko'rsatib, samarali mehnat qilib kelayotgan bir guruh ayollar faxriy unvonlar, orden va medallar bilan mukofotlandi.

O'rta Osiyo ilmiy tafakkuriva fan-madaniyati rivojida ayollarning o'rnini xaqida so'z borganda XIX asr boshidan turli darajadagi ma'lumotli mutaxassislar, jumladan ayollar o'qigan ilmiy idoralar gavdalanadi. Turkiston o'lkasida 1876-1881 yillardagi gimnaziya 377 ta qiz-



ayollarga ilm maskani bo'lib xizmat qilgan. 1923 yilga kelib O'zbek o'lka Ayollar institutida 410 nafar ayol-qizlardan 280 tasi, Toshkent ayollar institutini esa 7 ta qaldirg'och o'zbek pedagog-qizlar bitirgan. 1918 yilda asos solingan Toshkent davlat universitetini 1930 yilda bitirgan o'zbekximik-ayoli Z.N.Said-Nasirova hisoblanadi. Bu maskanda shu davrda bo'lajak yirik olimalar M.Arifxanova, M.Sultanova, A.Abdurasulova, X.Mirkamilovalarkabi 10 dan ziyod talaba qizlar taxsil olishadi. 1933 yilda texnik OTM va kasbiy o'rta maxsus o'quv yurtlarida jami 601, jumladan 64 ta o'zbek qizlari ta'lim olishgan. 1937 yili O'zbekiston ayol olimalarining ilk anjuman uyushtirilib, «Sharq xaqiqati» ro'znomasining 1938-1942 yilgi sonlarida biolog M.Arifxanova, injener-geolog Z.Xodjaaxmedova, arxitektor X. Xadieva kabi fan nomzodlari xaqida turkum maqolalar chop etiladi.

O'zbekiston arxeologi akademik G.A.Pugachenkova 1930 yili O'rtaosiyo industrial institutining arxitektura bo'limini tamomlab, Markaziy osiyoning qadimgi va o'rta asr tasviriy va miniatura (mo'jaz) san'ati, tarixiy-arxitektura yodgorliklarini o'rgangan. G.A.Pugachenkova YUNESKO bergan baxoga ko'ra dunyodagi ayol olimalarning ilmiy ishlari salmog'i bo'yicha eng birinchi o'rinni egallaydi.

1963 yil birinchilardan bo'lib tilshunoslik sohasida fan doktorligini himoya qilgan o'zbek ayoli M. A. Askarova bo'lsa, 1995 yillari fransuz madaniyatini tashviqoti ishida xizmatlari uchun "Akademik Palmo" fransuz ordeni bilan taqdirlangan fil.f.d. F.K.Sulaymonova birinchi o'zbek olimasi ekanligi sharaftir [3].

1992 yilda O'zbekiston Respublikasi xotin-qizlar "Olima" uyushmasi -ayollarning ijodiy va amaliy mahorati, malakasini oshirishga, bilimlarining yangi jabhalariga kirib borishlari, shuningdek o'z a'zolarining huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish uchun tashkiliy-huquqiy shaklida tashkil qilingan nodavlat, notijorat jamoat tashkiloti irqi, millati, diniy e'tiqodi hamda siyosiy qarashlari, yoshidan qat'iy nazar, ilmiy darajasi va unvoni bo'lgan, fanning muayyan sohalarida ilmiy-tarbiyaviy faoliyat ko'rsatgan xotin-qizlarni birlashtirdi.

Uyushmaga birinchi rais, O'zFA akademigi, kimyo fanlari doktori, professor S.Sh.Rashidova katta xizmat ko'rsatdi. Hozirda uyushmada 6 nafar akademik (M.S.Abdullaho'djaeva, A.I.Gluzhenkova, M.I.Mavloniy, M.F.Obidova, R.A.Ubaydullaeva, S.Sh.Rashidova), 660 fan doktori, 4.780 fan nomzodlari bor. 2013 yildan boshlab uyushma dunyoning 11 mintaqasidagi 40 dan ortiq mamlakatlarida fan, texnologiya, muhandislik va matematik sohalarida faoliyat yuritayotgan ayollar tashkilotlarining xalqaro birlashmasi JNWES (Muhandis va olim ayollarning xalqaro aloqalari) xalqaro olim ayollar uyushmasi a'zosi bo'ldi. Shuningdek OWSD-rivojlanayotgan davlatlar olimalarining xalqaro tashkiloti a'zosi hamdir. 2016 yil 4 fevralda uyushma qoshida dunyo informatsion tizimi orqali ilm-fandagi yangiliklar bilan tanishib, o'zining iqtidori va ilmdagi yutuqlarini mamlakatimiz va xorijda namoyon etish huquqini ta'minlovchi "Yosh olimalar akademiyasi" tuzilgan[4].

2012 yili asos solingan Osiyo akademiklari va ilmiy jamiyati Assotsiatsiyasi (AASSA) Avstraliya Fanlar Akademiyasi hamda butun dunyo bo'ylab Xalqaro ilmiy akademiyalar tarmog'i InterAcademy Partnership (IAP) hamkorliklarida 2018 yil oxirida nashr etgan "Osiyodagi ayol olimlarning profillari: ularning ruhlantiruvchi hikoyalari" nomli kitobida Osiyo mintaqasidagi ayol olimalar, ularning ilmiy ishini e'tirof etgan. Unda AASSA a'zo mamlakatlarining 50 nafar ayol olimlarining ilmiy ma'lumotlarini o'z ichiga olgan, hususan O'zbekiston Milliy Universitetining tadqiqotchisi, biolog Dilfuza Egamberdiyeva va O'zbekiston Fanlar akademiyasida tadqiqotchi, sharqshunos va tarixshunos Dilnoza Duturayevalar ishtirokida O'zbekiston ayol olimalarining erishgan yutuqlarini jahon miqyosida e'tirof etilishi milliy iftihorni ruhlantirmasdan qo'ymaydi albatta[5].

Xulosa so'zida, xalqaro Nobel mukofoti bilan e'tirof etilgan jami 43 ta sovrindor ayollar qatoridan 6 nafar osiyoliklar bo'lib, ular asosantinchlik mukofoti bilan e'tirof etilgan: 1979 yili Hindistonlik Tereza (1910-1997) 69 yoshida "Mehr-muruvvat missiyoner opa-singllar" harkati yetakchiligi uchun;

2003 yili Eronlik Shirin Ebadi (1947 y) 56 yoshida "Demokratiya va inson huquqlari manfaatlariga qaratilgan harakatlari uchun";

2011 yili Yamanlik Tawakul Karman (1979 y) 32 yoshida «Ayollarning xavfsizligi va ayollarning tinchlik o'rnatish uchun toliq ishtirok etish huquqlari uchun zo'ravonliksiz kurashi uchun»;

2014 yili Pokistonlik Malala Yusufzay (1997 y) 17 yoshida "Bolalar va yoshlarning bostirilishi va barcha bolalarning ta'lim olish huquqiga kurashi uchun";

2014 yili Xitoylik Tu Yu (1930 y) 84 yoshida "Bezgakni davolashning yangi usullari sohasidagi kashfiyotlari uchun" Fiziologiya va tibbiyot mukofoti;

2018 yili Iroqlik Nadia Murad (1993 y) 25 yoshida "Jinsiy zo'ravonliklarni urush va qurolli to'qnashuvlarda qurol sifatida ishlatishni to'xtatish uchun" olib borgan harakatlarini xalqaro miqyosda baxolashgan.

Yaratganga beadam shukr bilan aytish joizki, O'zbekistonda tinchlikning bardavomligi sabab yaratilgan shat-sharoitlarda ayollar ilm-fan bilan mashg'ul bo'lib, yurt e'tirofiga sazovor bo'lishmoqda. Bular e'tiroflar qanday nomlanmasin osoyishta hayotimizning ko'rki bo'lib, Osiyo mintaqasida xalqaro nufuzdagi e'tirofu, dunyoning tinchlik moyoqi Nobel mukofotidan ham sharafliroqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Zulfiya nomidagi Davlat mukofotini ta'sis etish bo'yicha takliflarni qo'llab-quvvatlash to'g'risida»gi 1999-yil 10-iyundagi PF-2326-sonli Farmoni;
2. «Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 2018-yil 2-fevraldagi PF-5325-sonli Farmoni;

## **YOSHLARNING ILM-MA'RIFATDA YARATUVCHANLIK SALOHİYATI TARBIYASIDA XIX-XX ASRNING AYOL SIYMOLARI**

Xalmuhammedova Z.T. , Djumabayeva F. I.Toshkent avtomobil yo'llarini loyihalash, qurish va ekspluatatsiyasi institute o'qituvchisi.

Millat kelajagi bo'lmish yoshlarning ma'nan yetuk, barkamol shaxs bo'lib ulg'ayishida kasb hunari va mehnati tufayli insoniyat taraqqiyotiga ta'sir ko'rsatgan insonlar doimo ibrat bo'lib kelishgan. Ularning o'nakli xayot yo'llari, kasbiy faoliyatlariga tegishli ma'lumotlar ta'lim-tarbiyaning uzviy qismiga aylangan. Gul xislat qizlarning tarbiyasi borasida xalqimiz ma'rifat parvarlari jamiyatning ma'nan yuksaklik timsoliga aylangan matonat vajasoratigasi To'maris, tadbirkor va oqila Bibixonim, muhabbatvasadoqat siymosi Zulfiyaxonimni insoniylik fazilatlarini so'zga olinadi.

Texnika va texnologiya sohasida kashfiyot-ixtirolar o'tmishiga nazar solsak, qat'iya'tli ayollarning mehnatini uchratamiz. Ulardan Gipatiya va Lukretsiya Piskopiya, Karolina Gershel va Meri Sommervill, Ada Lavleys va Florens Naytingeyl, Sofiya Kovalskaya va Emmi Nyoter, Greys Xopper va Juliya Robinson turli davrlarda yashab fanning turli sohalarini tadqiq qilishgan bo'lishsa-da, lekin ularni umumlashtirib turadigan jihat bu ulardagi yaratuvchanlik salohiyatidir.

Mazkur ayollarning barchasi ilm-fanga benihoya muhabbat qo'ygan, hamda, xotin-qizlarning jamiyatdagi o'rni bilan bog'liq turli g'aliz tushunchalarga qarshi kurashgan jasur ayollar hamdir. Ular o'z ilmiy faoliyatlari va erishgan natijalari orqali, ayollarning intellektual salohiyati ham erkaklarnikidan aslo qolishmasligini shaxsiy hayotyo'lidako'rsatib berishdi [1]. Fanning turli yo'nalishlarida ixtiro bilan mashg'ul bo'lgan, sermazmun ijog qilib fahrli yutuqlarga erishgan XIX-XX asrlar ayollarisarasini bilan tanishib chiqsak.



Buyuk ilmiy izlanishlar, inqilobiy ixtirolar yoki madaniyat va jamiyatning rivojiga katta hissalar qo'shganligi uchun har yili taqdim etiladigan eng nufuzli xalqaro Nobel mukofotning birinchi ayollariyati Fransuz olimasi, kelib chiqishi polshalik taniqli Mariya Kyuri (1867-1934) - radioaktivlik tamoyilni ochgan deb tan olingan ilk olimasi. Mariya Kyuri (Mariya Skladovskaya) turmush o'rtog'i P'yer Kyuri bilan XIX asrda fan olami xaqidagi tushunchani butunlay o'zgartirishgan.

Ixtirosi bilan shuxrat qozongan kino aktrissa Xedi Lamarr 1930-1940 yillarda Amerikada mashxur bo'lgan. Golivudning taniqli aktrisasi asli avstryalik Xedifan bilan ham shug'ullanib torpedalarni masofadan turib boshqarish tizimini patenlagan. Bu patent zamonaviy aloqa uchun asos bo'ldi, hozirda undan: mobil telefonlardan tortib hatto Wi-Fi va Bluetooth aloqa texnologiyalarida ham keng ko'lamda foydalanishmoqda.

Ketrin Djonson ham o'z zamonasida kompyuter-inson maqomini olgan ayol, U NASAning matematigi, fizigi, bo'lib samoga uchishning trayektoriyasini hisoblagan. Hatto 1962 yili NASAdailk elektron kompyuterlar paydo bo'lsa-da, Djonson o'zining kompyuter hisoblashlarini to'xtatmagan. Djon Glenn yer kurrasini uch marotaba uchib o'tgunga va Nil Armstrong Oyga qadam qo'ygunga qadar NASA dagi matematik-ayollar guruhi samoga ayni shu samogirlar raketasining parvozini hisob-kitobini qilishgan. Ular xaqida "Yashirin qiyofalar" («Hidden figures», «Скрытые фигуры») nomli film ham suratgaolingan.



O'rta Osiyo fan-madaniyatida ayollarning o'rni xaqida alohida to'xtalamiz. XIX asr boshidan turli darajali ma'lumotga ega mutaxassislar, jumladan ayollar o'qigan ilmiy idoralar faoliyati bilan bog'liq. Turkiston o'lkasida 1876-1881 yillarda ilk gimnaziyalar 377 ta qiz-ayollarga ilm maskani bo'lib xizmat qilgan. 1918 yilda asos solingan Toshkent Davlat universitetida ayol o'qituvchilardan Yu.M. Golubnova, I.A. Raykova va boshqalar jonbozlik ko'rsatishgan. 1923 yilga kelib O'zbek o'lka Ayollar institutida 410 ta ayol-qizlardan 280 ta, Toshkent ayollar institutini pedagog 7 ta qaldirg'och o'zbek qizlari bitirishgan. Toshkent Davlatuni versitetini birinchi o'zbek-ximikayoli Z.N.Said-Nasirova 1930 yili bitirdi. Bu davrda bo'lajak yirik olimalar M.Arifxanova, M.Sultanova, A.Abdurasulova, X.Mirkamilovalar kabi 10 dan ziyod talaba qizlar taxsil olishgan.



1933 yilda texnik OTM va kasbiy o'rta maxsus o'quv yurtlarida jami 601, jumladan 64 ta o'zbek qizlari ta'lim olishgan. 1937 yili O'zbekiston ayol olimalarining ilk anjuman uyushtirilib, «Sharqxaqiqati» ro'znomasi 1938-1942

yilgi sonlarida biolog M.Arifxanova, injener-geolog Z.Xodjaaxmedova, arxitektor X. Xadievakabi fan nomzodlari xaqida turkum maqolalar chop etiladi [3].

Sharq mintaasida XXI asrning texnika va matemtika sohasida faoliyat olib borishgan quyidagi osiyolik olimasi ayollar bilan ham qiziqsak.

Ayshe Soysal (24.06.1948) – turk matematigi, 2004-2008 yillarda Istambuldagi Bosfor universiteti prezidenti. Istambuldagi qizlar uchun Amerika kollejini 1967 yili tamomlab, 1971 yil matematika va fizikani o'rganib Robert-kollejni a'lo bakalavr darajasini oladi. Michigan universitetida matematika sohasida 1973yil magistr va 1976 yili doktor ilmiy darajasini oladi.

Bosfor universitetining oliy matematika kafedrsida dars beradi. 1981 yildan dotsent, 1991 yildan esa professor. Yakuniy guruhlar nazariyasi, guruhlar kogomologiyasi, kommutativ xalqalar bilan shug'ullangan va algebraik topologiya, Galua nazariyasi, guruhlar, xalqa va maydonlar nazariyasidan ma'ruzalar o'qigan [wikipediya ma'lumotlari].

Mariam Mirzaxani (3.05.1977 y., Texron- 15.07 2017 y., Stenford) — eron matematigi, Lobachovskiy geometriyasi, Tayxmyuller fazosi, ergodik nazariya, simplektik geometriyaga ixtisoslashgan olim. O'rta ma'lumotni Eronda noyob qobiliyatlarni rivojlantirish bo'yicha Milliy tashkilot tarkibidagi Farzanegan maktabida oladi. 1994 va 1995 yillarda xalqaro matematika olimpiadalarida oltin medallarni qo'lga kiritgan. 1999 yilda Texrondagi Sharif texnologiya universitetini tamomlaydi va shu yildan AQSHda yashaydi. 2004 yil Garvardda doktorlik ilmiy darajani egallab, 2008 yildan Stenford universiteti professori. 2010 yili Xalqaro matematik kongressda "Topologiya, dinamik tizimlar va oddiy differensial tenglamalar" mavzusiga ma'ruza qilgan. 2014 yilda Fildmuk ofoti sovrindoridir [wikipediya ma'lumotlari].

Xulosa o'rvida, O'zbekistonda ilmiy salohiyatini xotin-qizlardan 514 nafarini fan doktoriva 6 ta akademik ayollar [3] tashkil etishini ta'kidlasak, yurtimizda ayol-qizlarni jamiyat va hayotda o'z ornini topishlari davlatimiz g'am xo'ligi ostidadir. Qonun va qonun osti hujjatlar doirasida "Olima" uyushmasi[4], "O'zbekiston tadbirkor ayollar" uyushmasi, "Mehri" tashkiloti, "Ayollar resurs markazi" va "Ayol va jamiyat" institutlari faoliyat ko'rsatmoqda.

Jumladan, hozirgi Toshkent avtomobil yo'llarini loyihalash, qurish va ekspluatatsiyasi institutida qirq yiladan ortiq xizmat ko'rsatgan fidoyi ayol ustozlar to'g'risida ham gapirib o'tmoqchimiz. Ular professorlar texnika fanlari nomzodi Qodirova A'lo Rasulovna, kimyo fanlari nomzodi Barxanadjyan Aida Levonovna, dosentlar iqtisod fanlari nomzodi Sarvirova Natalya Sergeevna, g-m.f.n. Ubaydullova Zahro Sa'dullaevna hamda muallima-ustozlar R.V.Radjabova, N.Y.Volodkina, G.O.Abdukarimovalar ilm dargohida yurtning ta'lim ravnaqiga hissa qo'shib kelishmoqda [5].

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Matematika olami. Ayol matematiklar: Gipatiyadan Emmi Nyotergacha. Xoakin Navarro-Valls. RBA Collectionables(Ispaniya) nashriyoti, 2011 yil. O'zbek tiliga tarjima © www.Orbita.Uz, 2016 yil. 154-sahifa.
2. Женщины в науке Узбекистана По материалам ХалимыКадировой, старшего преподавателя Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoev. Xalqaro xotin-qizlar bayramiga bag'ishlangan nutqi. Halqso'zi 7 mart 2017 yil.
4. Олима аёллар илмий салоҳият юксалишининг янги боскичидаЎзбекистон "Олима" хотин-қизлар уюшмаси раиси,тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазаева <http://olima.uz/2017/02/27/>
5. 40 йил фаолият кўрсатган устозлар ва ходимлар. ТАЙИ. Тошкент-2012 й. 136 б.



### ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ГЕНДЕРНОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ В УЗБЕКСКИХ СЕМЬЯХ

*Ст. Пр. Ахмедова Д.Б. Каримова Г. Ст. 1-го курса  
Факультета  
«Узр» - ТИИИМСХ*

#### Аннотация

Социально - политическая трансформация всего узбекистанского общества, затрагивая все сферы жизни

современного общества, с новой силой обозначила противоречивое положение полов в приватной и публичной сферах и оказала заметное влияние на состояние брак и семьи, на отношения между супругами, родителями и детьми, актуализировав тем самым проблему принятия индивидами своих половых ролей, а именно процесса гендерной социализации в обществе в целом<sup>42</sup>. И в данной статье, прежде чем рассмотреть природу гендерных отношений и процесса гендерной социализации в семейном ракурсе, хотелось бы поразмыслить над тем, что такое «гендерная социализация» и какое влияние оказывают на человеческое развитие? В чем заключается особенность гендерной социализации в семье? Что такое институт семьи? И что он дает в социальном и гендерном плане для индивида вообще? Для того, чтобы найти ответы на эти вопросы, нам нужно понять, что формирует нас, как социальных мужчин и женщин.

Само понятие гендерной социализации является одним из центральных в различных социальных науках: философии, психологии, педагогике, социологии, политологии. Каждая из наук дает собственное определение гендерной социализации, акцентируя внимание на различных аспектах данного процесса. Однако, если разобраться самим термином этого понятия, то гендерная социализация обозначает процесс усвоения людьми социально - половых ролей. В этом процессе участвует сам человек, идентифицируя себя мальчиками (мужчинами) или девочками (женщинами). Например, я - девочка, а девочки должны быть красивыми, скромными и т.д. То есть осмысление определенных моделей мужского и женского поведения, соответствующим им ценностям, взглядам, норм поведения, а также появление соответствующих стереотипов. Иными словами, речь идет о том, как люди становятся «мужчинами» и «женщинами».

Исходя из данной социальной терминологии, отметим, что важными институтами, участвующими в гендерной социализации, являются:

- Семья (девочка следует примеру матери, получает представление о «женских» обязанностях по обслуживанию членов семьи, о нормах девичьего поведения, а мальчик - соответственно, следует примеру отца, выполняет «мужские» обязанности, получает представление о нормах дозволенного мужчинам...)
- Школа (педагоги, учебники, воспроизводящие гендерно-традиционные установки, разные программы для девочек и мальчиков)
- Различные учреждения (например: магазин, предлагающий разную одежду для девочек и мальчиков, разные игрушки и т.д.)
- СМИ (воспроизведение гендерно-традиционных ролей, образов и т.д.)

Теперь остановимся конкретно на том, что такое семья? И в чем же заключается особенность гендерной социализации в семье? Семья - как основной институт первичной социализации индивида имеет свою специфику, поскольку именно здесь формируются, прежде всего образцы мужского и женского семейного поведения, установившиеся роли в семье, особенности формальных и неформальных норм и санкций в сфере брачно-семейных отношений.

Отметим, что основными механизмами гендерной социализации в семье являются гендерные стереотипы, а агентами гендерной социализации являются родители. И потому идеализированная модель будущей семьи в представлениях молодых людей формируется под влиянием родительской семьи, и некоторых усвоенных образцов социальной среды. Исходя из этой точки зрения, хотелось бы раскрыть данную тематику статьи более обширно на примере национальной семейной культуры узбеков, и проследить как происходит вообще процесс гендерной социализации в узбекских семьях.

В традиционных условиях в формировании гендерной социализации в узбекских семьях, а также, семейное воспитание и ценности, где универсальными ключевыми

---

<sup>42</sup>Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 гг. Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042)

фигурами воспитания детей с учетом их гендерных особенностей выступают родители. При этом подходы к их воспитанию часто диаметрально противоположны. Отцы более дифференцированно относятся к ребенку в зависимости от его пола, чем матери. Они, как правило, относительно мало взаимодействуют с сыновьями и дочерьми на протяжении первого года жизни. Скорее всего, этому способствует устойчивое мнение, что, первые годы жизни дети, независимо от пола, отождествляют себя с матерью и демонстрируют привязанность к ней. Хотя имеются и противоположные данные о том, что уже в течении первых двух лет жизни у мальчиков развивается устойчивая привязанность к отцу, если отец проявляет заботу о сыне. Отцы проявляют вдвое большую активность во взаимодействии с сыновьями, чем с дочерьми.

Известно, что мальчики являются более желанными детьми для родителей узбекской национальности, особенно, если речь идет о первенце. Этому способствует устоявшееся представление о большой социальной ценности мужчин по сравнению с женщинами. Данный факт гендерной социализации можно посмотреть на основе этнографического материала, ограничившись мужской, т.е. патриархальной системой.

На следующем этапе социализации, охватывающим юношей старше 16-17 и девушек 13-15 лет на первый план выходит брачная и производственная функция. Для традиционных обществ характерна сильная властная структура семьи, большей частью патриархальной формы. Так традиционный институт семьи в Центральной Азии являлся и является важнейшим как в материальном плане (все вносят свой вклад в её доходы), так и в процессе социализации отдельных своих членов.

В обыденной истории гендерной социализации девушки в узбекской культуре можно увидеть на примере девушки-невестки в семье мужа в узбекских семьях. Другими словами, навыки поведения в семье женщина получает в роли невестки у узбеков. Именно, свекровь направляет невестку в ее поведении в семье, демонстрирует образцы поведения женщины в роли жены, матери. Свекровь, таким образом, выступает агентом гендерной социализации девушки в семье мужа. В родной семье девушка получает первые понятия о прилежности, послушании.

В заключении отметим, что набор стереотипов мужского и женского поведения в разных культурных традициях неодинаков. Конструирование гендера в процессе социализации осуществляется основным институтом социализации - семьей, и именно через межпоколенную трансмиссию родителей и передачу их жизненного опыта и представлений о гендерных стереотипах. И поэтому, для повышения ответственности обоих родителей за воспитание детей, активное участие в жизни ребенка должны нести оба родителя. При этом, в начальном этапе, не разделяя их на поло-ролевые аспекты. Ведь именно с семьи начинается свою жизнь каждый человек.

### **Литература:**

1. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 гг. Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042)
2. Ассоциация деловых женщин Узбекистана: Тадбиркор аёл. [На русском языке]. Презентация во время круглого стола на тему «Гендер и экономика» на Международной конференции по усилению субрегионального экономического сотрудничества в Центральной Азии и будущей роли Специальной программы ООН для экономических систем Центральной Азии, Астана, 26 мая 2005г.
3. 2011 г. Условия предпринимательской деятельности для женщин и мужчин – предпринимателей в Узбекистане. Презентация на Политическом семинаре ЮНЕКЕ о развитии женского предпринимательства в Центральной Азии, Женева. [http://www.unece.org/fileadmin/DAM/Gender/Events\\_Documents/2011/PolicySeminarWED/Session1/Sess1\\_2\\_DA\\_ENG.pdf](http://www.unece.org/fileadmin/DAM/Gender/Events_Documents/2011/PolicySeminarWED/Session1/Sess1_2_DA_ENG.pdf)



4. Правительство Республики Узбекистан. 2006. «О мерах стимулирования расширения сотрудничества между крупными предприятиями и сектором оказания услуг посредством домашней работы». Указ Президента No. УП-3706. 5 января.

### **3-ШҶЪБА**

## **ҚИЗЛАРНИ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ**

**Азиза Ҳ. Тарбиячи - педагоги, Тўмарис Б. Талаба - ТИҚХММИ**

#### **Аннотация**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармонлари оиланинг манфаатлари ёш авлод манфаатлари билан муштарак эканлигидан далолат беради. Шунга қарамай, оилани мустаҳкамлаш, фуқаролар, биринчи навбатда, қизлар онгида оила муносабатларига адекват муносабатни шакллантириш борасида муаммоларимиз мавжуд.

Бугунги кунда қизларни мустақил оила қуришга тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларидан бошлаб қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, бунинг асоратларини ота-оналарга ва ёшларга тушунтириш, шаръий никоҳни қонуний равишда амалга ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Маълумки, айти вақтда оила ажримлари сони нисбатан камайиб бораётганлигига қарамай давлатимиз раҳбари олиб бораётган инсонпарвар сиёсат доирасида ҳар бир етим қолаётган фарзанд, ёлғиз она тарбиялаётган болаларнинг ижтимоий ҳимояси, хотин-қизлар ва вояга етмаган ўсмирлар, айниқса, қизларни оила қуришга тайёрлашда муайян камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди. Танланган мавзунинг долзарблиги айнан қизларни оила қуришга тайёрлашнинг оила мустаҳкамлиги билан узвий алоқаси борлиги, соғлом маънавиятли оила ва баркамол авлод тарбиясида қиз-отанинг роли ва нуфузи тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади[1,2].

Қизларни оила қуришга тайёрлаш бугунги кунда оила, таълим муассасалари, жамоатчиликка, маҳалла маслаҳатчиларига юкланган. Шундай бўлса-да, ҳануз болаларни таълим ва тарбиясида гендер тенгликни таъминлашнинг сустиги, қизларнинг турли касалликларга чалинаётганликлари, оилавий юмушларни бажариш, оила аъзолари билан муомала малакаларининг сустиги сабабли никоҳларнинг бузилиши қайд этилмоқда. Аксарият ҳолатларда қизларни оила қуришга тайёргарлик даражасини аниқлаш, баҳолаш мезонларининг йўқлиги туфайли ушбу йўналишлардаги дастурларни такомиллаштириш иши қийинлашмоқда. Шунинг учун ҳам илмий муаммо энг аввало қизларни оилавий ҳаёт кўникмаларига қай даражада тайёр эканликлгини ташхис қилиш йўллари аниқлаш ва камчиликларини тузатиш масаласига бориб тақалади[3, 4].

Ана шу эзгу ишни бажаришдан кўзланган мақсад - қизларнинг оила қуришга тайёрлиги мезонларини тадқиқ этган ҳолда, ушбу малака кўникмаларни ташхис қилиш ва педагогик-психологик коррекция услубларини такомиллаштириш йўллари белгилашдан иборатдир. Мақсаднинг амалга оширилиши қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади[5]:

1. Қизларни оила қуришга тайёрлиги ҳолатини педагогик-психологик усуллар ёрдамида ўрганиш, социопедагогик тадқиқот ўтказиш.
2. Қизларнинг оила қуришга тайёрлигини ўлчаш мезонларини тадқиқ этиш.

3. Оила қуришга тайёрлик мезонлари асосида танлаб олинган объектларда комплекс ташхис ишларини амалга ошириш.

4. Қизларнинг оила қуришга тайёргарлигига оид билим, малака ва кўникмалар моделини ишлаб чиқиш.

5. Эмпирик модел асосида психокоррекцион ва маслаҳат хизматлари ташкил этишнинг экспериментал дастурини ишлаб чиқиш, амалиётда синаш.

Қизларнинг оила қуришга тайёрлигининг асосий мезони бўлиб, конкрет билимлар ва баҳолардан кўра, уларнинг ота-оналари, оиласидан олган малака ва кўникмалари хизмат қилиши мумкинки, улар қизларнинг ижтимоий хулқида турли вазиятларда намоён бўлиши эҳтимол. Педагогик нуқтаи назардан, оилавий вазиятлар шахс хулқининг мотивацион йўналашини белгилайди ва ташхис ва тузатиш ишларида қизларнинг мотивацион-эмоционал сифатларини инобатга олиш муҳимроқ.

Турмушга чиққан қиз, тўйдан сўнг, эрнинг уйида, унинг ота-онаси оиласида яшашига тўғри келади. Оила қурганларидан сўнг, уларнинг ижтимоий мақомлари ўзгариши билан бирга, келин олдингиларидан тубдан фарқ қиладиган, бошқача шахслараро муносабатлар тизими ва психологик иқлимга эга бўлган бегона оилада яшай бошлайди. Бу эса уларнинг қизлик уйларидаги мавжуд иқлимга ҳамиша ҳам мос келавермайди ва аёлга ўз одатлари, муносабатлар тизимини янгича шароитда, янгича одатлар асосида қайта шакллантиришига тўғри келади. Бунинг устига халқимизда, айниқса, ёш келин зиммасига юкланадиган қатор талаблар мавжудки, улар кечаги ёш қиз, бугунги келинни ортиқча жисмоний ва руҳий зўриқишга олиб келади.

Янги қурилган оилада келин талаба ёки ишчи-хизматчи бўлишидан қатъий назар, ишдан уйга қайтгандан кейин "келинлик" вазифасини бажариши шарт ҳисобланади. Маълумки, оилада, айниқса, ўзбек оиласида уй ишлари аксарият ҳолларда аёллар зиммасида бўлади. Бу ишларни қайнона-келин бажарадилар. Уй ишларини бажаришга ёндашиш, бажариш сифати каби жиҳатлардаги тафовутлар ҳам оилада аёллар ўртасида келишмовчиликларни юзага келишига сабаб бўлади. Бу ўринда уйдаги катта ёшли аёллар мазкур оилада қабул қилинган урф-одатлар, муносабатлар тизими, тартибни ёш оилага узатувчи, ўргатувчи халқа вазифасини бажаришлари ҳамда улар бу халқалик вазифасини сабр-тоқат, чидам, оқиллик билан ўташлари лозим бўлади. Акс ҳолда, бу оилани низо-жанжал, келишмовчилик, инқирозлардан на эр, на қайнота, на жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳимоя қила олмайди. Агар қайноналаримиз оқила ва мулоҳазали бўлсалар, нафақат у ёки бу оила, балки кўп оилалар бахтли бўлишига замин яратилган бўларди.

Халқ педагогикаси манбаларида қиз болаларни ёшлигидан бошлаб ифбатли, орномусли, садоқатли, чакқон, эпчил қилиб тарбиялаб, овқат тайёрлаш, тикувчилик, озодадик каби ҳунарларни ўргатишга асосий эътибор қаратилган ва ақлан ва руҳан ривожланган, ижтимоий фаол, маънавий камол топган шахсни шакллантириш ғояси тарғиб қилинган. Ўзбекона анъаналаримизни бевосита давоми – қиз болаларнинг бўш вақтларини ташкил этишнинг замонавий мотивацион, рефлексив тизимини ўзида акс эттирган “Ораста қизлар”, “Оила”, “Барчиной”, “Баркамол авлод” каби тўғарақлар мазмунини такомиллаштириш қизларни оила қуришга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрларимиздан хулоса ясаб қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз:

- қизларни оила қуришга тайёрлашда психологик ва педагогик тамойиллар, шарт-шароитлар, омиллар, қонуниятларга амал қилиш.

- ушбу масала бўйича ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг педагогик саводхонлигини бойитиш;

- қизларни оила қуришга тайёрлаш бўйича илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш, чоп этиш ва уларни ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш;

- оммавий ахборот воситаларида махсус рукнлар ташкил этиш;

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий амалий тадқиқот маркази, “Ёшлар иттифоқи” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Республика маънавият ва маърифат маркази



вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда жойларда ўқув семинарлари, маҳорат машғулотлари, учрашувлар ташкил этиш тавсия этилади.

- кузатишлар, манбалар таҳлили, ҳудудий тажрибалар ва олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қизларни оила қуришга тайёрлашга қаратилган илмий-тарғибот ролигини тайёрлаш, тайёрланган тарғибот ролиги асосида вилоятлардаги олий ўқув юртларида талабалар иштирокида тадбирлар ташкил этиш тавсия этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мусурмонова О. “Оиламаънавияти – миллийгурур”. –Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
2. М.Қуронов. “Миллийтарбия”. –Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Э.Юсупов Э., Ў.Юсупов Ў. “Оила – маънавият булоғи” –Т.: “ЎАЖБНТ”, 2003.
4. Ўзбекистон мусулмонлар идораси. “Оила ва никоҳ”. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2009.
5. Акрамова Ф.А., Билолова З.Б. Ёшларни оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари. “Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси ва мажбурияти: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: ЎзПФИТИ нашриёти, 2018. – 163-166 бетлар.

#### БАЛОҒАТ ЁШИДАГИ ҚИЗЛАРНИ СОҒЛОМ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

**Койилова М.**

**Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва  
уларни ихтисослаштириш маркази  
Бухоро филиали ўқитувчиси**

#### Аннотация

Балоғат ёшидаги қизларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари бугунги кунда ҳеч кимнинг назаридан четда эмас, хусусан турли фан соҳаларининг вакиллари, назарийтчилар ва амалиётчиларнинг қизиқиши ва эътибори юқори. Бинобарин, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида оила жамиятдаги барча ўзгаришларнинг моҳиятини ўзида акс эттирувчи масканга айланиб улгурган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролар онгида оила ва никоҳ муносабатларини тўғри ташкил этиш, ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатни тарбиялашда оила институтининг чексиз имкониятларидан фойдаланишга жуда катта эътибор қаратилмоқда[1-3].

Лекин ханузгача, оилани мустаҳкамлаш, фуқаролар, хусусан балоғат ёшидаги қизлар онгида оила муносабатларига адекват муносабатни шакллантириш борасида муаммоларимиз кўп. Йил сайин оила ажримлари сони нисбатан камайиб бораётганлигига қарамай, давлатимиз раҳбари томонидан олиб бораётган инсонпарвар сиёсат доирасида ҳар бир етим қолаётган фарзанд, ёлғиз она тарбиялаётган болаларнинг ижтимоий ҳимояси, хотин-қизлар ва вояга етмаган ўсмирлар, айниқса, балоғат ёшидаги қизлар орасидаги суицид каби муаммолар балоғат ёшидаги қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда муайян камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди. Танланган мавзунинг долзарблиги айнан балоғат ёшидаги қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг оила мустаҳкамлиги билан узвий алоқаси борлиги, соғлом маънавиятли оила ва баркамол авлод тарбиясида қиз ва онанинг роли ҳамда нуфузи тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Балоғат ёшидаги қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бугунги кунда оила, таълим муассасалари, жамоатчиликка, маҳалла маслаҳатчиларига юкланган. Шундай бўлса-да, қизлар таълим ва тарбиясида гендер тенгликни таъминлашнинг сустиги, балоғат ёшидаги қизларнинг турли касалликларга чалинаётганликлари, оилавий юмушларни бажариш, оила аъзолари билан муомала малакаларининг сустиги сабабли никоҳларнинг бузилиши қайд этилмоқда. Аксарият ҳолатларда балоғат ёшидаги қизларни соғлом оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини аниқлаш, баҳолаш мезонларининг йўқлиги туфайли ушбу йўналишлардаги дастурларни такомиллаштириш иши қийинлашмоқда. Шунинг учун ҳам илмий муаммо энг аввало балоғат ёшидаги қизларни оилавий ҳаёт кўникмаларига қай даражада тайёр эканликлигини ташҳис қилиш йўллари аниқлаш ва камчиликларини тузатиш масаласига бориб тақалади.

Ушбу эзгу ишни бажаришдан кўзланган мақсад балоғат ёшидаги қизларнинг соғлом оилавий ҳаётга тайёрлиги мезонларини тадқиқ этган ҳолда, ушбу малака кўникмаларни ташҳис қилиш ва педагогик-психологик коррекция услубларини такомиллаштириш йўллари белгилашдан иборатдир. Мақсаднинг амалга оширилиши қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

- балоғат ёшидаги қизларнинг соғлом оилавий ҳаётга тайёргарлигига оид билим, малака ва кўникмалар моделини ишлаб чиқиш;
- балоғат ёшидаги қизларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлиги ҳолатини педагогик-психологик усуллар ёрдамида ўрганиш, социопедагогик тадқиқот ўтказиш;
- балоғат ёшидаги қизларнинг соғлом оилавий ҳаётга тайёрлигини ўлчаш мезонларини тадқиқ этиш;
- соғлом оилавий ҳаётга тайёрлик мезонлари асосида танлаб олинган объектларда комплекс ташҳис ишларини амалга ошириш;
- эмпирик модел асосида психокоррекцион ва маслаҳат хизматлари ташкил этишнинг экспериментал дастурини ишлаб чиқиш, амалиётда синаш.

Тўғри, балоғат ёшидаги қизларнинг тарбияси бошида она туради. Ул муштипар зот табиатан отага қараганда дилбандига кўпроқ меҳр бера олиш қобилиятига эга. Бироқ, онадан олинган тарбиянинг мукамал бўлиши учун ҳам ибрат, ҳам қаттиққўллик, ҳам дўстларча самимиятга йўналтирилган отанинг йўл-йўриғига зарурат туғилади. Айниқса, жадал глобаллашув шароитида авлод давомчисига нисбатан тарбия нуқтаи назаридан ўткир нигоҳи лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Балоғат ёшидаги қизларнинг бугун кўпроқ отанинг олижаноб ва жасоратга тўла шахсий намунасига эҳтиёж сезмоқда.

Балоғат ёшидаги қизларнинг оилавий ҳаётга тайёрлигининг асосий мезони бўлиб, аниқ билимлар ва баҳолардан кўра, уларнинг ота-оналари, оиласидан олган малака ва кўникмалари хизмат қилиши мумкинки, улар балоғат ёшидаги қизларнинг ижтимоий ҳулқида турли вазиятларда намоён бўлиши эҳтимоли мавжуд. Педагогик нуқтаи назардан, оилавий вазиятлар шахс ҳулқининг мотивацион йўналишини белгилайди ва ташҳис ҳамда тузатиш ишларида балоғат ёшидаги қизларнинг мотивацион-эмоционал сифатларини инобатга олиш муҳимроқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар

6. Мусурмонова О. “Оиламаънавияти – миллийғурур”. –Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
7. Юсупов Э., Юсупов Ў. “Оила – маънавият булоғи” –Т.: “ЎАЖБНТ”, 2003.
8. Азимова З.Ўспирин йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини ташҳислаш. “Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси ва мажбурияти: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: ЎзПФИТИ нашриёти, 2018. – 169-171 бетлар.

## РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ВА УНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мирходжаева З.С. катта ўқитувчи - ТИҚХММИ

## Аннотация

Ушбу мақола репродуктив саломатлик тушунчаси ва уни мустаҳкамлаш тамойилларига бағишланади. Унда ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ўзидан кейин соғлом насл қолдиришдек муҳим вазифалар тамойиллари кенг ёритиб берилади.

Репродуктив саломатлик масалалари илк бор 1994 йил Коҳирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва тараққиёт Халқаро конференцияда кўтарилган эди. Ушбу конференцияда репродуктив саломатлик иборасига тўлақонли тушунча бериб ўтилган. “Репродуктив саломатлик” – бу репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар борасида фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина қолмай, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолати ҳамдир. Хўш, “Репродуктив саломатлик” сўзи ўзи нимани англатади?

“Репродукция” сўзи лотинча сўз бўлиб, ге- тикланиш, такрорланиш, *producio*- яратаман маъносини англатади. Репродукция – биологияда организмнинг ўзига ўхшаш организмларни яратиши, кўпайиши маъносини билдиради.

Аслида репродуктив саломатлик масаласи ҳам хотин-қизлар, ҳам эркакларларнинг саломатлигини ўз ичига олади. Репродуктив саломатлик, оилада фарзанд дунёга келиши, онанинг ва туғилажак боланинг саломатлиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш дегани. Репродуктив саломатлик тушунчаси фақат оилада туғилажак болалар сонини белгилашгина эмас, балки кенгроқ масалаларни қамраб олади.

Бунда асосий эътибор оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оиланинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш каби омиллар назарда тутилади. Оиланинг муҳим жиҳатларидан бири – бу унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясидир. Оиланинг вазифаси фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлар билан ўз аъзоларини таништирган ҳолда, уларнинг сихат-саломатлигини ҳимоя қилиш ва сақлашдан ҳам иборатдир.[1]

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган дастурлар замирида аёллар ва болалар соғлиғини сақлашга қаратилган вазифалар ўз ифодасини топади ва бир-бирини тўлдиради. Бу дастурлар “Она ва болани скрининги”, “Соғлом авлод”, “Она-бола”, “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилишдаги кўшимча чора-тадбирлар”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили” ва ҳоказолардир.

Шунингдек, 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-1096 сонли ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ги ПҚ-1144 сонли қарорлари асосида туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни малакали, сифатли тиббий кўриқдан ўтказиб, аниқланган касалликлар юзасидан соғломлаштириш ишлари мунтазам олиб борилди.

Ҳукуматимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” да ҳам 4-устувор йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган. Унинг 4.2- бандида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш кўрсатилган.[4]

**Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:**

- Ҳомиладорларга хизмат кўрсатиш соҳасида маслаҳат ўтказиш, маълумот бериш ва хизмат кўрсатиш
  - Туғруқ ва чилла даврининг меъёрида кечишни таъминлаш, она ва соғлиғини муҳофаза қилиш
  - Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар (ЖИБЮК)нинг олдини олиш ва даволаш
- Исталмаган ҳомиладорликдан сақлайдиган замонавий (контрацепция) воситалари ҳақида аҳолига етарлича маълумот бериш
- Саратон касалликлари ва саратон олди касалликларининг олдини олиш
- Кўкрак сути билан боқишни тарғиб қилиш
- Оналик ва болалик муҳофазаси
- Ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги ва жинсий тарбияси
  - Аёл ва эркак ўзининг репродуктив саломатлигига маъулият билан ёндашиши.

Аёлларнинг фақатгина ҳомиладорлик даврида саломатлигини сақлабгина қолмай, балки қизларнинг ёшлик даврдан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим. Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ҳар бир оилага катта масъулият юклайди.

Бу масалани тўғри ҳал этиш ёшларимиз олдида бир қатор талабларни қўяди:

- Ҳар бир аёл ҳомиладор бўлмасдан аввал шифокорга кўришиб, ўзининг соғлиғи, туғиш мумкинлиги ёки йўқлигини, бола соғлом бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисида маслаҳатлашиб олгани маъқул
- Бола туғилганидан кейин унинг соғлом бўлиб ўсиши ҳақида қайғуриш, она сунининг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш зарур
- Турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизларимиз соғлом бўлишлари, шахсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимларга эга бўлишлари керак.[2]

#### **Соғлом никоҳлар учун қандай талаблар қўйилади?**

Ёшларнинг турмуш қуриши учун энг қулай давр қизлар учун 20-22 ёш, йигитлар учун эса 23-25 ёш ва улар орасидаги фарқ 3-4 ёш бўлгани маъқул эканлиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Аввало йигит-қизлар турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Бу ўз навбатида оилада бўлажак фарзандларни соғлом туғилишига, бепуштликни олдини олишга ва агар йигит ёки қизда бирор-бир касаллик аниқланса ўз вақтида даволаниш имкониятини яратади.

Улар ўзлари яшайдиган оилавий поликлиникалар, тиббиёт марказларидан маслаҳат олишлари ва бўлажак зурриётнинг саломатлиги ҳақида қайғуришлари керак. Бу ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Никоҳланувчи шахслар ФҲДЁ бўлимига ариза берганларидан сўнг улар тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.( ЎзР ВМ нинг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори)

Тиббий текширувлардан қуйидаги касалликларни аниқлаш учун ўтишлари керак:

- Руҳий касалликлар ( Психиатр)
- Гиёҳвандлик (нарколог)
- Сил касаллиги ( Фтизиатр)
- Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар
- ОИВ инфекциясига ( марказий лаборатория)

Жаҳон статистикаси бўйича, афсуски, бир йилда 500 минг нафардан зиёд аёллар асоратланган ҳомиладорлик, 10 минглаб аёлларда ҳомиладорлик асоратлари мавжуд бўлиб, баъзилари она ва бола ҳаёти учун хавф туғдириши ёки ногиронликка олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда содир бўладиган оналар ўлими ҳолатларининг асосий сабаблари бу ҳомиладорлик билан боғлиқ қон босими кўтарилиши, туғруқдаги қон кетишлар, сепсис (қондаги инфекциялар), ички аъзо касалликлари (экстрагенитал касаллик), аборт ва унинг асоратлари ҳисобланади. [3]

Ҳар бир жуфтлик соғлом оилани шакллантиришда ўз репродуктив ҳуқуқини билиши лозим.

**Репродуктив ҳуқуқ** – бу барча эр-хотин жуфтликлар ва алоҳида шахсларнинг болалар сони, улар орасидаги оралик ва уларнинг туғилиш вақти ҳақида эркин ҳамда тўлиқ масъулият ҳисси билан қарор қабул қилиши ва бунинг учун шарт бўлган маълумот ва воситаларга эга бўлиш борасидаги асосий ҳуқуқларини тан олишидир.

#### **Репродуктив ҳуқуқлар:**

- Оилада болалар сони борасида аёл ва жуфтликларнинг қарор қабул қилиш ҳуқуқи
- Туғруқлар орасидаги масофани танлаш
- Репродуктив саломатлик тўғрисида маълумот олиш
  - Репродуктив саломатлик соҳасида ҳуқуқ ва манфаатларини чеклашдан холи бўлган ҳолда сифатли хизматлар олиш
  - Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ОИВ инфекцияси ва ОИТС дан ҳимояланиш
  - Ўсмирлар, айниқса қизларга дўстона муносабатда хизмат кўрсатилишини таъминлаш
  - Олинган тўлиқ маълумотга асосан, аёл хоҳлаган контрацепция усулини эркин ҳолда танлаш ҳуқуқига эга бўлиши
  - Тиббиёт ва жамоа ходимининг ташқи босими таъсиридан холи аёлнинг ўзи танлаган контрацепция воситасидан фойдаланишини таъминлаш
  - Контрацептивлардан фойдаланиш ҳуқуқи ( жуфтликларлар учун қулай нархлар, тиббиёт муассасаларининг мавжудлиги, кенг кўламда турли хил усуллардан қулай жой ва вақтда фойдаланиш)
  - Ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида аёлнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқи ( тиббиёт хизматининг сифатлилиги, оиланинг муносабати, эрнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, тиббий ёрдамга эҳтиёж пайдо бўлганда шарт-шароитни яратиш)

Туғилиш ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бевосита репродуктив саломатлик масалалари билан узвий боғлиқ. Лекин репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб тиббий ва ижтимоий омиллар ҳам мавжуд.

Репродуктив саломатликни сусайтирадиган омилларга аёлларнинг кўп ва тез-тез туғиши, экстрагенитал (ички аъзо) ва генитал касалликлар, нохуш экологик ва ижтимоий омилларнинг мавжудлиги киради.

#### **Она саломатлиги учун хавф туғдирадиган асосий ҳолатлар қуйидагилар:**

- Сўнгги ҳомиладорликдан кейин 2 йилдан кам вақт ўтганда – **жуда тез туғиш**. Интергенетик ( туғруқлар орасидаги муддат) оралик 3-4 йилдан кам бўлганда болалар ўлими 2,5 ортади. Ўлик туғилиш хавфи, ўз-ўзидан ҳомила тушиши, одатланган ҳомила тушиш хавфи ортади. Оналар ўлими 60%, ҳомиладорлик асоратлари 50% га ортади.
- Бўлажак онанинг ёши 18 дан кичик бўлганда – **жуда эрта туғиш**. 18 ёшдан кичик ёшдаги аёллардаги туғруқ –Ўзбекистонда эрта никоҳлар сонининг кўплиги- оналар ўлимининг 34% га, ёш биринчи туғувчиларда эклампсия ( артериал қон босими кўтарилганда тутқаноқ) учраши, болалар ўлими 35%, оналар ўлими ҳолатларида 15% туғруқлар ёш аёллар ҳисобига тўғри келади.
  - 35 ёш ва ундан юқори бўлган аёллардаги ҳомиладорликлар нафақат аёллар саломатлигига, балки туғилажак фарзандлар учун ҳам хавфлидир, чунки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг касалликлари (камқонлик, эндокрин, юрак-қон томир, буйрак касалликлари ва ҳ.к.) кўп учрайди. Бу эса нафақат ҳомиладорлик даврини, балки туғруқ жараёнини ҳам асоратлайди – **жуда кеч туғиш** – мамлакатимизда жами туғруқларнинг 2% ини ташкил қилади.

- Аёлнинг 4 ва ундан кўп туғиши – **жуда кўп туғиш** – 4-5-туғруқлардан бошлаб оналар ва болалар ўлими 40% га ортади. Жами туғруқларнинг 4,9% 4 ва ундан кўп туғруқлар ташкил қилади.

- Аёл **касал бўлса**. Ички аъзолари касалликлари бўлса – ҳомиладорлик аёл соғлиғига хавф туғдириши мумкин. Онанинг экстрагенитал ва генитал касалликларида оналар ва гўдаклар ўлими хавфи ортади.

Юқорида кўрсатилган омилларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда бир қатор вазифалар белгиланди. Уларни олдини олиш юзасидан мамлакатимизнинг ҳар-бир худудида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ерда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг ҳар-бир фуқароси репродуктив саломатликни мустаҳкамлашдек вазифага юксак масъулият билан ёндашиши муҳим ўрин тутди.

Хулоса қилиб айтганда, репродуктив саломатлик ва уни мустаҳкамлаш масалалари аҳоли ўртасида кенг миқёсда тарғиб қилиняпти. Шу соҳа мутахассислари ҳамкорлигида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшлар репродуктив саломатлик ва уни мустаҳкамлаш масалалари тўғрисидаги тушунчалар моҳиятини англамоқдалар, зеро соғлом оила-соғлом авлод демакдир, мамлакатимиз равнақи ана шу соғлом келажак вакиллари қўлидадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шарипова Д.Ж., Содиқов Қ.С. ва бошқалар. Валеология асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2007 й.
2. Иргашев Ш.Б.. Валеология (Валеология асослари). Дарслик. Т.: 2015 й.
3. Арзиқулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари. Т.; I-II жилд. 2005 й.
4. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” Т. : 2017 й 7 февраль

## **СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ**

Мирходжаева З.С. катта ўқитувчи - ТИҚХММИ

#### **Аннотация**

Ушбу мақола ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири бўлган аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга бағишланган. Унда инсон саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва унинг умрини узайтириш каби ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишдаги соғлом турмуш тарзининг аҳамияти кенг очиб берилди. Соғлом турмуш тарзи ва унинг таркибий қисмлари ҳақидаги тушунчалар ёритиб берилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида саломатликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда, кишиларнинг узоқ ва бахтли умр кўришларида энг муҳим тадбир турмуш тарзи ва уни соғломлаштириш эканлиги ҳам илмий, ҳам амалий томондан исботланди. Шундан бери соғлик ҳақида гап кетганда, кишиларнинг турмуш тарзини соғломлаштириш тўғрисида кўп гапирилади.

Ҳаттоки, бу масала муҳим давлат ҳужжатлари, Президент фармон ва қонунларида ҳам ўз аксини топган. Бу масалага бағишлаб қанчадан-қанча йиғилишлар, муҳокамалар ўтказилиб, мақолалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар берилмоқда. Соғлом турмуш тарзи ва унга эришмоқ учун авваламбор, саломатликнинг моҳиятини англамоқ зарур.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти саломатликни “жисмоний, ақлий, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан тўла-тўқис эсон-омонлик” деб белгилайди. Бинобарин, одам соғлом яшаш санъатини ўрганиши, ўз соғлиғини мустаҳкамлашни билиши керак.

Соғлом турмуш тарзи-одамнинг жисмоний, ақлий, рухий ва маънавий хусусиятларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, кишининг узоқ умр кўриши, меҳнат унумдорлиги, тотув оила қуриш, болаларни соғлом қилиб тарбиялашнинг асоси ҳисобланади.[1]

Маълумки, соғлом турмуш тарзи бир қатор муҳим таркибий қисмлардан иборат. Уларнинг ичида рационал овқатланиш муҳим аҳамиятга эга.

Рационал овқатланиш - инсон саломатлигини сақловчи ва мустаҳкамловчи, ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига организмнинг қаршилигини оширувчи, юқори ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятини ҳамда фаол узоқ умр кўришни таъминловчи овқатланишдир. Рационал овқатланишнинг талаблари:

- овқатнинг миқдорий меъёри;
- истеъмол қилинаётган овқат сарфланган қувватни қоплаши;
- овқатда керакли миқдордаги оксиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар ва витаминларга бой бўлиши;
- овқатларнинг хилма-хиллиги;
- овқатланиш тартибига риоя қилиш.

Жисмоний меҳнат ақлий фаолият билан шуғулланувчилар учун яхшиҳордикдир. Ҳаракат-саломатликни мустаҳкамлайди, қад-қоматни гўзал, мукамал қилади, касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади.

Жисмоний маданият ва спорт ёшларда кўпгина фазилатлар, шу жумладануларнинг жисмоний бақувват бўлиши, ҳаракат кўникмалари ҳамда жисмоний хусусиятларнинг такомиллашувига, организмнинг заҳира кучлари, иш қобилияти, кўпгина касалликларга нисбатан қаршилик кучининг ошишига ёрдам беради. Юриш, югуриш, велосипед миниб, чанғида юриш, сузиш, гимнастика билан шуғулланиш, хуллас, спортнинг бир қатор турларидан шифокор билан маслаҳатлашиб шуғулланишга киришиш лозим.

Бугун мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришгаалоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро соғлом авлод—соғлом миллат, соғлом келажак деганидир. Бироқ ҳозирги глобаллашув даврида дунёаҳолиси орасида ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби миллат генофондига, инсон саломатлигига, насл-насабга ўта салбий таъсир этувчи иллатлар – зарарли одатлар тобора илдиз отиб бораётгани ачинарлидир.

Уларнинг барчаси кишининг мия ҳужайраларига таъсир этиб, уни организмнинг ички аъзолари ва тизимлари ҳамда инсонларни бир–бирлари билан бўладиган муносабатларидаги назорат омилларини сусайтириш ёки умуман издан чиқаришдан иборат. [2]

Энг муҳими бу маҳсулотларнинг барчаси кишини ўзига боғлаб олиш хусусиятига эга бўлганлигидан тамаки маҳсулотлари—ашаддий кашандаликка, спиртли ичимликлар—алкоголизмга; гиёҳванд моддалар—гиёҳвандликка олиб келади. Буларнинг барчаси инсон қутилиши ниҳоятда қийин бўлган одат тусига кириб, у ҳаётимизнинг қисқаришига, соғлом турмуш тарзида яшашга, меҳнат қилишга, дам олишга жуда кучли салбий таъсир кўрсатади. Тамаки асосан асаблар тизимига кўзғатувчи, ҳамда тормозловчи таъсир этади.

Афсуски, бу ўта салбий оқибатларни вужудга келтиради. Рак касалликларидан ўлим кўрсаткичи чекмайдиганларга нисбатан чекадиганларда 20 фоиз кўп учрайди, ўпка раки билан оғриганларнинг 95 фоизи чекувчилар бўлганлар, шунингдек, чекиш (нос ҳам) оғиз бўшлиғи, томоқ, ҳалқум, қизилўнғач ракиннинг асосий сабабчисидир;

Киши битта сигарета чекканда қон-томирларининг сиқилиб туриши вақти ошиб, юракнинг уриши 15-20 тага кўпаяди, юрак инфарктлари, стенокардия касалликлари чекувчилар орасида чекмайдиганларга қараганда 12-15 мартаба кўп. 35-40 ёшгача инфарктга учраганларнинг 80 фоизи сигареталарни ўсмирликдан чекканлар ҳисобланадилар.

Кашандалик наслга ҳам таъсир этиб, жисмоний ёки ақлий заиф фарзандлар туғилишига ёки туғилган фарзандларнинг гиёҳвандларга мойил бўлишларига сабаб бўлади.

Ичкиликбозлик одамни бахтсизликка, муҳтожликка, обрўсизликка ваоғир касалликларга олиб келади. Спиртли ичимликларни узоқ вақтгача мунтазам ичиб юриш кишини алкоголизм касаллигига дучор қилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, ҳатто юз грамм спиртли ичимлик соғлом кишининг бош мия фаолиятини бирдан ўзгартириб юборар экан. Маълумотларга қараганда, психоневрологик диспансерларга мурожаат қилувчи руҳий касалликларга дучор бўлганларнинг энг кўпи алкоголизмга мубтало бўлган кишилардир. Ичкиликка ўрганган ўсмир вужуди секин-асталик билан заҳарлана бошлайди. Кейинчалик эса бундай киши ичмасдан тура олмайдиган бўлиб қолади, оғир маст бўлгунча ичаверади. Бундай ўспиринда дастлаб асаб ишдан чиқади. У таъсирчан, жаҳлдор бўлиб қолади, натижада унинг оила аъзолари азоб-укубатда қолади.

Алкоголизм натижасида миянинг иш қобилияти аста-секин пасаяди, фикрлаш, бирор муҳим масалани ечиш қийинлашади. Ичкиликбозлик натижасида инсон организмидаги муҳим тизим аъзолари: бош мия, юрак ва қон томирлар, жигар, ошқозон, ичаклар ва бошқалар жиддий зарарланади.

Шунингдек, улардан туғилажак фарзандлар ирсий касалликлар ва туғма нуқсонлар билан, майиб-мажруҳ бўлиб дунёга келади.

Гиёҳвандлик–кайф берувчи гиёҳванд моддаларни ёки сунъий равишда тайёрланган моддани истеъмол қилиш, чекиш, хидлаш, танага суртиш ёки нинасанчиш (инъекция) йўли билан қон томирларга юбориш билан ифодаланади.

Гиёҳванд моддаларни аянчли хусусияти шундан иборатки, уларни бирмарт татиб кўрган шахс қайта истеъмол қилишга мойил бўлади, 2-3 марта истеъмол қилиш эса уни гиёҳванд модда истеъмол этмай туrolмайдиган ҳолатга дучор этади. Гиёҳванд моддаларга афюн, морфин, наша, кокаин, кодеин, героин, гашиш ва бошқа сунъий тайёрланадиган заҳарли моддалар киради. Бу моддаларнинг узлуксиз қабул қилиш одамларда руҳий ва жисмоний ўзгаришларга олиб келади. Руҳий ўзгаришлар: уйқусизлик, хотира пасайиши, бош оғриғи, асабийлашиш ва кайфиятнинг бузилиши, жаҳлнинг тез чиқиши, чарчаш, фикрнинг тарқоқлиги ва бошқа асаб тизимидаги ўзгаришлар (ўзи билан ўзи гаплашади, алахсирайди, ўқишга лаёқатсиз бўлиб қолади) кузатилади.

Гиёҳвандликдан қайтиш жуда оғир, лекин кўп нарса ўша беморнинг иродасига боғлиқ. Чунки қанчалик оғир бўлмасин бу моддаларни истеъмол қилишдан қайтганлар ҳам бор. [4]

Ўзбек халқида ор-номус, оила шаъни кучли. Бундан ташқари, урф-одатлар, миллий қадриятлар ва маҳаллийчилик уни ташқи муҳитини ташкил этади. Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига инсон тафаккурининг маҳсули бўлган замонавий технологияларнинг шиддат билан кириб келиши, янгидан–янги имконият ва қулайликларни яратмоқда, жамият тараққиёти юксалиши, халқ фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Чегара билмас ахборот манбаидан фойдаланишда маълум меъёрларга амал қилиш эса инсонларни турли оммавий ахборот “хуруж”лари, норасмий манбаларнинг салбий таъсиридан сақлашда муҳим ўрин тутади.

Тармоқ орқали миллий менталитетимизга хос ва мос бўлмаган ғарбона ҳаёт тарзини тарғиб этувчи турли саёз ва жангари фильм, мультфильм, шоудастур ҳамда видеороликларни томоша қилиш, зўравонлик акс этган компьютер ўйинларини ўйнаш, айрим ёшларнинг таълим-тарбияси, турмуш тарзи ва маданиятига салбий таъсир қилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Бу каби жамиятимизга хос бўлмаган иллатларнинг олдини олишда фарзандларимизнинг ташқи таъсирлар, айниқса



интернет ва хорижий телеканаллар орқали намойиш этилаётган ғаразгўйликни тарғиб этувчи воситалардан ҳимоя қилиш ҳар биримизниг бурчимиздир. [3]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, юрт равнақи бевосита аҳоли саломатлигига, айниқса ўсиб-улгайиб келаётган ёш авлод сиҳат-саломатлигига боғлиқ. Давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳам ана шу аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

Ҳар бир инсон соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли. Бу бахт кўпинча ўз соғлиғимиз билан боғлиқлигини унутмаслигимиз даркор. Янги ҳаётга қадам қўйган ёшлар соғлом ҳаёт кечириш ва бахтли бўлиши учун барча имконият ва шароитлар етарли. Бунинг учун улар имкониятлардан унумли фойдаланиб, соғлом турмуш тарзига риоя этишлари, Ватанга муносиб бўлган соғлом ва комил фарзандларни вояга етказиш масъулиятини унутмасликлари лозим. Ишонамизки, катта авлод вакиллари ҳам бу борада уларга ўрнак бўладилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кошбахтиев И.А., Керимов Ф.А., Ахматов М.С. Валеология асослари. Жисмоний тарбия институтлари, университетлар ва олийгоҳларнинг жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. Тошкент, 2009 йил

2. Шамсиев Э.С., Рустамбаев М.И. «Наркология», Т., 2003 йил.

3. Ибадуллаева Х.Т., Абдурахманова Д.Т., Н.М. Нуриллаева Н.М. Валеология асослари. Ўқув кулланма. Тошкент, 2006 йил

4. Шкондина И.Е., Валеология. Тошкент, 2007 йил, 70 бет.

## **ҚИЗЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК РОЛИ**

**Нуриддинова К. Қ. қизи, магистрант – ТИҚХММИ**

### **Аннотация**

“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони эълон қилинди[1].

Фармон билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар белгиланди.

Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари энг аввало:

\* оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

\* хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш;

\*хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлашга шахсан жавобгардир.

Хотин-қизлар кўмитаси ва “Оила” маркази вакиллари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқланди. Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика “Оила” илмий-амалий маркази негизида ташкил этилиб унинг асосий вазифалари энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишдир. Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан ҳар ойлик устамалар белгиланиб, хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилмоқда.

2018 йил 1 мартдан бошлаб Хотин-қизлар кўмитаси, Республика “Оила” маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув аппарати ходимлари таркибига кирувчи пенсионерларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда, пенсиялари тўлиқ тўланади. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди [2]. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Оила» маркази вакиллари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқланади. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талабни бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилмоқда. **2018 йил 1 апрелдан** ФХДЁ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилди. ФХДЁ органи фаолияти, «Оила» марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — **хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юклатилди.**

«Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурида тиббиёт касб-хунар коллежлари негизида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Белгиландики, махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малакани ошириш «Оила» маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилди. Саломатлик, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари дунё халқларининг олдида турган энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони фақат онгли ва фаол соғлом турмуш тарзи орқалигина ҳал қилиш мумкин. Соғлом турмуш тарзи категорияси фалсафада ҳам, педагогикада ҳам, жисмоний маданиятда ҳам ўзининг мазмуни, воситалари ва шакллари бирлаштирувчи муштарак ижтимоий ҳодисадир. Жисмоний маданиятда соғлом турмуш тарзи аниқ тадбирларга асосланади.

Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида оила ва жамоатчилик ўртасида ижодий ҳамкорликни қарор топтиришдан кўзланган мақсад - қизларга оилавий ҳаётни ташкил этиш, оилада соғлом муҳитни шакллантиришнинг психологик-педагогик асослари ҳақида маълумотлар бериш, уларда оилавий муносабатларни ташкил этиш ҳамда оила хўжалигини юритиш борасида муайян амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, бу йўлда оилага назарий ва амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Қизларни оила шароитида мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган фаолият жараёнида педагогик таъсир воситаларининг кучига

мувожаат этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича турмуш қураётган ёшларнинг билим ва тушунчаларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, оила қуриш ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодиса эканлиги, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши тушунтирилаяпти. Иккинчидан, вояга етаётган ўсмирлар, аввало, қизларимиз онгида оила масъулияти, уларни турмуш қуришга тайёрлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Учинчидан, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш, оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси бўйича тадбирлар ташкил қилинмоқда. Чунончи, давра суҳбатлари, семинарларда мутахассислар ёрдамида оила қуришнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, балоғат ёши билан боғлиқ биологик, физиологик ўзгаришлар ҳамда бу даврда нималарга эътибор бериш лозимлиги, қариндош-уруғчилик асосида оила қуришнинг зарарли оқибатлари, қолаверса, санитария, шахсий гигиена масалалари батафсил тушунтириб берилмоқда [3]. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида никоҳ ёши қизлар учун 17 ёш ва йигитлар учун 18 ёш қилиб белгиланган. Лекин бугунги глобаллашув даврида, Ўзбекистонда таълим тўғрисида қонунда таълим 12 йиллик мажбурий қилиб белгиланган, шунга мувофиқ қизларимиз мукамал касб-хунар эгаси бўлмасдан туриб турмушга узатилиши, салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда, айниқса оилада қайнона-келинлар муносабатларида зиддиятларнинг келиб чиқишида, қизларимизнинг оила борасидаги дунёқараши пастлигидан ва ҳаётга енгил-елпи қарашларидан ажримлар кўпайиб бораётганлиги, қизларнинг оила муҳитига мослашувчанлик хислати шаклланмаганлиги, оддий инсоний муносабатларни билмаслиги, уй-рўзғор юмушларини бажара олмаслиги, эрга бўлган ҳурмат, қайнона-қайнотага бўлган муносабатда қизларнинг оилавий муносабатларга тайёр эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, қизларни соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш, оила қуришга тайёрлаш бевосита оиладаги муҳитнинг аҳамиятини очиқ беради. “Қуш уясида кўрганини қилади” - деган, нақлда аслида катта маъно яширинган. Қиз бола ҳаётида отанинг роли алоҳида аҳамиятли, онаси билан сирдош бўлиши унинг ҳаётида кузатилаётган муаммоларнинг барчасига тўғри ечим олиши муҳитнинг таъсирини кўрсатади. Бугун кўрқмасдан айтаолишимиз мумкинки, аксарият оилаларда ота ва онанинг ўрнини мобил алоқа воситалари эгаллади. Ахборот кўлами шунчалик каттаки, орасидан тўғриси танилаш энди улғайиб келаётган ёш қизлар учун муаммо. Ҳеч биримизга сир эмас, ўрта махсус таълим тизими мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш, оммавий маданиятнинг пастлигини кўрсатадиган турли хил ортиқча безаклардан фойдаланиш таъқиқланганлигига қарамадан, ихтиёрий равишда ота-оналар томонидан қизларига фойдаланишга руҳсат беришлари менинг фикримча ривожланишнинг кўриниши эмас, аслида бу ҳолат қизларимиз ўртасида қўштирноқ ичида ким ўзарга ўйнаш мусобақасига айлангани намоёндасидир. Хулоса қилиб айтганда, оилавий муҳитнинг маънан етукликка етказиш ота - онанинг зиммасига юклатилади, бироқ жамиятда ҳар бир шахсни ўзи истак билдирмагунча уни маънавий бой қилиб бўлмайди. Шундай экан, вилоят ва туманларимизда қизларимиз ўртасида китоблик бўйича танловларнинг ташкил этилиши, ҳар бир оилада тиббий малаканинг ўрнини ошириш мақсадида юқори синф қизларига ҳамширалик курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли фармони
2. <http://t.mi/huquqiyaxborot>
3. Musurmonova O. «Oilama'naviyat-milliy'urur». – Toshkent: O'qituvchi. 1999- 200 b.

## ЎИЗЛАРНИ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сафарова С. О. Кат. Ўқит.- ТДПУ Комилова М, ТДПУ – талабаси

### Аннотация

Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мустақиллигимизнинг илк йиллариданок давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени -”Соғлом авлод учун” деб аталгани, ”Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг ташкил топгани, 2000 йилни -”Соғлом авлод йили”, 2010 йилни - ”Баркамол авлод йили”, 2014 йилни ”Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Соғлом турмуш тарзинини сақлаб қолиш бугунги глобаллашаётган, кишилар тафаккурида ўзгача қарашлар содир бўлаётган мураккаб бир даврда ўта муҳим масала ҳисобланиб, келажак авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб тарбиялашни тақозо этади. Зеро биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: Бу ҳар қандай бунёдкорчилик иши ҳар қандай қурилиш, ҳар қандай меҳнат учун зарур бўлган соғлом муҳитдир . Бу борада оила ва маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва уларнинг ижтимоий вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. ”Болани характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”.<sup>43</sup>

Инсон ҳаётининг фаровонлиги - унинг ижтимоий, жисмоний, интеллектуал, эмоционал, маънавий ва акмеологик ҳолатининг уйғунлашувидан юзага келади. Агар бу жиҳатларнинг бирор соҳасида оқсоқлик юзага келса, самарали натижаларга эришиш мушкул.

Инсон учун эса энг қадрлиси - унинг саломатлигидир. Саломатлик - инсон фаолиятида биологик, физиологик ва психологик функциялар, меҳнатга лаёқатлилик ҳамда ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш жараёнидир.

Инсон чинакам бахтни оиладан топади. Шу жиҳатдан қараганда, уни барпо этувчи ёшлар ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиши керак. Маълумки, 1998 йил мамлакатимизда «Оила йили» деб номланиб, махсус

д астури ҳаётга татбиқ этилган, ўша йили Оила кодекси ҳам кучга кирган эди. 2002 йили эса мазкур кодекснинг 17-моддасига никоҳланувчи шахсларни давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтказишни назарда тутувчи кўшимча киритилди. Унга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори билан «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги низом тасдиқланиб, никоҳланувчи шахсларнинг психик, наркологик, таносил, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича тиббий кўриқдан ўтказилиши белгиланди. Албатта, бу каби чоратадбирлар соғлом авлоднинг дунёга келиши, пировардида эса оилалар мустақамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ёш турмуш қуриш ва эрта она бўлиш, табиийки, келажак авлодлар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Организми ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган онадан соғлом фарзанд туғилишига ким кафолат бераолади? Қолаверса, туғуруқ жараёнида она ва боланинг ўлими, муддатидан олдинги туғруқ, кам қонлик каби ноҳуш ҳолатлар ҳам айнан эрта турмуш қурганларда кўпроқ кузатилади. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили бутун дунёда 16 миллионга яқин вояга етмаган қиз она бўларкан. Бу эса шунча гўдакнинг ҳаёти хавф остида бўлади, деганидир. Бундан ташқари, эрта турмуш қурган йигит-қизлар

<sup>43</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

ижтимоий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан қийналишади. Энг ёмони, бу аксарият ҳолларда ажрашиш билан яқунланади. Шу каби ҳолатларни олдини олишга доир нормалар миллий қонунчилигимизда ўзак аксинитопган. Фақат бундан аҳолининг хабардорлигини янада ошириш керак, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2018 йил 9 ноябрь куни Республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар натижадорлигини муҳокама қилиш ҳамда муаммоларни бартараф этиш ва соҳани изчил ривожлантиришга доир долзарб вазифаларни белгилаш бўйича видеоселектор мажлисининг баёни ижросини таъминлаш мақсадида республикада оналар ва гўдаклар ўлими ҳолатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага асосан ҳар бир таълим муассасасида ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилди. Жумладан, таълим муассасаларида ўқувчи ёшлар, айниқса қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта туғруқ ҳолатларини олдини олиш, ҳамда ОИТС ва юқумли касалликлардан ҳимояланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Ёшларни оилага тайёрлашда оила ва маҳалла масъулиятини янада кучайтириш, қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига яқиндан кўмаклашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Тарғиботлар жараёнида эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, она ва бола саломатлигини асраш - оила барқарорлигининг бош мезони экани тушунтирилмоқда.

Ёш ўсмир қизлар эрта турмуш қуриши оқибатида таълимни давом эттириш имкониятидан маҳрум бўладилар ва уларнинг етарлича дунёқараши, тафаккури шаклланиб улгурмайди. Уларнинг мустақил ҳаётга, оила қуришга тайёр эмаслиги натижасида ўз оилаларида тез-тез турли келишмовчиликлар, низолар юзага келиши мумкин. Бирон бир касб-ҳунарга эга бўлмаган бу тоифадаги ёшлар ҳаётлари давомида қийинчиликларга дуч келадилар ва уларга бардош бера олмай, нотўғри қарор қабул қилиш эҳтимоли ошиб кетади. Айнан, ўзи ҳали бола бўлган, организми фарзанд кўриш учун жисмонан тайёр бўлмаган оналарнинг фарзанди ҳам соғлом туғилмайди. Онанинг ўзи ҳали фарзанд тарбиялаш учун тайёр эмаслиги оиланинг, фарзанднинг ҳамда онанинг келажагига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида тарбияси оғир болалар, ногирон фарзандлар, ноқобил оилалар сони кўпайиши мумкин.

Юқоридаги каби ҳолатларни олдини олиш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун маҳалла, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ишлашлари, ОАВ, телевидения, радио ва маҳаллий журналларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган, “Эрта турмушга чиқишнинг ноҳуш оқибатлари”, “Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?”, “Эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари”, “Бўлажак куёвнинг оиласи олдидаги катта масъулияти”, “Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари” каби энг долзарб мавзулар ёритибборилса, тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлиги натижа берар эди.

Соғлом турмуш тарзи - шахсий ҳаёт ва атрофдагилар билан ўзаро муносабат масалаларини ҳал қилиш, инсоннинг жисмоний, руҳий ҳолати ва ташқи хулқини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи инсонни ўз-ўзини ва бошқа одамларни тушуниш асосида хулқ-атвор маданиятига, оила туза олишга, дўстлар танлай олишга, ижобий ўзаро муносабатларни сақлай олишга, келишмовчиликларни ҳал қила олишга ўргатади, бу ҳам инсон ва жамият манфаатларига мос келади.

Донишмандлардан бири: «Қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди», деган экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, соғлом турмуш тарзи тамойилларини теран англаш, жамиятнинг соғлом аъзоси бўлишдек юксак мақсад, аввало, ҳар бир кишининг онгу тафаккурида шаклланиши лозим. Соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билимларнинг

мустаҳкамланиши айна шу мақсадга хизмат қилади. Зеро, саломатликбахтлихаёткафолатидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
  2. Арзиқулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари. – Т.: 2005.
  3. Абдуллаев И.К. Турмуштарзивиайсонсаломатлиги. –Т.: 2006.
  - 4.Турсунов С.Т, Нодиров Т.С. Соғломтурмуштарзи. – Т.: ИЛМ-ЗИЁ. 2006.
  5. Соғлом турмуш тарзи тарбия воситаси. А.Рахмонов. Тошкент 2012й.
- УДК: 37.018.011**

## **ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ - МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИК АСОСИ**

**Д. Мустафоева- док. Н.Холиқова- асс. PhD – ТИҚХММИ**

### **Аннотация**

Мақолада халқнинг, миллатнинг қолаверса тараққиётнинг асосчиси ва келажак пойдевори бўлган оила, аёллар ҳақида, уларнинг тараққиёт, илм-фан, таълим ва тарбия, миллатлараро тотувлик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон аёлларининг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштироки, уларнинг оиладаги мавқеи ҳақида, қолаверса давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган хотин қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларини ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратилаётганлигини эътироф этилган.

**Таянч сўзлар:** оила, тараққиёт, миллат, мафкура, руҳий муносабатлар, интеллектуал муносабатлар итимоий ёндашув, репродуктив саломатлик.

### **Аннотация**

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий кадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни маънавий ва жисмоний тараққиётини белгилайдиган олий маскандир. Оила табиатимиз инъомининг энг гўзал мўжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос табиий биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларда ўз аксини топади. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5325-сонли Фармони билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир.

Оила – фуқаролик жамиятининг қадимий институтларидан бири бўлиб,

ривожланишнинг мураккаб йўлини босиб ўтган. Инсон бир ўзи ибтидоий даврда яшай олмаган бўлар эди. Ибтидоий даврда инсон катта оилабўлиб яшаган, ундаги инсонлар яқин муносабатда бўлишган ва фақат ота-она ва фарзандлар тоифасига ажралганлар. Оила муаммосига қизиқишнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, чунки бир неча минг йиллардан бери оила жамиятнинг негизи бўлиб келмоқда ва улар ўзаро бевосита таъсир қилиб келган. Оила, никоҳ - руҳонийлар, черков наздида илоҳий ўрнатилган, белгиланганлигини таъкидлаб юридик жиҳатга катта эътибор берилмаган. Оила деганда кичик бир кишилик жамиятни тушуниш керак, эркак ва аёлнинг иттифоқи бу жамиятнинг асосини ташкил этади. Бу оила бир аёл ва эркак ёки бир неча аёл ва эркаклардан иборат иттифокда туғилган фарзандлардан ташкил топиб, улар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши ва ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар урф-одатлар ёки қонун билан тартибга солиниши мумкин.

Оиланинг моҳияти, унинг зарурати, жамиятдаги аҳамияти, ўрни тўғрисидаги фикрларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) ижтимоий; б) ҳуқуқий.

Ижтимоий ёндашувга мувофиқ –оила бир неча компонентларни ўз ичига олади. Ушбу компонентлардан биринчиси, оилани инсонлар иттифоқи ёки кичик ижтимоий гуруҳ сифатида квалификациялаш киради, бу инсонларнинг, яъни эркак ва аёл, уларнинг фарзандларнинг ўзаро ягона мақсад йўлидаги ҳаракатларида ифодаланади. Шундай қилиб, оила инсонлар бирлашган ижтимоий ташкилотдир.

Ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган оила бурчларидан бири фарзандларини оила қуришга тайёрлашдир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида” ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган:

- оила оилавий анъаналарни ҳамда маънавий ахлоқий меросни сақлаб қолувчи, давом эттирувчи;
- жамиятнинг энг кичик бир қисми бўлиб, боланинг маданий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари ўсишини ва соғлом турмуш тарзини таъминловчи;
- боланинг феъл-атвори асосларини шакллантирувчи биринчи мураббий;
- ҳаётнинг барча жабҳаларида ёш авлоднинг доимо маслаҳатчиси, йўл-йўриқ кўрсатувчисидир, -дейилади.

Демак оиланинг мустаҳкамлиги жамиятнинг пойдеворини мустаҳкам қила олишидадир, унинг моддий ва маънавий баркамоллиги эса давлат ва жамият фаровонлиги негизи ҳисобланади. Оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлашбилан боғлиқ барча масалаларни амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда амалий ишлар қилинди. Жумладан, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди ва болалар ҳуқуқи муҳофазага олинди; оиланинг ижтимоий манфаатларини такомиллаштириш, репродуктив саломатликни қўллаб қувватлаш; оиланинг маънавий ахлоқий асослари ва маданий манфаатларини ҳимоя қилиш учун шароит яратиш; оила муаммоларини илмий ижтимоий тадқиқ этиш, оила, хотин қизларнинг саломатлигини таъминловчи ва шунга ўхшаш тадбирларни доимий статистикадан ўтказиш ва мониторинг олиб бориш каби чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оила давлат олдида ҳам маълум бир вазифаларни амалга оширади. Булар репродуктивлик ва тарбиявий функциялар ҳисобланади. Бундан ташқари, оиланинг муҳим функциялари қаторига иқтисодий қонунакатив, қулайлик ва дам олишни ташкил қилишда ҳисобланади. Оиланинг жамиятда ижтимоий механизмини юзага келтиришдаги ўрни бекиёсдир. Бу ҳар доим ривожланиб боровчи яхлит организм бўлиб, ўз ривожланиши жараёнида бир неча босқичларни босиб ўтган. Унда яъни оилада фарзандлар дунёга келади, дастлабки адаптацияни ўтайди, тарбияланади, таълим олади, муҳими болаларнинг ўзларига ўз оилаларини шакллантиришга имкон пайдо бўлади, қария ота-оналарнинг қариллик даврини бошидан кечириш босқичи ҳам мавжуд бўлган. Оиланинг муваффақияти, унинг мустаҳкамлигидир жамиятнинг

ижтимоий ривож, аҳоли миқдори ва унинг сифатига боғлиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда оила институти замонавий давлатчиликка мос тарзда ривожланиши учун барча шарт-шароитлар, жумладан қонунлар ва қонун ҳужжатлар яратилган. Ҳозирда амалга оширилаётган ислоҳатлар давомида оилага оид қонунчилик базасини жаҳондаги айрим давлатларнинг қонунчилик тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда жамиятимизга мос ва хос жиҳатларини ҳисобга олиб, янада такомиллаштиришимиз эртанги кунимизга мустаҳкам замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 201-сонли Қарор. 2018 йил 13 март. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. Т., 1999 й.
2. Аёл ҳуқуқлари. Аёллар ва сайловлар. Аёллар ва нодавлат ташкилотлар. “Аёлларни фуқаровий ва ҳуқуқий ўқитиш дастури”. Т., 1999 й.
3. З.К.Исмаилова Педагогика Тошкент, Молия- 2008 й.

## **ҚИЗЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ш.Раупова катта ўқитувчи, Д.Мустафоева док – ТИҚХММИ

### **Аннотация**

Мақола оиланинг миллий кадриятлар асосида ташкил этиш, ёшларни айниқса қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий жиҳатлари ҳақида сўз юритилган.

Қизларда миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий кадриятларга асосланган дунёқарашни; она диёрга муҳаббат, жасурлик ва фидоийлик каби хислатларни шакллантириш; миллий кадриятларни ҳаётга татбиқ қилиш, анъаналаримизга содиқлик қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиликларга тезкорлик билан ёндашиш ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** соғлом турмуш тарзи, педагогик ва психологик омиллар, мафкура, анъана, аспект.

Мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларнинг билимли, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила куришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш каби масалаларга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 51,0%дан ортиғини хотин-қизлар қатлами ташкил этади. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида, бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларида 62,0% дан кўпроқ аёллар фаолиятноритмоқда. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи ва ҳуқуқий мақоми алоҳида эътибор қаратилган.

Оиланинг асоси аёлдан бошланади, шунинг учун аввалам бор қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида ва бошқа давлат корхоналарида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.



Қизларни оилага тайёрлашда миллий ғоя, миллий мафкура, соғлом турмуш тарзи тамойиллари, шунингдек педагогик ва психологик омиллар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Қизларда миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга асосланган дунёқарашни; она диёрга мухаббат, жасурлик ва фидоийлик каби хислатларни шакллантириш; миллий қадриятларни ҳаётга татбиқ қилиш, анъаналаримизга содиқлик қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиликларга тезкорлик билан ёндашиш; оила қадриятларига содиқлик, унда қизларнинг фаолиятини янада кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда қизларни асосий ролга қўйиш; маънавий маърифий тарбиянинг долзарб муаммолар ечимини топиш, қийинчиликларни ечишга қаратилган ижодий ташкилотчиликни қизларда шакллантириш уларни оилага тайёрлашда асосий мезонлар ҳисобланади.

Қизларни турмушга тайёрлашнинг психологик, педагогик, гендер, ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий, диний ва маърифий аспекти, шунингдек соғлом турмуш тарзи тушунчасининг тарихий, илмий меъёрларини амалий ва назарий жиҳатлари қизларни оилавий турмушга тайёрлашда ҳам муҳим аспектдир.

Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатини муҳофаза қилиш ва ривожлантиришда уларнинг фаоллигини ошириш, ҳамкорлик муносабатларини амалга ошириш ва ҳамкорликда истиқбол фаолиятини такомиллаштириш, етакчи қизлар билан ишлаш, кенг аҳоли қатлами билан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хотин-қизлар ташаббусларининг қуйи босқичдаги фаоллиги қуйидагиларда билинади:

- мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- муаммоларни жамоат муҳокамасигга қўйиш;
- муаммоларни ҳал этувчи тизимларини аниқлаш;
- муаммоларни ҳал этувчи учун ҳамкорликни ташкил қилиш.

Ҳамкорлик муносабатлари эса:

- ўзаро етакчи қизлар билан ҳамкорлик;
- жамоат ташкилотлари, ҳокимиятлар ва ўз ўзини бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Кенг аҳоли қатламлари билан ишлашда давра суҳбатлари, таълим беришга мўлжалланган семинар тренинглар ташкил этиш, турли тадбирлар тизимини ташкил этиш, етакчиларни тарбиялашнинг мунтазам ечимларини яратиш; тарғибот ва ташвиқот ишлари ва ОАВ орқали кенг тарғибот ишларини олиб бориш ҳам хотин қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш ва рағбатлантиришнинг услубларига киради.

Қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашда бевосита ва билвосита тизимлар мавжуд бўлиб, бевосита тизимга оила, ота-она,буви ва бобо, ака ёки опа, қариндошлар, оилавий маросимлар ва оилавий анъаналар кирса, билвосита тизимга ОАВ, телевидение, радио, бадиий адабиётлар, матбуот, интернет тизими киради.

Педагог олима М.Махмудова қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёни асосан уларнинг ўспиринлик даврини қамраб олаётганлиги, бошқа даврларга эса, хусусан талабалик даврига эса камроқ эътибор қаратилаётганлиги ҳақида қайд этади. Ёшларнинг аксарияти талабалик даврларида оилавий ҳаётга қадам қўядилар, шу боис ҳам талабалик даврида ҳам оилавий турмушга маънавий ахлоқий, психологик ва жисмоний тайёргарлиги талаб қилинади. Шунинг учун ҳам олий ўқув муассасаларида оилавий ҳаётга киришдаги соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи фанлар, маънавият дарслари, шунингдек педагогика ва психология каби фанлар қизларни оилага тайёрлашдаги катта маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади [1].

Ф.Отаҳўжаевнинг фикрига кўра, оила, ўз ижтимоий мазмунига қараб уч таркибий қисмдан иборатдир. Улар: оила асоси сифатида никоҳ, эр ва хотин муносабатлари ҳамда фарзандларнинг тарбиясидан ташкил топади [2].

Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда қуйидаги тамойиллар, таркибий қисмлари ва йўналишлари қуйидагича белгиланади:

**психологик:** инсон психологик билимларга эга бўлиши, психологик тайизқдан ўзини ҳимоя қила олиш, оила психологиясини билиш, ота она ва болалар орасидаги психологияни билиш, зиддиятларни ечимини ўрганиш ва психологик мувозанат сиралари ўрганиш;

**ҳуқуқий:** оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англаш, эр ва хотин ҳуқуқларини кафолатланишини билиш, дам олиш, оналик ва болалик муҳофазаси бўйича қонун ҳужжатларини билиш ва амалда қўллаш олиш;

**тиббий:** аёл, она ва бола саломатлиги бўйича бирламчи билимларга эга бўлиш, саломатликни сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини англаб етиш, юқумли касалликлар бўйича бирламчи билимларни билиш, гигиенага доимо риоя қилиш ва зарарли одатларнинг салбий оқибатларини кўра билиш ва тўғри баҳолаш;

**ижтимоий:** оиланинг ижтимоий ахволини яхши ва равон сақлаш, уни яхшилаш оқибатларини назоратга олиш, оила иқтисодини тўғри юритиш бўйича билимларга эга бўлиш, оиланинг экологик муҳофазаси ва экологик тарбия тўғрисида таянч билимларга эга бўлиши;

**маърифий:** оилани мустаҳкамлашда диний эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя қилишга иммунитетни шакллантириш, фарзандлар тарбиясида миллий қадрятлардан фойдаланиш, Ҳадис, Қуръони Каримдаги ўғитлардан оила мустаҳкамлиги учун фойдалишни билиш.

Шундай қилиб, қизларни оилага тайёрлашда соғлом турмуш тарзини кенг қамровли олиб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳар бир таркибий қисми айниқса ёш оилаларга ас қотади деган умиддамиз. Бунинг учун олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир профессор ўқитувчилар ҳам жонбозлик кўрсатишлари бу нозик масалада ижобий ечим бўлишига шубҳамиз йўқ.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини қучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2003? 19 б.
2. М.Махмудова. Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими. -Т.-2004, 11 б.
3. Ф.Отахўжаев. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т., Ўзбекистон, 1995, 85 б.

## ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ - ЗАЛОГ ДОЛГОЛЕТИЯ

Мадазизова Д.Р. Ст.пр. Ж.К. ст. – ТИИМСХ

### Аннотация

Каждый нормальный человек стремится прожить свою жизнь долго и счастливо. Но все ли мы делаем для этого? Если проанализировать "каждый шаг" нашего типичного дня, то, скорее всего, все обстоит с "точностью до наоборот".

Самые "экстремалы" утром, еле встав с постели, как биороботы собираются на работу или учебу, днем нервничают по пустякам, обедают за столом, ссорятся с близкими, завидуют знакомым и коллегам, вкладывают все силы и средства на приобретение очередной модной вещи или "игрушки для взрослых", по вечерам отдыхают на диване у ТВ, а выходной мечтают провести у мангала с шашлыками или

заняться "шопингом". Остальные, не все но многие, проводят свой день, дублируя этот образ жизни в большей или меньшей степени.

Естественным следствием такого образа жизни являются болезни, нервные расстройства и проблемы на работе и в семье. Болезни мы лечим лекарствами, большинство из которых имеют столько побочных эффектов, что одно лечат, а другое калечат. Проблемы, в зависимости от пола, "заедаем" или "запиваем". Круг замыкается и разорвать его можно только сделав крутой вираж в сторону здорового образа жизни<sup>44</sup>.

Здоровый образ жизни предполагает оптимальный режим труда и отдыха, правильное питание, достаточную двигательную активность, личную гигиену, закаливание, искоренение вредных привычек, любовь к близким, позитивное восприятие жизни<sup>45</sup>. Он позволяет до глубокой старости сохранять нравственное, психическое и физическое здоровье.

Думается, ни у кого нет сомнения в том, что здоровый образ жизни ведет к процветанию. Все мы от рождения получаем определенный генетический набор, который должен обеспечить достижение максимально возможных жизненных целей, но реализовать эти возможности на практике и достичь своего жизненного потолка даже в идеальных жизненных условиях могут только здоровые люди, которых среди ведущих здоровый образ жизни существенно больше.

Здоровье достаточно многогранная категория. По определению всемирной организации здравоохранения, под здоровьем понимают "состояние полного физического, психического и социального благополучия, а не только отсутствие болезни". Если тело здорово, но нет ощущения радости, то это уже болезнь. Регулярные физические нагрузки и физкультура также важны для здорового образа жизни, как и правильное питание. Они поддерживают здоровье, предохраняют от заболеваний и, чему все больше свидетельств, замедляют процесс старения. Физкультура полезна в любом возрасте, поскольку обычная дневная активность редко может обеспечить достаточную физическую нагрузку.

Физкультура имеет два вида влияния на организм человека - общий и специальный. Общий эффект физкультуры заключается в расходе энергии, прямо пропорциональном длительности и интенсивности мышечной деятельности, что позволяет компенсировать дефицит энергозатрат. Важное значение имеет также повышение устойчивости организма к действию неблагоприятных факторов окружающей среды<sup>46</sup>.

В результате укрепления иммунитета повышается также устойчивость к простудным заболеваниям, что зачастую обеспечивает саму возможность вести здоровый образ жизни. Специальный эффект физкультуры связан с повышением функциональных возможностей сердечно-сосудистой системы. Он заключается в оптимизации сердечной деятельности и формированию более низкой потребности сердца в кислороде. Адекватная физическая нагрузка и физкультура способна в значительной степени приостановить возрастные изменения различных функций организма в любом возрасте. С помощью занятий физкультурой можно повысить возможности и уровень выносливости - показатели биологического возраста организма и его жизнеспособности. Любой живой организм в силу жизнедеятельности клеток, тканей и органов непрерывно тратит входящие в состав организма вещества. Для поддержания здорового образа жизни необходимо, чтобы все эти траты покрывались пищей. Совершенно естественно, что пища человека должна содержать все те вещества, которые входят в состав его организма, т.е. белки, жиры, углеводы, витамины, минеральные вещества и воду. Так как затраты организмом всех этих веществ зависят от ряда факторов: возраста, вида труда,

---

<sup>44</sup>Каримов И.А. Здоровое покаяние – будущее нашей страны// Собр.соч. Т.8, С. 87-99.

<sup>45</sup>Основы валеологии. Учебное пособие, Д.Д.Шарипова, М.Таирова,Т.Л.Арбузова,Ш.Маннапова. Типограф. ТГПУ им.Низами, Т.2007

<sup>46</sup>Ачкасов ЕЕ. Инструктор здорового образа жизни и всероссийского физкультурно – спортивного комплекса. Москва 2017 г.

воздействий внешней среды и состояния самого организма, то необходимо иметь представление о значении отдельных веществ и потребности в них для правильного питания и здорового образа жизни в зависимости от указанных факторов.

Ухоженность – это обязательное качество и неременное условие для ведущего здоровый образ жизни человека, независимо от его пола или возраста. Хотя понятие ухоженность несколько размыто, очевидно, что состояние кожи, волос на голове, лице и теле, ногтей, зубов, фигуры вкупе с гармоничностью, чистотой и аккуратностью одежды, обуви и аксессуаров, а также аромат, исходящий от человека – характеризуют его ухоженность в очень полной мере.

Ухоженность - это далеко не внешний вид. Если вы спокойно и непринужденно можете снять с себя все, что на вас надето, и не станете от этого хуже вы можете считать, что ухожены.

Существуют десятки увлечений (хобби), которыми занимаются люди в свободное время. Среди них есть очень распространенные и совершенно безобидные (вязание, вышивание, рыбалка, туризм и т.п.). А есть и такие, которые со временем превращаются в зависимость (например, игромания). Для человека, ведущего здоровый образ жизни, наличие хобби – мощная поддержка психического здоровья и гармонии с окружающим миром.

## **ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF TACTICAL SKILLS IN THE TAEKWONDO SECTION**

**Kholjigitova Dilbar Bahodirkizi – magistr  
Uzbek State University of World Languages,  
Tashkent, Uzbekistan**

Additional education of children is a necessary component in the education of a diverse personality, in its formation, in the initial vocational orientation. Additional education of children has many directions. The importance of additional education of children in that it increases the variable component of general education and helps children in choosing a further direction, contributes to the realization of their strengths, knowledge acquired in a common component. In times of constant change, one does not have to convince anyone of the need for additional education. The more versatile a child is, the easier it will be for him in life to decide on the choice of his future profession and activity.

Additional education fills children's free time with activities protecting them from the effects of street education, which is often unfavorable. Carried away by additional activities that open up broad prospects for the child and in the future help determine the type of activity in adult life.

Children form their own opinions, get practical skills necessary for life in the social world, communicating with their peers, learn to cooperate and help each other, develop communication skills. In the process of creative activity, the personality is developed and enriched, its talents and spiritual potential are revealed. Formation of the culture of the individual, understanding of the beautiful, empathy in the process of creativity, occurs when properly organized space of creative activity.

Adolescent leisure depends on the person himself, his personal culture of interests, etc. In his spare time, the activity of the student is determined by his objective conditions, environment, material security, development of cultural and leisure centers, etc.

In order for additional education to provide favorable conditions for the diversified development of the child, to assist in the realization of its potential opportunities and needs, to develop its creative cognitive activity, teachers must know and be proficient in various forms and methods of teaching, take into account the age characteristics of students.

The interest of scientists and researchers in the formation of tactical skills in adolescents has been noticed since ancient times. The German philosopher, educator and psychologist I. F.

Herbart believed that the purpose of learning is, above all, the formation of intellectual abilities of students, their mental development. To assimilate students of certain knowledge and skills, He proposed to divide the training into four levels for a more complete mastery of certain knowledge and skills: visual acquaintance of students with the material; determination of the similarity of the material and their relationship with each other studied during the conversation; presentation of new material by the teacher; practical exercises with the use of new knowledge and skills.

Formed skills are the ultimate goal of training for a particular program of additional education. A student's readiness is best determined by his skills. After all, when they say "skillful" and "stupid", then this, although briefly, but clearly characterize certain features of their personality.

Formation of skills and abilities are carried out in practical activities with the help of exercises and teaching methods specifically aimed at learning them.

The conditions under which skills are most successfully formed are:

- clearly defined goals of the end result of training activities and exercises;
- understanding and planning the sequence of activities and training;
- the presence of a clear end result;
- interim assessment of formation results;
- timely solution of issues to eliminate deviations from the achieved result;
- self-assessment of success on the path to the goal of learning activities and goals of tasks and conscious striving on the path to the goal.

The skills and abilities formed in the process of familiarization, trial and basic exercises continue to be improved in practice. They become mastery in the process of training and their constant training.

In martial arts, special skills and requirements for the speed of processing incoming information, the ability to assess frequent changes in events, making adequate decisions and their quick implementation are added to skills. The requirement of all systems of the body of high mental abilities, good training and high psychological noise immunity.

At the stage of basic technical training, in the course of mastering coordination technical actions, the stage of learning the use of acquired equipment should be followed in conditions of changing kinematic and dynamic situations.

The use of all technical actions, which are based on physical and mental capabilities, taking into account them from the enemy, express an understanding of tactics.

Preliminary training plays a big role in the upcoming tactical actions in combat in all sports. The less information about the upcoming opponent, the more tactical schemes and upcoming actions are developed.

In martial arts with a variety of different situations is predetermined by an increase in the speed of information processing and decision-making of an athlete, and the situation itself requires the opposite. Conflict may be a factor distorting the assessment of a situation in a duel.

To reduce the time to make a decision and increase the concentration of the athlete's actions, it is necessary to simulate in advance and work out the likely tactical and technical situations and ways to solve them.

The role of tactics in each sport is calculated from the number of technical actions used in this sport, which can indirectly increase the athlete's endurance. This is possible with the best optimization of the program for technical and tactical training, with its maximum assimilation.

Tactical knowledge, abilities, skills are included in the structure of tactical training. They are a set of examples about the types of sports tactics and the features of their use in training and competitions.

Tactical skills are the means of demonstrating the consciousness of a person involved in sports, based on the display of knowledge of tactics. There are several skills:

- deciphering rivals;
- vision of the development of the fight,

- flexibility own tactics.

Tactical skills are tactical maneuvers that are done both personally and as a team by means of strategy memorization. In a specific game or competitive situation, tactical skills manifest themselves in the form of a shaped action.

Tactical thinking is the thinking of an athlete in the process of sports activity in conditions of lack of time and the presence of mental stimuli, aimed at overcoming immediate tasks in tactics.

Competition tactics involve mental actions performed in tactical design and practical actions leading to successful implementation of the design. The capabilities of the athlete are the initial data for the implementation of the optimal tactical design with regard to its technical, physical and psychological potential. The implementation of effective tactical models will not be complete if the level of fitness of an athlete does not match this tactical model. Sports tactical model is selected for the potential athlete.

Taekwondo is a martial art without the use of weapons. His homeland is Korea. If you translate the word taekwondo literally "the path made by bare feet and hands." Legs have a special role than hands, they are used in blocks and bumps with greater activity.

Some researchers focused on educational issues. Matos, while working on her book, studied the effects of taekwondo on attention deficit disorder in children. She believes that one of the most effective means in such cases is to involve children in martial arts, as well as in disciplines that require the synchronization of body and mind. Hunter has worked with many generations of people with severe mental disorders, applying the discipline of martial arts. Hunter found a correlation between mental and physical employment and a decrease in attention-related disorders. As soon as a researcher, a teacher by profession, became interested in this martial art, the question of the methods of teaching and transmitting practical methods in the ordinary class aroused his great interest. As schools develop towards full inclusion, it would be useful to observe the process taking place in the training room, as well as to identify the possibility of presenting their methods in the classroom.

Taekwondo consists of five disciplines, and it can rightly be called all-round. The competition program consists of four disciplines: sports sparring competitions, competitions on basic complexes, competitions on breaking objects, and competitions on special techniques of strikes in taekwondo. In addition, the taekwondo technique includes a defensive discipline, which includes all of the above disciplines in real situations.

Miller (1989) argues that self-esteem can be enhanced by acquiring or mastering new skills. Younger boys will quickly develop self-awareness through participation in physical activities. Using the example of college girls, Finkenbergl (1990) studied the effect of participation in the taekwondo section on self-esteem and found a significant difference in both general self-knowledge and physical, personal, and social satisfaction. Thus, the authors believe that learning taekwondo has a great psychological impact on the participants.

#### **BIBLIOGRAPHY**

1. Balsevich V. K. Physical culture for everyone and for everyone [Text] / V. K. Balsevich; - M.: "Physical Education and Sport", 1988.
2. Balsevich V. K. Physical culture: education, education, training // Physical culture, education, science.; 1996.- 3 p.
3. Boltikov Yu. V. Increasing motivational factors in order to ensure mass character and effectiveness of educational and training work in wrestling sections: Author's abstract. Dis. Cand. ped. Science / Boltikov Yu. V.-M.: MOGIFK, 2002.
4. Glazyrina, L. D. Methods of physical education of children preschool age. A manual for teachers of preschool institutions [Text] / L. D. Glazyrina. - M.: Vldos, 2005. - 175 p.

**БУГУНГИ КУНДА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
БОРАСИДА ОЛИББОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**

ЭшоваҲ.Х. -“ЕРБ” факультети, Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари,  
ТИҚХММИ

Мамлакатимизда ёшоилани мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатининг афзаллиги шундаки, давлат оиланинг ўзига хос суверен тузилма сифатида қадрлайди, унинг ички ишларига аралашмайди. Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганларидек, “Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади”<sup>47</sup>. Оиланинг мустаҳкамлаш борасида, ёш оилалар саломатлигига, ота-оналикка психологик жиҳатдан тайёрлигига бевосита боғлиқ бўлгани учун, жамиятимизда бу борада аниқ механизмлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги 365-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида “Оила психологияси” курсларининг ўқитилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. 1998 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Оила” илмий-амалий марказлари оилалар борасидаги ҳар бир муаммони ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўрганишлари ва биринчи навбатда никоҳ ажримларининг камайиши, нотинч оилаларнинг тартибга солиш ва ёш оилаларнинг қўллаб-қувватлаш бўйича самарали усулларни излаб топишлари лозим.

Биринчи Президент И.Каримов таъбирлари билан айтганда, “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”<sup>48</sup>. Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан бири ҳисобланади.

Оиланинг ўзимизга хос бўлган шакли бу фарзандларнинг тўғри тарбиялаш. Мамлакатимизда уларни умуминсоний маънавий қадриятлардан, анъаналардан ҳабардор қилиш, шу билан бирга миллий қадриятларимизнинг сақланиши, билим даражасини ошириш учун анча имкониятлар ва қулай шароитлар яратилган. Худди ана шундай тарбияланган оилаларда фарзандлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни, туғилиб ўсган юрти, қишлоғи, шаҳри, яхлит Ватанини севишни ўрганадилар.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳада кўзланган асосий мақсад шуки мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида жамиятнинг негизи ҳисобланган оилалар борасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, йўналишлари ва тамойилларини белгилаш орқали оилага йўналтирилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий миллий ва умуминсоний қадриятлар мувофиқлигида мустаҳкамлашнинг илмий асосланган стратегиясини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шундай килиб, оила сиёсатининг узокни кўзлаган, истиқболли йўналиши жамиятда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бундай сиёсатнинг фуқаролар томонидан тушуниб етиши уларда оила-никоҳ муносабатларига нисбатан чексиз масъулият ҳиссини, ўзи қурган оилага нисбатан миллий ғурур ва уни қадрлаш тушунчаларини шакллантиради.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган оила сиёсатининг асосий маъноси ҳозирги ёш оилаларнинг истиқболдаги ривожланиши ва тараққиётининг устивор

<sup>47</sup>Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007й. 19-бет

<sup>48</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., “Маънавият”, 2008й. 52-бет

йўналишлари жамият тараққиётининг кафолатлари тўғрисидаги эзгу ғояларимизга ҳамоҳангдир. Оила иқтисодини барқарор-лаштиришда оилавий тадбиркорлик, оилавий ишлаб чиқариш, касаначилик шаклларида оқилона фойдаланиш учун барча шароитлар яратиб берилган.

Таъкидлаш жоизки, оила ижтимоий институт сифатида ўзининг барча вазифаларини бажарган тақдирдагина, мафкуравий тарбиянинг асосий воситасига айланади. Зеро ҳар бир оиланинг муқаддас вазифаси бу қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний соғлом ва маънавий томондан етук қилиб, ота-онасига, Ватанига садоқатли фарзандлар қилиб тарбиялашдан иборатдир. Яъни, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол инсон фақат соғлом оилада тарбияланиши мумкин. Шундай экан биз, оилашунос олимлар ва жойларда оила манфаатларини амалда ҳимоя қилишдек савоб ишга қўл урган мутахассислар ўз олдимизга дадил вазифалар қўйилишимиз даркор. Бу ишларнинг самараси фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш оиланинг мустаҳкамлигини, унда вояга етаётган фарзандларимизнинг келажагимиз учун муносиб ворислар қилиб тарбиялаш ҳаммамизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки жамиятимизнинг янгилашиш жараёни оилалардаги моддий-аҳволнинг ҳал қилиниши ва зарур бўлган муаммоларнинг аксариятини очиб берди. Шу сабабли оилавий муҳит таъсирчанлиги, доимийлиги, барқарорлиги, серкирралиги билан ажралиб туради. “Мухтасар айтганда менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгилашишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик”<sup>49</sup>.

## **ҚИЗЛАРНИ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШДА ҚАДИМИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ЎРНИ**

Явкачева З. А., катта ўқитувчи, Араббаев З. З.-талаба, ТТЙМИ

Ёшларни жисмоний бақувват, баркамол қилиб тарбиялаш бўйича жуда кўп адабиётлар, тавсиялар бор. Исталган жисмоний тарбия ўқитувчиси бу хусусда яхши йўл-йўриқлар кўрсатиши мумкин. Аммо ёшларга маънавий – руҳий, ахлоқий камолотга эришишда ёрдам берадиган адабиётлар, йўл-йўриқлар жуда кам. Шунинг учун ёшларимизнинг ўзаро муносабатларида катта камчиликлар, маданиятсизликлар мавжуд. Бу эса маънавий дунёқарошида камчилиги бўлган ёшларда шахслараро муносабатларда қийинчиликларга олиб келади ва турмуш қурган ёшлар орасида оилавий ажралишларнинг сони кўпаяди.

Жамиятда фикр, интеллектуал онг ўсиб такомиллашиб бораётган ва ижтимоий муносабатлар тубдан янгиланаётган бир шароитда юртимиздаги ҳар бир оила ўз аъзосини тарбиялаш, камол топтиришда дунё масалаларини англай билиши, шу билан бирга, рақобатга асосланган ҳаётда ўзини ҳимоя қила билиш кўникмасини юзага келтиришга қаратмоғи даркор. Булар ўз навбатида оилавий кадриятларнинг миллий ғоя, миллий ғурур туйғулари ва бошқа миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар билан бирлигини шакллантиради.

Ўрта Осиё ва бутун Шарқ Уйғониш даврининг буюк олими, ўз даври илғор фалсафий фикрининг асосий томонларини ўз ижодида акс эттирган мутафаккирлардан бири Абу Наср Фаробийнинг ўғитларини келтираемиз.

---

<sup>49</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т., 2010 й 27-бет



“Ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўлади:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.
2. Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрнинг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.
3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган, севган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.
4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришлигини тезда билиб олсин.
5. Сўзларни аниқ билсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларни раво ва равшан баён эта олсин.
6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.
7. Овқатланишда очкўз бўлмасин.
8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.
9. Руҳи ғурурли ва ўз виждонини кадрлайдиган бўлсин.
10. Ўз табиати билан адолатли бўлсин.
11. Бойликка ружу қўймасин.
12. Адолатли бўлсин, лекин қайсар бўлмасин.”

Юнон фалсафасида Сукротнинг ўрни қай даражада бўлса, Хитой фалсафаси ҳам Конфуций номи билан машҳур жаҳондир. Орадан қанча вақт ўтмасин, олтин йиллар оша сайқал топгани сингари унинг пурмаъно ҳикматлари ҳам асрлар оша янги-янги қирралари билан жилоланмоқда. Конфуций илгари сурган ғоялар нафақат Хитой, айтилишича Япония, Корея, Вьетнам халқларининг ўй-фикри ва ҳаётига чуқур таъсир кўрсатган.

Конфуций таълимоти ёрдамида инсон ўзида олийжаноб фазилатларни шакллантирган. Файласуфнинг “Ҳикматлар”и “олий одам”нинг шундай юксак инсоний фазилатларини акс эттиради.

Конфуцийнинг ўғитлари, панд-насихатлари Хитойда ҳанузгача эъзозланиб, кадрланиб келинади. Қуйида файласуфнинг “Ҳикматлар”идан парчалар эътиборингизга ҳавола этилади.

Устоз айтади:

— Мен билимдон бўлиб яралган эмасман, шу боис билимни ўтмишдан олишга жидду жаҳд қилдим.

— Ҳақиқий билим — кимнингдир билимсизлигидан сақланмоқдир.

— Фикрламай илм олмоқ — беҳудалик; билим билан суғорилмаган тафаккур эса хатардир.

— Ҳақиқатни кўрмоқ ва унга интиломоқ — ёки жасорат, ёки тарбия маҳсули.

— Кимки нокамтарлик билан ёлғон сўзлар экан, унинг жимжимадор сўзлари фақат ва фақат мусибат келтиради.

— Садоқат ва самимиятни сақлаб қолмоқ — чўққининг қорни ушлаб қолишидек чиройлидир.

— Эзгулик учун яралган ёхуд эзгуликдан мутлақо мосуво инсонни кўрмадим. Кимки эзгуликка интилар экан, ҳамиша ҳурматда бўлур.

— Жароҳат учун адолатни, эзгулик учун фақатгина эзгуликни қалқон билинг.

— Эҳтиёткор инсон ҳам баъзан адашади.

— Ширин сўзлар ва таъма кўнгилдан чиққан самимият белгиси эмас.

— Ҳеч бир дўст ўзинг каби бўлолмайди.

— Олий одам уч ҳолатда ўзини сақлай олади: ёшликда хирсдан, кучга тўлганда жанжалдан, кексаликда очкўзликдан.

— Қаерга бормагин, эътиқодинг сен билан бўлсин.

— Келажак учун курашмоқчи бўлсанг, ўтмишни ўрган.

— Олийжаноб одамнинг излагани — ўзи, пасткашнинг қидиргани эса ўзгалар.

— Агар ўз қалбингга назар ташласанг-у, бирор қора доғ кўрмасанг, унда безовталиқ нега, ҳадик нимага?

— Олийжаноб одам хавфсизликда ҳам хатарни, тўқликда ҳам йўқчиликни унутмайди. Тартиб ҳукм сурган пайтдатартибсизликлар бўлишини назардан қочирмайди. Бундай одам зинҳор хавф остида қолмайди, демакки, унинг ватани ҳам, халқи ҳам бехатар.

— Моддиётнинг ортида эзгулик ниш урмоғи учун беш нарса кифоя: кўнгил кенглиги, самимият, шиддат, яхшилик ва жиддийлик.

— Ўз хатоларингни тан олишдан уялма, акс ҳолда улар жинойтга айланади.

— Ҳар бир хилқатнинг ўз гўзаллиги бор, бироқ ҳар ким ҳам уни кўра олмайди.

— Жароҳатларни унут, лек зинҳор яхшиликни ёдингдан чиқарма.

— Кимки исрофни билмаса, азобни билур.

— Эшитдим — унутдим. Кўрдим — эслаб қолдим. Бажардим — тушундим.

— Билимсизлик — инсоният учун энг қоронғу тундир.

— Ҳаракатдаман-ку дея эмакламоқ — бу ҳаракат эмас.

— Биз учун энг катта ҳузур — уйқуда эмас, ҳар тонг уйғонишдадур.

— Олий одамнинг нутқи сокин, ҳаракати жўшқин бўлади.

— Агар инсон йўлга мақсадсиз чиқса, қадам босар-босмасданок фалокатга йўлиқур.

— Ҳақиқатпарвар инсоннинг биринчи қадами — нўноқ, аммо манзили — порлоқ бўлажак.

— Олий одам ўзидан ва ўзгалардан ҳамиша мамнун, ҳар қачон, ҳар қаерда сокин; пасткаш одам эса ҳамиша тушкун, ён-атрофи мусибат билан тўла.

— Агар йўқотишларга дуч келсангиз, ваҳимага тушманг. Йўқотиш ортидан, албатта, топилмалар ҳам келади.

— Ортда қолган ишлар тўғрисида баҳслашиб, уларни қоралашдан наф йўқ. Чунки улар — ўтмишга айланиб бўлган.

— Эзгулик ҳеч вақт ёлғиз қолмаган. Уни синаб кўрган инсон ўзини яхшиликка кўшни, деб ҳисоблайверсин.

— Иш қуроли соз, ўткир бўлган одамнинг ишида унум, даромадида барака бўлади.

— Эзгулик узоқ-узоқларда, олисдами? Мен оккўнгил, яхшилик улашгувчи инсон бўлмоқчиман. Бас, яхшилик ўз кўлингда. Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир. Гўзалликнинг оҳанграбоси эса одамийликдир. Мана шу оҳанграбо ахлоқ-одоб, шарм-ҳаё, ақл-идрок, иффат, ғурур пардалари билан ўралган. Маълумки, фанда электрон ўз қобиғини ташлаб кетса, бу атом ўз хусусиятини йўқотади. Шунга ўхшаб, қиз болаларда пардаларнинг биронтаси бўлмаса, у қиз одамийлик хусусиятини йўқотади.

Ёш йигит – қиз турмушдаги турли зиддиятли вазиятларга тушиб қолганда ҳам ўзини кўлга ола билиш ғоятда муҳимдир. Юқоридаги кўрсатилган таълимотларни болалик давриданок сингдириб борсак, оғир вазиятларда ўз муаммоларини ота- оналарининг кўмагига муҳтож бўлмасдан еча олиш кўникма ва малакасига эга бўлади.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад йигит ва қизлар ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий асослари, йигитлик ғурури ва қиз ҳаёси тўғрисида мунозара юритиш орқали ёшларда пок ахлоқ қоидаларини ўзлаштириш зарурлиги ва оила қуришда муҳимлиги ҳақида тушунча ҳосил қилишдир.

## **РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ВА УНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мирходжаева З. С., катта ўқитувчи, ТИҚХММИ

## Аннотация

Ушбу мақола репродуктив саломатлик тушунчаси ва уни мустаҳкамлаш тамойилларига бағишланади. Унда ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ўзидан кейин соғлом насл қолдиришдек муҳим вазифалар тамойиллари кенг ёритиб берилади.

Репродуктив саломатлик масалалари илк бор 1994 йил Коҳирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва тараққиёт Халқаро конференцияда кўтарилган эди. Ушбу конференцияда репродуктив саломатлик иборасига тўлақонли тушунча бериб ўтилган. “Репродуктив саломатлик” – бу репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар борасида фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина қолмай, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолати ҳамдир. Хўш, “Репродуктив саломатлик” сўзи ўзи нимани англатади?

“Репродукция” сўзи лотинча сўз бўлиб, ге- тикланиш, такрорланиш, productio- яратаман маъносини англатади. Репродукция – биологияда организмнинг ўзига ўхшаш организмларни яратиши, кўпайиши маъносини билдиради.

Аслида репродуктив саломатлик масаласи ҳам хотин-қизлар, ҳам эркакларларнинг саломатлигини ўз ичига олади. Репродуктив саломатлик, оилада фарзанд дунёга келиши, онанинг ва туғилажак боланинг саломатлиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш дегани. Репродуктив саломатлик тушунчаси фақат оилада туғилажак болалар сонини белгилашгина эмас, балки кенгрок масалаларни қамраб олади.

Бунда асосий эътибор оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оиланинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш каби омиллар назарда тутилади. Оиланинг муҳим жиҳатларидан бири – бу унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясидир. Оиланинг вазифаси фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлар билан ўз аъзоларини таништирган ҳолда, уларнинг сихат-саломатлигини ҳимоя қилиш ва сақлашдан ҳам иборатдир.[1]

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган дастурлар замирида аёллар ва болалар соғлиғини сақлашга қаратилган вазифалар ўз ифодасини топади ва бир-бирини тўлдиради. Бу дастурлар “Она ва болани скрининги”, “Соғлом авлод”, “Она-бола”, “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилишдаги қўшимча чора-тадбирлар”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили” ва ҳоказолардир.

Шунингдек, 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-1096 сонли ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ги ПҚ-1144 сонли қарорлари асосида туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни малакали, сифатли тиббий кўрикдан ўтказиб, аниқланган касалликлар юзасидан соғломлаштириш ишлари мунтазам олиб борилди.

Ҳукуматимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” да ҳам 4-устувор йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган. Унинг 4.2- бандида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш кўрсатилган.[4]

**Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:**

- Ҳомиладорларга хизмат кўрсатиш соҳасида маслаҳат ўтказиш, маълумот бериш ва хизмат кўрсатиш
  - Туғруқ ва чилла даврининг меъёрида кечишни таъминлаш, она ва соғлиғини муҳофаза қилиш
  - Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар (ЖИБЮК)нинг олдини олиш ва даволаш
- Исталмаган ҳомиладорликдан сақлайдиган замонавий (контрацепция) воситалари ҳақида аҳолига етарлича маълумот бериш
- Саратон касалликлари ва саратон олди касалликларининг олдини олиш
- Кўкрак сути билан боқишни тарғиб қилиш
- Оналик ва болалик муҳофазаси
- Ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги ва жинсий тарбияси
  - Аёл ва эркак ўзининг репродуктив саломатлигига маъулият билан ёндашиши.

Аёлларнинг фақатгина ҳомиладорлик даврида саломатлигини сақлабгина қолмай, балки қизларнинг ёшлик даврдан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим. Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ҳар бир оилага катта масъулият юклайди.

Бу масалани тўғри ҳал этиш ёшларимиз олдида бир қатор талабларни қўяди:

- Ҳар бир аёл ҳомиладор бўлмасдан аввал шифокорга кўриниб, ўзининг соғлиғи, туғиш мумкинлиги ёки йўқлигини, бола соғлом бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисида маслаҳатлашиб олгани маъқул
- Бола туғилганидан кейин унинг соғлом бўлиб ўсиши ҳақида қайғуриш, она сўтининг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш зарур
- Турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизларимиз соғлом бўлишлари, шахсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимларга эга бўлишлари керак.[2]

#### **Соғлом никоҳлар учун қандай талаблар қўйилади?**

Ёшларнинг турмуш қуриши учун энг қулай давр қизлар учун 20-22 ёш, йигитлар учун эса 23-25 ёш ва улар орасидаги фарқ 3-4 ёш бўлгани маъқул эканлиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Аввало йигит-қизлар турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Бу ўз навбатида оилада бўлажак фарзандларни соғлом туғилишига, бепуштликни олдини олишга ва агар йигит ёки қизда бирор-бир касаллик аниқланса ўз вақтида даволаниш имкониятини яратади.

Улар ўзлари яшайдиган оилавий поликлиникалар, тиббиёт марказларидан маслаҳат олишлари ва бўлажак зурриётнинг саломатлиги ҳақида қайғуришлари керак. Бу ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Никоҳланувчи шахслар ФҲДЁ бўлимига ариза берганларидан сўнг улар тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.( ЎзР ВМ нинг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори)

Тиббий текширувлардан қуйидаги касалликларни аниқлаш учун ўтишлари керак:

- Руҳий касалликлар ( Психиатр)
- Гиёҳвандлик (нарколог)
- Сил касаллиги ( Фтизиатр)
- Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар
- ОИВ инфекциясига ( марказий лаборатория)

Жаҳон статистикаси бўйича, афсуски, бир йилда 500 минг нафардан зиёд аёллар асоратланган ҳомиладорлик, 10 минглаб аёлларда ҳомиладорлик асоратлари мавжуд бўлиб, баъзилари она ва бола ҳаёти учун хавф туғдириши ёки ногиронликка олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда содир бўладиган оналар ўлими ҳолатларининг асосий сабаблари бу ҳомиладорлик билан боғлиқ қон босими кўтарилиши, туғруқдаги қон кетишлар, сепсис (қондаги инфекциялар), ички аъзо касалликлари (экстрагенитал касаллик), аборт ва унинг асоратлари ҳисобланади. [3]

Ҳар бир жуфтлик соғлом оилани шакллантиришда ўз репродуктив ҳуқуқини билиши лозим.

**Репродуктив ҳуқуқ** – бу барча эр-хотин жуфтликлар ва алоҳида шахсларнинг болалар сони, улар орасидаги оралик ва уларнинг туғилиш вақти ҳақида эркин ҳамда тўлиқ масъулият ҳисси билан қарор қабул қилиши ва бунинг учун шарт бўлган маълумот ва воситаларга эга бўлиш борасидаги асосий ҳуқуқларини тан олишидир.

#### **Репродуктив ҳуқуқлар:**

- Оилада болалар сони борасида аёл ва жуфтликларнинг қарор қабул қилиш ҳуқуқи
- Туғруқлар орасидаги масофани танлаш
- Репродуктив саломатлик тўғрисида маълумот олиш
  - Репродуктив саломатлик соҳасида ҳуқуқ ва манфаатларини чеклашдан ҳоли бўлган ҳолда сифатли хизматлар олиш
  - Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ОИВ инфекцияси ва ОИТС дан ҳимояланиш
  - Ўсмирлар, айниқса қизларга дўстона муносабатда хизмат кўрсатилишини таъминлаш
  - Олинган тўлиқ маълумотга асосан, аёл хоҳлаган контрацепция усулини эркин ҳолда танлаш ҳуқуқига эга бўлиши
  - Тиббиёт ва жамоа ходимининг ташқи босими таъсиридан холи аёлнинг ўзи танлаган контрацепция воситасидан фойдаланишини таъминлаш
  - Контрацептивлардан фойдаланиш ҳуқуқи ( жуфтликларлар учун қулай нархлар, тиббиёт муассасаларининг мавжудлиги, кенг кўламда турли хил усуллардан қулай жой ва вақтда фойдаланиш)
  - Ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида аёлнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқи ( тиббиёт хизматининг сифатлилиги, оиланинг муносабати, эрнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, тиббий ёрдамга эҳтиёж пайдо бўлганда шарт-шароитни яратиш)

Туғилиш ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бевосита репродуктив саломатлик масалалари билан узвий боғлиқ. Лекин репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб тиббий ва ижтимоий омиллар ҳам мавжуд.

Репродуктив саломатликни сусайтирадиган омилларга аёлларнинг кўп ва тез-тез туғиши, экстрагенитал (ички аъзо) ва генитал касалликлар, нохуш экологик ва ижтимоий омилларнинг мавжудлиги қиради.

#### **Она саломатлиги учун хавф туғдирадиган асосий ҳолатлар қуйидагилар:**

- Сўнгги ҳомиладорликдан кейин 2 йилдан кам вақт ўтганда – **жуда тез туғиш**. Интергенетик ( туғруқлар орасидаги муддат) оралик 3-4 йилдан кам бўлганда болалар ўлими 2,5 ортади. Ўлик туғилиш хавфи, ўз-ўзидан ҳомила тушиши, одатланган ҳомила тушиш хавфи ортади. Оналар ўлими 60%, ҳомиладорлик асоратлари 50% га ортади.
- Бўлажак онанинг ёши 18 дан кичик бўлганда – **жуда эрта туғиш**. 18 ёшдан кичик ёшдаги аёллардаги туғруқ –Ўзбекистонда эрта никоҳлар сонининг кўплиги- оналар ўлимининг 34% га, ёш биринчи туғувчиларда эклампсия ( артериал қон босими кўтарилганда тутқаноқ) учраши, болалар ўлими 35%, оналар ўлими ҳолатларида 15% туғруқлар ёш аёллар ҳисобга тўғри келади.
- 35 ёш ва ундан юқори бўлган аёллардаги ҳомиладорликлар нафақат аёллар саломатлигига, балки туғилажак фарзандлар учун ҳам хавфлидир, чунки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг касалликлари (камқонлик, эндокрин, юрак-қон томир, буйрак касалликлари ва ҳ.к.) кўп учрайди. Бу эса нафақат ҳомиладорлик

даврини, балки туғруқ жараёнини ҳам асоратлайди – **жуда кеч туғиш** – мамлакатимизда жами туғруқларнинг 2% ини ташкил қилади.

- Аёлнинг 4 ва ундан кўп туғиши – **жуда кўп туғиш** – 4-5-туғруқлардан бошлаб оналар ва болалар ўлими 40% га ортади. Жами туғруқларнинг 4,9% 4 ва ундан кўп туғруқлар ташкил қилади.

- Аёл **касал бўлса**. Ички аъзолари касалликлари бўлса – ҳомиладорлик аёл соғлиғига хавф туғдириши мумкин. Онанинг экстрагенитал ва генитал касалликларида оналар ва гўдаклар ўлими хавфи ортади.

Юқорида кўрсатилган омилларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда бир қатор вазифалар белгиланди. Уларни олдини олиш юзасидан мамлакатимизнинг ҳар-бир худудида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ерда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг ҳар-бир фуқароси репродуктив саломатликни мустаҳкамлашдек вазифага юксак масъулият билан ёндашиши муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, репродуктив саломатлик ва уни мустаҳкамлаш масалалари аҳоли ўртасида кенг миқёсда тарғиб қилиняпти. Шу соҳа мутахассислари ҳамкорлигида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшлар репродуктив саломатлик ва уни мустаҳкамлаш масалалари тўғрисидаги тушунчалар моҳиятини англамоқдалар, зеро соғлом оила-соғлом авлод демакдир, мамлакатимиз равнақи ана шу соғлом келажак вакиллари кўлидадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

5. Шарипова Д.Ж., Содиқов Қ.С. ва бошқалар. Валеология асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2007 й.
6. Иргашев Ш.Б.. Валеология (Валеология асослари). Дарслик. Т.: 2015 й.
7. Арзиқулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари. Т.; I-II жилд. 2005 й.
8. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” Т. : 2017 й 7 февраль

## **ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ШАХСЛАРАРО МУЛОҚОТНИ ТЎҒРИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АЁЛНИНГ ЎРНИ**

**Рахманова М. Қ.-ўқитувчи, ТИҚХММИ**

Ҳар бир оила бошқаларга ўхшамайдиган ўз шахсий идивидуал қиёфасига эгадир. Оила аъзоларининг маълумоти, маънавий талаблари, иқтисодий шарт-шароитлар турлича бўлиши сабабли оиладаги келиб чиқадиган муаммолар ҳам турличадир. Инсоният XXI асрга улкан ютуқлар билан бирга катта муаммолар билан ҳам қадам кўйди. Мустақилликдан кейин дунё мамлакатлари билан кенг муносабатга кириша бошладик, турли маънавий муоммалар, айниқса оилавий ҳаётда шахслараро муносабатлар, шу муносабатлар негизи аёл психологиясида ўзгаришлар, ҳамда ўзига хосликлар намоён бўлиши кузатилмоқда. Одатда аёл шахси ҳақида ҳамиша беғубор бокиралик, софлик бағри кенглик, матонат, деб таърифлаймиз, баъзи бу таърифлар ўзаро маънода намоён бўлади.

Аёл киши бир вақтнинг ўзида 6-7 та ижтимоий ролни ижро қилади, у аёл, опа, суюкли ёр, ҳамкор, кайнона, волида демак шу роллар асосида у ўзи бир шахс бўла туриб қанчадан қанча вазифаларни бажариши лозим. Унинг ҳар битта вазифасини, келгусини белгилаб беради. Агар у яхши ёр бўлса – эр ундан ажралмайди, у яхши она бўлса, фарзанд

унга меҳр кўлда, у фаҳм – фаросатли аёл бўлса у ҳеч ҳам адашмайди, ақли роса калтана бўлса, умрини охиригача азиз, волида сифатида одил бўлса ҳеч қачон хор бўлмайди.

Аёл турмуш бўсағасига одим ташлаганидан бошлаб 8 та вазифани бажариши лозим.

Репродуктив вазифа – янги авлодни дунёга келтириши бунда боланинг жисмонан соғлом ҳамда психологик соғлом бўлиши назарда тутилади.

Ижтимоийлашув вазифаси – ижтимоийлашувда қатнашадиган институтлар жуда кўп бўлишига қарамай билади онани фарзандга ижтимоийлашув қонуниятларини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Эмоционал қониқиш – фарзандларига меҳр. Оқибат, қувонч ва шунга ўхшаш шахс учун зарур бўлган ижобий ҳис – туйғуларни албатта аёл киши изланиши зарур ҳисобланади. Ҳамдардлик муҳитини, меҳрибонликни айнан оилада аёл кўпроқ намоён қилиши зарур ҳисобланади.

Мақом функцияси – одатда аёл киши фарзандларга у кимнинг фарзанди эканлиги, шу номга сазовор бўлишидек туйғуни шакллантирувчи шахсдир. Баъзи оналар отани ёмон, ёки у ота бўлишига арзимаёди каби сўзлар билан фарзандларини муносабатларига салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий функция – оилада аёл киши иқтисодий масалаларни тўғри ва оқилона ҳал қилишидан кўпгина оила аъзолари манфаатдор бўлади.

Демизитологик функция – бахт тушунчасини ҳар бир аёл ўзига талқин қилади, аммо оилада аъзоларининг ҳаммаси бахтли бўлиши учун жавабгар шахс кўпроқ аёл ҳисобланади.

Релаксация функцияси – аёл киши оилада вақтни тўғри тақсимлаши, айниқса аъзоларни ўз вақтида дам олишини, кўнгил олишини ташкил қилиши зарур ҳисобланади.

Регулятив функция – оилада барча муносабатлар бошқарилиб борилади, айнан шахслараро муносабатлар, опанинг – укага, сингилнинг – акага, катталарнинг – кичикларга, кичикларнинг – катталарга бўлган муносабатларини бошқариб бориш албатта оиланинг аёли зиммасига юклатилган бўлади. Доимо сиз билан бўладиган, жамиятнинг таянчи оила, оиланинг таянчи аёлнинг ўз вазифалари бекиёс уларни қабул қилиш, ижро қилиш, бўйсунуш, тан олиш эса ҳар бир аёлни ўзига ҳос психологик \_\_\_ яратади. Ҳар бир аёлнинг вазифаларига муносабати жамиятда муносабати ҳисобланади. Унинг бекиёс қалб эгаси бўлиб, вазифаларни ижобий намоён қилиш унинг муқаддаслигини яна бир бора исботлади.

Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг кадриятларидан ташқари, жамиятнинг кадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилган бўлади. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади. Бундай фарзандга турли бидъатлар, бемаза чақириқлар, даъватлар таъсир этмайди, мустақил фикрли, пок виждонли инсон бўлиб этишади. Чунки, оила бу кичик жамият, жамиятнинг кичиклашган андозаси, оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлишини ўзбек халқи жуда яхши билади, шунинг учун ҳам айниқса, мустақиллик йилларида оила бизнинг ватанимизда кадрланади, никоҳ муқаддас ришта сифатида эъзозланади.

Шахснинг жамиятни фаол иштирокчиси сифатида шаклланишида оила муҳим ўрин эгаллайди. Бола оилада туғилиб вояга етар экан, йиллар давомида оилада шаклланган муносабатлар тизими бола психологиясига таъсир кўрсатади. Оиладаги катталарнинг ўзаро ва фарзандлари билан бўладиган шахслараро муносабатлари, яъни мулоқоти, муомаласи, болага нисбатан муносабатлари орқали таъсир кўрсатадилар. Бу таъсир пировард натижада боланинг дунёни англаш тарзига атроф-муҳитга одамларга муносабатини намоён этишига, ҳатто фикрлаш тарзига ҳам таъсир кўрсатади. Бу таъсирни

айнан бир хил йўналишдаги ё салбий, ё ижобий деб қараш нотўғри бўлар эди. Чунки маълум шароитларда оилавий таъсирга боланинг берилувчанлик даражаси унинг бу таъсирларга муносабати қандайлигига боғлиқ равишда таъсирнинг натижаси турлича бўлиши мумкин. Агар катталар томонидан кўрсатиладиган тарбиявий таъсирни мавжуд ижтимоий нормативлар билан таққослаб бериш имкониятига эга бўлса, бола бунда ўзи учун ижобий деб ҳисобланган андозага эргашиш эҳтимоли юқори бўлади. Лекин ҳаёт тажрибаси ва кузатишлар шундан далолат берадики оиланинг тарбиявий кучи, айниқса боланинг мактабгача ёш даври юқори бўлади ва бу даврда катталар томонидан оилада болага кўрсатиладиган таъсир етакчи аҳамият касб этиши мумкин. Шундай экан, шахс сифатлари ҳатто фикрлаш тарзи шаклланиши билан оиладаги тарбиявий таъсир усуллари ўртасида бевосита боғлиқлик бор дейишимизга етарлича асосимиз бор.

Психология фанида ўз исботини топган оиладаги тарбия кўрсатиш усуллари асосий кўринишларига тўхталар эканмиз уларни шахс фаоллигини қўллаб қувватловчи ёки фаолликни чекловчи таъсир сифатида икки тоифага ажратиш мумкин бўлади. Жумладан, ҳамкорлик ва аралашмаслик усуллари шахс фаоллигини чекловчи таъсир усули сифатида қаралиши мумкин.

Хар қандай янги фикрни туғилиши ва унинг ривожлантирилиши бу фикрнинг атрофдагилар томонидан қанчалик қўллаб қувватланишига боғлиқ. Айниқса, фикрнинг тан олинishiда ва эътироф этилиши шахсда фикрлашга бўлган эҳтиёжни янада кучайишига олиб келади. Демак, мустақил фикрлаш жараёнини шакллантириш оилада ота-оналарнинг болага нисбатан қандай муносабатда бўлишлари ҳам бевосита боғлиқ.

Агар юқоридагиларни ҳисобга оладиган бўлсак, катталар томонидан ўз устунлигини кўрсатишга ва фақат ўз фикрини ўтказишга асосланган тарбияни диктатикаси боланинг фақатгина катталар талаби ва хохиши йўналишида фикрлашга мажбур этади. Бу усулда катталар томонидан болага бериладиган кўрсатма танбеҳлар ва ҳатто баъзи ҳоллардаги камситишлар боланинг фикр доирасини катталар учун маъқул, катталарга ёқадиган йўналиш билан чеклаб қўяди. Болага ўйлаб кўриш бирон-бир муаммо устида бош қотиришга ва унинг ечимини мустақил фикрлаб топишга йўл бермайди буларнинг барчаси болани мустақил тафаккурдан маҳрум этади.

Худди шунингдек, тарбиянинг васийлик практикасида ҳам бола бажарилиши лозим бўлган барча вазифаларини катталар ўз зиммасига олиши эвазига болада мустақил тафаккур қилишга бўлган эҳтиёж ривожланмай қолади.

Оилада ижобий психологик муҳитни бир меъёردа сақлаш оила аъзоларининг барчасига тааллуқли ходисадир. Фарзандлар томонидан уз фикрини эркин ва мустақил ифода қилиши учун кўйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим.

1. Эмоционал-психологик мадад, эмоционал ёрдам бериш шахсларнинг хиссиётларини барқарорлаштириш ва мулоқотга киришишнинг психологик терапиясини ўтказиш;
2. Оила аъзолари ўртасида юксак манавий мулоқот жараёнини юзага келишини таъминлаш;
3. Оила аъзолари барчасининг ўртасидаги мулоқот жараёнида амалга ошириш лозим булган масъулият ва мажбуриятларни тартибга солиш;
4. Оила аъзоларининг бир-бирларини қўллаб-қувватловчи полифония яни самимийлик асосида мулоқот даражасидан тўлақонли ва самарали фойдаланишга эришиш..

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган тарзда болани мулоқот қилишга тайёрлаб борилса уни ҳаётга, турмушга тайёрлаш осон кечади. Айниқса, ҳаётий қийинчиликлар шароитида қарор қабул қилиш ва ечимини топиш имкониятини ижобийлаштиради.

Оилада унинг аъзолари интизоми ва маданиятига асос солинади. Жамият қабул қилган ҳамда инсон ҳаётини юқорирок даражага кўтара оладиган хатти-харакатлар



меъёригина кулай оилавий шароитларда инсоннинг табиатига сингиб кетади. Ўсиб келаётган ёш авлодни ахлокий, психологик ва жисмоний соғлигини мустахкамлашда оиланинг маъсулиятини ошириш- бу ҳозирги даврнинг ўта муҳим муаммоларидан бирини хал этиш демакдир.

## **ОИЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Рахманова Муқаддас Қахрамоновна -ўқитувчи , ТИҚХММИ**

Оила – азалдан муайян илиқ ҳиссиётлар, ўзаро меҳр ва муҳаббат асосида қуриладиган маскан саналади. Икки инсон ўзаро аҳду-паймон қилиб рўзғор қилишга қарор қилар эканлар, уларда юксак ахлокий ҳислар ифбат, ҳаё, сабр, ирода, шукур, ақл ва фаросат, саҳоват ва меҳр бўлиши лозим.

Одам фақат ўз оиласидагина ва фақат ўз яқинлари қуршовидагина ўзини том маънода хотиржам, эркин ва бахтли ҳис қила олиши мумкин. Шу билан бирга инсоннинг сарф бўлган кучлари оила шароитида жадал тикланади. Кўп ҳолларда аёллар бола-чақа, уй-рўзғор, оила учун жон куйдириб, ўзидан кечишади. Лекин айнан шундай аёллар аста-секин ўз аёллик моҳиятларидан узоқлашиб, аёл эканликларини унута бошлайдилар. Улар учун бундай ҳаёт тарзи гўё қониқарлидек, шу билан ўзларини бахтли деб ҳис қилсалар ҳам, лекин онгсиз равишда бу ҳолат уларда қондирилмаган майллар туфайли пайдо бўладиган психик ҳолат - фрустрацияни пайдо қилади, нимадандир кўнгли тўлмаслик, асабийлик, хафаконлик каби психик ўнғайсизликка сабаб бўладиган шароит яратади. Француз мутафаккири Жан-Жак Руссо «Агар аёл эркакликни даво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик ҳислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир», деган эди. Яхши она бўлиш учун энг аввало “аёл бўлиш” ва “бахтли одам” бўлиш керак. Ўзини, ҳаётини, бутун табиий эҳтиёжларини болаларга, оилага қурбон қилиш яхши она бўлиш дегани эмас. Бундай она аввало ўзини алдайди, қолаверса ўзи хоҳламаган ҳолда, онгсиз равишда болалар шахси тараққиётини ҳам барбод қилади. Она энг аввало ўзини севиши, табиий импульслари ва ижтимоий талабларга мос равишда шахсий ҳаёт тарзини англаши керак. Бошқача айтганда аёл энг аввало ўзини аёл сифатида, ундан кейин турмуш ўртоғи сифатида, кейин она сифатида, шундан сўнггина ижтимоий фаолият иштирокчиси сифатида ҳис қилиши, тасаввур қила олиши керак. Кимки тўлақонли аёл сифатида шакллана олмапти, у турмуш ўртоғи, она ва ижтимоий фаол шахс сифатида шакллана олмайди. Ўз шахсий вужудий эгоизмини қондира олган, ҳаётдан қувонишни билган, қониқиш ҳисси билан яшаётган аёлгина ўз атрофидагиларга қувонч улаша олади.

Онанинг энг буюк хизмати шундаки, у аввало фарзандда чинакам фазилат, меҳрни шакллантиради. Меҳр туйғуси гўдак бешикдалигидаёқ қулоқлари остида янграган она алласининг оромбахш садолари орқали бола қалбига йўл топади. Чунки, она болалар билан руҳий ва биологик жиҳатдан энг кўп боғланган шахсдир. Ўз фарзандидан меҳр кутаётган оналаримиз аввало, фарзандлари қалбини алла меҳри билан тўлдиришлари лозим. Оналаримиз яна шу нарсага эътибор қаратишлари лозим-ки, агар фарзандларимиз яхши инсон бўлишларини хоҳласак, бир кунда бўлмаганда 10-15 марта болаларимизни бағримизга босишимиз ва уларнинг келажаклари учун яхши тилакларимизни бошларини силаган ҳолда такрорлашимиз шарт. Баъзи оилаларда оилани бошқариш, унга бошчилик қилиш оила аъзоларининг қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, баъзи оилаларда эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида лидерликка интилиши натижасида оилавий низоларнинг ортиб бориши, болаларнинг ҳар томонлама эътибордан четда қолиши, натижада жиноятчилик кўчасига кириб кетиши кузатилади. Баъзи оилаларда аёл лидерлигининг мавжудлиги ўғил бола шахсида аёлларга хос хусусиятларнинг кучайиб боришига олиб келиши мумкин. Ўғил болаларда феминин

сифатларнинг кўпроқ намоён бўлишининг сабабларидан бири ҳам оилада ота ролининг, мавқейининг пастлиги бўлса, қиз болаларда маскулин сифатларининг ортишига аёлнинг оилада рўзгор бошқаруви, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун масъуллигининг ортганидир.

Инсоннинг қандай тарбия кўрганлиги унинг оилавий шароити, ота-онасига боғлиқдир. Фарзанд тарбиясида ота, айниқса, муҳим рол ўйнайди. Оила бошлигининг яъни отанинг хурмати жойида бўлиб, ўз оила аъзоларига муносиб раҳбарлик қила олсагина, оилада тартиб-интизом, меҳнат ва дам, ўзаро хурмат ва одоб-ахлоқ жойида бўлади. Оталаримиз фарзандлари 14 ёшга тўлгунга қадар идеал отага айланиб олишлари шарт. Шундагина фарзанди референт гуруҳ вакилини оиладан ташқаридан ахтармайди. Акс ҳолда фарзандларимиз тарбияси издан чиқиб, жамиятдаги ахлоқ меъёрларига қарама-қарши бўлган девиант хулқ-атвор вужудга келади. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида фан-техника тараққиётининг юксалиб, одамлар кундалик ҳаётида радио, телевидение, видео, компьютер хизматларининг ортиб бориши натижасида оилаларда яна бир муаммо пайдо бўлди. Бу баъзи оилаларда ота-оналар ва фарзандлар ўртасида мулоқотнинг камлиги, бир-бирига эътиборнинг пасайиши, оила аъзоларининг ўртасида фикр эркинлигининг чекланганлиги ҳолатлари билан белгиланади. Оиладаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви натижасида оила аъзоларининг айримларида стресс (асабий танглик), суицид (ўз жонига қасд қилиш) каби нохуш ҳолатларни келиб чиқиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун аввало оила аъзолари ўртасида ошқора, яқин, ўзаро тушунарли, ишончли мулоқотни амалга ошириш зарур. Ота оналарда фақат ўз болаларини “Боқяпмиз, кийинтиряпмиз, энг зўр репетиторларга беряпмиз-ку?! Яна нима қилайлик?” деганларини ва бу билан ўз фарзандларимизни тарбиясини бошқалар зиммасига юклаётганимиз маълум.

Тарбия масаласида ота онанинг ўрнинини ҳеч ким боса олмайди! Илк даврида оилада олганини инсон бутун умр ўзида сақлайди. Умр давомида олиши мумкин бўлган маълумотларнинг 70 фоизини бола 5 ёшгача бўлган даврда ўзлаштиради. Мактабга қадам қўйишидан олдин инсон шахс сифатида деярли шаклланиб бўлган бўлади.

Болани ҳеч ким оила аъзолари каби яхши кўрмайди. Ҳеч ким бола тарбиясига оилачалик ёмон таъсир кўрсата олмайди. Маълум ўрганишларга кўра ҳудудларда истиқомат қилувчи зиёлилар фарзандлари билан кунига 10-15 дақиқа мулоқот қилади холос экан. Бу ҳол ота-она ўз фарзандларига етарли эътибор бермаётганлиги, унинг қизиқишларини аниқ билмаслиги, тенгдош ва тенгқурлари ҳақида маълумотга эга эмаслиги, яъни бола ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан далолатдир. Табиийки, бундай эътиборсизлик уларнинг ножўя йўлларга кириши, жинояткорона гуруҳлар ва ақидапарастлар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлади. Телевизор ёки компьютер олдида кўп вақтини ўтказадиган болалар катталар оламига муддатдан олдин кириб бориши кузатилади, шунингдек, бу ҳол тез толиқиш, паришонхотирликни юзага келтиради. Бундай ҳолатда ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулиятини инстинкт даражасига кўтариш, оила аъзоларига тарбиявий таъсир кўрсатувчи анъаналарни яратиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия бу фақат *насиҳат, танбех, жазолаш* эмас. Болани кўпроқ атрофдагиларнинг биринчи ўринда ота-онанинг ҳатти-ҳаракатлари тарбиялаб кўяди. Оиладаги психологик иқлимни яратиш болага таъсир этувчи энг муҳим омил ҳисобланади ва бу жараёнда:

- дўстлик, ҳамжиҳатлик;
- хурмат, инсон ташаббусини қўллаб-қувватлаш;
- илиқлик, ўй-хаёллари, хис-туйғулари билан ўртоқлашиш, қувонч ва қайғуларни баҳам кўриш;
- ўз фикрини яширмасдан гапириш, бир-бирини тинглаш,
- хушчакчақлик, бирдамлик, дилкашлиқдир.

## ОИЛАДА ФАРЗАНДНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.Ш.Ходжаева –каттта ўқитувчи (ТТЙМИ)

Ҳар бир оилада тинчлик барқарор бўлса, юрт равнақ топиши табиий. Фарзандларнинг камол топиши авлодлар давомийлигини таъминласа, келажак авлодларнинг соғлом, баркамол бўлиб ўсиши жамият учун муносиб ворислар бўлиб етишиши эса шу оиланинг жамиятдаги ўрни бекиёс эканидан далолатдир.

Оила маънавиятини эса шу оила умргузаронлик қилаётган маҳалла муҳити. Шу нуқтаи назардан оила, маҳалла ва мактаб муштарак тушунчалардир. Бирида туғулиб, иккинчисида камол топиб, учинчисида инсон ўзлигини англайди.

Оила риштасини боғлаб турадиган бу азиз ва мукаррам фарзандлардир.

Шарқ халқларида, асосан ўзбекларда инсоний муносабатлар заминидан аввало ахлоқ ётади. Ахлоқ Халқимиз азал-азалдан одоб-ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстриб тарбиялар эканлар, уларнинг хулқ атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини қандай маъноли сўзлар билан тушунтиришларига, равон нутқига, одобдан кийиниш маданиятига катта аҳамият берилган. Улар катталар суҳбатига ўтирмаслик, ўтирганда ҳам аралашинишга, зинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Фарзандларнинг шижоатли бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу сифат уларни улўғликка етаклайди. Инсон руҳи қанча камолотга етса, шунча жасур бўлади. У масъулиятга риоя этган сари жавобгарликни ҳис қилиб боради.[2]

Оиладаги ота-онанинг бир-бирига фикрдошлиги ва юксак маънавияти, кенг мушоҳадали, ўзаро баҳамжиҳат муносабатда бўлиши шу оиланинг мавқеи, обрў-эътибори баланд бўлишига таъсир кўрсатади.

Ана шундай оила фарзандлари эса маънавияти баланд, комил инсон бўлиб вояга етади.

“Ота-она ўз фарзандлари билан бевосита ва билвосита мулоқотда бўлиб уларни маънан озуклантирар экан, энг аввало, ўзлари ўзаро муомала жараёнида намуна бўлишлари, ҳамда фарзандларини кўпроқ тинглаб, гапиртиришга ҳаракат қилишлари, сўнгра ўз фикрларини ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда суҳбатга оид, ҳикматлар, мақолалар, ҳаётий мисолларда келтириб тушунтиришлари жуда муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, диққат ва маҳорат билан эшитиш одоби ва малакасига –“маҳорат билан эшитиш” билимларини эгаллаш орқалигина эга бўлиш мумкин”. [1]

Ўзбек аёлларида уларнинг юриш-туришида, маданиятида, хулқ-одобда, фазилатда ва муомала маданиятида биринчи ўринда туради. Фарзандлар аввало онадан ибрат олади.

Фарзандларини қандай кийиниши, овқатланиш одобидан тортиб, кўча-куйда, катталар билан бўлганда ўзини қандай тутиши лозимлигини доим қузатиб ва камчилигини ўз вақтида тузатиш керак.

Муомала – инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлиб, ахлоқ кўрки саналади. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашга эгаллиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум бўлади.

Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Қиз боланинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, шундагина оилада ўз ўрнини топади.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири – тарбия ҳисобланади. Оила –тарбия маскани.

“Тарбия –бу шахс онгини, хулқ-атворини, кўникма ва одамларни маълум бир жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда шакиллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлган ижтимоий ҳодиса. У инсоннинг бутун умри давомида такомиллашиб боради.

Аллома Алий Назимо шундай деган:” [2]

“Аёллар зукколик билан уй-жойларни саранжом тутиши керак.

Бу ўзига хос фан бўлиб, у бир қанча вазифаларни ўз ичига олади.

- Кунларнинг мазмунли ўтишини таъминлаш;
- орасталик, оила иқлимидан бир маромда тутиш;
- дид билан кийиниш;
- меҳмон кутиш;
- ҳордиқ чиқариш;
- эртанги кун режасини тузиш” каби [3]

Фарзандларга одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти билан бирга ҳар томонлама яъни фан ва бадиий китоб ўқишига доим эътиборда бўлиш керак. Чунки инсон қанча кўп журнал, газета, бадиий китоб ўқиса ва ўз устида ишлаш унинг ҳаёт тажрибаси, фаолияти, билими, илми, одоб-ахлоқи, хатти-ҳаракати билан ўзининг маънавий оламини бойитиб боради. Ақлан-ахлоқан бойиб борган сари ўз олдига олижаноб мақсад вазифаларни кўяди ва унга эришишга ҳаракат қилади.

Фарзандни китобга, ўқишга ва меҳнат қилишга ўз вақтида жалб қилиш ҳам муваффақият гаровидир. Кўришиб турибтики, қадимдан ҳам, бугун ва эртага ҳам, бундан кейин ҳам ақилли, дунёқараши кенг, фаросатли, тафаккури чуқур, билим салоҳиятининг юксаклиги билан—бир сўз билан айтганда халқимиз камолотли фарзандларни севади, эъзозлайди ва ҳурмат қилади. Бундай тафаккурга бой камолотли фарзанд тарбиясининг сарчашмаси оиладан бошланади.

Баркамол инсонни вояга етказишда оила, маҳалла, мактаб узвий ҳамкорликда бўлиши керак. Фарзанд тарбиясида аҳил, намунали хонадонда, маърифатли маҳаллада, зукко, оқила, меҳнатсевар қизлар мактабда тарбияланиб, илм олиб, комил инсон бўлиб улғаяди ва келажаги порлоқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Н. Фармонова Қадриятлар —маънавий камолот асоси. Тошкент-2016 йил.
2. Ф. Абдурахимова Оила-маънавият ва қадрият бешиги. Тошкент “Истиқлол” 2009 йил.
3. Алий Назимо “Қизлар тарбияси”, Т., “Камалак” 1994 йил

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СИЁСАТИ.**

**Рахмонбердиева Н. Б. —кат. Ўқит., Элмуратова Ш. А. Асс. ТИҚХММИ**

Гендер сиёсати стратегияси - бу жамиятнинг барча соҳаларида аёл ва эркакларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари, мажбурият ва имкониятларининг тенглигига эришилишига йўналтирилган фаолият бўлиб, жинсий мансублик бўйича камситилишни бартараф қилиш мақсадида амалга оширилади.

Гендер сиёсатининг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа ҳужжатлари, шунингдек, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган халқаро конвенциялар билан кафолатланган. Шу билан бирга, у тенг имкониятларни таъминлаш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини яхшилаш барқарор ривожланишга мустаҳкам замин яратилишини англашни ўсаётганлигини билдиради.

«Ипак Йўли» АИТБ Гендер стратегияси Банкда ишлаётган, шунингдек Банк хизматларидан фойдаланувчи аёлларнинг гендер тенглигига ҳамда мавқеини яхшилашга эришиш бўйича йўналишини белгилайди. Гендер сиёсатида келтирилган мақсад ва вазифалар Банкнинг барча бўлинмалари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Гендер сиёсатининг мақсадлари

«Ипак Йўли» АИТБ гендер сиёсатининг асосий мақсади Банк томонидан тақдим қилинаётган молиявий хизматлардан фойдаланишда аёллар ва эркаларга тенг имкониятлар тақдим қилиш, шунингдек Банкнинг бошқарув тузилмаларида аёллар ва эркаларнинг мувофиқлаштирилган вакиллиги ҳамда иштирокини таъминлашдан иборат.

Банкнинг ходимлар сиёсатига гендер муносабатларни жорий этиш мақсадида икки асосий йўналишни ривожлантириш лозим: ишга қабул қилишда тенг имкониятлар яратиш ҳамда Банкда аёллар меҳнатига бўлган талабни ва унинг мансаб поғоналарида ўсишида рақобатбардошлигини ошириш орқали аёллар бандлигига кўмаклашиш.

Меҳнат муносабатлари борасида «Ипак Йўли» АИТБнинг гендер фаолиятининг асосий мақсадлари қуйидагилар:

1. Аёллар бандлиги ва аёлларни ишга қабул қилиниши ҳамда мансаб поғоналарида ўсишида тенг ҳуқуқли шароитларни таъминланишига кўмак бериш;
2. Аёлнинг бола тарбияси ҳамда уйдаги мажбуриятларини муваффақиятли хизмат мавқеи билан уйғунлаштиришга шароитлар яратиш, шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини, касаллик ва бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича тўловлар тўланишини кафолатлаш;
3. Ўзбекистон Республикаси ичида ва хорижда амалиёт ҳамда стажировка ўталиши, таълим олишига тенг имкониятлар яратиш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, аёлларнинг малакаси ва молиявий билимларини ошириш;
4. Қарорлар қабул қилиш даражасида аёллар вакиллигини ошириш мақсадида, Банкнинг барча бўғинларидаги ишларда аёллар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқли иштирокига эришиш;
5. Ишга қабул қилиш ёки зиммасига юклатилган функция ва вазифаларни бажариш жараёнида можароли ва низоли ҳолатлар келиб чиққан тақдирда аёлларни ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлаш;
6. Банкнинг барча бўғинлари ва минтақавий бўлинмалари кесимида Банк ходимлари орасида гендер хабардорлик даражасини ошириш;

Мижозлар сиёсатига нисбатан «Ипак Йўли» АИТБ гендер фаолиятининг асосий мақсадлари қуйидагилар

1. Гендер мансублигидан қатъи назар Банкнинг ҳар бир миջозига юқори сифатли хизмат кўрсатилишини кафолатлаш;
2. Аёлларга Банк хизматлари ва маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишга тенг имкониятлар берилишини таъминлаш;
3. Маҳсус кредитлаш дастурларида қатнашиш учун аёлларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш муддатлари ва кредитлаш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳамда кредитлаш тартиботларини соддалаштириш ва имтиёзлар тақдим қилиш;
4. Бизнесни юритиш, солиққа тортиш ва рўйхатга олиш, меҳнат қонунчилиги, бозор, талаб ва таклифни таҳлил қилиш, рақобатли устунликлар бўйича маълумотларни олишга аёлларни янада кўпроқ имкониятини таъминлаш;
5. Аёлларга, айниқса қишлоқ жойларидаги аёлларга қарорлар қабул қилишда ўзига бўлган ишончини, шунингдек аёлларни банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида маслаҳат ёрдамини тақдим қилиш;
6. Аёлларнинг моддий ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи янги маҳсулот ва лойиҳаларни амалга татбиқ қилиш;
7. Банк хизматлари тақдим қилинишида низоли ҳолатлар келиб чиққанда аёлларга ҳуқуқий ҳимоя ва кўмак берилишини таъминлаш.

Биз Она тимсолида Ватанимизни, унинг гўзал ва бетакрор қиёфасини кўрамиз. Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намоён этиб келмоқдалар. Давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кўплаб опа-

сингилларимиз давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор булганлар. Мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини аёллар ташкил қилади.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди-деди Шермухамедова Жамила Тошпулатовна.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг «Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам» деган сўзлари амалий ҳаракатларда қўлланма бўлиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни, Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

2. И.Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч» Маънавият 2008й.

3. <https://www.xabar.uz/w4b>.

## AYOLLARNING JAMIYATDAGI O'RNINI VA NUFUZINI OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

Shermuhamedova O --'qtuvchi, TIKXMMI,  
Gulruh Shermuhamedova-70-maktab tarix fani o'qtuvchisi,

### Аннотация:

oiladagi sog'lom muhit-sog'lom mafkurani shakillantirish mabaidir. Jamiyatdagi har bir oilaning mustahkamligi, farovonligi o'zoro hurmat va ahillikni ta'minlash- milliy mafkurada ko'zda tutilgan maqsadlarni amalga oshirishda O'zbekistonda hotin-qizlar jamiyatdagi o'rnini va mavqeyini mustahkamlash borasida davlat ahamiyatiga molik tarixiy ishlar amalga oshirilayotgani chuqur hayotiy asosga ega.

Jamiyatda siyosiy, ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligi va taraqqiyoti ko'p jihatdan ayollarga, yoshlarga oilaga bo'lgan munosabat bilan belgilanadi. Mamlakatimiz Prezidenti ayollarning jamiyatdagi o'rnini va ro'liga yuqori baho berib, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish, xotin-qizlarimizning bilimdon, zamonaviy mutaxassis, malakali kasbga ega bolishlari hamda sog'lom va mustahkam oila bekasi bo'lish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish, burinchi navbatta sog'lom bola tug'ilishi va uni tarbiyalash, onalar va bolalar sog'lig'ini muhofaza qilish davlatimiz va jamiyatimizning doimiy etiboridagi eng ustivor vazifa ekaniga doimiy ravishda muhim etibor qaratmoqda.

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohatlar milliy davlatchilik suverenitetni mustahkamlash havfsizlik va huquq tartibotni davlatimiz chegaralari dahlsizligini jamiyatda qonun ustivorligini inson huquq va erkinliklarini millatlararo totuvlikni va diniy bag'rikenglik muhitini taminlash uchun muhim poydevor boldi, xalqimizning munosib hayot kechirishi fuqoralarimizning salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar yaratdi. Xotin-qizlarning jamiyatdagi rolini oshirishda va ularni ijtimoiy qo'llab quvvatlashga huquqiy meyoriy hujjatlar;<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1995 yil 2 martdagi “O'zbekiston Respublikasining davlat va ijtimoiy qurilishida xotin-qizlarning ro'lini oshirish chora tadbirlari to'g'risida”gi 1084-sonli farmoni. O'zbekiston Respublikasining 1999 yil 14 apreldagi “Xotin-qizlarga qo'shimcha imtiyozlar to'g'risida”gi qonuni. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2004 yil 25 maydagi “O'zbekiston hotin-qizlar qo'mitasi faoliyatini

qo'llab-quvvatlash borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 3434-sonli farmoni. "Saylovlar tog'risidagi" qonunning 22-moddasiga kiritilgan

---

<sup>1</sup>Inson manfati, huquq va erkinliklarini taminlash, hayotimizning yanada erkin va obod bo'lishiga erishish – bizning bosh maqsadimizdir. Prezident Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasining 20 yilligiga bag'ishlangan Tantanali Marosimdagi Ma'ruzasini o'rganish bo'yicha O'quv qo'llanma- T.: "O'qtuvchi" NMIU, 2013.-93-bet o'zgartirish. Yani mamlakat Parlamentiga bo'ladigan saylovlarda deputatlikka nomzodlar ko'rsatish jarayonida xotin-qizlar uchun 30 foizlik kvota joriy etilgani fikrimiz dalilidir.

Ayni vaqtda mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot yo'lining bugungi tahlili bugungi kunda jahon bozori kon'yunkturasi keskin ozgarib glaballashuv sharoitida raqobat tobora kuchayib borayotgani davlatimizni yanada barqaror va jadal suratlar bilan rivojlantirish uchun mutlaqo yangicha yondashuv hamda tamoillarni ishlab chiqish va to'yobga chiqarishni taqazo etmoqda. <sup>2</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasining IV. Ijtimoiy sohaning rivojlantirishning ustivor yo'nalishlari 4.2. bolimida aholini ijtimoiy himoya qilish va sog'liqni saqlash tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish: Aholiga majburiy ijtimoiy kafolatlarni taminlash, aholining ehtiyojmand qatlamlarini ijtimoiy himoyasini hamda keksalar va imkoniyati cheklangan shaxslarni davlat tamonidan qo'llab-quvvatlashni kuchaytirish, ijtimoiy xizmat ko'rsatishni yaxshilash aholiga ijtimoiy xizmatlar ko'rsatishda davlat-hususiy sheriklikni rivojlantirish oila salomatligini mustahkamlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, onalar va bolalarning sifatli tibbiy xizmatdan foydalanishni kengaytirish, ularga ixtisoslashtirilgan va yuqori tehnologiyalarga asoslangan tibbiy yordam ko'rsatish, chaqaloqlar va bolalar o'limini kamaytirish bo'yicha kompleks chora tadbirlarni yanada kengroq amalga oshirish;

Xotin-qizlarning ijtimoiy siyosiy faolligini oshirish ularni davlat va jamiyat boshqaruvidagi o'rnini kuchaytirish, xotin-qizlar, kasb-hunar kollejni bitiruvchi qizlarning bandligini taminlash ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish, oila asoslarini yanada mustahkamlash;

Pensionerlar, nogiron, yolg'iz keksalar aholining boshqa ehtiyojmand toifalarining to'laqonli hayot kechirishlarini taminlash uchun ularga tibbiy-ijtimoiy yordam ko'rsatish tizimini yanada rivojlantirish va tokomillashtirish;

Farmatsevtika so'noatini yanada rivojlantirish, aholi va tibbiy muassasalarining arzon, sifatli dori fosalari va tibbiyot buyumlari bilan taminlashini yaxshilash, dori-darmonlar narxlarining asosis o'sishiga yo'l qoymaslik bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish; axoli ortasida kasallanish korsatkichlari pasayishi va umr uzayishini taminlash chora-tadbirlari olib borilayotgan islohatlar samarasini yanada oshirish davlat va jamiyatning har tamonlama jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizning modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustivor yonalishlarni amalga oshirish maqsadida keng jamoatchilik muhokamasi natijasida ishlab chiqilgan (2017-2021 yillarda O'zbekiston

---

<sup>2</sup>O'zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi. O'zbekiston Respublikasining Prezidentining farmoni "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi bo'yicha" rasmiy nashr T.: "Adolat", 2017.-3-22-bet

Respublikasini Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli farmoni) Harakatlar strategiyasi besh bosqichda, yurtimizda olib borilayotgan islohatlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tamonlama jadal rivojlanishi ushuncha shart-sharoit yaratish uchun modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha amalga oshirish maqsadi ko'zda tutilgan. Harakatlar strategiyasining amalga oshirilishi O'zbekiston Respublikasining mamlakatni isloh qilish va modernizatsiyalash, rivojlangan bozor

iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy demokratik davlat, kuchki fuqorolik jamiyati barpo etish qonun ustivorligini, havfsizlik va huquq tqr tibotni davlat chegaralarining dahlsizligini jamiyatda millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni taminlash yo'lidagi shahdam harakatlariga yangi kuch bag'ishlaydi.

## “ОДОБ-ИНСОН ЗИЙНАТИ”

Қодирова Р.Т. кат. ўқит. -ТИҚХММИ

*Яхши угил-эл обрусси  
Яхши киз-уй обрусси*

Ўзбекистонда мустақиллик тантанаси туфайли таълим-тарбия тизимида туб ўзгаришлар вужудга келди. Миллий кадриятларни тиклаш, миллий маънавиятни юксалтириш, айниқса шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига эътиборни кучайтириш шулар жумласидандир. Энг асосийси, олийголарида ёшларни миллий урф-одат, меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади[1].

“Эътиқод йўқолган жойда доимо чиркин ишлар рўй беради, меҳр-оқибат, бирлик, биродарлик дарз кетади, ишу турмушда барака бўлмайди. Эътиқодсиз тўла мустақиллик эришиш ҳам амри маҳол. Иймону эътиқодни эса дин шакллантиради”.

Дарҳақиқат, ўтмишда халқимиз орасидан етишиб чиққан комил инсонлар чинакам инсоний хистлатлар соҳиби сифатида барчага намуна бўлишган. Тарбия тарихидан маълумки, жамиятнинг бир бўлаги саналмиш ҳар бир хонадондан болага ёшлигиданок шарқона одобнинг илк сабоқлари эринмай ўргатилган. Таассуфларки, ўтган 74 йил давомида тарихимизнинг зарварақлари ҳисобланмиш ахлоқ-одобнинг минг йиллик тажрибаларидан, “эскилик сарқити” дея воз кечилди. Шарқона миллий тарбия анъаналари аввало мактаблардан, сўнгра оилалрдан сиқиб чиқарилди. Натижада катталарга нисбатан ҳурматсизлик лоқайдлик, диндиёнатни менсимаслик иллатлари кучайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий ва етук жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муаян ишлар оширилди. Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар ёшларнинг кенг қатламларга даҳлдор бўлган долзарб масалалар, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратилиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши борасидаги ишлар институтларда ҳам олиб борилмоқда. Жумладан институтларда талаба ёшларнинг мустақил фикрлай оладиган, ҳар томонлама баркамол, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган шижоатли, интеллектуал ва ижодий салоҳиятга эга бўлган ёшларнинг кўп эканлиги қувонарли.

“Тарбия қанчалик мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, деб таъкидлаб ўтдилар Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг ёшларга бағишланган нутқида. Айниқса ҳозирги кунда ёшларнинг интернет тармоғи таъсири остида китоб кўп ўқимасдан, интернетдаги маълумотларга таяниб жамият ҳақида фикрлашлари, ёшларнинг онгида маънавий бўшлиқни шакллантираёпти.

Тарихга назар солсак айниқса, ота-боболаримиз учун Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатлари дастурил амал ҳамда уламо-ю ҳукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг ишончли манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Асосийси-исломий одоб фарзандларнинг ҳалол, пок, меҳнаткаш, илмга интилувчи, катталарни, айниқса, ота-оналарни ҳурматлайдиган руҳда тарбиялашни шарт қилиб қўйганди[2].

Миллий тарбия болани олти жихатдан тарбиялашни маслаҳат кўради: булар соғлик ва бадан тарбияси, ақдоний-нафсий тарбия, гўзаллик тарбияси, ахлокий тарбия,



виждоний-нафсий тарбия, диний диний-руҳий тарбиядир. Пайғамбаримиз Мухаммад саллоллоху алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадисларида “Хеч бир ота фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди”, дейилган бўлса, яна бир ҳадису муборакларида “Мўмин кишига берилган нарсаларнинг энг яхшиси чиройли хулқдир” деб ёзилган.

Одоб шундай бир гавҳардурки, у ҳар қандай ўринда каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ярашади. Шунинг учун ҳам бобокалонларимиз ҳамиша одоб деган сўзнинг ҳаққини адо этишга интилиб яшаганлар. Бир вақтлар бола тарбиясида “Менинг болам”, “Сенинг боланг” деган гап бўлган эмас, балки бунинг ўрнига бир болага етти қўшни ота-она, дейиш, расм эди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан бери турмушимизда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Тарихимизнинг бир умрга дунё юзини кўрмасликка маҳкум этилган зарҳал саҳифалари очилиб, миллий урф-одатларимиз қайта тикланыпти, буюк аллома ва саркардаларимизнинг- Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек каби сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Оила- жамиятнинг тушунчасини, энг асосий тарбия маконидир. Миллий истиқлол тушунчасини, аввало, инсонлар қалби ва онгига сингдириш ҳам оиладан бошланади[2].

Ўзбек оиласининг ўзига хослиги, файзу баракотга бойлиги, унда ўсиб-унган фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши, халқимизнинг азалдан бизга мерос қадриятларининг эъзозланаётганлиги қувонарлидир. Оила гўзаллиги- юртимиз ифтихори. Тошкент шаҳрида етти юз мингдан ортиқ оила истиқомат қилади. улар орасида пири бадавлат, ували-жували оилалар кўп.

Давлатимиз оилаларнинг янада мустаҳкам бўлиши, ўғил-қизлар соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояг етишлари учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Бу Ватанимизнинг келажаги бўлган йигит-қизларни вояга етказадиган оилага эътибор, чинакам ғамхўрлик намунаси дир.

Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оила бағрида шаклланади. Боланинг феъл-атвори, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби тушунчаларнинг пойдевори ҳам оила шароитида қарор топиши табиийдир[1].

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги бурч, умрбод маъсулиятни ҳис этиш, ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Шарқ халқларининг ғоят қадимий тарихий-маданий ёдгорлиги “Авесто” китобида ҳам аёл-онани илоҳий мақомларга кўтариб тасвирланади. Зеро, башарият ибтидоси ҳам оналар номи билан чамбарчас боғлиқ ёхуд яратилишнинг ўзи аслида Она демак дир.

Инсон она алласи орқали товуш сеҳрини, меҳрнинг кучини фарқлайдиган бўлади. У биринчи сўзини онасидан ўрганади. Шу маънода, она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учун айтилмайди, унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Бу миллий руҳ - Ватан туйғусидир.

Ёшларнинг тарбиясида юқорида айтиб ўтилган асослар оила, боғча, мактаб, маҳалла, олий – ўқув юртларида ўз вақтида тушунчалар шакллантирилса, жамиятда ёмонликни олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларга “одоб-инсон зийнати” эканлигини буюк алломалар ўғитлари мисолида етказишда мавжуд маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудларда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш,

маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлашни тарғиб қилиб бориш муҳимдир .

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV-қурултойидаги нутқи.2017.
2. О.Тўраева, А.Назаров. Одбнома .Тошкент ўқитувчи 1997.
3. Ф.Абдурахимова .Оила маънавият ва қадрият бешиги. Тошкент “Истиқлол” 2009.
4. Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Халқ мақоллари.
5. Буюк мутафаккирларнинг доно сўзлари.

#### **4-ШЎБА**

#### **ADVANTAGES OF TEACHING ENGLISH WITH INTERAKTIVE METHODS**

**Khurramova S. - student of UzSWLU, Scientific supervisor: Norkhojaeva M.**

##### ***Annotation:***

This article discusses various methods of teaching foreign languages and ways to increase the attention of today's youth to the lesson.

**Key words:** exercise, interest, teamwork, vocabulary, activity, attribute, significance, method.

Human activities serve as a tool for learning the language and exchanging ideas. Everyone who comes to the world must know so much about becoming a real person. He sees and hears the information he learns. Hearing and reading is done through the language, and its possibilities are endless. If the life of each individual, without the language, was based on his own upbringing, then the human being would have lived the same way he lived so far and would not achieve material and spiritual progress today.

The basic and enlightenment value of the language is that the language makes it possible for people to develop and grow in the knowledge of each and every one of them. Moreover, due to the language, all knowledge is left to generation to generation orally and, as a result, will continue to work without re-launching a new generation of generations.

Thanks to the language we get the most out of date. Even Alisher Navoi, in his own words, expressed the utmost importance of the language, saying, "The words of the lunar language and the words of the mahzan." In fact, the language is a key, and the key is the key. Proper use of the word is a bridge that allows the lock to be unlocked. That's why we should be able to say the right thing to say, first of all, in our native language. Not only do we speak a foreign language but also express our opinion.

First of all, it is not possible to attract today's youth through any method or teaching. This is because at such a time, we can achieve the goal of becoming a good, intelligent, educated teacher who can become a student or a student by combining modern, non-traditional ways and pad technology.

Especially, learning different languages through different methods helps to improve the quality of learning.

For example, method of "Moychechak" all students are divided into two groups, the captain is chosen for these two groups. If we consider this captain, the other students will be the captain's assistants. After we group them out, we give them different themes. Group leaders and supporters learn from each other and share ideas with each other.

By this method, we develop friendly competition among students to exchange of ideas, and more research on themselves.

As to our second method, this method is called "Individual Engagement." In this method, the teacher conducts a 2-minute oral conversation with each student. If a student responds to the teacher's questions correctly, he / she will go to Phase 2, and in step 2, his / her level of literacy will be checked to determine how well he / she can write his / her opinion in English. But if he can not get to step 2, he or she will have a first-round conversation with him. When the conversation goes well then it is only allowed to switch to step 2. With this method, the teacher examines and develops students' speech, brain activity, current responsiveness, and literacy.

The third method is called "Quick Translation". With this method, we can check whether the reader or student has the ability to translate words, speed, and translation. For example, the essence of this method is that the teacher speaks separately to each student, and tracks how often he or she moves the student over time. This method is primarily intended to memorize words and read a book more than any reader.

In general, these techniques are a useful method for brain functioning: how much brainwashing with similar games and techniques, memory cohesion, and desire to learn. Nothing can be said by N. Bualo, "Who can think of it as clearly as it explicitly explains?" Because everyone can not fully express their ideas. The reason for this is the lack of vocabulary, weak thinking, and brain drainage. However, considering today's conditions and opportunities for young people, I do not think it is a pity to ignore the foreign language.

At the same time, we do not want to develop a foreign language, but if our level of thinking in our language, knowledge, literacy is bad, we will never be able to master the perfect language. Because we do not learn the language first of all in our native language. It would have been reasonable to recall the words of Abdullah Avloniy about the language. "The life of every nation in the world is the language and literature. Losing the national language is the loss of the nation's spirit. "

In summary, today's youth is the cause and successor of this future. Therefore, the less attention and knowledge to the younger generation is so low. However, it is our duty to know the foreign language, to raise the flag of our Motherland with pride, to stand far away. For that, we must always be in search. Our First President always believed in youth. It's time to justify that trust.

#### References:

1. Rustamov N "The word about the word". - T.: "Navruz", 2015, 55p.
2. Nurmonov A, Sobirov A, Qosimova N. "The modern Uzbek literary language". - T.: "Ilm ziyo", 2015, 9p, 11p.
3. Rafiev A, Gulyamova N. "Mother tongue and literature" .- T.: Sharq, 2004, 5p.
4. Spiritual, scientific and methodological magazine "Education, science and innovation". 2017 / 4th edition.
5. Karimov I. "High spirituality is an invincible force." - Tashkent, "Sharq", 2008.

### TEODOR DRAYZERNING "AMERIKA FOJIASI" ROMANIDA AYOLLAR OBROZINING TASVIRI

F. Muradimovao'qituvchi, ТИҚХММИ

**Annotatsiya:** Ushbumaqolada Amerika yozuvchisi Teodor Drayzerning "Amerika fojiasi" romanidagi ayollarning obrazi, ularning insoniy sifatlari, ko'rishdan to fe'l-atvorigacha bo'lgan turli xil ko'inishlari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** realism, anafora, epifora, o'zakli takror, topilma takror,

Drayzer ijodi-XX asrning birinchi yarmi Amerika adabiyotida tanqidiy realizmning cho'qqisidir. Drayzer AQSH hayotidagi fojiaiylikni ko'rsata olgan yirik san'atkor bo'lib, Amerika qit'asida sotsialistik realizm adabiyotiga asos solgan yirik yozuvchi va jamoat arbobi sifatida taniladi.

Jahon adabiyotining taniqli namoyondasi, serqirra ijodkor, jurnalist, naturalizm maktabining yorqin vakili va Amerika adabiyotining so'nmas yulduzi Teodor Drayzer zamonasining kuchli yozuvchilaridan biri bo'lgan. XIX asr oxiri-XX asr boshlarida qalam tebratgan bu yozuvchi o'sha davr muhitini yaxshi ochib bergan, obrazlarini yaratishda jamiyatning ishchilar sinfiga ko'proq e'tibor qaratgan. Uning eng asosiy tayanchi o'zining boshidan kechirgan murakkab va qiyinchiliklarga to'la bo'lgan.

Teodor Drayzer Indiana shtatining Terre-Xot qishlog'ida serfarzand, qashshoq oilada dunyoga keladi. U Sara va Jon Drayzerning o'n ikkinchi bolasi bo'lgan. Teodorning to'ng'ich akasi Paul Drayzer(1859-1906) zamonasining mashhur kompozitorlaridan biri bo'lgan. 1844-yil o'z ona yurtini tark etgan oila boshlig'i Jon Drayzer Germaniyaning Mayyen shahri fuqarosi bo'lgan. Keyinchalik esa Angliya o'rmonlarida qisqa vaqt davomida daraxt kesuvchi bo'lib faoliyat ko'rsatadi. So'ngra O'rta G'arbg'a ya'ni yurtdoshlari makon qurgan zaminga ko'chib o'tadi. Biroz muddatdan so'ng Ogayyo shtatiga boradi. U yerda o'z baxtini uchratadi, ammo sevgilisi Saraga yetishish uchun ko'pgina to'siqlarni yengib o'tish kerak edi. Saraning oilasi o'ta dindor oila edi, katolik mazhabining har bir qonun-qoidasiga o'ta mas'uliyat bilan yondashilardi. Jon esa provaslav mazhabida edi, shuning uchun Mennotilar oilasi bu yigitni qabul qila olmasdilar. Ammo har yerda muhabbat g'olib deganlaridek, bu juftlik bir-biridan ayrilmadi. Aksincha ular uchun yagona yo'l bu diyorni birgalikda tark etish edi va bu ishni ular uddalay oldilar. 1851-yilda bu juftlik o'rtasida nikoh o'qildi, turmush o'rtog'i o'zidan o'n ikki yosh katta o'n yeti yashar kelinchakning quvonchi cheksiz edi. Teodorning bolalik yillari haqida yozgan estaliklarida onasining bu baxtli lahzalarni tez-tez eslashini alohida ta'kidlab o'tgan. Sara va Jon avval Indiana shtatining Fortvoyn shahriga so'ng Terra-Xotga ko'chib kelishadi. Bu shaharda otasi yog'och biznesi bilan shug'ullanadi, tez orada uning bu biznesi gullab yashnaydi va Sullivendan o'ziga yer sotib oladi. Ammo 1869-yil omad bu oiladan yuz o'giradi, taqdir o'z hukmini o'tkazadi, ularning yeriga o't ketadi va shundan so'ng bu oila o'zini tiklay olmaydi. Jon bir so'm pulsiz va ishsiz bo'lib qoladi. 1870-yil boshida mamlakatda hukm surayotgan iqtisodiy tanglik va ishsizlik bu oila ahvolini yanada chigallashtirdi va bu hol uzoq vaqtga cho'ziladi. Baxtiqaro bolakay Teodorning bolalik yillari ayni shu paytga to'g'ri kelib qolgandi. Drayzerning bolaligi ochlikda va muhtojlikda o'tdi. Uning ilk xotiralari o'sha davrning o'g'ir damlari, oilaning iqtisodiy taqchilligi, otasining ishsizlik paytlari bilan qamrab olingandi. Teodorning ilk o'smirlik yillari Indiana shtatining beshta shahrida (Chikagoda ham bir necha oy istiqomat qilishgan) kechgan.

O'sha paytda Amerika adabiyoti katoliklar ta'siri ostida edi va faqat ko'proq e'tibor nemis adabiyotiga qaratilgan edi va bu Drayzerga katta ta'sir ko'rsatadi. Teodor o'zining adabiy faoliyati davomida nemis-amerika klassik adabiyotining haqiqiy hayotiy rasmini chizib bera olgan va bu o'z asarlarida aksini topdi. O'sha paytdagi og'ir hayot, nochorlik, iqtisodiy yetishmovchilik, moddiy ahvolning tangligi, uning adabiyotga bo'lgan mehrini, o'qish otashini zarracha pasaytirmadi. Oilani tebratish uchun bechora ona odamlarning kirini yuvar va Teodor unga tayyorgina dastyor edi, ona-bola kunduzlari qora mehnat qilishar, holdan toygan Teodor esa kechqurunlari kitob varaqlashga ham vaqt ajratar edi. 1892-yil iyun oyida yigirma bir bahorni qarshilashiga ikki oy qolganida Chikago gazetasida durustgina maqolasi "Negr Jeff" nashr etiladi. Uch yil davomida bu gazetada faoliyat yuritganidan so'ng, oylik maoshi yuqoriroq bo'lgan boshqa ishlarga o'tib ketadi. Ammo aslini olganda u bu yerda tajriba maktabini o'taydi, ya'ni uning bu ijodiy faoliyati katta ijod ko'chasiga qadam qo'yishiga turtki bo'ladi. Drayzer journalist sifatida faoliyat yuritgan paytda hech qachon mashhurlik cho'qqisiga intilmagan. U maqola va xabarlar yozayotganida, ularga ko'p ham badiiy jilo beravermasdi. Ya'ni u bo'rttirish, yanada serjilovlantirish san'atidan olisda edi. U shunchaki jamiyat hayotida sodir bo'layotgan, odamlar e'tibor berishi kerak bo'lgan, hayotning ko'z ilg'ar-ilm'amas nuqtalarini omma

e'tiboriga havola etardi. Balki real hayot bilan birgalikda qadam tashlagani uchun ham odamlar orasida tez tilga tushadi. O'zi xohlamagan bo'lsada, uning nomi gazetalarda tilga olina boshlanadi. "World" gazetasida qisqa faoliyat yuritganidan so'ng Drayzer "Haviland and Co-a music-Production" kompaniyasigaishga kiradi. Bu kompaniyada u akasi Paul Drayzer bilan birgalikda faoliyat yuritadi. Teodor qo'shiq matnini yozar, akasi esa unga musiqa bastalardi. Aka-uka Drayzerlar birgalikda Amerika tarixida o'chmas iz qoldirganlar. Ular Indiana shtati madhiyasi "On the banks of the Wabash" ("Vabash qirg'oqlarida") ni yaratganlar. Bu madhiya hali ham Indiana shtatida yaxshi xotirlanadi, taassufki uning mualliflari ham.

T. Drayzer adbiy ish jarayonida jurnalizm sohasida anchagina tajribaga ega bo'lib oladi. Endi u muharrirlik qila boshlaydi. "Every month" va "The Woman's Magazine of Literature and popular music" jurnallariga bir qancha muddat muharrirlik vazifasini bajaradi. Maqola, ocherk, hikoya, povestlar bilan gazeta nashrlarini rangbarangligini oshiradi. Ana shu ijod namunalarida Drayzer ilk bor o'z shaxsiy fikrini, nuqtai-nazarini bildiradi, jamiyat muammolarini keng ommaga havola etadi. Tarix, falsafa, mantiq, san'at, iqtisod va siyosat sohalariga ham e'tiborini qaratadi. Drayzerning shu tariqa samarali ijod qilishiga jahon adabiyotini qunt bilan o'rganganligi, xususan Romantisizm, Realizm yo'nalishidagi ijod namunalarini o'zlashtirishi va Naturalizm oqimining namoyondalari Charlez Darvin, Gerbert Spenser, Tomas Xuxli va shuningdek kuchli qalam egalari Tomas Gardi va Onore De Balzak asarlarining chuqur ta'sir ko'rsatishi keng imkoniyat eshiklarini ochib beradi.

1897-yilda Drayzer "Every month" jurnalining muharrirligi vazifasini tark etishga majbur bo'ladi. Endi ijod pillapoyalarida o'sib borayotgan yosh niholni sindirishga harakat qilgan ba'zi bir g'ayriniyat kimsalar Drayzer muvaffaqiyatini ko'rolmaydilar va uni erkin ijod qilishiga xalaqit berdilar. Endi u yozib bergan maqolalariga kamroq haq to'lanadigan, har bir yaratgan ishidan kamchilik axtaradigan bo'lishdi. Hatto uning bir ocherki o'n ikki marotaba qaytarilgan, xullas uning maqolalari endi gazeta va jurnallarning har yangi sonida emas, balki oyida bir ikki bor gazeta yuzini ko'radigan bo'ldi. Ammo minglab kitobxonlar uni asarlarini axtarib kelaveradi, uning yangi asarlarini zoriqib kutishadi, bu esa yozuvchi Drayzerni yangi ijod sari da'vat etaveradi. So'ng u yana katta ishga qo'l uradi. Bu ishi yozuvchining "The Trilogy of Desire" ("Istak trilogiyasi") edi. "The Trilogy of Desire" ("Istak trilogiyasini") tashkil etgan romanlari "The Financier" ("Moliyachi") (1912), "The Titan" ("Titan") (1914) va "The Stoic" ("Matonatli") (1947) da kapitalistik monopoliyalarning kelib chiqishi va ularning hukmronligi mamlakat iqtisodiy va ma'naviy hayotiga qanday halokatli ta'sir etgani real ko'rsatilgan. Drayzer Golivudda Forest Lavn qabristonida 1946-yil 3-yanvarda ko'mildi. Yozuvchi asarni yozishga yozgan-u ammo bu asarning g'ayritabiiy ruhda yozilganligi va omma fikrining o'zgarishini o'ylab yozuvchi uni e'lon qilmaydi va arzon narxda boshqa kimsaga pullab yuboradi. 1925-yil yaratgan asari "Amerika fojiasi" Jek Londonning "Martin Iden" asari singari Amerika orzusini yana bir bor kashf etadi. "Amerika fojiasi" nafaqat Amerika adabiyoti balki jahon adabiyotining eng sara asarlaridan biri. Ushbu romanda boylik va kambag'allik orasidagi kuchli tafovutni aks ettiruvchi Amerikagacha yo'l ko'rsatib berilgan. Ushbu roman asosini tashkil etuvchi syujet muallifni uning adabiy faoliyatining boshlaridanoq qiziqtirgan edi. "Amerika fojiasi" 5 yillar chamasi vaqtda ya'ni 1920-1925-yillar oralig'ida yozib tugatilgan.

Muallifning rafiqasi Elen Drayzerning eslashicha, yozuvchining "Amerika fojiasi" deb sarlavha qo'yilgan qo'l yozmasida asarda tasvirlangan hodisalarga o'xshash 15 xil voqealar tavsifi yozilgan edi. Ularning barchasi ham amerikalik yigitlarning boyib ketish ilinjida o'ziga to'q oilaning qiziga uylanishni maqsad qilib olganligi ifodalangan.

"Amerika fojiasi"-ushbu asar Teodor Drayzerni eng mashhurlik cho'qqisiga chiqargan asari desak adashmaymiz. Ushbu asar va uning qahramonlarining juda samimiy qilib talqin qilinganligi uning dunyo darajasiga ko'tarilishiga sabab bo'la oladi.

Asardagi ayollarga berilgan tariflarni birma bir tahlil qilamiz:

- "Of the group the mother alone stood out as having that force and determination, which however blind or erroneous, makes for self-preservation, if not success in life. Of the

group the mother alone, she, more than any of the others, stood up with an ignorant, yet somehow respectable air of conviction.” (page 2)

- “Guruhdagilar orasida faqat onagina kuch va qat’iyat sohibasi ekanligi bilan ajralib turardi. Bu kuch va qat’iyat o’ziga yo’l topa olmay behuda ketar, onaning ishini yurishtirmasa ham, har qalay, unga dalda berib turardi. Onada boshqalarga qaraganda, garchi yorqin bo’lmasada, har holda hurmatga molik ishonch ko’proq ekanligi sezilardi.” Ushbu misolda yozuvchi Griffiths xonimning oila tayanchi ekanligini hamda qat’iyati ekanligini anafora turi orqali ko’rsatib beradi.
- “Before she had married Asa had been nothing but an ignorant farm girl, brought up without much thought of religion of any kind. But having fallen in love him, she had become inoculated with the virus of Evangelism and proselytizing which dominated him and followed him gladly and enthusiastically in all his ventures and through all of his vigaries.”
- Yuqoridagi parchada ham muallif takror stilistik usulini qo’llash orqali Elvira Griffiths xonimning tabiatini ochib berishga erishgan.  
Qizi Estaning uyni tark etib, begona erkak bilan qochib ketishi  
Oilaga katta zarba bo’ladi, eri butunlay o’zini yo’qotib qo’yib, bolalar bu holatdan hayratda bo’lgan bir paytda Elvira Griffiths xonim o’zini og’ir sinov chog’i ham boshqacha hayotiyroq tutganini yoritib bergan
- “Always the more impressive, Mrs Griffiths now shoved herself markedly different and more vital in this trying situation, a kind of irritation or dissatisfaction with life itself, along with an obivus physical distress, seeming to pass through her like a visible shadow ... Her manner was that of one who is intensely disquited and dissatisfied one who fingers savagely at a material knot and yet cannot undo it, one who seeks restraint and freedom from complaint and yet who would complain bitterly, angrily.”
- Mazkur holatni ya’ni og’ir sinov davrida Elvira xonimning o’zini qanday tutishi, ona sifatida farzandining qilmishidan juda iztirob chekishini T. Drayzer “vital” va “life” ya’ni “hayot” sinonim so’zlarini takrorlash, hamda “complain” and “complaint” o’zakli takror turini qo’llab, juda chuqur bo’yoqdorlikka ya’ni ekspressivlikka erishgan.
- “Poor Mamma. You mustn’t think strange of her, Clyde. She doesn’t know what to do, you see, really, it’s all my fault, of course. If I hadn’t run away, I wouldn’t have caused her all this trouble. She has so little to do with and she always had such a hard time.” She turned her back to him suddenly and her shoulders began to tremble and her sides to heave. She put her hands to her face and bent her head low and then he knew that she was silently crying.” (60 page )
- Yuqoridagi parchada muallif anaforadan foydalanib, Estaning ayanchli ahvolini va bechora Griffiths xonimning qizi uchun qanchalik qiynaliganligi hamda bu vaziyatning emotsional tomonini tasvirlaganligini biz Estaning unsiz yig’laganidan sezishimiz mumkin.
- “Amerika fojiasi” romanidagi voqealar rivojida alohida rol o’ynaydigan ayol obrazi bu-shak-shubhasiz Roberta Oldendir. Roberta romanning ikkinchi qismida Klayd amakisining fabrikasida ancha yuqori lavozimda bo’lgan paytda paydo bo’ladi va muallif uni quyidagicha tasvirlaydi:
- “She had on a small brown hat that did not look any too new, and was pulled low over a face that was small and regular and pretty and that was holded by bright, light brown hair. Her eyes were of a translucent gray blue. Her little suit was commonplace and her shoes were not so very new-looking and quite solidly-soled. She looked practical and serious and yet so bright and clean and willed and possessed of so much hope and vigor that along with Liggett, who had first talked with her, he was at once taken with her. Distinctly she was above the average of the girls in this room. And he could not help wondering about her as he talked to her, for she seemed so tense, a little troubled as to the outcome of this interview, as though this was a very great adventure to her.”

- Yuqoridagi misolda Robertaning go'zal tashqi ko'rinishi, ayni paytda xushchaqchaq, pokiza va samimiy ko'rinishi, qalbi umid va jo'shqinlikka to'la bo'lganidan, u bilan birinchi bo'lib gaplashgan, Ligetga ham, Klaydga ham darrov yoqib qolgan edi. Robertaning ushbu parchada sanab o'tilgan xususiyatlarini tasvirlash uchun T.Drayzer "and" bog'lovchisini ko'plab ishlatib polisindeton (polysyndeton) stilistik figurasini hamda takror badiiy san'atining anafora va epifora kabi turlarini qahramonning ishga qabul qilish suhbatida davomidagi hissiyotlarni ochib berish uchun qo'llagan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, T.Drayzer o'zining shoh asari "Amerika fojiasi" da ayol siymosini yaratib ularga mukammal darajada bir-birini takrorlamaydigan, bir tarifi ikkinchisiga umuman o'xshamas ta'riflar bilan tasvirlagani kitobxonni o'ziga jalb qilgan bo'lsa ajab emas. Ulardan Elvira Griffiths xonimni, eri va bolalariga butun umrini baxshida qilgan Elizabet Griffiths xonimni, yo'ldan adashgan va o'tkinchi yoshlik xoyu-havaslariga berilib, oxir-oqibat ayanchli holatga tushgan irodasiz Esta Griffithsni, o'y va fikrlari faqat yigitlarni boshini aylantirib, ulardan narsa undirishga moyil bo'lgan Gortenziya Brigsni, o'zligidan kechib, boy va faravon yashayman deb, fojiali o'lim topgan Roberta Oldenni, hammaga o'z hukmini o'tkazishni yoqtiradigan, erka va taniq Sondra Finchli hamda opa-singil Mayra va Bellalarni misol keltirishimiz mumkin.

Asarda Drayzer ayol obrazlarning o'y-fikrlari hamda tuyg'ularini yanada ta'sir doirasini kuchaytirish uchun takror stilistik vositasining anafora, epifora, o'zakli takror, topilma takror, halqasimon takror kabi turlaridan san'atkorona mohirlik bilan foydalangan.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Артаманов С.Д. "История зарубежной литературы XVII-XIX в.в". Москва, 1978.
2. Азимов К., Каюмов О. "Чет эл адабиёти тарихи". Тошкент, "Укитувчи", 1987.
3. Засурский Я.Н. Американская литература XX века. М., 1984.
4. "American literature of the XX th century." A group of writers. USA, "Boston University", 2005.
5. Teodor Drayzer "Amerika fojiasi" 1-qism. O'zbek tili tarjimasini, Toshkent, "G'afur G'ulom" nashriyoti 1976.
6. Teodor Drayzer "Amerika fojiasi" 2-qism. O'zbek tili tarjimasini, Toshkent, "G'afur G'ulom" nashriyoti 1976.

### **INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI MAQOLLARDA AYOLLAR TA'RIFI**

M.Xudoyberganova -o'qituvchi, TIKXMMI

#### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada o'zbek xalq ijodidagi va ingliztilidagi maqollar haqida yozilgan bo'lib, unda maqolning kelib chiqish tarixi haqida qisqacha malumot va har ikki tildagi ayollar haqidagi maqollar misol keltirilgan.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning tarkibiy qismlaridan biri sifatida davlat va jamiyat tomonidan xotin-qizlarning ijtimoiy-hayotdagi ishtiroklari, oilani har tomonlama rivojlantirish,

yoshlartarbiyasida oilaning va onalarning o'rnini yanada yuksaltirish kabi qadriyatlargahamayollarnin ghuquq va erkinliklarini ta'minlash maqsadlaridan kelib chiqib muhim tibor berib kelinmoqda.

Yurtboshimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek "oil avasi jamiyat ustun hayotimizning fayzi va ko'rki bo'lgan xotin-qizlarni e'zlash, ularga hurmat va ehtirom ko'rsatish xalqimiz uchun azal-azaldan buyuk qadriyat bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi" (O'z.Res. Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning Xalqaro xotin-qizlar bayramiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqidan, 2018 yil, 8 mart )

Millatni o'zligini ko'rsatuvchi milliy qadriyatlarini, xalqning madaniyatini ifodalovchi omillardan biri bu xalq og'zaki ijodidir. Xalq o'g'zaki ijodining eng muhim janrlaridan biri bo'lmish maqollar tilshunoslikda o'rganilayotgan eng muhim mavzulardan biridir. Maqollar xalqning asrlar davomida hayotiy tajribalarida sinalgan ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-madaniy, axloqiy-falsafiy qarashlarining g'oyat ixcham, lo'nda, siqiq va obrazli ifodasidan tug'ilgan hodisadir. Maqollar maxsus ijod qilinmaydi, balki ma'lum bir sharoit taqozosi tufayli sinalgan hayotiy tajribadan tug'iladigan xulosaning axloqiy bahosi sifatidagi hukm bo'lib yuzaga keladi. Ular insonlarning turli sohalardagi faoliyatlari jarayonida uzoq muddatli sinovlardan o'tgan turmush tajribalarining hosilasi, barqaror va o'zgarmas, to'g'ri va haqqoniy xulosasi tarzida yuzaga kelganligini ko'rsatadi.

Maqollar xalqning asrlar davomida hayotiy tajribalarida sinalgan ijtimoiy siyosiy, ma'naviy-madaniy, axloqiy-falsafiy qarashlarining g'oyat ixcham, lo'nda, siqiq va obrazli ifodasidan tug'ilgan hodisadir. Maqollar maxsus ijod qilinmaydi, balki ma'lum bir sharoit taqozosi tufayli sinalgan hayotiy tajribadan tug'iladigan xulosaning axloqiy bahosi sifatidagi hukm bo'lib yuzaga keladi. Ular insonlarning turli sohalardagi faoliyatlari jarayonida uzoq muddatli sinovlardan o'tgan turmush tajribalarining hosilasi, barqaror va o'zgarmas, to'g'ri va haqqoniy xulosasi tarzida yuzaga kelganligini ko'rsatadi.

Ingliz tilida maqol atamasi asosan "**proverb**" so'zi orqali ifodalanadi. Ba'zan ko'plab adabiyotlarda : **adages, dictums, maxims, mottoes, precepts, saws, truisms** so'zlari orqali ham maqol tushunchasini berishimiz mumkin. O'zbek xalq maqollari singari ingliz xalq maqollari ham ingliz folklorning eng keng tarqalgan janrlaridan biridir. Ko'pincha tuzilishi, folklorda o'rganilishi va yana boshqa jihatlari bilan o'zbek maqollariga o'xshash holda umumiy jihatlarni ko'rsatadi.

Ijtimoiy hayotdagi o'zgarishlar bilan shartlangan holda maqollar mazmunida turli darajadagi o'zgarishlar – torayish yoki kengayishlar yuz beradi. Mana shu faktning o'ziyoq maqolning jamiyat hayoti, xalq turmushi bilan bevosita bog'lanishda ekanligini ko'rsatadi. Demak, maqollar xalq hayotini, uning o'tmishdagi iqtisodiy, siyosiy va madaniy turmush darajasini o'rganishda asosiy vazifani o'taydi. Haqiqatdan ham maqollar turli ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni, xalqning etik va estetik normalarini, etiqodiy tasavvurlarini, maishiy turmushi va mehnat tarzini, sevgi va nafratini, orzu va intilishlarini obyektiv baholaydi. Mashhur rus yozuvchisi L.N.Tolstoy "**Har birmaqolda men shu maqolni yaratgan xalq siyimosini ko'raman**" degan edi va bu yuqorida keltirgan barcha fikrlarimizni tasdiqlay oladi.

Shirli L. Arora o'zining "The Perception of Proverbiality" asarida maqollarni qadim xalq tilidan yetib kelgan va xalqning ananaviy urf-odatlarini avlodlarga ko'rsatuvchi timsol sifatida keltiradi. U olimlar fikriga qo'shilgan holda Taylor va Seytellarning maqollar haqidagi qarashlarini o'z asarida keltirib o'tadi.

➤ **A good wife makes a good husband** - Yaxshi xotin yaxshi erni yaratadi.

O'zbek tilida **Erni er qiladigan ham xotin, Qora yer qiladigan ham xotin.** maqoliga to'g'ri keladi.

- A woman and a glass are always in danger – Ayol bilan shisha doimo havfli
- Only believe in the faith of a woman as you would believe in miracles.  
Faqat mo'jizaga ishongandek ayolning imoniga ishoning.
- A good wife and health is a man's best wealth  
Yaxshi xotin va sog'liq-bu insonning eng yaxshi boyligi
- The best furniture in the house is a virtuous woman.  
Uydagi eng yaxshi mebel-fazilatli ayol.
- Silence is a woman's best garment.  
Sukunat-ayolning eng yaxshi kiyimi.
- Choose your wife on Saturday, not on Sunday  
Ayolni to'yda emas, ishda tanla
- Behind every successful man is a woman.  
Xotin qanchalik aqlli bo'lsa, oila shunchalik kuchlidir.



- *A man is as old as he feels, and a woman as old as she looks*  
Erkakning yoshi uning kuchida, ayolning yoshi uning yuzida ko'rinadi.
- *A woman laughs when she can and weeps when pleases.*  
Ayol kishi quvonganida kulib, yig'lab yuboradi.

O'zbek tilida ham ayollar bilan bog'liq maqollar mavjud bo'lib, ular xalq og'zaki ijodida yillar davomida o'zgarib kelgan. Maqollar ko'p asrlik hayotiy tajribalar, doimiy kundalik kuzatishlar xulosasini tugal fikr tarzida qat'iy qutbiylikda ifodalar ekan, ularda har bir so'zning ma'no xilma-xiiligi, iboralarning turg'unligi, shakliy barqarorlik ustunlik qiladi. Ammo qo'llanish o'rniga qarab ularning ma'no doirasi doimiy ravishda kengayib boradi. Shuning uchun ham maqoldagi har bir so'zga alohida e'tibor berish kerak. Ularda shunday so'zlar borki, bu so'zlar tarixan butunlay boshqa ma'nolarni anglatgan.

Masalan:

Qiz saqlasang, tuz saqla.

Tuzdagi bilan emas, uydagi bilan bo'l.

Maqolga ta'rif bersak, tuz so'zi bugungi kunda mineral moddani bildiradi. Tarixan bu so'z to'g'ri, odobli; dala, tekislik ma'nolarini anglatgan va faqat maqollardagina saqlanib qolgan.

- Ayolning husni pardozda emas, aqlida.
- Yaxshi xotin arpa unni kabob qilar,  
Yomon xotin bug'doy unni xarob qilar.
- Yaxshi xotin yo'q narsani bor etar,  
Yomon xotin keng uyingni tor etar.
- Yaxshi xotin uy bo'stoni  
Yomon xotin uyning zimistoni.
- Epli qizdan qolma  
Sepli qizni olma.
- Aqlli ayol uy ko'rki,  
Chiroyli ayol – ko'cha ko'rki.

So'z san'atining mahsuli sifatida maqollar ketma-ketligini uzoq davom ettirishimiz mumkin. Zero, ayollar haqida bitmas tunganmas she'rlar, qasidalar, hikoya-yu ruboiylar bitilgani hech kimga sir emas.

Ingliz tilidagi maqollarda ham, o'zbek tilidagi maqollarda ham ayollarning nozik tabiati, ularning go'zalligi, hushfe'l ayol oila ko'rki ekanligi har ikki tildagi maqollarda o'z aksini topgan. Ingliz va o'zbek maqollarida xalqning o'tmishidan bugungi kunigacha bo'lgan barcha o'zbek va ingliz millatiga xos urf-odatlar o'z aksini topgan va xalq o'g'zaki ijodining namunalari sifatida maqollar bu vazifani bajarishda yetakchilik qiladi.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:**

1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии.– М.: 1961. – 236 с.
2. Даль В. Пословицы русского народа. В 3.П. – М: Русская книга, 1996
3. ImomovK., MirzayevT., SarimsoqovB., SafarovO. O'zbekxalqog'zaki poetikijodi. -T.: O'qituvchi, 1990. - 303b.
4. MadayevO., SobitovaT. Xalqog'zakipoetikijodi. – T.: Sharq, 2010. –207b.
5. O'zbek xalq maqollari, 2-tom T.: Fan. 1987. – 370 b.
6. Маъруфов Т. Ўзбек тилининг изохли луғати. – Москва.: «Рус. язык»,1981, – 520 б.

#### **ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

**Худайбердиева Г.-доц. ТИҚХММИ**

Мустақилликка эришган мамлатимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш давлатимизнинг асосий вазифаси сифатида белгилаб олинди. Инсон ҳуқуқларининг

муқаддас неъмат сифатида энг аввало Бош қонунимиз-Конституциямизда белгиланганлиги, бу ҳуқуқларнинг ҳар қандай тажовуз ва бузишдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ энг муҳим тамойил ва нормаларнинг миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилгани, бу йўлда мустаҳкам ҳимоя тизими шакллантирилгани, халқимизнинг асрий орзу-умидларининг амалга ошаётганидан далолат беради.

Айниқса, хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг қонунчилик асосларини яратилгани, оналик ва болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Дунё ҳамжамияти хотин-қизларнинг инсоният тараққиётида ўрнини тўғри англаган ҳолда халқаро механизмларни яратишга ҳам ҳаракат қилмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда **“Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг қабул қилингани фикримизнинг далилидир.**

Мазкур конвенция хотин қизлар ва эркакларнинг амалдаги тенглигига эришиш, хотин қизлар томонидан ўз ҳуқуқларидан ҳақиқий фойдаланиш масалаларига боғлиқ бўлган муаммоларни аниқ-равшан белгилаган асосий ҳужжатдир<sup>50</sup>. Конвенцияда белгиланган муаммолар кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Унда турли шаклда намоён бўладиган камситишларга барҳам бериш муаммоларининг долзарблиги аниқлаб берилиши билан бирга, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли инсон сифатида мавқеини ошириш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари, эркак билан тенг ҳуқуқлиги, оналик лаёқати билан боғлиқ муҳим қоидалар акс эттирилган.

Конвенция орқали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Хотин-қизларни камситишларни қонун воситасида таъқиқлаш.
2. Хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ лаёқатини бериш.
3. Хотин-қизларнинг эркаклар билан амалдаги тенглигини тезроқ таъминлашга қаратилган ижтимоий чораларни кўриш.
4. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш.
5. Камситишларнинг сақланиб қолинишига олиб келаётган ижтимоий ва маданий қараш ва тушунчаларни ўзгартириш.

Кўрсатилган муаммоларнинг умумижтимоий аҳамиятга эга эканлиги туфайли БМТга аъзо давлатлар зиммасига конвенция моддалари билан боғлиқ қоидаларни миллий қонунчиликларига сингдириб бориш вазифаси юкланган. Аммо, Хотин-қизларга нисбатан барча камситишларга барҳам бериш кўмитасига вақти-вақти билан тақдим этилиб туриладиган миллий маърузалар конвенция моддаларига риоя қилиш амалиёти ҳар доим ҳам зарур даражада эмаслигини кўрсатади. Кўмита тақдим этилган ҳисоботларни кўриб чиққач, ҳар бир ҳисобот юзасидан тегишли давлатларга хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларнинг етарли даражада эмаслиги ва ҳисоботни элтадиган Кўмитани ташвишга солаётган бошқа масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиради.

Кўмитанинг тавсиялари жуда аниқ бўлиб, уларда тақлиф қилинаётган чораларнинг амалга оширилиши нафақат муайян мамлакат, балки бутун дунё миқёсида инсоният тараққиётига кўмаклашади.

Хотин-қизлар ҳуқуқларининг халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланиши бу тоифадаги инсонларнинг жамиятда ўрни нечоғли баланд эканлиги билан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари марказида фаровон турмуш кечириш, яхши иш шароитлари ва қашшоқликдан ҳимояланиш билан боғлиқ кафолатларни халқаро доирада ҳуқуқий

<sup>50</sup>Л.Раҳматов. Оналикваболалик: узгараётгандунё.»Tamaddun»-Т.: 2017.-Б.15.

мустақкамлаш, давлатларнинг инсон манфаатларига яна бир бор эътиборини қаратиш мақсадида **2000 йил сентябрь ойида БМТнинг Минг йиллик саммитида** дунёдаги қарийб барча давлатлар бошлиқлари томонидан бир овоздан “**БМТнинг Минг йиллик декларацияси**”, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури қабул қилинди.

Бу ҳужжатга биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, яъни 192 давлат ва 23 халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилга келиб қашшоқликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф - муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид мажбуриятлар белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шу нарса эътироф этилдики, инсон тараққиётини баҳолаш қуйидаги принциплар ва қуйидаги мезонларга асосланиши керак:

1. Фаровонлик.
2. Ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши.
3. Адолат. Жамиятнинг ривожланиши даражаси имкониятлар тенглигига яъни

ушбу жамиятда аҳолининг турли индивидлари ва гуруҳлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланиши адолатлигига кўра баҳоланиши керак.

БМТнинг Хотин-қизлар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш гуруҳи бўйича гуруҳи . 2016 йил январда Швейцариянинг Даос шаҳрида анъанавий ўтказиладиган Бутунжаҳон иқтисодий форумида мазкур гуруҳнинг тузилганлигини эълон қилди. У аёлларга таълим ва ишга жойлашиш борасида эркаклар билан тенг имкониятлар яратиш, нозик жинс вакиллари олий раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва жамиятдаги ролини ошириш, гендир нотенглигини бартараф этиш билан шуғулланади<sup>51</sup>. Юқорида кўрсатилган халқаро ҳужжатлар қоидалари ва халқимизнинг фаровон турмуш кечириши инobatга олинган ҳолда Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси аниқ белгилаб олинган. Бу стратегияда Президентимиз Ш.Мирзиёев барча чиқишларида Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиш хусусиятлари, ўтиш даври муаммолари ва умумбашарий тараққиёт тенденцияларини чуқур таҳлилига асосланган ҳолда ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади сифатида-инсоннинг бир-бири олдида тенглигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизларнинг эркаклар билан ҳуқуқлари бир хилда қўлланиши, ҳар қандай камситишларга барҳам бериш ҳам назарда тутилган. Биз буни, гендер тенглиги деб юритамиз.

Ўзбекистондаги инсон тараққиётига бўлган эътибор, мамлакат тараққиётининг янги сифати ва аҳоли фаровонлиги тубдан ортганлиги халқимизнинг тарихий ютуғидир. Хусусан, оналар ўлими даражаси икки баравардан кўпроқ, болалар ўлими эса уч баравар камайган. Кейинги 28 йил мобайнида мамлакатимизда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошганлиги мамлакатимизда манзилли давлат ижтимоий сиёсати олиб борилаётганидан далолат беради.

Шунга кўра республикаимизда барча давлат ҳокимият органларининг инсон тараққиёти борасида белгиланган марраларга эришишни таъминлаш бўйича фаолиятини янада жадаллаштиришга қаратилган ишлар давом этмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 3 август куни БМТнинг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг республикаимизда амалга ошириш бўйича *Миллий ҳаракат дастури* қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ўзининг кўлами, кенг қамровлиги ва давлатимизнинг юқоридаги

<sup>51</sup><http://www.un/jrpg/news/story/asp?NewsID=25291>? Глава ООН объявил о создании Группы по расширению экономических возможностей женщин.

конвенция талабларини ижро қилишга оид келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ комплекс ишларнинг салмоғи, уни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштирилиши билан ажралиб туради.

2010 йилнинг сентябрь ойида Нью - Йоркда, БМТ аъзо- давлатлари томонидан ўз зиммаларига олган Минг йиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган мажбуриятларни бажарилиш ҳолатига бағишланган БМТнинг махсус саммити бўлиб ўтди.

2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “БМТ Минг йиллик мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” махсус қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистонда БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқ аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчиллик билан кўтариш учун зарур бўлган қўшимча чораларни амалга ошириш мақсадида вазирликлар, идоралар, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатда инсон салоҳиятини муттасил ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракат дастури белгиланган.

Республикамизда хотин-қизлар гендери билан боғлиқ масалалар тизимли ва режали ҳал этилаётир. Хусусан, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга тегишли бўлган ҳуқуқларнинг ҳар қандай камситилишига барҳам беришга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга аъзолик билан бирга, миллий қонунчилик ва институтчионал асослар ҳам яратилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини эътироф этган миллий қонунчиликни қуйидаги йўналишларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим нормалари;
2. Сиёсий ҳуқуқларга оид ҳуқуқлари (давлат ҳокимият вакиллик органларига сайлаш, сайланиш, сиёсий партияларга аъзо бўлиш ва бошқалар);
3. Меҳнат қилиш ва ижтимоий муҳофаза қилиниш ҳуқуқлари (Меҳнат кодекси, фуқаролик ҳуқуқига оид қонунлар);
4. Ижтимоий тузилмалар, нодавлат ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқлари (қасаба уюшмаларига бирлашиш, жамғарма ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ишларида иштирок этишга оид қонунчилик);
5. Мулкдор бўлиш, мулкни бошқариш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи (Фуқаролик кодекси ва соҳага оид қонунлар);
6. Оналик ва болаликка оид ҳуқуқлар, соғлиғини ҳимоя қилиш, мерос олиш ва нафақа олиш ҳуқуқлари (Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, меҳнат кодекси ва бошқалар);
7. Шахсий дахлсизлиги, мулки ва турар жойи дахлсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқлар (Жиноят кодекси, Уй-жой кодекси ва бошқалар);
8. Илмий-техникавий фаолият, маданий, ижод, сўз, матбуот ва виждон эркинлиги, таълим, касб-хунарга оид ҳуқуқлар (Фуқаролик кодекси ва соҳавий қонунчилик).

Хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга оширишнинг институционал асосларини ривожлантиришда қуйидаги энг муҳим йўналишларни кўрсатиш мумкин:

1. Давлат марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ишида иштирок этиш (депутат бўлиш, сенатор бўлиш, вакиллик органларида бевосита ишлаш, раҳбар лавозимларда бўлиш);
2. Ижро ва суд ҳокимиятида иштирок этиш (вазирликлар, давлат корхоналари ва муассасаларида ишлаш, суд органларида вазифаларда бўлиш);
3. Жамоат ишларида қатнашиш (қасаба уюшмаларига аъзо бўлиш, ўзини-ўзи бошқариш органларида иштирок этиш);

4. Барча масалалар бўйича ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, жамоат назоратида иштирок этиш (давлат органлари, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш, оммавий ахборот воситаларида иштироки);

5. Алоҳида тартиб талаб этиладиган муассалардаги фаолияти (ҳарбий қисмлар, ички ишлар идоралари, чегара, божхона хизмати ва бошқа идораларда ҳарбий хизматда бўлиш).

Хотин-қизлар ҳуқуқларининг норматив асослариваинституционал тизимиқуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, йўриқномалари;

Хотин-қизлар ҳуқуқларини амалда таъминлашга оид Давлат дастурлари;

Миллий қонунчиликни амалга оширувчи ёки ижро этувчи идоралар;

Хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилишини *мониторинг қилувчи* идоралар ҳам мавжуд бўлиб, хусусан:

Парламент;

Парламент Омбудсмани;

Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар масалалари бўйича департаменти ҳамда ҳудудий бўлимлари;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти;

Олий Суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича тадқиот маркази;

Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмалари;

Мустақил мониторинг юритувчи муассасалар (Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти, Ижтимоий фикр ва бошқалар);

Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари (200 дан ортиқ).

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари қонунчиликда хотин-қизларга берилган ҳуқуқларни кенгайтириш, ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, сиёсий-ижтимоий фаолликни ошириш, хотин-қизларнинг табиий ҳуқуқлари, яъни она бўлиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш билан бирга давлат ва жамият бошқарувида ҳам ҳар томонлама, ҳар қандай шаклда, хоҳлаган вақтида иштирок этиш кафолатларини беради ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид давлат ижтимоий сиёсати мамлакатимизда режали ва тизимли амалга оширилаётгани алоҳида эътиборга молик. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан аёлларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. Бу дастур хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳамда аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишни назарда тутди.

Давлат томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари борасида тизимли сиёсат юритмаслик хотин-қизлар инсон капиталига, биринчи навбатда таълим олишга кам эътибор бериш, уларга меҳнат бозорида эркакларга нисбатан ёмонроқ ўринлар ажратилиши, оқибатда кам ҳақ ва иқтисодий ресурслардан фойдаланишда чекланган имкониятларга эга бўлишга олиб келади. Ҳали кўп давлатларда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида, жумладан меҳнат фаолиятида ҳам гендер камситиш муаммоси мавжуд. Шу сабабга кўра, ҳатто бир хил қобилият ва бир хил касб тайёргарлигига эга бўлинганда ҳам хотин-қизлар меҳнатига эркакларникига қараганда кам ҳақ тўланади.

БМТнинг статистика маълумотлари ўз парламентлари ва ҳукуматларида аёллар 25-30 фоиздан кам бўлган давлатлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофаза муаммоларини ҳал этишда қийинчиликларга дуч келаётганлигидан далолат беради. Маълумотларга кўра парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда аста - секин ўсиб бормоқда ва 2010 йилга келиб энг юқори кўрсаткичга – 19 фоизга етган.

Аёллар фақат 26 мамлакатда парламентларнинг қуйи палаталарида 30 фоиздан ортиқ ўринни эгаллайди ва фақат 7 мамлакатда ушбу кўрсаткич 40 фоиздан юқори. 2010 йил январь ойидаги ҳолатига кўра парламентларнинг 269 палатасидан фақат 35 тасида аёллар раис лавозимини банд қилган (бу 13 фоизни ташкил этади). 1995 йилда фақат 24 нафар аёл раис бўлган.

Мамлакатимиз сайлов тизими хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб етди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг амалда эканлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан институционал тизими бу вакиллик ҳокимиятидир. Вакиллик ҳокимиятининг барча даражадаги депутатлари вазифасииктисодий ўсишни инсон тараққиёти билан боғлаш, уларнинг узвийлигини таъминлашдан иборат. Бу барча поғоналарда қонунлар ва норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, уларнинг амалга оширилишини аниқ мониторинг қилиш ва халқаро- ҳуқуқий актларнинг имплементациясини назорат қилишни талаб этади.

Бугунги кунда, *гендер экспертисаси* деган институт пайдо бўлди-ки, унинг асосий вазифаларидан бири тенг ҳуқуқлилик тамойилини жорий этишдир. Гендер экспертисаси орқали амалдаги қонунчиликдаги қуйидаги қоидалар аниқланиши мумкин:

хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан камситиш ҳолатлари;  
халқаро-ҳуқуқий шартномаларга мос келмайдиган ёки қизид ҳолатлар;  
хотин-қизларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уларни сотиш, жинсий эксплуатация қилиш, оила, жамият, давлатда уларнинг мавқеини пасайтириш билан боғлиқ актлардаги зиддиятли қоидалар.

Гендер тенгликни таъминлашда парламент иқтисодий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳамда улар устидан назорат қилиш жиҳатидан аёлларнинг тенг имкониятлари гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда тенг ҳуқуқли ва барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда ривожланишга эришиш нуқтаи-назаридан принципиал аҳамиятга эга. Иқтисодий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш соҳасида гендер тенглик аёлларнинг фаровонлиги даражасини оширишга ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашибгина қолмай, балки ривожланиш, шу жумладан қашшоқлик кўламни камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш соҳасида бир қатор муҳим мақсадлар учун ижобий самара беради.

Қуйидагилар миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг кейинги йўналишлари ҳисобланади:

халқаро мажбуриятлар бажарилиши тартибини қонунчилик йўли билан тартибга солиш, ушбу соҳада давлат органлари функцияларини мустаҳкамлаш, шу жумладан ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ваколатларини мустаҳкамлаш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятли муаммолар бўйича жамоатчилик эшитишларини амалиётга кенг жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ва улар томонидан қабул қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиш,

бюджет жараёнининг очиклиги ва шаффофлиги билан боғлиқ қарорлар устидан жамоатчилик мониторинги институтини кучайтириш;

ҳар қандай ҳолатда хотин-қизлар муружаатларига муносабат билдиришнинг қонунчилик механизмларини такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш уларга тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, яратилган миллий қонунчилик асосларининг мустаҳкамлиги ва институционал тизимнинг самарали, таъсирчан фаолиятига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

## **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA STANDARTLASHTIRISH, METROLOGIYA VA SERTIFIKATLASHTIRISHNING BUGUNGI KUNDAGI MUHIM AHAMIYATI.**

Eshmuradova Z. talaba TIQXMMI

Anotatsiya.

Mazkur maqola O‘zbekiston Respublikasi Mustaqillikka erishgandan buyon o‘tgan davr mobaynida " Standartlashtirish, Metrologiya va Sertifikatlashtirish" sohasida olib borilgan ishlarda erishilgan yutuqlar shuningdek, xalqaro standart talablariga mos kelishi yo‘lidagi chora - tadbirlarni o‘rganishga bag‘ishlangan.

“O‘zdavstandart” agentligi 1992-yilda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi xuzurida tashkil topgan va ushbu sohaga ilk bor 1993-yil 28-dekabrda N 1002-XII sonli Prezident Qarori bilan “Standartlashtirish to‘g‘risida”gi qonun[1.],1993-yil 28-dekabrda N 1004-XII sonli PQ bilan “Metrologiya to‘g‘risida”gi qonun[2.] va 1993-yil 28-dekabrda N 1006-XII sonli PQ bilan “Mahsulot va xizmatlarni sertifikatlashtirish to‘g‘risida”gi qonun[3.] qabul qilingan va qator qonun hujjatlari tuzilgan.

Shu bilan birga O‘zbekiston Respublikasida “O‘zbekiston milliy metrologiya instituti” davlat korxonasi (O‘zMMI) va Qoraqalpog‘iston Respublikasi va viloyatlardagi sinov va sertifikatlashtirish markazlari metrologiya bo‘linmalari (jami 16 ta) faoliyat ko‘rsatmoqda.

Hozirgi kunda “O‘zbekiston milliy metrologiya instituti” davlat korxonasi ko‘p tarmoqli, texnik jihatdan jihozlangan, zamonaviy me‘yoriy va uslubiy hujjatlar bilan ta‘minlangan, 15 ta o‘lchash turlari bo‘yicha o‘lchash vositalarini qiyoslash, kalibrlash, metrologik attestatsiya qilish ishlarini 24 ta laboratoriyalardan tashkil topgan 7 ta bo‘lim, 1 ta sertifikatlashtirish idorasidan iboratdir.

“O‘zbekiston milliy metrologiya instituti” Davlat korxonasida 10 ta milliy boshlang‘ich etalonlari mavjud, bu esa respublikadagi 700 dan ortiq yuqori aniqlikdagi o‘lchash vositalarini qiyoslash (kalibrlash) imkonini beradi:

2018 yilda – 6 ta etalon, 2019 yilda 4 ta etalon, 2020 yilda 3 ta etalon va 2021 yilda esa 2 ta etaldon xarid qilinishi belgilangan. Buning natijasida mavjud etalonlar soni 24 taga yetkazilib, respublikadagi 2500 dan ortiq yuqori aniqlikdagi o‘lchash vositalarini chet elga yubormasdan o‘zimizda metrologik tekshiruvdan o‘tkazish imkoniyati yaratiladi. 2018-2019 yillarda 43 ta etalonlar kalibrlash (solishtirish) dan o‘tkaziladi.

“O‘zMMI” DK quyidagi 12 ta milliy boshlang‘ich etalonlar mavjud:

- 1.O‘g‘irlik birligi milliy etaloni –xatoligi – 0.002 dan 2.8 mg ni tashkil etuvchi, 1 mg dan 20 kg gacha bo‘lgan etalon toshlari va og‘irlik komparatorlaridan iborat ;
- 2.Vaqt va chastota birligi milliy birlanchi etaloni – xatoligi  $1 \cdot 10^{12}$  bo‘lgan, vadorodli Ч1-75chastota va vaqt standarti;
- 3. Uzunlik birligi milliy birlamchi etaloni – xatoligi Q[30, 0.15L] mm bo‘lgan 1.005 dan 100mm gacha bo‘lgan yassi parallel tugal o‘lchamlar blogi;
- 4. O‘zgaruvchan tok kuchlanishining milliy birlamchi etaloni 0.1 dan – 300 volltgacha bo‘lgan PЭН – 2M kuchlanish ishchi etaloni va ПНТЭ – 10A kuchlanishni o‘zgartirgichdan iborat;

- 5. Elektr sig'imi birligi milliy birlamchi etaloni – 1000 dan 100000 pF bo'lgan elektr sig'imi ishchi etalonlar yig'indisidan iborat;
- 6. Induktivlik birligining milliy birlamchi etaloni - 0.1 mHn dan 1 Hn gacha bo'lgan L – 2004 – 1 rusumli induktivlikning ishchi etalonlar yig'indisidan iborat;
- 7. Bosim birligi milliy birlamchi etaloni – 0.02 dan 6MPa gacha bo'lgan 5301A rusumli etalon;
- 8. Suyuqlik sarfi va miqdori milliy birlamchi etaloni – 0.02dan 200 m<sup>3</sup>/soat bo'lgan ДУОН 150/200MT etaloni;
- 9. Havodagi ammiak, sinil kislotasi, azot dioksidi, oltingugurt dioksidi va xlorning konsentratsiyasini aniqlaydigan milliy birlamchi etaloni – rusumi ГАК – 1va ГАУ-СО;
- 10. Optik zichlik va yo'naltirilgan spektral koeffitsient milliy birlamchi etaloni – 185dan 330 nm bo'lgan “UV-3600 Plus” rusumli etalon;

“O‘zstandart” agentligi qoshida “O‘zbekiston muvofiqlikni baholash organlarini akkreditatsiya qilish markazi” va “O‘zbekiston milliy metrologiya instituti” davlat korxonalarini tashkil etish hamda “Respublika sinov va sertifikatlashtirish markazi” davlat korxonasini qayta tashkil etishni nazarda tutgan holda “O‘zstandart” agentligining yangilangan tashkiliy tuzilmasi tasdiqlandi.

Shuningdek, tasdiqlanayotgan ro‘yxatga muvofiq etalonlar va yuqori aniqlikdagi o‘lchash vositalarini davlat byudjetidan moliyalashtirish hisobiga xarid qilish orqali respublika etalon bazasini yanada rivojlantirish ko‘zda tutilgan.

Hozirda rivojlangan davlatlarda texnologiyaning ilg‘orligi bois standart agentligi vazifalari tez va sodda tartibda, yuqori sifatlarda ro‘yxatga olish, tasdiqlash ishlari amalga oshirilmoqda.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkunki, O‘zbekiston Respublikasida "Standartlashtirish, Metrologiya va Sertifikatlashtirish" sohasida olib borilgan ishlarda erishilgan yutuqlarda shuningdek, xalqaro standart talablariga mos kelishi yo‘lidagi chora - tadbirlarni tahlil qilishda, ‘O‘zstandart’ agentligi rivojlangan mamlakatlar darajasiga yaqinlashib borayotganligini ko‘rsatadi. Bu esa o‘z navbatida mamlakarimizda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning xavfsizligini, sifat aniqliligini va raqobatbardoshligini ta‘minlaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. O‘zbekiston Respublikasi “Standartlashtirish to‘g‘risida”gi qonun \_ 28.12.1993;
2. O‘zbekiston Respublikasi “Metralogiya to‘g‘risida”gi qonun \_ 28.12.1993;
3. O‘zbekiston Respublikasi “Mahsulot va xizmatlarni sertifikatlashtirish to‘g‘risida”gi qonun \_ 28.12.1993;
4. [www.standart.uz](http://www.standart.uz) – internet sayti.

### **ОЛИЙ ТЕХНИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КИМЁ ВА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ**

Курбанова Айпара Джолдасовна-доц., ТИҚХММИ

Муаммо. Республикамиз биринчи Президенти “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек, “инсон ва табиат бир – бири билан муайян қонуниятларга асосан ўзаро муносабатда бўлади, уларнинг бузилиши ўнглаб бўлмас экологик ҳалокатларга олиб келади. Ҳақиқатдан ҳам, экологик вазият ва барқарорликни бузилиши, атрофмуҳитни ифлосланиши, бир сўз билан айтганда — экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон бир ҳудуд доирасидан, миллий ва минтақавий чегарадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумбашарий муаммосига айланган”. Шу мақсадда мустақиллик йилларидан мамлакатимизда экология ва табиатни муҳофаза этиш масалаларига катта эътибор берилган. Ҳар йили давлатимиз томонидан экология ва табиат муҳофазаси учун



кўплаб микдорда маблағлар ажратилаяпти ва тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Аҳолининг экологик маданиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш борасида режали ишлар олиб бориляпти. Айниқса бугунги ёшларни экологик жиҳатдан тарбиялаш жуда ҳам муҳимдир. Уларни экологик жиҳатдан тарбиялаш табиатни ардоқлашга, барча тирик жонзотларни асраб- авайлашга, уларга озор бермасликка ўргатади. Шунингдек, атроф – муҳит тозалигига риоя қилиш, ўзи ва бошқаларнинг саломатлигига эътибор беришни ёшларга қуруқ сўзлар билан эмас, балки аниқ ижобий намуна кўрсатиш орқали ўргатиш керак. Аммо ҳозирги экологик муаммоларни ҳал этиш, олдини олиш нафақат ёшларни, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг вазифасидир. Ушбу вазифани бажаришда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтида бу йўналиш бўйича бир неча йиллардан буён мақсадли таълим - тарбия жараёнларини тегишли фанларни ўқитиш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилмоқда. Бунинг учун ҳар бир фан бой имкониятларга эгадир [1,2].

Муаммони ҳал этиш йўллари. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаб берди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини яратиш ва миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичида белгиланган таълим сифатини яхшилаш учун таълим ва тарбия жараёнининг энг муҳим йўналишлари устида изланишлар олиб боришдан иборатдир.

Фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган бугунги кунда, таълим тизимида олиб борилаётган жараёнларни амалга оширишда, бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган, гидроэкологик муаммоларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Маълумки, Республикамиз сарҳадларига оқиб кирадиган дарёлар асосан, қўшни Республикалар ҳудудларида шаклланади, шу сабабли бизда мавжуд бўлмаган гидроэкологик муаммолар, шу сув оқимлари билан Руспубликамиз ҳудудига кириб келиши мумкин. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун, катта маблағ сарф этилишидан ташқари қўшни давлатлар билан халқаро ҳамкорликка эришиш, кенг оммани гидроэкологик маънавий ва маърифий маданиятни рўёбга чиқариш ҳам лозимдир. Шу йўналишдаги бундай вазифани бажаришда «Гидрокимё» фанининг маълумотлар ва ахборотлари эътиборга моликдир. Чунки бу фан ўрганувчи асосий объект, табиий сувларнинг кимёвий таркибини шаклланишини, уларда содир бўладиган жараёнларни табиий сувларнинг кимёвий таркибини шаклланиши, уларда содир бўладиган жараёнларни табиий муҳит билан узвий боғлиқлиги, тоғ жинслари, тупроқ, маданлар билан алоқасини ўрганиш ва таҳлил этиш хисобланади. «Гидрокимё»фанинг асосий қонуниятларидан бири атмосфера ва ер қобиғидаги сувларнинг бир бутунлигини етиборга олган ҳолда, уларнинг бирортасида содир бўладиган салбий жараён, албатта бошқа кўринишда бошқа қисмларидаги ўзгариш жараёнига олиб келиши мумкин.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Бўлажак мутахассисларга таълим беришда табиий сув хавзаларини, яъни дарёлар,кўллар,сув омборлари, сунъий сув хавзалари ва коллектор-зовур сувларини ифлосланишинингазорат қилиш ва ифлосланишидан муҳофаза қилиш йўналишида ва гидроэкологик таълим ва тарбия бериш соҳасида куйидаги вазифалар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди:

1. Табиий сувларнинг кимёвий таркибини шаклланиши, синфланиши ва уларни сифатий таркибларини ўрганиш ҳақида, замонавий ахборот ва маълумотларга таяниб таълим бериш ва таъбиий сувлардан фойдаланишнинг гидроэкологик асосларини шакллантириш.
2. Инсоният, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаётида таъбиий сувларни ва уларнинг кимёвий таркибларини қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини асосланган ҳолдакўрсатиш.

3. Табиий сув бойликларидан, уларнинг кимёвий таркибларини ва гидрокимёвий омилларини ўрганган ҳолда фойдаланиш ва табиий сув хавзаларини ифлосланишидан муҳофаза қилиш йўллари кўрсатган ҳолда гидроэкологик таълим ва тарбия бериш.

4. Ўсиб келаётган ёш авлодни табиий сув хавзаларига ва сув захираларига бўлган меҳрини ўйғотиш (чунки йилдан-йилга чучук сув захиралари камаймоқда, табиий сувларга бўлган эҳтиёж ва истеъмол ошмоқда, гидроэкологик муаммоларни кўпайиши кузатилмоқда) ва табиий сув захираларини ифлосланишдан муҳофаза қилишдан эътиборли бўлиб, фаол иштирок этиш йўналишида таълим бериш ва тарбия қилиш.

5. Табиий сувларнинг бевосита иштирокида рўёбга чиқадиган табиат гўзалликларидан талабаларнинг гидроэкологик-эстетик маданиятини шакллантиришда фойдаланиш.

6. Бизни ўраб турган сув оламига бўлган, яъни сувсиз ҳаётнинг йўқлиги, ўз организмимизнинг асосини сув ва сувли эритмалар ташкил этишини ўқтирган ҳолда табиий сувлар захираларига бўлган хурматни ўстириш, уларни эъзозлаш йўлида таълим бериш ва тарбия қилиш.

Юқоридаги мақсад ва вазифаларга етишиш йўлида талабаларнинг назарий машғулотларда олган билимларини, маълумот ва ахборотларини мукамаллаштириш учун, уларни табиий сув захираларига амалиёт машғулотларини ўтказиш учун ёки саёҳатга боришни таъминлаш, бу билан ҳудудларда инсон фаолияти натижасида табиий сувларнинг сифатий таркибига, шаклланишига, ифлосланиш ва тозаланиш жараёнларига, гидроэкологик муҳитга қандай таъсир этаётганликларини кўрсатиш зарурдир [3,4].

Бундай машғулотлар талабаларни, табиий сув хавзаларининг сувлари сифатини, кимёвий таркибини муҳофаза қилишда, сув хавзалари сувларини ўз-ўзидан тозалаш жараёнларида, ўзлари ҳам иштирок этишига, ўзлари учун янги маълумот ва ахборотларга эга бўлишига, табиий сувларга, сув захираларига бўлган меҳр-мухаббатини, хурматини янада ошишига олиб келади.

Талабаларга табиий сув хавзаларидан меъёрида ва тўғри фойдаланиш йўналишида гидрокимёвий ва гидроэкологик таълим беришида, Республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган табиий сув хавзаларига (дарёлар, сув омборлари, сунъий сув хавзалари, коллектор-зовур, зовур-қудуқлар) хос бўлган, янги ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш керак.

«Гидрокимё» фанини ўқитишда, машғулотлар мақсади ва вазифасини тушунтиришда, Республикамиз ҳудудидаги табиий сув хавзалари ва уларда борадиган ҳудудий жараёнларга йўналтириб ва боғлаб олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Амударё дарёсининг Сурхандарё вилояти ҳудудида (Термиз табиий сувларини ўрганиш нуқтаси-створи) оқиб ўтадиган сув оқимининг кимёвий ва сифатий таркиби, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан (Туямўйин табиий сувлар таркибини ўрганиш нуқтаси-створи) оқиб ўтадиган сув оқимлари сувларининг кимёвий ва сифатий таркибига умуман тўғри келмаслигини таққослаган ҳолда ва бунинг сабабини мисоллар билан тушунтириш. Шу сабабли бу ҳудудлардаги Олий ўқув юртлари, қишлоқ ва сув хўжалик колледжлардаги гидрокимё, гидроэкология ва гидробиология фанларидан машғулотларни маҳаллийлаштириш ёки ҳудудийлаштириш йўналишида олиб борилса, ушбу фанлар бўйича таълим олиш тизимида яхши натижаларга эришилди. Шу билан бирга турли-туман кимёвий моддаларни, саноат оқава сувлари, меъёридан ортиқ захарли кимёвий моддаларни ишлатилиши, уларни оқава сувлар билан табиий сув хавзаларига келиб тушиши, уларни ифлосланишини ўрганиш йўналишида машғулотларни ташкил этиш ва табиий сув хавзаларини ифлосланишини олдини олиш ва муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар олиб боришнинг ўта муҳимлиги ҳақида таълим беришни ҳозирги вақтдаги гидроэкологик шароит тақозо этмоқда. Бу йўналишда табиий сув хавзаларидан оқилонга фойдаланиш ва гидроэкологик таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари сифатида қуйидагиларга урғу бериш лозим :

а) Гидросфера ва табиат биргаликда бир бутун борлиқ эканлиги, гидросферадаги жараёнлар билан жамият орасида доимий алоқаларни мавжудлиги.

б) Табиий сувларнинг кимёвий таркибини ўзгартириб туриш, мураккаб жараёнлиги, шу билан бирга кимёвий моддаларнинг табиий сувларда айланиши, кўчиши мураккаб ҳамда муайян мувозанатда бўлишлиги ва бу мувозанатнинг бузилиши мавжуд табиий мажмуаларнинг ўзгариб кетишига олиб келиши мумкинлиги.

в) Инсон фаолиятининг табиий сувлар кимёвий таркибига таъсирини ўзига хос тавсифга эга эканлиги.

г) Табиий сувларнинг кимёвий ва сифатий таркибини ўрганишда ва муҳофаза қилишда, гидросферанинг умумий гидрокимёвий услуб ва услубиятларини яхши билиш ва шу асосида ишлар олиб борилиши.

д) Табиий сув ҳавзаларидан оқилонга фойдалиниш ва уларни ифлосланишини назорат қилиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш ишларига ҳудудий гидрокимёвий ва гидроэкологик эътибор берилиши.

е) Табиий сув ҳавзаларининг ифлосланиши бўйича назорат олиб бориш, уларни ифлосланишини олдини олиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш, ҳар бир фуқаронинг, айниқса, бунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг эътиборли бўлиши ва шахсан иштирок этишини зарурлигини аниқлаштириши[5].

Кутилаётган самара. Юқорида келтирилган мақсад ва вазифалар «Гидрокимё» фани олдида аниқ талаблар қўяди ва уларни амалга ошириш учун эса ўқув дастурларида «Гидрокимё» фанини назарий ва амалий жиҳатдан ўқитишда етарлича эътибор берилиши ва ҳудудларда жойлашган ўқув масканларида қўшимча факультатив машғулоти ташкил қилиниши мақсад сари ташланган қадам бўлади ва ўз навбатида бу билан биз, бизни ўраб турган сув оламида келиб чиқиши мумкин бўлган гидроэкологик муаммоларни бартараф этишга ўз хиссамизни қўшамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. А.М. Никонаров Гидрохимия Л. : Гидрометеоиздат, 1989, 130-150 б.
2. А.Э. Эргашев Т.А. Эргашев Гидроэкология Т.: УзМУ босмаҳонаси 2003, 52 б.
3. Қ.Ў. Комилов ва бошқалар. «Гидрокимё» фанини ўқитишда ахборот технологияларининг ўрни ва роли. Жиззах 2006, 195-197 б.
4. Қ.Ў. Комилов ва бошқалар. Гидрокимё фанини тарихий кадриятларга таянган ҳолда ўқитишнинг айрим масалалари. Тошкент. ТошДПУ, 2007, 354-358 б.
5. Қ.Ў. Комилов, З.Ш. Каримов. Гидрокимё. Т.: ТИҚХММИ босмаҳонаси. 2010. 165 б.

## **КИМЁМАШҒУЛОТЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КИМЁВИЙ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ**

### **Бадалова Соҳиба Ибрагимовна, ТИҚХММИ**

Муаммо. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Физика ва кимё» кафедрасида «Сув хўжалигида экологик хавфсизлик» ва «Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш» йўналишлари бакалаврият-муҳандис мутахассислиги талабалари учун «Кимё» махсус фани бўйича маъруза, амалиёт ва лаборатория машғулоти олиб борилади. Ушбу фаннинг лаборатория ва амалий машғулотларда олдиндан қўлланилиб келинадиган таҳлил усуллари билан биргаликда замонавий сифатий ва микдорий таҳлил усуллари ҳақида талабаларга билим берилади ва ўргатилади.

Муаммони ҳал этиш йўллари. Бу таҳлил усуларини ўқитилишидан мақсад ва вазифа, талабанинг фундаментал ва баъзи бир махсус фанлардан олган билимини мустаҳкамлаш ва табиий сувларнинг кимёвий ва сифатий-микдорий таркибини шаклланишини тадқиқот қилиш, табиий сув бойликларидан фойдаланишни ва уларни ифлосланишини назорат ва муҳофаза қилишнинг мумкин йўллари аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, саноат, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг (сув хўжалиги) турли тармоқлари учун, етук муҳандис-мутахассислар тайёрлаш, биокимё, геокимё, нефт-газ, гидрокимё, гидрогеокимё, гидробиология, гидрофизика, гидроэкология, гидрогеокимёвий экология соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борадиган ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашдан иборат[1].

Ушбу фаннинг маъруза машғулотларида табиий сувларни таҳлил қилишнинг кимёвий усуллари назарий жиҳатдан ўргатилган, лаборатория-амалиёт машғулотларида қўлланиладиган кимёвий таҳлилнинг усуллари қуйидаги: кимёвий, электрокимёвий, оптикавий, фотокимёвий, хроматографик каби қисмларга ажратилган ҳолда олиб борилади.

Табиий сувлар таркибидаги муаллақ моддаларни, билген ва органик моддаларни, маъданли моддаларни ва табиий сувларнинг газли таркибини билиш, улар таркибида қандай ионлар, функционал гуруҳлар борлигини аниқлашга ва уларни табиий сувлар кимёвий таркибига, сувдаги организмларга қандай таъсир кўрсатишини аниқ-лашга ёрдам беради. Бундай таҳлилларни ўтказилиши, шу ҳудуд табиий сувлари ҳақида тўлиқ маълумотлар олишга ва улардан қандай мақсадларда фойдаланиш (хўжалик-ичимлик, техник, суғориш) йўналишларини белгилаб беради.

Ҳозирги давр гидроэкологик, гидрогеоэкологик, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий сув хавзаларини ифлосланишини назорат қилиш ва ифлосланишидан муҳофаза қилиш каби муаммоларни ўрганиш учун, юқори даражада сезгир ва махсус таҳлил усулларини яратиш лозимлигини тақазо этмоқда.

«Физика ва кимё» кафедрасида «Кимё» фанидан таълим олаётган бакалаврият босқичи талабалари кимёвий таҳлил усуллари тузилиши ва аниқлаш йўналишлари билан танишадилар. Ҳар бир талаба табиийсувларни таҳлил қилишда қўллаётган усули ҳақида адабиётлар ва интернет ахборот ва маълумотларидан фойдалиниб, ўзи танлаб олган ҳудуд табиий сувлари маъданлашуви харита чизмасини тайёрлайди, шу харита асосида мустақил иш шаклида ижодий маъруза тайёрлаб химоя қилади. Талаба томонидан талабаларга қуйидаги мустақил таълим мавзулари таклиф этилади:

1. Кимёвий таҳлил усуллари: а) текшириладиган моддани чўкмага тушириб эритмадан ажратиш ва тартиб ўлчаш усули ; б) текшириладиган моддани реактив билан ўзаро таъсирлаш-ҳажмий таҳлил усули. Бу усул унда борадиган реакция турига қараб тўртга бўлинади: 1) кислота асосли титрлаш; 2) оксидловчи ва қайтарувчилар билан титрлаш; 3) титрлаш усули ; 4) мажмуавий бирикмалар ҳосил бўлишига асосланган усул.

2. Электрокимёвий таҳлил усуллари: а) эритма ҳароратига ва концентрациясига боғлиқ ҳолда кимёвий реакция натижасида, аниқланаётган эритмага туширилган электродларнинг потенциометрик ўлчашга асосланган-потенциометрик титрлаш усули; б) эритманинг электр ўтказувчанлигининг ўзгариши асосида текшириладиган модданинг концентрациясини аниқлашга асосланган-кондуктометрик таҳлил усули; в) симобли катодда электролитик қайтариладиган, металл шакллари аниқлаш учун қўлланиладиган полярографик таҳлил усули.

3. Оптикавий таҳлил усуллари: а) маълум бир тўлқин узунлигига тўғри келадиган квантлар шаклида нурсимон энергияни ютувчи қобилятига эга ҳамма моддаларни таҳлил қилишга асосланган-фотометрик ва спектрофотолитрик усуллар. Ҳозирги вақтда фотометрик ва спектрометрик усуллардан, кўп сонли моддаларни, ёки асосан биоген элементлар, оғир металллар, табиий сувларни ифлослантирувчи моддалар асосий гуруҳ бирикмаларини: феноллар, детергентлар, нефт маҳсулотлари ва ўзига хос (специфик) моддалар: ксантогенатлар цианит-лар, метил спирти, фторидлар ва шу каби бошқа

моддаларни аниқлашда фойдаланилмоқда; б) баъзи бир моддаларни аниқ бир шароитларда энергияни ютиб, ғалаёнланган (қўзғалган) ҳолатдан, меъёрий шароитга ўтганда энергиянинг бир қисмини нурсимон энергия кўринишида чиқаришига асосланган-люминесцент таҳлил усули; в) турли моддаларни алангада, электр симида (спирали), учқунда ва бошқа йўл билан киздиришда ҳосил бўладиган эмиссион спектрларга асосланган спектрал таҳлил усули.

4. Фотометрик таҳлил усули: фотохимёвий реакциялар аналитик кимёда турли хил кўринишларда қўлланилади. Ушбу реакцияларни табиий сувларни таҳлил қилишда қўлланилиши асосида ультра бинафша (УБ) нурларини сувлар тарки-бидан органик бирикмаларни тўлиқ парчалаш қобилияти ётади.

5. Хроматографик таҳлил усули: суюқ ва газ аралашмаларини бўлиниши асосида икки ҳаракатчан ва ҳаракатсиз фазалар орасида аралашмадан моддаларни бўлинишини турличалигини аниқлаш ва ўрганиш ётади:

а) суюқликли колонкали хроматография; б) ингичка қатламни хроматография; в) газли хроматография[2,3,4]

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Ҳар бир кимёвий таҳлил усули ўзига хос бўлиб, маълум бир йўналишида афзалликларга эга. Айрим ҳолларда эса бир вақтнинг ўзида икки ёки уч усулни қўллашга тўғри келади, чунки табиий сувларни ифлослантирувчи аралашмаларнинг таркиби ҳудуд шароитига қараб турлича бўлади. Табиий сувлардан олинган намуналар олиниб, ўтказилиши шарт бўлган ҳамма жараёнлардан ўтказилиб, кейин унинг кимёвий таркибини аниқлаш учун усул танланади. Масалан, табиий сувларни ифлослантирувчилар таркибидаги органик бирикмаларни УБ нурлари билан нурлантириш маъданлантиришда самарадор усул ҳисобланади. Усулни қўллаш давомида органик модда таркибидаги углерод-углерод (II) оксидига, фосфор-фосфатларга, азот эса нитрит ва нитратларга айланади. Уларни эса, мавжуд бўлган микдорий таҳлил усулларида аниқлаш имконини беради[5].

Кутилаётган самара. Қўлланилган кимёвий таҳлил усуллари натижалари янги ахборот ва маълумотларга асосланган ҳолда, тузилган электрон дастурлар ва моделлар ёрдамида компьютер тармоқлари орқали ҳисобланади ва узатилади. Ундан ўз иш фаолиятини олиб борадиган барча мутахассислар ва талабалар фойдаланишлари мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. А.М.Никонаров Гидрохимия. Л.: Гидрометеоиздат, 1989,130-150.
2. В.С.Самарина Гидрохимия. Л.: Изд: У.1977.182 б.
- 3.Қ.Ў. Комилов ва бошқалар. «Гидрохимё» фанини ўқитишда ахборот технологияларнинг ўрни ва роли. Жиззах, 2006, 195-197 б.
4. Қ.Ў. Комилов ва бошқалар. Гидрохимё фани лобаратория ва амалий машғулотларида вазиятли ва интерфаол вазибалар ҳамда компьютер ахборот технологияларидан фойдаланиш Тошкент. ТошДПУ, 2007 й. 371-374 б.
5. Комилов Қ.Ў., Каримов З.Ш. Гидрохимё. Т.: ТИҚХММИ босмаҳонаси. 2010. 165 б.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШНИНГ АСОСИЙ ТАДБИРЛАРИ

**Маданбекова Ч. Раджабаева Ш. талабалар ,ТИҚХММИ**

### *Аннотация*

Электр тармоқларида электр энергиясини тежаш ва буларни амалга ошириш чоратадбирлари катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шунингэлектрэнергиясиисрофиниҳисоблашусуллариниўрганишватакомиллаштиришзару р. Шундай экан, электр тармоқларининг иқтисодий режимларини аниқлаш, исрофни камайитириш бу ҳисобларнинг мақсадидир.

Мамлакатимиз электр энергетика тармоғини модернизация қилиш, энергия сарфини қисқартириш борасидаги улкан ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлган одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш, шунингдек, аҳолини бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш асосида аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш ва улар мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Электр тармоқларининг электр узатиш линияларида, трансформаторларда бўладиган исрофларни ҳисоблаш линиялари ҳамда электр тармоқларининг замонвий техник иқтосодий кўрсаткичлари ҳисоблаб кўрсатилган. Электр тармоқларида қувват исрофларини ва тақсимловчи электр тармоқларнинг трансформаторларини салт юриш режимларини камайтириш тадбирлари, қувват коэффициентини ошириш йўллари ҳамда реактив қувватни қоплаш усуллари ва воситалари батафсил кўрсатиб ўтилган.

Энергия ресурсларини тежашни асло кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб қабул қилишимиз, шунинг ҳисобидан товарлар, хизматларнинг нархини пасайтиришимиз ва иқтисодиётимизнинг ўсишини таъминлашимиз лозим. Хаттоки бугунги кунда ҳам, ҳудди 15 йил илгари бўлганидек, давлатимиз саноат корхоналарида, шу жумладан сув хўжалигида ҳам энергия сарфи жаҳондагидаги ўртача кўрсаткичдан 2-2,5 марта ортиқ экани ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Бу борада энергия ресурсларини қазиб олиш, қайта ишлашдан тортиб, сотиш ва ниҳоят фойдаланишгача бўлган деярли барча босқичларда уларни тежаб ишлатмаслик, ўлчов ва ҳисоблаш асбобларининг йўқлиги асоссиз йўқотишларга, кўпинча ўғирлик ҳолатларига ҳам йўл қўйилаётганлигини кўрсатилиб ўтилди.

Энергия сарфи энг кўп бўлган тармоқларда ва энергетика комплексининг ўзида бу масала бўйича кенг чора тадбирлар мажмуининг амалга оширилиши яқин истиқболдаги жуда муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Вазирлар Маҳкамасига 2017-2021 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилиб, унда кўйидагилар назарда тутилиши зарурлиги кўрсатилган:

- нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, уларни ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишлар ва ўз технологик эҳтиёжлари учун фойдаланиш хажмларини кескин камайтиришни, бу ресурсларни чуқур ва сифатли қайта ишлаш даражасининг оширилишини таъминлайдиган янги технологияларни жорий этиш;

- энергиядан фойдаланишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш қоидаларини такомиллаштириш, ҳамма жойда ўлчов асбоблари ўрнатилишини қаттиқ назоратга олиш, энергия сарфлайдиган асбобларнинг жаҳон стандартлари бўйича энергия сарфи меъёрларига мос келишини мажбурий сертификация қилиш;

- энергияни тежаш бўйича иқтисодий рағбатлантириш, бунда молиявий-иқтисодий, солиқ воситалари ва механизмлари тизимидан кенг фойдаланиш;
- анъанавий бўлмаган, муқобил энергия манбалариникинг кўллаш.

Республика ҳукуматининг электр станциялар ва тармоқларини Техник қайта жихозлаш ва реконструкциялаш яқин ва ўртача қисқа даврлардаги бош стратегик масаласидир. Хозирги вақтда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш жараёни, уни тежаш, шунингдек химоя электр ускуналарининг мустахкамлаштириш энергетик тизимларининг энг актуал вазифаларидан биридир.

Электр энергиясини узлуксиз таъминоти, шикастланган участкаларни ўчиришнинг мустахкамлиги, мавжуд химоя жихозларини такомиллаштириш, шу жумладан подстанциялардаги ерга улаш ва яшиндан сақлаш қурилмалари ишлаб чиқариш сифатини ривожлантирувчи ва оширувчи асосий шартлардан биридир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистан Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони Халқ сўзи -2017й феврал

2. “Электрическая часть станций и подстанций ” / Васильев А.А., Крючков И.П., Наяшкова Е.Ф. и др.-М.: Энергия. 1990.-608 с.

3. “Электротехнический справочник”: В 3 т. Т.3. 2 кн. Кн.1. Производство и распределение электрической энергии (Под общ.ред. профессоров МЭИ: И.Н.Орлова (гл.ред.) и др.) 7-е изд., испр. и доп.-М.: Энергоатомиздат, 1988.-880 С.:ИЛ.

### **ELEKTR TARMOQLAR KORXONASIDA ELEKTR ENERGIYANI XISOBGA OLISHNIIG NAZORAT QILISHDAGI AVTOMATLASHTIRILGAN TIZIMI.**

**S.N. Parpiyeva,  
J.B. Turjanova QSXET fakulteti 2-kurs talabasi, ТИҚХММИ**


#### **Annotatsiya**

Hozirgi kunda elektr energetika sohasida ko'pgina o'zgartirishlar, modernizatsiyalash, aniqrog'i energiya tejankorligining turli xildagi usullari qo'llanilmoqda, ulardan biri elektr energiyani hisobga olishdagi nazoratlashning avtomatlashtirilgan tizimidir. Agarda elektr energiyani hisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini to'liq sharoitda qo'llasa elektr energiyani 10-20% larda iqtisod qilishga erishish mumkin. elektr energiyani hisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini qo'llash tajribasi shuni ko'rsatdiki *elektr energiyani hisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini turli sohalarida qo'llash oqibatida energoresurslarni o'rtacha oyda 10-15% dan 25-30% larda iqtisod qilishga erishiladi.*

Endi hozirda mavjud elektr energiyani hisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimlari bilan tanishib chiqamiz.

Energiyani hisobga olishning hamma tizimlari o'z “Miya” qismiga ega bo'lib, ular ma'lumotlarni to'plash, saqlash, tasvirlash, qayta ishlash va uzatish vazifasi bilan IIS “Piramida” si 4 daraja: avtomatlashtirilgan ishchi joylari (ARM), informatsion hisoblash kompleksi (IVS), ma'lumotlarni uzatish tizimini boshqarishlar (USPS) dan tashkil topgan. ARMda boshqaruv, IVSda ma'lumotlarni to'plash markaz, ma'lumotlarni uzatish tizimini boshqarishlar esa energiya ob'ektlar bo'limlari bilan mujassam bog'langan. «Prosoft-Sistem» ochiq birlashtirilgan jamiyati «Energosfera» kompaniyasi, aniqlik darajasi yuqori bo'lgan elektr energiyani hisobga olishniig

nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini taklif etadi Har bir firma eng baland darajada o'zining ma'lumotlar to'plash qurilmasini tashkil etgan.



1-rasm. IIS "Piramida" sxemasi

Har bir o'zgaruvchan o'lchanayotgan ma'lumotlar davriy holatda matn ko'rinishida kompyuterning qattiq diskda saqlab qolinadi. Yozib olingan xar bir matn fayllari ketma-ketligida sana vaqti bilan tartiblanadi.


Elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini uchun boshqarish tizimi sifatida Microsoft Windows tizimi kompyuter darajasida qo'llaniladi. Umumiy holatda ushbu tizim elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tiziminining hamma talablarini qondiradi. Har bir tizim ma'lumotlarni to'playdi va uzatadi, qayta ishlaydi, saqlaydi, tasvirlaydi va nazoratlaydi. Ish hajmi bo'yicha tizimlarni barcha nozik farqlarini ko'rsatish mumkin; har birini o'z imkoniyatlari va kamchiliklari bor. Har bir tizimda ma'lumotlarni bog'lash darajasi va bu darajalar o'rtasidagi o'zaro ta'sirli tartiblari bo'yicha o'zing mantiqiga egadir. elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini ning quyidagi funksiyasi bo'yicha amalga oshirishni misol tariqasida ko'rib chiqamiz: hisobotni shakllantirish; yo'qotishlarni hisoblash; XML formatidagi hisobotni havola qilish. Hisobotlarni shakllantirishdagi asboblarni ko'rib chiqamiz. "Energosfera"ni moduli sifatida "Hisobotlar" va "Hisobotlar generatori" "Piramida" da – idoraga oid ishlar va asboblarni yaratish, elektr energiyani nazoratlash markazida elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini ni bir necha modulidan tashkil topgan standart hisobotlarni yaratishga ega bo'lamiz.

Barcha uch tizimlarda asosiy ma'lumotlarni havola qilish (bir sutkada 1 soat va 30 daqiqali, oylarda ulanish, guruhlar va boshqalar) uchun standart hisobotlar to'plamini solishtirish mavjud. Har bir tadbiiq etilayotan ob'ektlaridagi elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini larda o'zining axborotnomasi qo'llaniladi, aniqrog'i har biri o'zining hisobotlarini shakllantirish andozasiga ega bo'lishi kerak.

Elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini hisobga olish terminallari 2.-rasmda elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tiziminining SE-301 raqamli hisoblagichi orqali jihozlangan hisoblash terminalli. Hamma qurilmalar maxsus germetik qutiga maxkamlanadi. BI-9 va SE-301 raqamli



hisoblagichini kommutatsiyalash uchun bittali mis sim qo'llaniladi. Transformator punktiga (TP) o'rnatilgan terminal qutisi TP korpusiga o'rnatilib zaminlanadi.



2.-rasm. elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini hisobga olish terminalini ko'rinishi

Qoida bo'yicha amper yuklamasini raqamli hisoblagichga o'tqazuvchi har bir tok transformatorlari (TT (TT1, TT2, TT3)) har bir faza bo'yicha o'rnatiladi (3.4-rasm). Masalan, agar iste'molchi maksimal 300 A li iste'molga ega bo'lsa, TT - 300A/5A rusumini tanlash kerak, ya'ni TT-300 Agacha bo'lgan tok qiymatini 5 A ga aylantiradi. SHuning uchun TT lar yuklamaga nisbatan tanlanadi.

Ushbu sxemada BI-9 tajriba bloki ko'p qutbli ajratgichlardan tashkil topgan bo'lib, o'lchov asboblari, avtomatika qurilmalari himoyalash va zanjirlarda himoya relesi sifatida keng qo'llaniladi ..

TT lar har bir fazadagi tok miqdori elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimining terminaliga uzatiladi. Maxsus GSM antenna yordamida bazali mobil radiostansiyaga (BMRS) simsiz kanallar orqali ma'lumot uzatiladi. BMRS ga terminal dasturlab belgilangan vaqt ichida ma'lumotlarni uzatib turadi. BMRS to'plangan ma'lumotlarni Internet tarmog'idan elektr energiyani nazoratlash markazining (SKE)serveriga uzatadi. Bosh server kopyuteri yuqori tezlikda ishlovchi EVM hisoblanadi. Ushbu kopyuter o'z WEB saytiga egadir. Har bir iste'molchining abonent raqami orqali ma'lumotlar, ma'lumot bazasiga to'planadi. Ushbu ma'lumotlarni maxsus ishchilar avtomatlashtirilgan ish joyidan (ARM) olib qayta ishlashlari va qaydnoma ko'rinishida maxsus dasturlar orqali qog'ozga bosib chiqarishlari mumkin. Serverdan ARM kompyuterlariga lokal SWITCH modemi yordamida taqsimlanadi.

Ushbu sxemada ko'rinib turibdiki, xar bir iste'molchi abonent Internet tarmog'i orqali o'z hisob raqami yordamida hisoblagich ko'rsatgichini aniqlash mumkin. Shundayt qilib, elektr energiyani xisobga olishniig nazorat qilishdagi avtomatlashtirilgan tizimini telekommunikatsiya va kompyuter texnologiyalari yordamida boshqarish va nazoratlash hozirgi kunda katta muammoli masalalardan biri, iste'molchilar elektr energiya hisobini aniqlashda tuziladigan xujjatlar va ortiqcha nazorat vaqtlari qisqaradi va ishonchli usulda ma'lumot olinadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови . Тошкент, Ўзбекистон, 2017.-48 б
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. Газета. uz

3.Kartashev I. I., Tulskiy V. K., SHamonov R. G. i dr. Upravlenie kachestvom elektroenergii. - M.: Izdatelskiy dom MEI, 2006.

4.Nagornyy P. D. Aktualnost poverki izmeritelnykh transformatorov toka i napryajeniya, zadeystvovannykh v kommercheskomuchete elektricheskoy energii Normirovanie, analiz i snijeniepoter v elektricheskix setyax. Informatsionnyye materialy. - M.ENAS, 2002.

5.Sistemy: АСКУЭ учебное posobie/ A. N.Ojegov. – Kirov: Izd-vo VyatGU, 2006. – 102s.

#### **Foydalanilgan internet saytlari**

www.uzbekenergo.uz .

1. www.goldenpages.uz.

## **ВНЕДРЕНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНОГО УЧЕБНОГО КУРСА ПО «ИНЖЕНЕРНОЙ И КОМПЬЮТЕРНОЙ ГРАФИКЕ**

Х.А. Пулатова – Стар. Преп.. ТИИИМСХ

### **Аннотация**

Современная подготовка специалистов с высшим техническим образованием ставит новые задачи в преподавании графических дисциплин, а также выдвигает новые требования к конкурентоспособности выпускников на рынке труда.

**ключевые слова:** мультимедиа, менять методики, графика, 2D-чертежи и 3D-чертежи

В настоящее время в жизни современного общества возрождается значимость инженерного образования. Требования, предъявляемые сегодня к качеству профессиональной подготовки современного специалиста технического вуза, вынуждают пересмотреть структуру профессиональной подготовки инженерных кадров, в том числе и его геометро-графическую составляющую.

Технические вузы Узбекистане в настоящее время находятся на этапе перехода к системе обучения бакалавр-магистр. Отлаженная десятилетиями система подготовки инженерных кадров подвергается коренной реконструкции: в учебный процесс внедрены новые ГОСТЫ, учебные планы, дисциплины, учебные программы. Реализовать требования государственных стандартов по специальностям в рамках отведённых на изучения курса часов становится все сложнее и сложнее. Это заставляет преподавателей по-новому выстраивать учебный процесс, пересматривать содержание читаемых курсов, переделывать рабочие программы, календарные планы, менять методики преподавания, что требует больших временных затрат.

В свете изменения учебных планов с переориентацией учебного процесса преимущественно на самостоятельную работу студентов разработка дидактического комплекса является актуальной.

Образовательный процесс по графическим дисциплинам реализуется в различных видах учебной работы: лекциях, практических занятиях и самостоятельной работе студентов. Существуют определенные особенности использования современных мультимедиа технологий при проведении учебных занятий по графическим дисциплинам.

Лекции основная форма обучения студентов теоретическим основам курса начертательной геометрии сопровождаются объемными графическими построениями, сложны для зрительного восприятия студентов, поэтому выполнение чертежей на доске традиционным способом с помощью линейки, циркуля и мела является малоэффективным. Значительно облегчают подачу нового учебного материала современные мультимедийные технологии.

Структура разработанного мультимедийного учебного курса содержит:

*а) теоретические разделы;*

*б) практические разделы;*

- с) элементы учебных курсов, требующие наглядной визуализации;*
- д) элементы учебных курсов, требующие расширенной учебно-методической поддержки.*

Для каждого из перечисленных элементов были определены наиболее приемлемые и эффективные мультимедиа формы:

- а) мультимедиа лекция,*
- б) учебная презентация;*
- в) видеоролик, демонстрирующий способ решения задач и основные приёмы работы в графических программах;*
- г) интерактивные методические и учебные пособия;*
- д) электронные альбомы заданий и методические указания к их решению;*
- е) виртуальные практикумы или тренинг-задания, предназначенные для самостоятельного освоения приёмов работы в различных технических приложениях (AutoCAD, SolidWorks, КОМПАС и др.);*
- ж) наглядные пособия в виде электронных плакатов или 3d-моделей пространства, тел, пересекающихся поверхностей, деталей конструкций, сборочных единиц;*
- з) электронные справочники, позволяющие оперативно получить необходимую справочную информацию в компактной форме.*

Все разработанные мультимедийные учебные пособия содержат иллюстративный материал, отличающийся высокой степенью наглядности решения геометрических задач и пошаговой инструкцией для их решения.

ГОСТЫ, определяющие минимальные требования к уровню подготовки выпускников различных направлений и специальностей, ставят перед преподавателями вузов сложнейшую задачу сформировать необходимые компетенции в условиях максимально сжатых сроков. Таким образом, наибольшая доля учебных часов приходится на самостоятельную работу студентов, и задача преподавателя организовать эту работу наиболее эффективным образом.

Современная образовательная система предоставляет множество высокотехнологичных способов организации самостоятельной работы студентов. Это дистанционные учебные курсы, электронные текстовые видео- и аудиолекции, онлайн и офлайн системы тестирования.

Учебную ценность подобных материалов в решающей степени определяют соответствие их содержания программам конкретных дисциплин, наличие точек доступа и качество учебных ресурсов.

Создание и развитие высококачественной методической базы, отвечающей учебным планам и рабочим программам дисциплин, представляет собой сложную, трудоёмкую задачу. Для её решения педагог должен обладать целым комплексом специфических компетенций: умением использовать специальное программное обеспечение, предназначенное для записи аудио и видео файлов, и их обработки; умением создавать веб ресурсы, размещать их в сети и организовывать доступ к ним; умением использовать средства создания презентаций, гипертекстов и пр. Приобретение таких навыков требует значительных временных затрат, а потребность в подобных ресурсах есть уже сейчас.

Современная подготовка специалистов с высшим техническим образованием ставит новые задачи в преподавании графических дисциплин, а также выдвигает новые требования к конкурентности выпускников на рынке труда. К таким требованиям относится не только теоретическое знание инженерных дисциплин и его практическое использование, но и владение некоторыми графическими компьютерными программами.

В качестве графических редакторов для изучения начертательной геометрии, инженерной, компьютерной и машинной графики на кафедре «Инженерная графика и методики его преподавания» ТГПУ были выбраны AutoCAD отличительной чертой современной графической подготовки является использование твердотельного моделирования. К преимуществам технологии трехмерного моделирования относятся:

✓ *улучшенное зрительное восприятие (трехмерная модель для конструктора более удобна при воспроизведении замысла);*

✓ *автоматизация чертежей (одним из главных преимуществ программ трехмерного моделирования является их способность быстро создавать точные 2D-чертежи из твердотельной модели), возможность изменения чертежей.*

Преподавание графических дисциплин с использованием современных информационных технологий существенно повышает качество инженерного образования и формирует профессионально значимые качества у будущих специалистов.

Разработка мультимедийного учебного курса в настоящее время является актуальным направлением в развитии информационных технологий, направленных на помощь преподавателю и студенту в образовательном процессе.

## **ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ТЕХНИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИШ.**

**А.Т.Санбетова ассистент, Н.Рахимова талаба ТИҚХММИ**

### ***Аннотация***

Ушбу мақолада педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда техника фанларини ўқитишда турли методлари баён қилинган ва бугунги кун талабаёшларининг дарсга бўлган эътиборини оширишнинг турли усуллари ҳақида фикр юритилган.

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурлиги шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки анъанавий ўқитиш турлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, куруқ сўзлар ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига “Ахборотли ўқитиш” таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда.

Бундан ташқари илм-фан, техника тарақиёти жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларни кескин ошиб бориши, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳозирги давр ўқитувчисидан илмий салоҳият, малака ва юқори даражада педагогик маҳоратни талаб қилмоқда.

Ўзбекистан Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиш буйича Харакатлар стратегиясига кура электр энергетикаси соҳасида бир қанча долзарб муаммоларни ечиш талаб этилади.

Хукуматимиз томонидан энергетиклар олдига мустаҳкам (ишончли) ва энергия тежамли булган электрусуналардан фойдаланиш ва электр энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш ҳамда тақсимлашда энергия ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда технологик сарфларни кескин камайтиришга эришиш вазифаси куйилган.

“Ўзбекэнерго” АЖ “Ўзэлектртармок” УК томонидан юқорида курсатиб утилган вазифаларга кура битирув ишларида куйидаги муаммо ва мавзуларни ёритиш буйича тадқиқот олиб боришлари тавсия этилади:

Мавжуд подстанцияларда уз истеъмоли учун кайта тикланувчи энергия манбалардан фойдаланиш;

Бугунги кунда анъанавий таълимни замонавийлаштириш йўлида биргина технологияга асосланган ўқитиш учрамайди. Одатда, ўқитишда бир неча технологияларнинг элементлари бирданига қўлланилади, чунки педагогик технология – бу ўқув жараёнини тўлиқлигича эгалловчи лойиҳа, яхлитлилик, натижа, яъни ўқув жараёнини инсон ва техника имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсад, натижага йўналтирилган жараён дир.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит педагогик жараён бўлиб, ўқувчининг эҳтиёжидан ва техник имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Бу усуллар анъанавий усуллардан фарқли равишда талабаларнинг нафақат ўқитувчи билан, шунингдек ўзаро фаолиятини кенгайтириш ва таълим олиш жараёнида талабанинг фаоллик даражасини ошириш имконини беради.

Ўқитувчи интерфаол машғулотларда талабаларни қўйилган мақсадларга эришиш сари йўналтиради. Таълимнинг интерфаол шакллари асосий вазифалари қуйидагилардан иборат

- таълим оловчиларда қизиқишни ўйғотиш;
- ўқув материалларини самарали ўзлаштириш;
- қўйилган масаланинг ечимини топиш учун талабаларнинг мустақил равишда изланишини ташкил этиш;
- гуруҳларда (командада) ишлашга ўргатиш;
- талабаларда касбий ва ҳаётий кўникмаларни шакллантириш;
- талабанинг мазкур масала бўйича компетентлигини юзага келтириш.

Ўқитувчида дарсга тайёрланиш жараёнида эришилиши зарур бўлган натижаларга боғлиқ равишда интерфаол усуллардан бир нечтасини қўллаш зарурияти тўғилади. Техника йўналишидаги фанларда бундай усуллардан кейс-стади технологияси, лойиҳа усули ва вазиятли таҳлилни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Кейс-стади технологияси реал вазиятни таҳлил қилиш имконини беради, талаба бу жараёнда амалий муаммони ечиш давомида фақат шу соҳадаги билимлар етарли эмаслигини, бошқа фанлардан олинган билимлар интеграцияси зарурлигини тушуниб етади. Бу усулни қўллашда жараёнгача олинмаган баъзи бир зарур билимлар жараён давомида, реал муаммони ҳал қилиш пайтида талаба томонидан ўзлаштирилади, шу сабабли бу билимлармустаҳкамроқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам амалий дарсларида ўқитувчи масаланинг назариясини, умумий йўналишини, анъанавий амалий машғулотларда бирон бир масаланинг ечимини умумий тарзда намойиш қилиб, талабаларга ўйга вазифалар беради. Бунда талаба фақат кузатувчи бўлиб қатнашади, жараённинг тўлақонли иштирокчиси сифатида фаолият юритмайди, натижада ўйга берилган вазифани бажариб келиш сифати ва даражаси анча паст бўлади.

“Қайта тикланувчи энергия манбалари” фани “Электр энергетика(сув хужалиги )” олий таълим йўналишининг мутахассислик фанларидан бири ҳисобланади. Бу фанни ўқитиш жараёнида мазмун жиҳатдан мураккаб, ҳажми катта амалий топшириқларни бажаришда лойиҳа усулидан фойдаланилмоқда ва бу усул ўзини ижобий натижалари билан самарали эканлигини намоеён қилмоқда. Кичик ҳажмдаги унча мураккаб бўлмаган техник масалаларни ечишда кўпроқ кейс-стади технологиясига мурожаат қилмоқдамиз.

Масалан, “Қайта тикланувчи энергия манбалари” фанининг амалий машғулотларида Шамол электр қурилмаларидан энергия олишни ҳисоблашдаги муаммоларини ечишда кейс-стади технологияси қўлланилмоқда.

Бу жараёнда талабалар 5 – 6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади, ҳар бир гуруҳларга топшириқлар берилади. Масалан, 1 – гуруҳга “ Шамол электр қурилмаларидан энергия олиш (хар хил тезлиги берилади шамолнинг)” мавзуси бўлса, 2 – гуруҳга мазкур “ Шамол электр қурилмаларидан энергия олиш (хар хил тезлиги берилади шамолнинг)” масалалари бўйича мавзулар берилади.

Топшириқни бажаришда талабалар кичик тадқиқот ёки конструкторлик гуруҳларидагидек мулоқотда бўлишади, билмаганларини бир-бирларидан сўрашади, меъёрий техник ҳужжатлар, қўлланмалар ва адабиётларга мурожаат қилишади. Бу ҳолат уларда ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиради, бошқаларнинг фикрини эшитиш, юзага

келган кичик саволларни ечиш, умумий хулосани ишлаб чиқишни ўрганишга имкон беради.

Ўқитувчи бу жараёни бошқаради, гуруҳлар ишини ташкиллаштиради, маслаҳатлар беради, топшириқни бажариш тартиби ва вақтини назорат қилади, ишларни баҳололайди.

Кейс-стадидаги асосий муаммо қуйидагича шарҳланади.

Хар бир гуруҳга шамолнинг тезлиги бўйича хар вилоят кесмида Шамол электр станциясини қуриш масаласи қўйилади ва талабалар шамоллар атласни тузиб ШЭС(шамол электр станцияси) учун жой тайёрлаб, қувватларини аниқлаб истеъмолчиларнинг юктамаларини ҳисоблаб ШЭСни қуради иқтисодий қисмларини ҳам ҳисоблайди.

Машғулотни ўтқизиш жараёнида ўқитувчининг бажарадиган ишлари қуйидагилардан иборат.

- кейс - стади мазмуни билан талабаларни таништириш.
- кейс-стади мазмуни билан талабаларнинг яккатартиб танишишини ташкил қилиш.
- кейс-стадининг ечимини топиш бўйича хар бирида 5 та талаба бўлган 4 та гуруҳни тузиш ва муҳокамаларни ташкил этиш.
- Натижалар тақдироти ва муҳокамасини ўтқизиш.
- якуний хулоса чиқариш, эришилган натижаларга кўра талабалар фаолиятини баҳолаш.

Машғулот давомида талабанинг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади.

- кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради;
- муаммони ечишдан азарий билимларини қўллайдиган бўлади;
- муаммонинг ечими бўйича таклифлар тайёрлайди;
- якуний мантиқий хулосалар чиқаради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, кейс-стади технологияси шубҳасиз талабаларнинг кичик ҳажмдаги унча мураккаб бўлмаган техник масалаларни мустақил ечишда ўзининг ва жамоанинг билимларидан фойдаланиш, жамоада ишлашни яхшилаш билан хулоса қилиш имконини беради. Шу билан бир қаторда мазкур инновацион технология ўқитувчига педагогик фаолиятдаги йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, таълим жараёнини такомиллаштириш учун имкониятлар очиб беради.

### Адабиётлар

1. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010 й..
2. Метод кейсов // Википедия [Электронный ресурс]. – Режим доступа [https://ru.wikipedia.org/wiki/Метод\\_кейсов](https://ru.wikipedia.org/wiki/Метод_кейсов).

### ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Сувонова Л. С., ТИҚХММИ

Муаммо. Ўз фанига бўлган муҳаббат ва қизиқиш, хар бир ўқитувчининг хоҳишидир. Лекин физика фанини ўқитишга ажратилган ўқув соатларини қисқариши билан биз ўқитувчилар маълум бир қийинчиликларга дуч келдик. Бугунги кунда ўқитувчи физика фанидан билимга бой бўлмасда, машғулотни анъанавий усулда олиб бориши мумкин. Замонавий машғулотнинг мақсади эса, талабаларга фани ўргатишда ва тушунтиришда янги ёндошиш, зарурий маълумотлар келтириш, уларни тушунувчанлик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиш ҳисобланади. Фан бўйича ўқув материални яхши ўзлаштириш, талабаларни ўқув фаолиятини фаоллаштириш, ўқув материални қабул қилиш учун руҳий ҳолатини эмоционал кўтариш,

амалий йўналувчанлик даражасини кўтариш, талабаларни ақлий қобилиятларини ривожлантириш ва ишлатиш, машғулотларда ўқитишнинг инновацион методларини қўллаш имконини беради.

Муаммо сабаблари. «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асосини яратиш кўзда тутилган.

Ана шундай шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифани бажариш учун таълим ва тарбияни, замонавий билимларни чуқур эгаллаш талаб этилади. Бошқа фанлар билан бир қаторда физика фани ўқитувчисининг зиммасида талабалар дунёқарашларини шакллантириш, бизни ўраб турган табиат ҳодисаларини тўғри тушунтириб бериш, рўй бераётган ҳар бир физик жараёни илмий нуқтаи назардан, шу билан бирга методик жиҳатдан тўғри етказиб ва тушунтира билиш каби вазифалар юклатилади. Юқоридаги вазифаларни тўғри талқин қилиб, талабаларга равон тушунтира олиш ҳам катта маҳорат талаб қилади. Инновацион таълим технологияларидан фойдаланилганда педагог ва талабалар ўртасида ўзаро муносабатнинг юқори даражаси кузатилади. Бундай ўзаро муносабат одатда у ёки бу муаммони қандай ҳал қилиш ва таклиф этилган ечимни қанчалик мақбуллигини муҳокама қилиш шаклида юз беради.

Талабалар узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, рухий муносабатларини ўзлаштириши, шунингдек, бошқаларда ҳам инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши муҳим.

Инновацион таълим технологияларининг мақсади фақат билим бериш билан чекланиб қолган эмас, балки физика ўқитувчисини берилган топшириқларга жавобини мустақил топиш малакаларига одатлантириш билан боғлиқдир. Бу технологиялар масалалар ва ўзаро муносабат турларини кенг ҳажмини қамраб олади, ҳамда педагогларнинг асосий билим бериш манбаи ҳисобланади. Шу тариқа инновацион таълим технологиялари, интеллектуал мустақиллик ва барча талабалар учун зарур бўлган малакаларни акс эттирувчи билим бериш маҳоратини ривожлантиради. Улар билимдон, инновацион таълим технологияларни пухта эгаллаган ва уларни физика машғулотлари жараёнига ва келажакда ўз иш фаолиятида қўллай оладиган даражада бўлишлари керак. Ўқитувчи кўмагида талабалар ўрганган инновацион технологиялар элементлари ёрдамида физика фанини турли бўлимларини ўрганиши, кўникмаларга эга бўлиши, касбий йўналишга боғлаган ҳолда маҳорати ва тажрибаларини ошириши учун қуйидаги талабларни:

- физика машғулотларда ўқув материалларини ўзлаштириш режаси ва конспектларини ўзлари ўқийдиган йўналишлари доирасида турли хил шаклларда тузишни ўрганиш;

- инновацион таълим технологиялари тамойиллари асосида машғулот ёндошувли танлаш ва шу йўналишда билим беришни талаб этиш;

- олдиндан амалий машғулотлар мавзулари бўйича зарурий ва замонавий тарқатма материаллар билан таъминланганликни билиши;

- электрон ва мультимедиа дарсликлардан фойдаланишни билиши;

- ўз - ўзини баҳолаш учун шароит яратиш;

- ўз билимини таянч сўз ва иборалар асосида баҳолашни билиши;

- кичик гуруҳларда, мустақил ишлашни ўрганиши;

- мустақил ишлашни илмий - услубий жиҳатдан ташкил қилишни билиши;

- ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ўрганиши;

- амалий машғулотларини баҳс – мунозара ва кейс стади шаклида олиб бориш, танқидий фикрлашини ривожлантирувчи уч даражали тест вариантларини тузиш, амалий машғулот саволларига жавоблар, таҳлилий ёндашув асосида кейс ва эссе ёзиш кабиларни билиши;



- аниқ белгиланган ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган машғулотлар таркибини аниқлашни билиши;

- ижодий тафаккурни ривожлантирувчи, ахборот ва маълумотларни кенгайтириш, матн билан ишлаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, таққосланадиган иккиламчи маълумотларни универсал график ташкил этувчиси, ижобий ўзаро боғлиқлик, индивидуал ҳисобот, шахслараро муомала кўникмаларини ўстирувчи технологиялар кабилардан фойдаланишни билиши бажариш лозим.

Физика ўқитувчиси юқоридаги талаблар ҳамда инновацион таълим технологиялар асосида машғулотларни ташкил этишга ўрганса, унда талабаларни бу фаолиятга бўлган фаоллиги ошади, фикрлаши, ижодий тафаккури кучаяди, методик тайёргарлиги шаклланади, муаммолар эчимининг энг мақбулини танлаш фаолияти мустаҳкамланади, айниқса билим олишга бўлган интилиши янада ошади.

Инновацион технологиялар шароитида физика фани ўқитувчисининг методик ва руҳий тайёргарлигини шакллантириш технологиялари элементларидан намуна келтирамиз.

“Кластер” тузиш учун намуна ва “Калит сўзи”:





Қандай?

Шундай қилиб, физика фанидан лаборатория ва амалий машғулотларининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан унинг серқирра, кенг қамровли, мазмун ва шаклига кўра турли хилда намоён бўлиб, моҳиятига кўра машғулотнинг асосий мазмунини ўзлаштиришга, ўз олдида қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларга тизимига боғлиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент., 2006.  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2006.
2. Каримов.И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент., Шарқ нашриёти-матбаа консерни 1997.
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар ( назария ва амалиёт).- Тошкент., Молия нашриёти 2003.

## **ИЧИМЛИК СУВЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ**

**Узганбоева М.Ш. Нурматова С. 207 гуруҳ талабалари**

### *Аннотация*

*Аҳолига бериладиган ичимлик суви юқори микробиологик сифатга эга бўлиши керак ва патоген микробларга эга бўлмаслиги керак. Шунинг учун сув қувурларидаги ишлатиладиган сув тозалаш ҳар қандай системанинг технологик жараённинг охирида сувни зарарсизлантириш кўзда тутилади.*

Бунда танланган сувни зарарсизлантириш методи ҳар хил микроорганизмлар билан ифлосланган. Олинган дастлабки сувнинг сифатини Ўзбекистон Республикаси «Санитария қоидалари ва нормалари» (Сан ПиН РУз) талабларига тўғри келадиган даражасига етказиш учун етарли даражада эффектив бўлиши керак. [1].

Шуни эсда тутиш керакки, сувни зарарсизлантириш эффектига сувнинг шундай хусусиятлари лойқалиги (тиниклиги) ранглиги, органик бирикмаларнинг таркиби, микроб ифлосланишнинг тури ва унинг интенсивлиги ва ҳар хил санитар - техник, ва технологик аспектлар қаттиқ таъсир этиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир вақтда ичимлик сувни зарарсизлантириш методи тўғри танланиши зарур.

Мавжуд зарарсизлантириш усулларни катта гуруҳларга бирлаштириш мумкин:

Биологик, кимёвий ва физик. Булардан бир қисми Ўзбекистондаги ичимлик сувларни зарарсизлантириш амалиётида қўлланмоқда. Сув тайёрлаш амалиёти шуни кўрсатадики кўпгина жаҳон мамлакатларида сувни зарарсизлантиришнинг энг тарқалган методи хлорлаш бўлади.

Хлор билан зарарсизлантириш. Шунда ҳозирги замон техникаси сувни газсимон хлор ёки актив хлори бор моддалар: хлорли оҳак, хлораминлар, хлор икки оксиди ва бошқалар билан хлорлашга имкон беради. Умумий кўринишида хлорнинг

зарарсизлантириш таъсири механизми бактерия қафасининг сувни дизенфекция қилиш жараёнида модда алмаштириши бузилиши билан боғлиқ бўлиб, у (хлор) бактериянинг фермент активлигига таъсир этади. [2].

Микробларга хлор таъсирининг самараси кўп даражада хлорнинг бошланғич миқдорига, унинг сувда сақланиш давомийлигига ва сувнинг рН га боғлиқ бўлади. Келиб чиқиши органик ва ноорганик аралашмаларни оксидлаш учун хлор сарфланади. Системанинг рН миқдори қанча кам бўлса, унда шунча хлорват кислота миқдори кўп бўлади. Бу ўзининг оксидлаш тиклаш потенциалининг баландлигига кўра сувнинг зарарсизлантириш жараёни таъминлаб беради. Хлор миқдорни аниқлашда сувнинг хлор ютиш қобилятидан ва бактерицид самарасини таъминловчи бироз ортиқча хлор миқдоридан белгиланади. [3].

Хлор билан зарарсизлантирганда сувнинг органик аралашмалари бузилади, масалан гумин моддалар  $\text{CO}_2$  гача минераллаштирилади, турғун сиспензиялар ҳимояловчи каллоидлар бузилишига кўра турғунсиз (суспензия) ларга айланади.

Сувда эриш натижасида хлор икки кислотани тузли ва хлорноватистли (гипохлоритлар) ҳосил қилади:



Шуни ҳисобга олганда зарарсизлантириш учун хлор миқдори шундай ҳисоб билан белгиланадики, сувда хлорнинг қолдиқ (эркин) миқдори 0,3 дан кам ва 0,5 мг/л дан кўп бўлмаслиги керак. Таъсири 30 дақиқадан кам бўлмаганда. Бу усулнинг камчилиги: хлорни сақлашга ва юк ортишига хлораторлар қуришга катта ҳаражатлар кераклиги: натрий гипохлоритини олиш усули энергияни кўп сарф этилиши билан фарқланади; хлор сувда зарар келтирувчи «диоксин» канцерогон бирикмаларни ташкил этади, булар эса истеъмолчилар соғлиғига манфий таъсир этиши мумкин.

Озон билан зарарсизлантириш. Ичиш сувини тайёрлашда озонни ишлатишга қизиқиш шу билан тушунтираладики; у кучли оксидлантирувчи бўлиб, микроорганизмлар протоплазмасига ва оксидлаш-тиклаш жараёнларга таъсир қилиб нафақат бактерияларни вирусларни ҳам ўлдириши мумкин. Бундан ташқари озон ичимлик сувни рангсизлантиради ва унинг органолептик хусусиятларини яхшилади. Бунда сувга ҳеч қандай қўшимча тортилган моддалар ва химик бирикмалар киритилмайди. Озонатор станцияларни қуриш ва ишлатишга сарфларни ҳисобга олмаганда 1 кг озон синтези учун 20 дан 24 квт/с гача электр энергия талаб қилинади.

Чоп этилган ишларнинг катта миқдори озонлаштириш методининг самарасини баҳолашга бағишланган. [3]. Хар хил турдаги микроорганизмларга озоннинг оксидловчи таъсири, сувдаги органик аралашмалар роли, рН катталиклар ва ҳароратлар озонлаштиришни бошқа методлар билан биргаликдаги ишлатиш жараёнининг самарасининг кўтарилиши, аппаратлар ва қурилмаларнинг такомиллаштиришига йўллари ишлаб чиқилган.

Адабиёт манбаларидан кўринадики, сувни зарарсизлантиришда озонлаштириш жараёнининг самараси бошқа методлар билан биргаликда қўллаганда кескин камаяди. Озонлаштиришни ультрафиолет нурлантириш билан бирга боғланган равишда тавсия этилади, шундай бирлашган қурилмалар ишлатилиши Япония, ФРГ, Франция мамлакатлардаги сув қувурлар станцияларда ўрин топган. Бу методнинг қўллаши сув рангини қўшимча 20-35% пасайишни 1 л сувдаги УМС (Умумий микроблар сони) пасайишини ва коли – индесни нолгача камайишини таъминлади. Активлашган кўмир ва

озонлаштириш билан сувга комбинлаштирилган ишлов бериш мусбат бахоланади. Бир қатор ишларда кўрсатилганки, озоннинг бактерияларга, вирусларга, спораларга ва қисмларга нисбатан зарарсизлантиришнинг самарали таъсирига унинг сувдаги қолдиқ миқдорини 4 дақиқа давомида 0,4 мг/л дан кам бўлмаганда етиш мумкин.

Ультрафиолет нурлантириш. Зарарсизлантиришнинг бу методини қўллаш ультрафиолет (УФ) нурларининг микроб қафасларининг фермент протоплазмасига ва белок каллоидларига тўғридан-тўғри ўлдириш таъсирига асосланган. Ультрафиолет нурланиш нафақат оддий бактериялар балки организмлар спорасига ва вирусларга таъсир қилади.

Узунлиги 200-330 нм (2000-3300л°) тўлқинлар соҳаси биологик актив бўлади, шу билан бирга ҳар хил узунликдаги тўлқинлар нурланиш энергиясининг бактерицид самараси ҳар хил бўлади. Узунлиги 245-257 нм нурлар соҳасига бактерицид таъсирининг максимуми тўғри келади.

Кўпгина хорижий мамлакатларида Ультрафиолет нурлантириш методига катта баҳо берилади. Бу методининг афзаллиги сифатида унинг экологик хавфсизлиги, юқори самарадорлиги ва сув сифатини ишончли фотометрик назорат қилиш мумкинлиги кўрсатилади. Паст босимдаги симоб лампалар ишлаш самарадорлиги ва захарли зарарсизлантириш натижаларининг йўқлиги кўрсатиб ўтилади. Ультрафиолет нурлари билан зарарсизлантириш қурилмалари ихчам, ишлатишда нисбатан содда ва енгилгина автоматлаштирилиши мумкин.

Ультрафиолет нурланишнинг зарарсизлантириш механизмининг таъсирини ҳисобга олиб, уларни ер ости ва дарё ости уларда темир миқдори 0,3мг/л дан катта бўлмаган, ранглиги-20% дан катта бўлмаган, тиниқлиги 3 см дан катта бўлмаган, коли-индексли 1000 дан ошмаган сувларни зарарсизлантиришга қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ультрафиолет зарарсизлантириш усулнинг камчилиги: юпқа қатламда сувни нурлантиришни бажариш керак, бу эса қурилманинг унумдорлигини пасайтиради

Ичимлик сувини зарарсизлантириш методларининг солиштирма баҳоси.

1-жадвал

Кўрсаткичлар	УФ нур-ш	хлорлаш	озонлаштириш
Контакт вақти	1-1сек	30-50 сек	10-20 сек
Контакт резервуарлари	Керак эмас	Керак	Керак
Хизмат кўрсатиш	Минимал	Ўртача	Мураккаб
Техникавий таъминлаш	Оддий	Ўртача	Мураккаб
Зарарсизлантириш жараёнига таъсири	Анчагина	Юқори	Юқори
Ўлчанган моддалар миқдорининг пасайиши	Кўп эмас	Анча кўп	Анча кўп
Ҳарорат ўзгариши	Йўқ	Анча кўп	Кўп эмас
рН ўзгариши	Йўқ	Анча кўп	Кўп эмас

Кейинги харакатлар (колдик концентрацияси)	Йўқ	Бор	Унчалик эмас
Оргонолептик кўрсаткичларга таъсири	Йўқ	Бор	Бор
Коррозия таъсири	Йўқ	Бор	Бор
Захарлиги	Йўқ	Бор	Бор
Бахоси	Паст	Паст	Баланд

Ушбу усулнинг иқтисодлигини ва керакли самарасини олиш учун ишлов берилаётган сувнинг коли – индекси 1000 дан кўп бўлмаслиги керак. Бунинг учун кўшимча бошқа усуллар билан сувга бирламчи ишлов бериши керак бўлади. [1].

Сувда спор формалари ва вируслар комбинацияланган ишлов беришда 96-99% га ўлган, хлор билан ишлов беришда эса самарадорлигини 75 % дан ошмас эди.

Зарарсизлантириш самараси жуда хам тез 30-60С° бўлар эди, бундан контакт резервуарлари керак бўлмай қолади. Бунинг хаммаси келажакда комбинацияланган методларни зарарсизлантиришнинг хлорлаш ва бошқа методларга реал альтернатив бўлади. Ҳозирги вақтда комбинациялашган методлар лаборатория тадқиқотлар чегарасидан чиқмаган.

Ичимлик сувларга ишлов бериш усуллари келтирилган. Улардан энг кўп қўлланиладиган хлорлаш, ультрабинафша нурлари билан ишлов бериш ва озонлаштириш усулларининг афзалликлари ва камчилиги келтирилган. Кўпчилик ривожланган давлатларда электр озонлаш усули кенг тарқалган. Чунки у бир нечта афзалликларга эга: бу зарарсизлантириш, сувни ҳидини йўқотиш ва рангсизлантириш. Ўтқазилган назарий тадқиқотлардан бажариладиган ишнинг мақсади қўйилди ва вазифалари аниқланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Гигиенические и санитарно – технические требования к источникам централизованного хозяйственно – питьевого водоснабжения. Правила выбора. СанПинН РУз №0025-94, - Т.:1994 – 7с
2. Зарубин Г. П, Новиков Ю.В. Современные методы очистки и обеззараживания питьевой воды. – М. Медицина 1976 – 94 с
3. Клячко В.А., Апельцин Э.И. Очистка природных вод. – М.: Стройиздат, 1971 – 302 с

### **ГЕНДЕР: НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ**

**Ўразалиева Г. Б . доценти в.б, Чориева З. Қ.- магистр. ТИҚХММИ**

#### ***Аннотация:***

Ушбу мақолада гендер назариясининг айрим масалалари социологик нуқтаи назардан тадқиқ этилади. Жумладан гендер категориясининг моҳияти, мазмуни ва тақибий қисмлари ҳамда ривожланиш босқичлари тахлил этилади.

Инсон табиатида моддий манфаатларни қондиришга бўлган эҳтиёж, моддий аҳволини яхшилаш, сифатли овқатланиш, бежирим кийиниш, тўқ ва фаровон яшашга интилиш хисси ривожланган. Ақл-заковат ёрдамида қилинган бу онгли меҳнат туфайли

одам меҳнат қуролларини такомиллаштирди, кўплаб моддий бойликларга, бехисоб тирикчилик воситаларига эга бўлди. Жамият мавжуд имкониятларини меҳнатни ташкил этишга қаратди ва бу соҳада оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Социологларнинг тадқиқотига кўра, одам илк яшаш даврида атиги 10 та буюмга эҳтиёж сезган бўлса, бу кўрсаткич бизнинг асримизга келиб 24 миллионга етди. Инсоният ўз ҳаётининг моддий-иқтисодий томонини тубдан ўзгартириб юборди. Булар эркак ва аёлнинг оиладаги тенг меҳнати натижасида бунёд бўлганлиги барчага маълум.

Президент Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади<sup>52</sup>. Ушбу нуктаи-назардан, гендер муносабатларини ўрганиш ва унинг оилавий муносабатларнинг шаклланишидаги илмий, маънавий-ахлокий асосларини жамият аъзолари онгига сингдириш ижтимоий фанлар олдидаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Гендер (gender) – ижтимоий жинс деган маънони англатади. Инглиз тилида гендер (gender) – ижтимоий жинс ва биологик жинс тушунчалари бир-биридан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гендер тушунчаси феминизмнинг назарий ривожланиши жараёнида, кейинчалик эса бевосита гендер тадқиқотлари доирасида шаклланди.

Инсоният ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеи ҳам жамиятнинг оила муносабатларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади. Оила муносабатлари ижтимоий ҳаётни белгилашда жуда муҳим аҳамиятга эга, деб қарайдиган халқлар орасида аёлнинг мавқеи бирмунча юқори туради. Шунинг учун ҳам кишилиқ жамиятининг илк даврида, яъни она уруғи хукмронлик қилган даврда аёлларнинг мавқеи жуда юқори бўлган ва у жамият тараққиётида белгиловчи аҳамият касб этган.

Кейинчалик оила хўжалигини юритиш ўзининг ижтимоий характерини йўқотгач, аёлларнинг ижтимоий мавқеига ҳам путур етди. Жамият иқтисодий жиҳатдан янада юксалди, лекин аёлнинг обрў-эътибори кўтарилмади.

Демак, ижтимоий ишлаб чиқаришда аёлнинг ўрни жамиятнинг оила тараққиётига бўлган муносабати билан белгиланади.

Одамзотнинг ўз зурриёдини дунёга келтириши ва вояга етказиши ўзига хос мураккаб жараён. Бу кўпроқ аёлга боғлиқ бўлиб, бу вазифани бажаришда турли психоэмоционал кечинмалар каби мураккабликларни вужудга келтиради.

Аёлларнинг вазифаси бу билангина чекланмайди. Улар қуйидаги уч: **репродуктив, продуктив ва ижтимоий** вазифани бажаришади. Эркаклар эса, одатда, продуктив ва ижтимоий сиёсий фаолият билан шуғулланишади. **Репродуктив** вазифа – бола туғиш ва уй хўжалигини юритиш ишчи кучини тиклаш ва қўллаб-қувватдаш учун зарурдир. **Продуктив** вазифа – эркак ва аёллар томонидан моддий бойлик яратиш учун бажариладиган иш. **Ижтимоий вазифа** – одамларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқ, таълим, тарбия каби жамоат ишларида амалга оширадиган фаолиятидир. Бу хизмат хақи тўланмайдиган, ихтиёрий равишда, бўш вақтда бажариладиган меҳнат фаолиятидир. **Ижтимоий-сиёсий** вазифа – кўпинча эркаклар томонидан жамият ёки расмий сиёсий даражада, миллий сиёсат доирасида бажариладиган фаолиятдир.

Репродуктив фаолият бутун инсоният тарихи давомида асосан аёллар томонидан ҳақ тўланмайдиган меҳнат сифатида бажариб келинган. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, саноати ривожланган мамлакатларда эркаклар ўзларининг умумий иш вақтининг 70 фоизини, ривожланаётган мамлакатларда эса унинг тўртдан уч қисмидан кўпроғини ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятига сарфлайдилар. Аёллар эса эркаклардан

---

<sup>52</sup> См.: Мирзиёев, Шавкат Мирмонович. [Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса / Ш.М. Мирзиёев. – Ташкент: Ўзбекистон, 2016. - 56 с.](#)

фарқли ўлароқ, ўз вақтининг тўртдан уч қисмини ҳақ тўланмайдиган ва фақат тўртдан бир қисмини ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятига сарф қиладилар.<sup>53</sup> Шу боис эркаклар даромаднинг энг катта қисмини оладилар ва ўзларининг иктисодиётга қўшаётган улушлари учун жамият томонидан эътироф этиладилар. Аёллар меҳнатининг репродуктив қисми эса жамият томонидан етарли даражада эътироф этилмасдан ва баҳоланмасдан қолмоқда. Бундай ҳолат аёл билан эркак ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар ва урф-одатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, жинсий тафовутларнинг ҳам ўзига хос, умумий сабабий боғланишлари (детерминантлари) мавжуд бўлиб, булар таъсирида эркакларга хос бўлган кучлилик, мустақиллик, фаоллик, тажовузкорлик, рационаллик, шахсий муваффақиятга интилиш каби, аёлларда эса заифлик, тобелик, сусткашлик, мулойимлик, хиссиётга мойиллик, бошқалар ёрдамига муҳтожлик, таъсирчанлик ва бошқа характер хусусиятлари таркиб топади.<sup>54</sup>

Эркаклар билан аёллар ўртасидаги бундай зиддиятли тафовутларга қарамай, жинслар бир-бирига нисбатан доимий маънавий-рухий эҳтиёж сезадилар. Инсон табиатан жинсларга ажратилган бўлса-да, рухан умумий яхлитликка интилади. Табиатан эркак ва аёл рухий томондан бир-бирларини тўлдирадилар, бир-бирларидан рухий ва маънавий куч-қувват оладилар. Шу тарзда инсон мукаммаллашиб, маънавий юксалиб боради. Рухий бегоналашув эса жинсларнинг орасига ихтилоф солиб, маънавий қашшоқлик ва рухий ғариблик сари етаклайди.

Хозирги даврга келиб фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва социологик қарашларда эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳамда хотин-қизлар масаласига янгича ёндашиш пайдо бўлди. Жумладан, жинсларнинг ижтимоийлашуви жараёни ҳокимият, зўравонлик, шахснинг ўзини ўзи англаши, эркинлиги ва бошқа соҳаларда индивиднинг ижтимоий роллари муаммолари сифатида ойдинлаштирилган<sup>55</sup>. Фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлган инсоннинг ижтимоий моҳияти муаммоси гендер нуқтаи назардан кўриб чиқилди ва бу ҳолат бугунги кунда бутун дунёда кенг ёйилган гендертадқиқотларида ўз аксини топди.

Бу ғоянинг илгари сурилиши натижасида умумбашарий тафаккурда аёллар ва эркаклар ўртасидаги гендер тенгликни таъминлаш зарурияти кун тартибига қўйилмоқда, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини кафолатлашга ҳаракат қилинмоқда.<sup>56</sup>

Гендер ғояси илмий йўналиш сифатида феминистик ғоянинг назарияси ва амалиётининг жадал ривожланиши натижасида вужудга келди. Мазкур илмий оқим ривожланишининг янги босқичи XX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Унинг асосий хусусияти гендер тизими таҳлилидир. Аёллар тадқиқотлари, яъни “women’s studies” аста-секин гендер тадқиқотларига айлана бошлади. Ушбу тадқиқотларда ижтимоийлик ва маданиятнинг барча жиҳатлари гендер ўлчовига эга бўлиш мумкин деган фикрга асосланган ғоялар илгари сурилди. Бунда нафақат феминистик тадқиқотларнинг мазмуни, балки таҳлил шакли ҳам ўзгарди. Жумладан, феминизмга хос бўлган айрим кескин қарашлар ўрнига барча ижтимоий жараёнларда гендернинг мавжудлиги, шаклланиши ва қайта тикланишини англашга бўлган интилиш кучайди. Гендер ғояси аёллар муаммосини одатдагидан кўра кенгрок миқёсда тадқиқ этишни назарда тутди. Ушбу нуқтаи назардан гендер таълимоти “man’s studies” йўналиши билан бойиди.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, гендернинг расмий тан олиниши ва ривожланиш

<sup>53</sup><https://mojazarplata.ru/zarabotok/ravnaja-oplata/grafiki-pokazatele-gendernogo-neravenstva-v-oplate-truda>

<sup>54</sup> Алешина Ю.Е., Волович А.С. Проблема освоения ролей мужчины и женщины // Вопросы психологии, 1991. № 4. – с.74

<sup>55</sup> Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-Кизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. –Т.: - 2004. 18 б.

<sup>56</sup> Ахмедшина Ф. Оила ва гендер тенглиги /Репродуктив маданият ва маънавий муаммолари. Республика “Оила” илмий-амалий маркази. - Т.: 2008. 17-18-бетлар.

тенденциялари дунёнинг энг долзарб муаммосига айланди. Энг мухими, феминист аёлларнинг хатти-ҳаракати, сўнгра гендер ва илм-фан ҳокимият ҳамда гендер ўртасидаги муносабатларни очиб беришга қаратилган назарияларни ўрганиш заруриятини кучайтирди. Ижтимоий маънода гендер тенглиги нуқтаи назаридан ёндашувни шакллантириш янги назария пайдо бўлишига қараганда муҳимроқ аҳамиятга эга. Бу ўз моҳиятига кўра янги назария бўлиб, уни тан олиш баъзан инсоний кадриятлар ўзгариши, кўплаб одатдаги тасаввурлар ва “ҳақиқатлар”нинг қайта кўриб чиқилишини аниқлатади, бу эса кўпчилик учун бирмунча оғриқли кечадиган<sup>57</sup>.

Гендер муаммоси, энг аввало ижтимоий муаммо эканлиги, яъни фақат аёлнинг эмас, балки эркекларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам муаммоси эканлигини таъкидлашга тўғри келмоқда. Улар биологик жинслар ва аҳолини кўпайтириш борасидаги вазифалар тақсимолини англатмайди, балки гендер муносабатлар бутун маданият, жамият қурилиши, давлат институтларини қамраб олади. Улар тилга, урф-одатлар ва кадриятларга, турмуш тарзи ва хатто ишлаб чиқаришга ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шу тарзда гендер ёндашувининг умумийлиги уни “феминистик” ва “хотин-қизлар” масалаларидан ажратувчи асосий жиҳатлардан биридир.

Маълумки, Ғарбда гендер мазмуни нафақат жинсийликка, балки онгли ёки онгсиз равишда тенгсиз муносабатлар асосига қурилган мафкура ва институтларга қарши қаратилган эди. Шу боис, энг аввало, гендер назариялари таълим амалиётлари, билиш ва таълим жараёнини танқид қилиш шаклида намоён бўлган ва жамиятдаги мавжуд сиёсий нуқтаи назарни ифодалаган. Бугунги кунга келиб, ҳеч қандай бошқа тадқиқот ва таълим стратегиялари Америка ва Европадаги академик таълим тузилмаларининг ўзгаришига бу қадар кучли таъсир кўрсата олмаганлиги тан олинган.

”Man’s studies”нинг шаклланиши ва ривожланиши гендер ғояси тузилмасида бурилиш босқичи бўлди. Эркекларга хос хусусиятлар аниқ, табиий ва аёлларга хос сифатлар зиддиятли деб тушунилар эди. Бундай қарашлар тез орада барҳам топди. Аёллар ўз мавқеларини қайта англаган ҳолда эркекларни ҳам ушбу масалани ўйлаб кўришга мажбур қилдилар. Натижада одатдаги “Аёллик сири” ўрнига “эркаклик жумбоғи” тўғрисида фикрлар юзага келиб жиддий муҳокамага сабаб бўлди ва бу борада ҳали ўрганилмаган томонлар ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Эркеклар моҳиятини изоҳлаб келган ҳукмрон фикрлар барҳам топди ва эндиликда гендер ғояси эркекларнинг анъанавий образидан янги қарашларни изоҳловчи ёндашувга ўтишини амалга оширмоқда<sup>58</sup>.

Дунёнинг кўп мамлакатларида эркекларни ҳар томонлама ўрганувчи тақиқотлар ўтказила бошладилар. Эркекларга хос замонавий тадқиқотларда эркеклик хусусиятлари шаклланишининг босқичлари, эркекларга оид тарихий таназзуллар, маскулинлик образларини шакллантиришда гендер технологияларининг ўзига хослиги ва ҳоказолар таҳлил қилинади. Маскулинликнинг ўзига хос асосий ғояси – “Эркек бўлиш – олдиндан ҳукмрон бўлишга маҳкумлик, эркеклик иллюзияси эгаллик ҳуқуқини оқлайди” (П. Бурдье). Ва аксинча, эгаллик қилиш, хатто хаёлий бўлса-да эркекликни қаноатлантиради. “Эркеклик моҳияти: тарихий трансформация” мавзусининг бирмунча тўлиқ баёни Э.Бадэнтер ишларида келтирилган. У эркекларни “инсонийлаштириш” жараёнини ишончли кўрсатиб бера олган. Эркеклар ҳаёт услублари типологиясини асослагани ҳолда, у “майиб” эркек типини энг кенг тарқалган тур, деб белгилайди. Шунингдек, у мазкур қатъий гендер ролларини “буюк ота-оналар инқилоби” томон йўналтирилган гуманистик ҳаракат орқали бартараф этишнинг истиқболли йўналишларини таклиф этади<sup>59</sup>.

Социологлар ва ижтимоий психологларнинг таъкидлашича, жинс биологик хусусиятларга оид бўлиб, унга кўра одамлар “эркаклар” ва “аёллар” тоифасига бўлинади.

<sup>57</sup> Е. А. Здравомыслева, А.А. Темкина. 12 лекций по гендерной социологии. - Санкт Петербург. - 2015.

<sup>58</sup>Хай Луиза. Позитивный подход. М.: Олма-Пресс. 1998.

<sup>59</sup>Силласте Г.Г. Гендерная социология: трудный путь признания // Мужская гендерная общность: закономерности и специфика развития. М., 2013.

Аксарият социологларнинг фикрича, гендер ғояси жамиятнинг эркакларга ва аёлларга ижтимоий бўлинишига тааллуқли холларда кўлланилиши тушунилади. “Эркак” ва “аёл” атамалари уларга хос биологик фарққа ҳамда ўғил ва қиз болаларга тегишли атама бўлгани учун “эркакларга оид” ва “аёлларга оид” деган тушунчаларда жинсларга хос ижтимоий хусусиятларни акс эттирган. Ушбу хусусиятлар узоқ давом этган ва мураккаб ижтимоийлашув жараёнида ўрганилади. Агар индивиднинг жинси биологик жиҳатдан белгиланган бўлса, унда гендер маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган бўлади<sup>60</sup>.

Айрим антропологлар, психологлар ва социологлар гендернинг биологик эмас, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан белгиланишини, маданий ва тарихий жиҳатдан эса нисбий эканлигини таъкидлайдилар. Унинг мазмуни, моҳияти маданиятлар тизимида ўзгаради ва тарихий ўзгаришлар объекти бўлиб хизмат килади. Ижтимоий омиллар – тоифа, ёш, ирқ ва келиб чиқиши – алоҳида гендер мазмуни, ифодаси ва тажрибасини ташкил этади ҳамда уни бирон-бир соддалаштирилган усул билан жинс ёки жинсийликка тенглаштириб бўлмаслигини ажратиб кўрсатади.<sup>61</sup>

Хулоса қилиб айтганда, гендер инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча. У инсон хулк - атворининг социал ўзига хослигини ифода этиб, амалиёт ёрдамида ижтимоий жинс сифатида шаклланади. Жамиятда муайян жинс ролларининг бажарилишини тақозо этадиган хатти-ҳаракатларнинг меъёрий тизими вужудга келади. Ушбу нуқтаи-назарда, гендер жинслар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни янгилаш тушуниш, янгилаш идрок этишдир.

## КУЗГИ БУҒДОЙ АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ТУПРОҚНИНГ ИНВЕРТАЗА ФЕРМЕНТИ ФАОЛЛИГИ

Салаватова Хуршида Санъатқизи УРДУ талабаси

### Аннотация

Тупроқдаги целлюлозанинг парчаланиши ва унинг микроорганизмлар томонидан глюкозага айлантирилиши натижасида инвертаза ферменти фаоллиги ортади.

**Калит сўзлар:** Инвертаза ферменти, микроорганизмлар, глюкоза, тупроқ, органик кодиклар.

**Кириш.** Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишда минерал, органик ва микроэлементли ўғитларнинг роли ниҳоятда катта бўлиб, озиқа моддалари элементлари ичида мамлакатимиз тупроқларининг катта қисмида кам ўзлаштириладиган ҳолатда тарқалган. Бу озиқа элементларини ўзлаштириш учун тупроқнинг микробиологик фаоллиги юқори даражада таъминланган бўлиши талаб этилади. Burkholderia серасия DA-23 минерал фосфорпарчаловчи бактерия штамми культивацияланган тупроқдан ажратиб олинди ва улар тупроқнинг рН кўрсаткичига таъсир этиб кислоталик даражасини оширади. Штамми суюқ хроматографияда анализ этиш жараёнида ўртача юқори босим қайд этилиб, асосий органик кислоталардан 2 кетоглюкон кислотасини Burkholderia серасия DA-23 штамми ажратиб чиқариши аниқланди. Тупроқдаги дегидрогеназа ферменти фаоллигининг глюкозадан ҳосил бўлган асосий маҳсулоти 2 кетоглюкон кислота бўлиб, у тупроқдаги фосфорнинг тартибга солиб турилишини таъминлайди [1].

Тупроқда бактериал инокулянтларнинг самарали таъсир этишини ошириш учун, юқори популяцияга эга бўлган бактерияларни танлаб олиш ва ўсимликнинг ризосферасига киритиш лозим. Илдиз тизимининг илдиз ажратмаларини кўп миқдорда ишлаб чиқиши ризосферанинг озиқага бўлган талабини оширади, ундаги микроорганизмлар миқдорининг кўпайишига олиб келади [2]. Полиз ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқдаги фосфор тупроқда асосан икки хил турда; органик (ўлган ҳайвонларнинг суяклари ва чириган

<sup>60</sup> Гидденс Э. Социология. Т.: Шарк, 2002. - 185 б.


<sup>61</sup> Collins. Социологический словарь. М.: АСТ. 1999. Т.1. – С. 109-110.



Ўсимликларнинг шунингдек, тупроқдаги микробларнинг ҳосил қилган маҳсулотлари таркибида) ва минерал моддаларнинг таркибида бўлади. Тупроқнинг тарқалиши ва фосфор элементи билан таъминланишига қараб органик фосфор тупроқдаги умумий фосфорнинг 25-85% ташкил этади. Минерал фосфор бирикмалари эса Са, Mg, Al, Fe каби элементлар билан бирикиб, минерал фосфатлар ҳолида учрайди ва тупроқнинг ҳар-хил минераллари таркибига киради [3]. Шу билан бирга, тупроқдаги фосфорнинг кўп қисми ўсимликлар учун ўзлаштирилмайдиган, сувда эримайдиган фосфорит ва апатитлар ҳолида, минерал ва органик ўғитлар таркибида учрайди. Тупроқдаги фосфорнинг ўзлаштирилиши ва парчаланishiда микроорганизмлар жуда катта аҳамият касб этади ва улар бу жараённинг фаол иштирокчиси ҳисобланади [4, 5]. Тупроқдаги органик моддалар таркибига кирувчи фосфор элементи ҳам ўсимликлар учун ўзлаштирилмайдиган ҳисобланади ва ўсимликлар фақат фитин модасини аста-секинлик билан ўзлаштиради. Органик моддалар таркибидаги фосфорни ўсимликлар фақат микроорганизмлар воситасида мобилизацияга учраганидан сўнг ўзлаштириш хусусиятига эга [6, 7]. Кенг экологик тадқиқотлар олиб борилиши натижасида, тупроқдаги микроорганизмларнинг ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган, қийин парчаланувчи органик ва минерал фосфорнинг бирикмаларини парчалаб ўзлаштириш хусусиятига эга микроорганизмлар борлиги намаён бўлди. Кўпчилик микроорганизмлар фосфорнинг минерал бирикмаларини парчалаб, ўсимликлар учун осон ўзлаштириладиган ҳолга олиб ўтади ва бу жараёнда тупроқдаги бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар ва бошқа гуруҳ микроорганизмлари иштирок этади [8]. Микробларнинг оксигенга фосфорнинг бирикиши тупроқдаги углерод ва фосфорнинг нисбатларига қараб белгиланади. Агар С ва Р нисбатлари 100 тенг бўлса, фосфор элементи тупроқдан микроорганизмлар воситасида ўзлаштирилади, нисбатлар кўрсаткичи 100 кам бўлса тупроқдаги органик моддалар таркибидан фосфор минерализацияга учрайди [8, 9]. Аниқланишича, тупроқда намликнинг етишмаслиги оқибати ўсимликлар фосфорни кам ўзлаштиришга олиб келади. Шундан келиб чиқиб, ўсимликларнинг бу элементга бўлган эҳтиёжи ортади ва озикланиш нисбати бузилади, фосфорли ўғитларни ўзлаштира бошлайди [10].

**Тадқиқот усуллари ва услублари.** Гидролитик гуруҳга мансуб ферментларнинг фаолликларини А.Ш. Галстян услуги бўйича [11], қуйдаги субстратларда ўрганилди: инвертаза ферментининг фаоллиги 20% сахароза эритмасидаги глюкозани ҳисоблаш ишлари ацетат буфер рН 5,5 ёрдамида титрлаш усулидан фойдаланиб глюкозанинг тўпланиш жараёни аниқланади. Инвертаза ферментларининг фаолликларини аниқлашда, 1 грамм тупроқ намунасини шунга мос келадиган 20 мл субстрат билан (уреаза ферменти учун-мочевинанинг 20% эритмаси, инвертаза ферменти учун эса-сахарозанинг 10% эритмаси) аралаштирилди. Субстратлар рН 5,5 гача буферлаштирилди. Микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатиш учун толуол ишлатилди. Тайёрланган суспензияни 24 соат мабойнида, 30<sup>0</sup>С ҳароратда термостатда инкубацияланди. Инкубация вақти тугагач эса, суспензияга симоб йодид порошоги қўшилди ва филтрдан ўтказилди. Филтратда, ферментлар таъсири остида кечадиган кимёвий реакция натижасида содир бўлаётган маҳсулот аниқланди.

**Тадқиқот натижаси ва уларнинг муҳокамаси.** Инвертаза табиатда кенг тарқалган ферментлар қаторига кириши билан бирга, кўпчилик микроорганизмларда шунингдек барча тупроқ типларида учрайди. Унинг фаоллиги, тупроқ типларининг ўзига хос тавсифловчи кўрсаткичи бўлибгина қолмасдан, балки унинг биологик фаоллигининг ҳам белгисидир. Кузги буғдой билан олиб борилган дала тажрибасининг дастлабки тупроғидаги инвертаза ферментининг фаоллиги 13 мг/г C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> борлиги таҳлиллар натижасида аниқланди.



**1-расм. Инвертаза ферменти фаоллигининг динамик ўзгариши**  
N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> фонига экилган кузги буғдой ривожланиш даврларида  
тупроқдаги инвертаза ферментининг фаоллиги 26 – 40 мг/г C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> атрофида  
ўзгариб туриши кузатилди. Ривожланишнинг майсалаш, бошоқлаш ва гуллаш

даврларида энг юқори инвертаза фаоллиги қайд этилди яъни, 40; 39 ва 38 мг/г C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub>. Инвертатаза ферментининг фаоллиги N<sub>90</sub>P<sub>45</sub>K<sub>30</sub> 50 %+ ФПБ фониди кузги буғдойнинг ривожланиш даврлари мабойнида 30-40 мг/г C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> миқдориди ўзгариб туриши кузатилиб, майсалаш, бошоқлаш ва гуллаш даврларида унинг фаоллиги 40; 40; ва 38 мг/г C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> ташкил этиши тажриба таҳлилларида аниқланди.

Кузги буғдойнинг ривожланиш давридаги ФПБ+БУ фонди тупроқдаги глюкозанинг миқдори 33-44 мг/г ҳисобида ўзгариб туриши таҳлиллар натижасида аниқланди ва майсалаш, тулланиш, бошоқлаш ва гуллаш даврларидаги инвертаза фаоллиги 41; 40; 44 ва 39 мг/г C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> ташкил этиди. Келтирилган 1-расмга мувофиқ ФПБ+БУ фонди олдинги фонларга нисбатан тупроқдаги инвертаза ферментининг фаоллик даражаси ошганлиги қайд этилган.

**Хулоса.** Полиэкинлари ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқдаги инвертаза ферментининг фаоллиги ривожланиш даврларининг бошоқлаш фазасида юқори фаолликка эга бўлди. Бу эса тупроқдаги целлюлозали ва органик моддаларнинг парчаланиш жараёни ҳамда микроорганизмларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ok-RyulSong., Seung-Jin Lee., Yong Seok Lee., Sang Cheoll Lee., Keun-Ki Kim., Yong-Lark Choi. Solubilization of insoluble inorganic Phosphate by Burkholderiacepacia DA23 isolated from cultivated soil// Brazilian Journal Microbiology.-Brazil, 2008.-№11.P.151-154.
2. Klopper J.W., Lifshitz R., Zublotowich R.M. Free-living bacterial inocula for enhancing crop productivity // Trends in Biotechnology.-Germany, 1997.-№7. P.39-44.
3. Середина Н.А., Халиулин К.З., Тропников В.К. Сезонная и многолетняя динамика фосфора в черноземе выщелоченном под влиянием доз и способов внесения удобрений // Агрохимия.- Москва, 1988.- №5.С.5-11.
4. Касицкий Ю.И., Игнатов В.Г., Хлыстовский А.Д. Последствие фосфора минеральных удобрений и эффективность прямого действия пониженных доз фосфора на дерново-подзолистой, тяжелосугленистой почве // Агрохимия.-Москва, 1998.-№9.С. 71-74.
5. Кефели В.И., Сидоренко О.Д. Физиология растений с основами микробиологии.-М: Агропромиздат,1991.-336 с .
6. Макаров М.И., Малышева Т.И., Недбаев Н.П. Фосфор органических соединений в гранулометрических фракциях некоторых типов почв // Агрохимия.- Москва, 1999.-№7.С.24-32.
7. Демин В.А., Мусса Ауду. Влияние длительного применения разных систем

- удобрения в севообороте на содержание общего, органического и минерального фосфора в дерново-подзолистой среднесугленистой почве // *Агрохимия*. - Москва, 2001. №11. С. 5-9.
8. Туев Н.А. Экологические проблемы интенсивного земледелия // *Вестник с/х науки*. - Минск, 1988. №6. С. 91.
  9. Христенко А.А. Проблема изучения фосфатного состояния почв // *Агрохимия*. - Минск, 2001. №6. С.89-95.
  10. Никитишен В.И., Личко В.И., Орехова Е.В. Эффективность последействия фосфорного удобрения в зависимости от остаточного количество фосфатов в почве и обеспеченности растений азотом и влагой // *Агрохимия*. - Минск, 2001. - №11. С.34-42.
  11. Галстян А.Ш. Ферментативная активность почв Армении. - Ереван: Айастан, 1974. - С.253.

## **BOG' QATOR ORALARIGA ISHLOV BERISHNING SAMARALI USULI.**

*Shukurullayeva K. Z. Talaba ,Dot.Quziyev U. T.? TIQXMMI*

### **Annotatsiya**

Mamlakatimizda juda katta maydonlarda yangi bog'lar barpo etilmqda hamda eski bog'lar qayta ta'mirlanmoqda. Ana shu bog'larni to'liq ko'kartinib olish va yuqori hosildorlikka erishish asosiy vazifalarimizdan biri xisoblanadi.

Ma'lumki, yurtimizning iqlim sharoiti apakana payvandt aglarga ulangan ko'chatlarning turlari va navlariga qarab, parvarishishlarini olib borishlari talab etiladi. Mevali bog'larni tashkil etish hamda ularni parvarish qilish uchun quyidagilar tavsiya etiladi.

Kuzda ko'cha tekish uchun tanlab olingan maydon plantaj plugi bilan 50–60 sm chuqurlikda haydalgan bo'lishi kerak. Agarda maydon haydalmagan bo'lsa, bahorda 35–40 sm chuqurlikda yer haydolib, tekislanib, ko'cha tekish uchun reja tortiladi.

Olinadigan hosildorlikni miqdori faqat nav va payvand tagdan, agrotexnika saviyasidan emas, balki o'simliklarning qator orasi va daraxt oralig'iga ham bog'liq.

Maydonda qancha ko'chat ko'p bo'lsa, hosil shuncha ko'p bo'ladi, lekin daraxtlarning joylashish zichligining ham chegarasi bor. Bu daraxtlarning hajmiga va qator oralarining texnika bilan ishlov berish darajasiga ham bog'liq. Hosilni sifati va miqdoriga daraxt tanasiga tushadigan yorug'likni sifati va miqdoriga ham uzviy bog'liq.

Bog' qator oralari sxemasi ekiladigan ko'chat turlarig aqarab, pakana payvand takka ulangan olma ko'chatlari 3,5×2,5 m, o'rta o'suvchi 3,5×3 m, nok ko'chatlari uchun 3,5×2 m, o'rta o'suvchi 3,5×2,5 m, yarim pakana payvand takka ulangan o'rta o'suvchi ko'chatlarda olma 6×4 m, 6×5 m, nok uchun 5×3 m, 5×4 m bo'lishi tavsiya etiladi.

Ko'chatlarni o'tqazish oldidan chuqurligi va kengligi 60 x 60 sm bo'lgan chuqurchalar kovlanadi. Ularni qazishda ustki 20–25 sm qatlamdagi tuprg'i bir tomoniga, qolgan qismidagi tuproqni esa ikkinchi tomonga olib qo'yiladi. Ko'chat o'tqazishdan oldin chuqurga 350–400 g fosforli, 30–40 g, kaliy o'g'iti hamda 8–10 kg chirigan go'ngni tuproq bilan aralashtirib solib, keyin ko'chat ekiladi.

Ko'chat chuqurga qo'yilib, oldin olingan tuproq chuqur tagiga solinib, ildiz payvand qilingan joyi tuproqdan 4–5 sm yuqorida bo'lishi kerak. Ko'chat ekilgandan so'ng har bir chuqurga to'latib suv quyiladi. Bunda tuproq zichlanib, ko'chat yaxshi ko'karadi. Ekilgan ko'chatlarning vegetatsiya davrida atroflari qatqaloq bo'lib qolmasligi uchun yumshatib turiladi.

Bog'larning hosildorligining yuqoriligini ta'minlashda, tuproqni doimo ziqlantirib turish zarur. Buning uchun har yili 30–40 t chirindi, 240–260 kg azot sof holda, 120–150 kg fosfor sof holda va 60–70 kg kaliy sof holda solib turiladi.<sup>62</sup>

Dastlabki davrda yangi ekilgan ko'chatlarni suv bilan ta'minlashga kata e'tibor berish kerak. Ko'chatlar to'liq ko'karib ketishi uchun tomchilatib sug'orish yaxshi natija beradi (30–40 foiz suv tejaladi).

Ko'chatlar to'liq tutib ketishi uchun ular atrofini aylana shaklida ariq olib sug'orish lozim. Tuproq sharoitiga qarab, 10–12 dan 16–20 martagacha suv beriladi. Har sug'orishdan so'ng tuproq kultivatsiya qilinadi. Sentabr oyining ikkinchi yarmidan mevali daraxtlar qishda tinim davriga kirgani bois sug'orish tavsiya etilmaydi.

Zarurat bo'lgan vaqtda yosh nihollarning kasallik va zarar kunandalariga qarshi ishlov beriladi.

Oktabr-noyabr oylarida yosh nihollar orasi hamda ko'chatlarning qator orasi chopilib, yumshatiladi, begona o'tlardan tozalanadi. Kuzda noyabr oyida fosforli hamda kaliy o'g'it, ya'ni gektariga 90 kg, fosfor 45 kg kaliyva 20 t organik o'g'it solinib chopiladi.<sup>63</sup>

Yuqoridagilarni hisobga olib shuni takidlash kerakki daraxtlarga har doim ishlov hamda o'g'itlarni o'z vaqtida berish hosildorlikka ta'siretadi. Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki o'g'itlarni bog' qator oralariga berish jarayonida teng taqsimlanmaganligi xosildorlikni 20-30% pasayishiga olib keladi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, bog' qator oralariga o'g'it berish mashinalarini takomillashtirish zarur.

### **Adabiyotlar**

1. G'ulomov B., Abrorov Sh., Normuratov I. "Mevali daraxtlarda shakl berish, kesish va payvandlash" Toshkent 2013.
2. Mirzayev M.M., Razzoqov M.J. "Mevali daraxtlardan yuqori hosil yetishtirish bo'yicha tavsiyanoma" Toshkent 2006.
3. [www.mygarden.uz](http://www.mygarden.uz)

## **ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ ФИКРЛАР**

*Проф. М.Шоумарова, доц. Абдиллаев Т.-ТИҚХММИ*

### **Аннотация**

Маколада қишлоқ хўжалигини механизациялаш олий таълим муассасаларида билимдон мутахассисларни тайёрлаш бўйича ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиладиган айрим тамойиллардан мисоллар келтирилган.

Республикамикиз қишлоқ хўжалиги янги шaroитларда жадал ривожланаётганида механизатор кадрларнинг ҳам улушини катта эканлиги ҳаммага маълумдир. Механизатор кадрлар малакаси қишлоқ хўжалигимизнинг келгусида ҳам ривожланишига кучли таъсир қиладиган омил бўлиб қолаверади. Шу сабабли барча қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари билимдон мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўз фаолиятини

<sup>62</sup><http://www.mygarden.uz/news.php?cat=5&id=36>

<sup>63</sup><http://www.mygarden.uz/news.php?cat=5&id=36>

кучайтиришнинг янги имкониятларини излашни давом эттиришлари керак бўлади. Бундай ишни ихтисослик фанлари ўқитувчилари бажаради. Институтимизда ихтисослик фанларини ўқитишда маълум бўлган бир қатор тамойиллардан фойдаланилади. Биз айрим тамойиллардан фойдаланиш бўйича фикрларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

1. “Ихтисослик фанлари” ни ўқитишга қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича мутахассисларни жалб қилиш тамойилини амалга ошириш лозим. Чунки ихтисослик фанларининг моҳиятини чуқур тушунадиган ўқитувчигина уларни ўргатиш методикасини тўғри танлайди, тўғри изоҳлайди.

2. Ихтисослик фанларини ўқитишда машиналарни маҳаллий шароитларга мослаб ишлатишни ўргатиш тамойилига кўп эътибор бериш керак. Масалан, плугни ўргатишда, унинг ёрдамида ерга ишлов беришдан асосий мақсад- ердан ажратиб олинган тупроқ палахсасини иложи борица тўлиқроқ ағдариб бегона ўтларга қарши курашишдир. Ағдарилаётган палахса узлуксиз деформацияланиши натижасида тупроқ майдаланади, юмшатилади. Асосий мақсадга эришиш учун, ишлов берилаётган палахсадаги тупроқ хоссаларига, ҳолатига мос таъсир кўрсата оладиган шаклдаги корпусдан фойдаланиш керак бўлади. Ишлов бериладиган тупроқ турлари хилма-хил бўлиши сабабли, ишчи сиртининг шакли ҳар хил бўлган корпуслар ишлаб чиқарилишини талабаларга тушунтириш лозим бўлади.

Бундан ташқари, палахсани ағдариб кетиш учун, корпуснинг қамров кенглиги ҳайдаш чуқурлигидан камида 1,3 барабар катта бўлиши керак. Акс ҳолда корпус палахсани деярли ағдармайди, фақат тупрокни юмшатиб кетади, яъни қиммат плуг билан арзон юмшаткичнинг иши бажарилади. Демак, корпус қамров кенглигини танлашда маҳаллий шароитлар, яъни экиладиган экин тури учун агротехник талаблар асосида ерни шудгорлаш чуқурлигини эътиборга олиш керак.

Агрегатнинг иш тезлигини танлаш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Ҳар хил ишчи сиртли корпусни маълум тезликдагина юритиб қониқарли натижа олиш мумкин. Сўнгги вақтда кенг тарқалаётган тезкор корпусларни камида 10 км/соат тезлигида агрегатлаб, палахсани қониқарли ағдариш мумкин. Республикаимизнинг кўп минтақаларида оғир тупроқ мавжуд бўлгани ҳамда пахта экиш учун ерни чуқур ҳайдашимиз туфайли, тезкор корпусли плугни катта тезликда агрегатлашга мавжуд тракторларнинг тортиш қуввати етарсиз бўлиб қолаётгани сабабли, тезкор плугни 7-8 км/соат тезлигида ишлатмоқдамиз. Натижада, корпус сиртидан ирғитилаётган палахсага етарли кинетик энергия берилмайди, у етарли ағдарилмасдан, майдаланмасдан, ўта йирик кесак кўринишда қолади. Демак, маҳаллий шароитларни эътиборга олган ҳолда, плугнинг қамров кенглигини камайтириб (ҳамма плугларда бундай имконият мавжуд), уни ишлаб чиқарган фирма тавсия қилган катта тезликда агрегатлашга тракторнинг тортиш қуввати етарли қилиш керак бўлади.

Ғалла комбайнини ўргатаётган ўқитувчи Республикаимиз шароитларида ўрим-йиғим даврида дон нобудгарчилигини камайтириш мақсадида, ўриш баландлигини иложи борица пастроқ қилиб комбайнни ишлатиш кераклигининг моҳиятини тушунтиради. Ғалла ўрим-йиғими ўта иссиқ ва қурғоқ ойларида ўтказилиши туфайли, поялар синувчан бўлиб, янчиш аппаратида кўпроқ майдаланади. Шу сабабли, сомон элагичда сомонга аралашган дон ва бошоқларни тўлиқроқ ажратиб олиш учун амалга ошириладиган тадбирларни кўрсатади.

Сеялка, пахта териш машинаси ва бошқа машиналарни маҳаллий шароитларга мослаб ишлатиш бўйича кўплаб мисоллар келтириш талабаларимиз фанни онгли ўзлаштиришига ёрдам беради.

Ўқитилаётган ҳар бир машинани маҳаллий шароитларга мослаб ишлатиш бўйича ўринли мисолларни, табиийки, фақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича мутахассис бўлган ўқитувчигина келтира олиши, жараёни тўғри тушунтира олиши мумкин.

3. Машғулотларда ўргатилаётган жараёни илмий билимлар билан асослаб тушунтириш лозимлиги тамойилига ҳам катта эътибор бериш талаб қилинади. Масалан,

силосга маккажўхори ўрадиган комбайн барабанидаги пичоқлар қандай мақсадда винтсимон эгилтириб қўйилган, нега культиватор ўтоқловчи тишининг тиғи ёки плуг корпуси лемехининг тиғи ҳаракат йўналишига 30-40<sup>0</sup> остида энгаштирилиб ўрнатилган бўлади деган саволга бегона ўт илдизларини сирпаниб кесишини таъминлаш учун деб жавоб берилади. Сирпаниб кесишни таъминлаш учун, тиғ билан пичоқ ҳаракати йўналиши орасидаги бурчакни ишқаланиш бурчагидан каттароқ қилиш лозим. Талабанинг нега сеялкага резина шина кийдирилган қиммат ғилдираклар ўрнатилади деган саволига мутахассис ўқитувчи қуйидаги тўғри жавобни беради: ҳамма сеялкалардаги миқдорлаш аппаратларига ҳаракат трактор қувват олиш валидан эмас, бевосита сеялка ғилдиракларидан узатилади; миқдорлаш аппаратлари тўхтовсиз ишлаши учун, уларга ғилдиракдан узлуксиз ҳаракат келиб туриши керак; бунинг учун, ғилдирак тиғининг ер билан ишқаланиш кучини миқдорлагичларнинг қаршилигидан каттароқ бўлиши керак; шу мақсадда ғилдиракнинг металл тўғинига ишқаланиш коэффициенти катта бўлган резина шинаси кийдирилади.

4. Машғулотларда назарий қоидаларни амалий жараёнлар билан боғлаб тушунтириш лозимлиги тамойилига риоя қилиш ҳам ихтисослик фанларини ўқитиш сифатини кўтариш имкониятларини беради. Вертикал шпинделли пахта териш машинаси технологик жараёнини ўргатишда эркин турган ғўза тупидаги шохлар териш аппаратининг ўта тор (кенглиги 35-40 мм) бўлган териш камерасига мажбуран киритилади. Бунинг учун илгарилаб юриб кетаётган машинанинг шох кўтаргич-йўналтиргичлари шохларни қисман юқори томон кўтариб, икки ён томонларидан аста-секин сиқиб, юпқа “тасма”га айлантириб териш камерасига кирадиган ҳолга келтирилади. Камеранинг икки ён деворини айланаётган шпинделларнинг сиртлари ташкил қилади. Шу сабабли, уларнинг тишлари “тасма” дан чиқиб турган пахтани илинтириб, уни чанокдан узун пилта каби чўзиб суғиради ва ўзининг устига ўраб олади.

Шпинделнинг пахтани териб олиш даражаси кўп омилларга боғлиқ бўлади. Уларнинг энг муҳимларидан бири, териш камерасининг кенглигидир. Териш камерасининг кенглиги тўғри ўрнатилганлигининг мезони қандай баҳоланади деган саволга тажрибаси етарли бўлмаган ўқитувчи камера кенглиги биринчи теримда 36-40 мм қўйилади деб тушунтиради. Талаба бу рақамларни тез унутиб қўйиши мумкин, чунки фақат рақам билан содир бўлаётган жараённинг моҳиятини ифодалаб бўлмайди. Камеранинг кенглиги ғўза тупининг сершоҳлигига, энг муҳими кўк кўсақларнинг диаметрига, ҳосилдорлигига боғлаб ўрнатилади. Камера кенглигини иложи борича тор ўрнатиш жоиздир, йирик кўсақлар сиртини шпиндел тишлари тирнаб из қолдириши, кўк кўсақларни камроқ ерга тўкиши мумкин. Камера кенглиги неча миллиметр бўлишини эмас, ғўза тупининг ўлчамларига қараб ўрнатилишини талабалар тез эслаб қолишади.

Ўқитишнинг умумметодик тамойилларининг ҳар бири учун юқоридагиларга ўхшаган фикрларни келтириш мумкин. Келтирилган мисоллар асосида ихтисослик фанларини сифатли ўқитиш учун, ўргатилаётган жараён моҳиятини умумметодик тамойиллар асосида илмий асосланган мисоллар келтириб тушунтириш самарали бўлади деган хулоса қилиш жоиз бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. М.Шоумарова, Т.Абдиллаев “Қишлоқ хўжалиги машиналаридан практикум” Тошкент, ТошДАУ босмахонаси, 2010й.
2. З.Исмаилова “Талабаларда юксак маданиятли мутахассис даражасини шакллантириш”. ТИМИ тўплами. 1998й.

## **ЛАГРАНЖ МОДЕЛИ ЁРДАМИДА БАЛАНСНИНГ ТУРТА ИНТЕГРАЛЛАШГАН КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА ФИРМА МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛ УСУЛИ**

## Г.С.Закирова ТИҚХММИ ассистент

### Аннотация

Мақолада фирмаларни бошқаришда қўлланиши мумкин бўлган интеграллашган молиявий кўрсаткичларнинг меъёрларини Лагранж формуласи (модели) ёрдамида аниқлашнинг янги усули берилган.

Хар бир фирманинг молиявий барқарорлигини курсатиб берувчи бу унинг турта интеграллашган молиявий кўрсаткичларидир. Бу курсаткичлар баланс актив қисмининг узок муддатли активлари, жорий активлари ва пассив қисмининг хусусий капитал, заём капиталларидир. Бу курсаткичлар буйича маълум бир иктисодий қонунларни яратишда ва молиявий таҳлилни ривожланишига ҳамда ундаги коэффициентларни аниқлашда уз хиссасини кушган Россиялик иктисодчилар Бочаров В.В., Алексеев П.Д., Балабанов И.Т., Коласс Б., Шеремет А.Д., Четыркин Е.М. инглиз иктисодчилари Бирман Г., Шмидт С., Ван Хорн Д.К, Бернстайн Л.А., Стоун Д, Хатчинг К., Шарп У.Ф ва бошқа иктисодчилар томонидан қилинган иш самарасидан фойдаланилган холда янада бу турта интеграллашган кўрсаткичлар буйича таҳлил усулини ишлаб чиқиш зарур. Бундай янги таҳлил усулини ишлаб чиқишга сабаб, бир умумий танланган курсаткичга таъсир этувчи курсаткичлар бир вақтнинг узида қандай таъсир қилаётгани урганилмаган. Лекин алоҳида хар бир курсаткич қандай таъсир қурсатаётгани ва унинг нормативи иктисодчилар томонидан урганилиб, амалиётда қуллаш буйича таклифлар берилган. Танлаб олинган курсаткичга бир вақтда қолган курсаткичлар қандай таъсир қилаётганини аниқлабгина қолмасдан балки маълум бир тенгсизликлардан фойдаланилган холда коррупция аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳам аниқлаш мумкин. Ҳар қандай соҳани, айниқса иктисодий ўсиш ва фирмалар фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллардан бири бу коррупциядир. Зеро фирмаларда коррупцияланиш белгиси мавжудлигини таҳлилий аниқлаш муҳим аҳамияга эга. Шу сабабли, фирмада коррупцияланиш аломатини ҳам аниқлашга йуналтирилган молиявий таҳлил усулини ишлаб чиқиш даркор. Бундай кенг ҳажмдаги таҳлилда биз математикасиз ёндашишнинг имкони йукдир.

Юқоридаги иктисодий муаммоларни инобатга олган холда қуйидаги гипотезаларни келтириб утамыз.

1. Узок муддатли активни жами активга айлантурувчи коэффициентни хусусий капитални жами пассивга айлантурувчи коэффициентидан кичик булади.

2. Жорий активларни жами активга айлантурувчи коэффициентни заём капитални жами пассивга айлантурувчи коэффициентидан катта булиши керак.

Шунинг учун юқоридаги айтилган иктисодий муаммони ҳал қилишда иктисодий таҳлил амалиётида кенг қўлланилиб келанаётган усул ва кўрсаткичлар аҳамиятини инкор қилмасдан, қуйида Лагранж моделига<sup>64</sup> асосланувчи янги усулни танладик.

Бу модел қуйидагича: Агарда  $b_0, b_1, \dots, b_n \in \mathbb{C}$  ва ихтиёрий қийматлар  $c_0, c_1, \dots, c_n \in \mathbb{C}$  ( $n \in \mathbb{Z}^+$ ) берилган бўлса, унда  $P(b_0) = c_0$ ,  $P(b_1) = c_1, \dots, P(b_n) = c_n$  тенгликларни қаноатлантирувчи ва  $n$  даражадан ошмаган ягона  $P(x)$  кўпхад мавжуд.

Бу кўпхад қуйидаги  $P(x) = \sum_{i=0}^n c_i \prod_{0 \leq j \leq n} \frac{x - b_j}{b_i - b_j}$  кўринишда бўлади.

Мазкур усулни иктисод соҳасида ифодалаш мақсадида Лагранж моделини фирма жами активлари ( $j_A = a + b$ ) ва пассивлари ( $j_P = c + d$ ) нуктаи назаридан ифодалаймиз. Бунда  $j_A$  ва  $j_P$  – белгилар мос равишда жами активлар ва жами пассивлар ҳажми,  $a$  – узок муддатли активлар,  $b$  – қисқа муддатли активлар,  $c$  – хусусий капитал,  $d$  – мажбуриятлар.

<sup>64</sup> Демидович Б.П., Марон И.А., Шувалова Э.З. Численные методы анализа. Приближение функций, дифференциальные и интегральные уравнения. 2-изд. – М.: Государственное издательство физико-математической литературы, 1963.-400 с. (с.15-17).

Юкоридаги  $j_A = a + b$  тенглиги буйича Лангранж формуласи ёрдамида куйидаги тенгликни хосил киламиз. Бунда  $P(x) = j_A$   $b_0 = a$ ,  $b_1 = b$ ,  $c_0 = a$  ва  $c_1 = b$  белгилашларни киритамиз.  $P(x) = j_A = a \frac{j_A - b}{a - b} + b \frac{j_A - a}{b - a}$

Бу хосил булган ифодадан узок муддатли активларни жами активларга айлантирувчи коэффициент  $\frac{j_A - b}{a - b}$  ва жорий активларни жами активларга айлантирувчи коэффициент  $\frac{j_A - a}{b - a}$  га тенг булганлигини куриш мумкин.

Юкоридаги  $j_{II} = c + d$  тенглиги буйича Лангранж формуласи ёрдамида куйидаги тенгликни хосил киламиз. Бунда  $P(x) = j_{II}$   $b_0 = c$ ,  $b_1 = d$ ,  $c_0 = c$  ва  $c_1 = d$  белгилашларни киритамиз.  $P(x) = j_{II} = c \frac{j_{II} - d}{c - d} + d \frac{j_{II} - c}{d - c}$

Бу хосил булган ифодадан хусусий капитални жами пасивга айлантирувчи коэффициент  $\frac{j_{II} - d}{c - d}$  ва заём капитални жами пасивга айлантирувчи коэффициент  $\frac{j_{II} - c}{d - c}$  га тенглигини куриш мумкин.

Биринчи гипотезанинг математик куриниши куйидагича  $\frac{j_A - b}{a - b} \leq \frac{j_{II} - d}{c - d}$ . Бу гипотезани тугрилигини исботлаймиз.

Биз маълум булган  $j_A = a + b$  ва  $j_{II} = c + d$  тенгликларни юкоридаги гипотезага куйсак  $\frac{a + b - b}{a - b} \leq \frac{c + d - d}{c - d}$  тенгсизлик хосил булади. Бу тенгсизликни содалаштирсак  $\frac{a}{a - b} \leq \frac{c}{c - d}$  тенгсизлик хосил булади. Тенгсизликни унг тарафини чап тарафга утказсак  $\frac{a}{a - b} - \frac{c}{c - d} \leq 0$  куринишда булади. Охирги тенгсизликни содалаштирамиз ва куйидагича натижани оламиз  $\frac{bc - ad}{(a - b)(c - d)} \leq 0$ . Агар биз бу тенгсизликни нолдан кичиклигини исботласак биринчи гипотеза исботланган булади. Бизга маълумки  $a - b \leq 0$  ва  $c - d \geq 0$ . Яна шуни аниклаш мумкинки  $\frac{b}{a} \geq 1$  ва  $\frac{a}{c} \leq 1$ . Бу охирги икки тенгсизликдан куринадикки  $\frac{b}{a} \geq \frac{a}{c}$  тенгсизликни каноатлантирар экан. Исботланаётган тенгсизликни урнига келтириб куйсак  $\frac{+}{- * +} \leq 0$  шаклда булар экан. Бу хакикатдан хам тугри тенгсизлик. Демак биринчи гипотеза исботланди.

Иккинчи гипотезанинг математик куриниши куйидагича.  $\frac{j_A - a}{b - a} \geq \frac{j_{II} - c}{d - c}$

Биз маълум булган  $j_A = a + b$  ва  $j_{II} = c + d$  тенгликларни юкоридаги гипотезага куйсак  $\frac{a + b - a}{b - a} \geq \frac{c + d - c}{d - c}$  тенгсизлик хосил булади. Бу тенгсизликни содалаштирсак  $\frac{b}{b - a} \geq \frac{d}{d - c}$  тенгсизлик хосил булади. Тенгсизликни унг тарафини чап тарафга утказсак  $\frac{b}{b - a} - \frac{d}{d - c} \geq 0$  куринишда булади. Охирги тенгсизликни содалаштирамиз ва куйидагича натижани оламиз  $\frac{ad - bc}{(b - a)(d - c)} \geq 0$ . Агар биз бу тенгсизликни нолдан катталигини исботласак иккинчи гипотеза исботланган булади. Бизга маълумки  $b - a \geq 0$  ва  $d - c \leq 0$ . Яна шуни аниклаш мумкинки  $\frac{b}{a} \geq 1$  ва  $\frac{a}{c} \leq 1$ . Бу охирги икки тенгсизликдан куринадикки  $\frac{a}{c} \leq \frac{b}{d}$  тенгсизликни каноатлантирар экан. Исботланаётган тенгсизликни урнига келтириб куйсак  $\frac{-}{- * +} \geq 0$  шаклда булар экан. Бу хакикатдан хам тугри тенгсизлик. Демак иккинчи гипотеза хам исботланди.

Маълумки баланснинг жами активлари ва жами пасивларининг кийматлари тенглиги ( $j_A = j_{II}$ ) сабаб, баланс активлар жами ва пасивлар жами буйича ёзилаган Лагранж формулалари буйича тенглик куйидаги куринишда булади.

$$a \frac{j_A - b}{a - b} + b \frac{j_A - a}{b - a} = c \frac{j_{II} - d}{c - d} + d \frac{j_{II} - c}{d - c}$$

Бу тенглик буйича фирма баланснинг актив ва пасив қисмларида коррупция мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ва баланс жамига турта интеграллашган кўрсаткичлар



кандай таъсир курсатаётганини унинг таркибидан аниқланган куйида келтирилган бир нечта тенгсизлик шартлари орқали аниқланади.

Агар юқоридаги тенглик асосида олинган куйидаги икки тенгсизлик яъни исботланган икки гипотеза шarti

$$\frac{j_A - b}{a - b} < \frac{j_{\Pi} - d}{c - d}, \frac{j_A - a}{b - a} > \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$$

бажарилса, у ҳолда турта интеграллашган кўрсаткичларнинг ҳаракати ижобий ҳамда фирмада коррупция аломати йўқ.

Агар тенгсизликлар  $\frac{j_A - b}{a - b} > \frac{j_{\Pi} - d}{c - d}, \frac{j_A - a}{b - a} > \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$  кўринишда бўлса, коррупция балансинг актив ва пасив томонларининг 1-қисмида мавжуд, лекин балансинг 2-қисмида мавжуд эмас.

Агар тенгсизликлар  $\frac{j_A - b}{a - b} < \frac{j_{\Pi} - d}{c - d}, \frac{j_A - a}{b - a} < \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$  кўринишида бўлса, унда коррупция балансинг актив ва пасив томонларининг 2-қисмида мавжуд, лекин балансинг 1-қисмида мавжуд эмас.

Агар тенгсизликлар  $\frac{j_A - b}{a - b} > \frac{j_{\Pi} - d}{c - d}, \frac{j_A - a}{b - a} < \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$  кўринишда бўлса, балансинг актив ва пасив томонларининг иккала қисмида коррупция аломати мавжуд.

$$\frac{j_A - b}{a - b} > \frac{j_A - a}{b - a}$$

Агар тенгсизлик  $\frac{j_A - b}{a - b} > \frac{j_A - a}{b - a}$  кўринишда бўлса, коррупция аломати баланс актив томонининг 1 ва 2-қисмларида мавжуд. Исботи куйидагича:

$\frac{a+b-b}{a-b} > \frac{a+b-a}{b-a}$  буни куйидаги куринишда ёзиб оламиз.  $\frac{a}{a-b} > \frac{b}{b-a}$  Бу тенгсизликни унг томонини чап томонга утказамиз.  $\frac{a}{a-b} - \frac{b}{b-a} > 0$  Хосил булган тенгсизликни содалаштириб куйидаги натижани оламиз.  $\frac{a+b}{a-b} > 0$ . Бу тенгсизликнинг сурати(яъни  $a+b > 0$ ) нолдан ката махражи (яъни  $a-b > 0$ ) нолдан катта булиши керак. Агар махражи нолдан катта булса, баланс актив томонидаги узок муддатли активларнинг киймати жорий активларнинг кийматидан катта булишига олиб келади. Бу эса баланс актив томонининг 1 ва 2 қисмларида номутанособлик мавжудлигини билдиради.

$$\frac{j_{\Pi} - d}{c - d} < \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$$

Агар тенгсизлик  $\frac{j_{\Pi} - d}{c - d} < \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$  кўринишда бўлса, коррупция аломати баланс пасив томонининг 1 ва 2-қисмларида мавжуд. Исботи куйидагича:

$\frac{c+d-d}{c-d} < \frac{c+d-c}{d-c}$  буни куйидаги куринишда ёзиб оламиз.  $\frac{c}{c-d} < \frac{d}{d-c}$  Бу тенгсизликни унг томонини чап томонга утказамиз.  $\frac{c}{c-d} - \frac{d}{d-c} < 0$  Хосил булган тенгсизликни содалаштириб куйидаги натижани оламиз.  $\frac{c+d}{c-d} < 0$ . Бу тенгсизликнинг сурати(яъни  $c+d > 0$ ) нолдан ката махражи (яъни  $c-d < 0$ ) нолдан кичик булиши керак. Агар махражи нолдан кичик булса, баланс пасив томонидаги хусусий капиталларнинг киймати карз мажбуриятларининг кийматидан кичик булишига олиб келади. Бу эса баланс пасив томонининг 1 ва 2 қисмларида номутанособлик мавжудлигини билдиради.

$$\frac{j_A - b}{a - b} > \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$$

Агар тенгсизлик  $\frac{j_A - b}{a - b} > \frac{j_{\Pi} - c}{d - c}$  кўринишда бўлса, коррупция аломати баланс актив томонининг 1-қисмида ва пасив томонининг 2-қисмида мавжуд. Исботи куйидагича:

$\frac{a+b-b}{a-b} > \frac{c+d-c}{d-c}$  буни куйидаги куринишда ёзиб оламиз.  $\frac{a}{a-b} > \frac{d}{d-c}$  Бу тенгсизликни унг томонини чап томонга утказамиз.  $\frac{a}{a-b} - \frac{d}{d-c} > 0$  Хосил булган тенгсизликни содалаштириб куйидаги натижани оламиз.  $\frac{b*d-a*c}{(a-b)*(d-c)} > 0$ . Бу тенгсизликнинг махражи(яъни  $(a-b)*(d-c) > 0$ ) нолдан катта сурати хам (яъни  $b*d-a*c > 0$ ) нолдан катта

булиши керак. Агар сурати (яъни  $b*d-a*c>0$ ) нолдан катта булса, унда куйидаги тенгсизлик ҳам каноатлантиради.  $\frac{b}{a} > \frac{c}{d}$  Аслида бу тенгсизлик баланс  $\frac{b}{a} < \frac{c}{d}$  шаклда булиши кераклигини инобатга олсак баланс актив томонининг 1-кисмида ва пасив томонининг 2-кисмида номунособлик мавжудлигини билдиради.

$$\frac{j_A - a}{b - a} < \frac{j_{II} - d}{c - d}$$

Агар тенгсизлик  $\frac{j_A - a}{b - a} < \frac{j_{II} - d}{c - d}$  кўринишда бўлса, коррупция аломати баланс актив томонининг 2-кисмида ва пасив томонининг 1 қисмида мавжуд. Ишоти куйидагича:

$\frac{a+b-a}{b-a} < \frac{c+d-d}{c-d}$  буни куйидаги куринишда ёзиб оламиз.  $\frac{b}{b-a} < \frac{c}{c-d}$  Бу тенгсизликни унг томонини чап томонга утказамиз.  $\frac{b}{b-a} - \frac{c}{c-d} < 0$  Хосил булган тенгсизликни содалаштириб куйидаги натижани оламиз.

$\frac{a*c-b*d}{(b-a)*(c-d)} < 0$ . Бу тенгсизликнинг махражи(яъни  $(b-a)*(c-d)>0$ ) нолдан катта сурати (яъни  $a*c-b*d<0$ ) нолдан кичик булиши керак. Агар сурати (яъни  $a*c-b*d<0$ ) нолдан кичик булса, унда куйидаги тенгсизлик ҳам каноатлантиради.  $\frac{b}{a} > \frac{c}{d}$  Аслида бу тенгсизлик  $\frac{b}{a} < \frac{c}{d}$  шаклда булиши кераклигини инобатга олсак баланс актив томонининг 2-кисмида ва пасив томонининг 1-кисмида номунособлик мавжудлигини билдиради.

Юқоридаги 8 та ҳолатда бўлувчи тенгсизликлар бўйича кўрилаётган фирманинг таҳлил қилиниши унда коррупцияланиш аломатини аниқлаш билан боғлиқ текширув ишларининг самарадорлигини оширади. Бунда таъкидлаш лозимки, фирманинг мавжуд қонунларга зид ҳаракатлари унинг заём капитали билан боғлиқ операцияларига тўғри келади. Шунинг учун коррупция устидан назорат қилувчи ташкилотлар ва фирма раҳбарияти заём капиталининг устидан назорат қилиш негизида коррупция аломатининг олдини олишда Лагранж моделидан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Артеменко В.Г., Беллендир М.В. Финансовый анализ : Учебное пособие.-М.:Дело-Сервис,1999
2. Астахов В.П. Анализ финансовой устойчивости фирмы и процедуры, связанные с банкротством.-М.: «Ось-89»,1995.
3. Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента. Учебное пособие.-М.: Финансы и статистика,2000
4. Бочаров В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций .-М.: Финансы и статистика ,2000.
5. Бочаров В.В. Финансовый анализ : Учебное пособие.-М.2004
6. Демидович Б.П., Марон И.А., Шувалова Э.З. Численные методы анализа. Приближение функций, дифференциальные и интегральные уравнения. 2-изд. – М.: Государственное издательство физико-математической литературы, 1963.-400 с.
7. Ефимова О.В. Финансовый анализ.-М.: Бухгалтерский учет,1999.
8. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент.-М.: Финансы статистика ,1999
9. Тренев Н.Н. Управление финансами.-М.: Финансы статистика ,1999.
10. SH.SH.Shoha'zamiy. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Tanlangan maruzalar/O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. T.: Iqtisod-moliya, 2015. 460 b.

#### **INNOVATIVE FORMS OF LEARNING IN ENGLISH CLASSES AS A MEANS OF IMPROVING LEARNING OUTCOMES.**

Nuridinova Dilorom Sultonovna, is a teacher of English language at elementary school-35

Innovative forms of education are characterized by a high communicative ability and the active involvement of students in learning activities, activate the potential of knowledge and skills of speaking and listening skills, effectively develop the skills of communicative competence. This contributes to the adaptation to modern social conditions, since society needs people who are quickly oriented in the modern world, independent and initiative, achieving success in their activities. At the heart of any innovation is a creative beginning. Creative activity involves the development of emotional and intellectual spheres of the individual. This is one of the main tasks of the modern educational process. Educational activities in the technical school require the use of specific technologies that provide a solution to this problem. These are innovative forms of learning: role-playing, project method, ICT, techniques of critical thinking technology, multidimensional didactic technology.

The technology that stimulates the interests of students and develops the desire to learn is associated with the implementation of various kinds of projects. The use of this technology allows for all possible forms of work in a group: individual, group, collective, which stimulate the independence and creativity of children.

Critical thinking techniques in English lessons teach students how to organize their activities, how to think, how to read and comprehend, how to collaborate, etc.

In the lesson, it is possible to use both mini-projects designed for one lesson or its part, as well as large projects that require a long time to complete. Projects can be individual and group. The following design tasks were used at the 1st course:

1. Section 1. "Description of people", the children are offered the themes of projects: for example, an oral description of the appearance of their classmates, their character, profession and their hobbies (for example, "I am about myself" (my name, the names of my parents, sisters, brothers ; address; my age; birthday; my appearance; my interests).

2. Section 2. "Description of the area." The guys make a postcard-description of his native city (name; geographical location; monuments; my favorite places).

3. Section 7. "Cultural and national traditions, local history, customs and holidays of Great Britain". At the lesson on the topic "Journey to London" a situation was proposed: the students won a trip to London, they want to learn more about the sights of the capital. Part of the guys will live in an English family. Fly to London by plane. Project type is mixed, because there are signs of research, creative and role-playing projects. Work on the project was carried out in several stages. At the first lesson, the children were offered a situation and a discussion of the main content of the future project was organized. As a result of the discussion, problems were selected, areas of work were highlighted, a project plan was drawn up. Working materials for the project were made: a layout of a map of London, photographs and 'slide presentations' of London's sights, a draft guide for London Sights, layouts of shop windows and cafes, and the necessary props were prepared. At the initial stage of the lesson, a repetition and cliché of an etiquette character are organized ("In store", "In cafe", "Asking the way", etc.).

After fixing the speech material, each group submitted its message. The guys from group 1 staged landing on the plane. The "stewardess" made the landing, welcoming the passengers, asked them to show a ticket, go to the cabin, served them during the flight. The guys who received the role of passengers, asked to drink water, juice, tea, listen to music, ordered lunch. The guys from group 2, on arrival at the hotel, were sent to the English family for further residence. This group conducted a plot-role-playing game "Visiting the Smith family", using speech clichés of etiquette nature, dialogue - questioning, monologic statements. Members of group 3 went to the store, while group 4 went to dinner in a cafe. All participants in these stages of the lesson approached the assignment very responsibly, especially the "weak" students.

In the evening, most of the participants went to see the sights of London. Using the speech clichés, united in the group "Asking the Way", they asked a local resident how to get to a given attraction. Listening to the explanations of a local resident, they drew their way on the map, walked along the map of the center of London to the desired object. Confirmation of the

correctness of the task was the appearance on the interactive whiteboard slide with the image of the desired attraction. All stages of the lesson were accompanied by a presentation in Power Point, prepared by the joint efforts of students and teacher. The main objectives of such classes are practical, teacher-modeled tasks that activate listening and speaking skills. At the end of the lesson were summed up:

1. What have students learned in language? (They know how to buy something in the store, make an order in a cafe, ask for directions.)
2. How has their communication activity changed? (They may collectively politely thank, ask, offer, refuse, etc., interacting with each other)
3. What is the project's contribution to the student's overall development? (He can play a role, expressively and emotionally speak.)
4. What are the universal actions taken by the guys? (They can independently search for the necessary information.)

I use the following methods in lessons: "True and incorrect statements", "Confused logical chains", "Key terms".

In the CMD of the author V.G.Timofeev "Up & Up" for the 10-11th grades there are quite similar tasks, therefore I try to use something new. For example: relate the elements to each other (the beginning and end of the sentence) and combine them into pairs. The techniques of this technology give the student the opportunity to express their views on the topic being studied freely, without fear of being wrong and corrected, to record all statements: since any of them will be important for further work. Interactive teaching methods are especially effective in studying the grammatical aspect of English. Let us consider in detail several interactive learning technologies that are widely used by me in the classroom. For example, the technology works in pairs or triples, both permanent and rotational (interchangeable).

Group work is also not new and well known to all. I often use rotating small groups in my lessons. For example, in the framework of the topic 1 of the course "Country Studies. UK, for more than a year I have been practicing the work according to the following scheme: Stage 1 is an advance task, collecting information on a specific plan about one of the four parts of the United Kingdom (ideally working with a multiple of four students, I had 12). The selection of the part is done by lot. Stage 2 - work in small groups Scotland, Wales, Northern Ireland, England. The guys share the information found, organize it.

Stage 3 - work in small groups United Kingdom. Each student reports to the entire team of the group information about his part.

Stage 4 - we compare the completed tables, supplement the material, exchange views, prepare mini-stories about the United Kingdom.

In an effort to improve the process of learning foreign languages, I conduct classes using PC. A variety of multimedia games contribute to the expansion of vocabulary, familiar with the grammar of the English language, learn to understand it by ear, to write correctly. Computer programs combine color graphics, video, music. I use such programs as "Euro Talk", "Learn to Speak English". Fragmentary use of these programs allows you to increase the motivation and interest of children in the subject. I use when studying topics: "Numbers", "Shops and Shopping", etc. These programs provide for the control of knowledge on each topic. The guys are happy to work at the computer. Almost every topic runs projects with a presentation in Power Point. I also use the technology of didactic multidimensional tools (DMI), the author of which is Steinberg Valery Emmanuilovich, doctor of pedagogical sciences. The working tools of this technology are logical-semantic models. The guys really like to independently acquire knowledge on the topic of the lesson.

## **INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE**

Sirozhova Shohida Niyozovna, is a teacher of English language at elementary school - 35

The country has stepped into the third millennium, which puts forward fundamentally new requirements for the training of specialists. They must have market thinking, enterprise, the ability to make bold decisions, know three languages qualitatively - two state (Tatar and Russian) and a foreign one.

The processes of globalization, the intensive development of communications, the Internet, distance education form a basic requirement for modern workers to have a good knowledge of languages. Therefore, learning a foreign language is considered as a necessary link in the general program of humanization of education.

Modern specialists need personal qualities based not only on logic, but also on intuition and creativity: rational and image-sensual thinking, reflection, prompt response to the situation, purposefulness, ability to make decisions in conditions of uncertainty, competitiveness. Competitiveness presupposes that a specialist possesses such qualities, skills, and abilities as health, intelligence, high performance, organization, creativity, discipline, business connections, communication skills, and communication skills.

Mastering a foreign language is necessary both in everyday life and at work: contacts with foreign partners, business trips abroad, equipment for production with imported equipment, business correspondence, computers. For no reason, everything requires knowledge of mainly English.

Language, whether native or foreign, serves as a means of communication, allowing people to interact with each other, to influence each other in the natural conditions of social life.

Considerable success of the work depends on teaching methods. A huge variety of activities of teachers and students in the classroom - this is the teaching methods.

In recent years, teaching methods, which by their content and methods of implementation are impossible without a high level of external and internal activity of students, are drawing increasing attention to pedagogical science and practice. Usually they are called "active learning methods."

Of these methods, the most common are didactic games. Didactic games are a collective, purposeful learning activity, when each participant and the team as a whole are united by solving the main task and orienting their behavior towards winning. A game organized for training purposes can be called a training game.

Can't find what you need? Try our literature selection service.

In the conditions of training skilled workers and specialists, business games are widely used. Their goal - the formation and testing of specific skills to act in well-defined situations. Students are trained to quickly analyze the specified production conditions, make optimal decisions, solve economic problems.

Active methods include problem-based learning. Students face educational, life and work situations.

Out-of-class work also applies to active methods: holding contests, competitions, KVNNov, quizzes, press conferences, for example, holding a week of natural sciences. Competition for the best reader, revealing the correctness of pronunciation and the general expressiveness of speech. Competition for the best simultaneous interpreter, which makes it possible to reveal the understanding of speech by ear. The competition for the best translator-referent reveals the ability to understand a foreign language text while reading. Competition for the best storyteller provides an opportunity to identify the ability to build a coherent statement. Competition for the best interlocutor reveals the ability to conduct a dialogue, exchange remarks.

The quiz can be conducted at any stage of learning a foreign language. Its subject can be cross-cultural knowledge. Conversation circle is a huge field of activity of the teacher, where you can use the techniques inherent in intensive methods. This and the creation of an atmosphere conducive to communication.

The processes of renewal in the field of teaching foreign languages in a modern school create a situation in which teachers are given the right and opportunity to independently choose

textbooks and other teaching aids. The modern teacher refuses the ready-made methodical "recipes" that strictly regulate the activity in the framework of a specific methodological system, in favor of analyzing the current situation of learning foreign languages, in favor of the effective use of new technologies in the educational process. The task of the teacher is to create conditions for practical mastering of the language for each student, to choose such teaching methods that would allow each student to show their activity, their creativity. The task of the teacher is to activate the student's cognitive activity in the process of learning foreign languages. Modern pedagogical technologies such as learning in collaboration, project methodology, the use of new information technologies, and Internet resources help to implement a student-centered approach to learning, provide for the individualization and differentiation of learning, taking into account the abilities of children, their level of learning, aptitudes and so on. d.

Modern technologies are undoubtedly computer technologies that have a number of advantages over traditional methods.

Computer learning carries a huge motivational potential. One of the most revolutionary achievements in recent decades, which significantly influenced the educational process throughout the world, was the creation of world computer network, called the Internet, which literally means "international network" (English international net). The use of cyberspace for educational purposes is an absolutely new direction of general didactics and private methodology, since the changes affect all aspects of the educational process, ranging from the choice of techniques and work style to the changing requirements for the academic level of students.

Communicating in a true language environment provided by the Internet, students find themselves in real life situations. Involved in solving a wide range of meaningful, realistic, interesting and achievable tasks, students learn to respond spontaneously and adequately to them, which stimulates the creation of original utterances, and not routine manipulation of language formulas.

Primary importance is attached to the understanding, transmission of content and the expression of meaning, which motivates the study of the structure and vocabulary of a foreign language that serves this purpose. Thus, students' attention focuses on the use of forms, rather than on themselves, and learning grammar is carried out indirectly, in direct communication, excluding a pure study of grammatical rules.

Can't find what you need? Try our literature selection service.

The computer is loyal to the diversity of students' answers, it does not accompany students' work with laudatory or negative comments, which develops their independence and creates a favorable atmosphere in the classroom, giving them self-confidence, which is an important factor for the development of individuality.

The development of education today is organically linked with an increase in the level of its information potential. This characteristic largely determines both the direction of evolution of education itself and the future of the whole society. For the most successful orientation in the global information space, students need to master the information culture, since the priority in the search for information is increasingly given to the Internet.

Informatization is a necessary component and condition for the general modernization of education, updating the content and forms of learning activities, the whole way of school, and education management. Without informatization, it is impossible to fully implement the modernization program. Informatization of education is a priority for the development of the social sphere of the Russian Federation, indicated in the documents of the Government of Russia. Learning a foreign language, as part of the educational process, cannot remain on the side of these global changes in school. Not only the novelty of working with a computer, which in itself increases interest in learning, but also the ability to regulate learning tasks according to the degree of difficulty, encouraging the right decisions have a positive effect on motivation.

The main purpose of teaching a foreign language in vocational schools is to train a highly qualified specialist, competitive in a market economy, and to educate a person who is willing and

able to communicate, people who are willing and able to receive self-education. Participation in various international programs, the opportunity to study abroad imply not only a high level of proficiency in a foreign language, but also certain personality traits: interpersonal skills, the absence of a language barrier, knowledge of international standards, a broad outlook, the ability to "give" yourself. As a rule, when performing various tests when entering a higher education institution or participating in contests or competitions, a strict time limit is set for the performance of each task, which also requires a special type of training. The use of modern learning tools, the introduction of active and interactive methods and the use of innovative technologies make it possible to successfully solve these problems.

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШДА АЁЛЛАРНИ ЎРНИ

Холикулова М. А.-галаб,ТИҚХММИ

*Инновация – бу келажак дегани.*

*Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион зоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.*

**(Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёев)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин - қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325 - сонли Фармони қабул қилинганлиги республикада аёлларни урни катта эканлигини курсатади. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини руёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу Фармонни қабул қилиниши хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, салоҳиятини тўла намоён этиши, оилалардаги ижтимоий- маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларга катта эътибор қаратилмоқда, ва улар жамиятимизнинг турли соҳаларида фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Хусусан, фан, таълим, инновация соҳалари. Ҳар бир даврнинг ўз тараккиёт омили, эҳтиёжи, талаби ва ҳаётий тамойиллари мавжуд. Табиийки, уларни шакллантириш ва ривожлантириш, уларга алоҳида маъно-мазмун бағишлаш, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаб берувчи улкан тарихий воқеалар бўлади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

«Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун, Аёллар йили муносабати билан хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя

қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон...[.] бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети томонидан 2018 йилнинг 21-26 май кунлари Ихтирочи хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталиги ўтказилди. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ташкил этилган Ихтирочи хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталигида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлаётган 200 дан ортиқ хотин-қизлар ўз бизнес ғоялари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан 2019 йилнинг 25-30 март кунлари Ўзбекистонда илк бор ижтимоий соҳаларда инновациялар ва инсон капиталига инвестициялар мавзусига қаратилган “Илм-фан ва технологияларда хотин-қизлар” Марказий Осиё ҳафталиги ташкил этилмоқда. Ҳафталикда иштирок этиш учун АҚШ нинг Кремний водийсидаги Google, Apple, Amazon, Mozilla каби компанияларда етакчи лавозимларда фаолият юритаётган хотин-қизлар таклиф этилди.

Тадбир ташкилотчилари: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси, Тошкентдаги Инха Университети бўлиб, ҳафталик натижаларига кўра Ўзбекистондаги хотин-қизларни инновацион касблар ва ижтимоий бизнес-лойиҳаларга жалб этиш. Марказий Осиёдан ташриф буюрган ҳамкасблар билан тажриба алмашиш мақсад қилинган.

Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоханг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир.

Бундай эркин фаолият мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган шарт - шароитлар туфайлидир. [2]

Ҳар қандай ислохотлар марказида инсон капитали, яъни ходимлар салоҳияти ётишини унутмаслик керак. Кейинги йилларда хотин-қизларимиз иктисодиётнинг турли соҳаларида жумладан, саноатда 52,0%, савдода 37,0%, соғлиқни сақлашда 73,0%, қишлоқ хўжалигида 48,0%, таълим тизимида 60,0% ва бошқарув соҳасида 32,0% фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Мустақиллигимиз шарофати билан вилоятларда ҳокимлар ўринбосаридан бири хотин - қизлар ҳисобланади. Шунингдек, Олий Мажлис конунчилик палатаси депутаты, сенатор, маҳаллаларда маслаҳатчи ва раис лавозимларида муваффақият билан фаолият кўрсатиб келаётган хотин - қизлар сони анчани ташкил этади. [3]

Республикада кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар ва олий таълимнинг ривожланиш динамикаси асосида таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида 72 олий таълим муассасаси (олий харбий таълим муассасаларидан ташқари), шу жумладан 4 та академия, 27 та университет ва 19 та филиал, 7 та хорижий олий ўқув юртлари ва 4 та олий ўқув юртлари ва уларнинг филиалларидир.

Олий таълим муассасаларига тақдим этилган дастлабки маълумотларга асосан 2017/2018 ўқув йилининг бошида 80 минг 822 киши, шу жумладан, давлат грантлари асосида 18,439 нафар, пуллик асосда 62,383 нафар ёшлар қабул қилинди.



2017 йилда 62,9 минг нафар талаба бакалавр даражасига эга бўлди, улардан 18954 нафари давлат грантида ўқиди. 2017 йилда 23995 бакалаврият битирувчиларидан кизлар (ёки 38,1 фоиз).

2017/2018 ўқув йилида магистратурага 4157 нафар талаба қабул қилинди, улардан 34,8 фоизи (1690 киши) давлат грантлари асосида, 65,2 фоизи (3167 киши) шартнома асосида ўқишди. 100 та жой учун ўртача 263 та талабнома топширилди, ўтган йилга нисбатан талаба магистри бўлиш имконияти 24,1 фоизга ошди.

Магистратурада 9218 нафар талаба, улардан 3089 нафари давлат грантида, 6129 нафари эса шартнома асосида таълим олади. Талабалар умумий сонининг 37,5 фоизи (3,453 киши) кизлар, улардан 30,8 фоизи (1064 киши) давлат грантлари асосида ўқитилмоқда. [4]

Бозор трансформацияси шароитида муносиб меҳнат тамойилларининг энг асосийси - меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан самарали бандлигини таъминлашдир. Бу фақат жамият ва давлат барқарор ривожланишининг асоси бўлибгина қолмасдан, мохиятига кўра хар бир инсон ҳаётида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чунки меҳнат фаолияти инсон ҳаётининг салмоқли қисмини эгаллаб, уни жамиятга интеграциялаштириш ва ижтимоий мақомга эга бўлишини ҳам таъминлайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил этди. Таққослаш учун, 2017 йилнинг айнан шу даврида бу кўрсаткич расмий манбаларга кўра, 5,2 фоизни ташкил қилган. Мамлакатимизда, 30 ёшгача ёшлар ишсизлик даражаси 15,9 фоизни, аёллар ўртасида — 13,4 фоизни ташкил этган. [5]

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, келгусида республикамизнинг иқтидорли хотин-қизлари томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган инновацион бизнес ғоя ва лойиҳаларнинг асосий йўналишлари, ҳолати ва даражаларини аниқлаш, уларни амалга оширишларига кўмаклашиш, бозор иқтисодиёти шароитида аёллар тадбиркорлик фаолиятига инновацион ёндашувни жорий қилиш, олий таълим муассасалари хотин-қизлари ўртасида ёшлар ва инновация ҳафталикларини ўтказиб туриш юқорида санаб ўтилган инновация соҳасидаги аёлларнинг ролини оширишга қаратилган тадбирларнинг тизимли давоми бўлар эди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Тошкент 28.12.2018.
2. Т.Нарбаева, “Таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ўрни”. “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш - мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили” мавзусида республика илмий-амалий анжумани мақолалар туплами, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” 2019 йил.
3. Ш.Рахматуллаева “Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда раҳбар аёлларни тайёрлашда хотин-қизлар академиясини ташкил этиш”. “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш - мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили” мавзусида республика илмий-амалий анжумани мақолалар туплами, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” 2019 йил.
4. З. Адилова., “Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида фан ва таълимни такомиллаштириш: муаммолар ва таклифлар”. “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш - мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим

омили” мавзусида республика илмий-амалий анжумани мақолалар туплами, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” 2019 йил.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази маълумотлари. 2019 й. январь.

## МЕСТО И РОЛЬ ЖЕНЩИНЫ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Умарова Ф. Н.-старший преподаватель, ТИИИМСХ

Уровень развития общества и его потенциальные возможности во многом определяются положением женщины. Это означает, что статус женской социально-демографической общности служит индикатором общей социальной атмосферы, существующей в обществе. Его социальными показателями служат наиболее значимые стороны жизни – уровень социальной защищённости, охрана здоровья женщин, характер и уровень рождаемости, образование, занятость, организация труда, участие в политической жизни, и так далее. В свою очередь, изменения, происходящие в обществе, отражаются в системе ценностей женщин, их социальных ценностных ориентациях.

Ценности и представления, касающиеся роли женщины в обществе, регулируются на глубинном ментальном уровне общественного сознания. Этот уровень формируется в ходе долгой истории развития общества и имеет самые различные аспекты: исторический, социальный, экономический, культурный, религиозный, политический.

Традиционно сущность женщины определялась через ряд негативных характеристик. Женщина – неполноценное и зависимое существо, низшее по сравнению с мужчиной, ограниченное и слабое. Во все времена единственный смысл женского бытия состоял в том, чтобы служить семье. И этот смысл определён самой природой, возложившей именно на женщину, а не на мужчину репродуктивные функции. Тем самым вне сферы сексуальности и материнства жизнь такого существа бессмысленна и имеет второстепенное значение. Сфера принятия решений, наследование и тому подобное – прерогатива мужчины. С точки зрения З. Фрейда, сама по себе женщина ни к чему, кроме деторождения, по-настоящему не способна, все её изобретения, а ими учёный признаёт только плетение и ткачество. [7, с. 41]

Истоки этих исторических тенденций пытались объяснить ученые. Мысль о том, что отношения между полами можно и нужно отличать от отношений производства, являлась весьма важным открытием. Он приписывал угнетение женщин смене способа производства во время неолитической революции [Там же, с. 55]. Как только у мужчин появилась собственность, они пожелали передавать её по наследству своим потомкам по патрилинейной схеме наследования. Это сопровождалось исключением матрилинейного наследования и привело к мировому историческому поражению женского пола.

Американский учёный Т. Веблен, рассматривая эволюцию экономической роли женщины в истории, выделяет три последовательных этапа: женщина как добычка; женщина как производитель потребительских благ для своего господина; женщина как объект демонстрации мужского успеха и богатства [Там же, с. 62-63].

В настоящее время в сфере профессиональной деятельности женщины отмечается две парадоксальные тенденции: с одной стороны – социально одобряемый образ деловой женщины, с другой – обеспокоенность массовым переходом к малодетной семье вследствие утверждения формального равноправия полов. Сторонники патриархального сознания склонны связывать все негативные процессы, происходящие в семье, с общественным трудом женщин. Участие женщин на рынке труда воспринимается

мужчинами как угроза национальному благосостоянию и благополучию семьи. Ориентация женщин на работу, карьеру разрушила материнский инстинкт, привела к падению нравов, разрушению семьи.

Изменения, происходящие в современном мире, создают новую социальную среду, которая выдвигает новые требования к женскому социуму, трансформирует диапазон и изменяет содержание социальных ролей, место женщины в социальной структуре общества.

Следствием социальных трансформаций в мире является резкое понижение социального статуса женщин. Общество пришло к социальной дискриминации женщин во всех сферах общественной жизни, причём в таких формах и проявлениях, которых женщины и не знали.

В современном обществе господствует формационный подход к пониманию женщины и её предназначения в обществе. Согласно данному подходу, женщина – такой же работник, как и мужчина, только физически более слабый и выходящий из производства для рождения и воспитания детей. Таким образом, формационная система ценностей изначально делает женщину неконкурентоспособной и невыгодной для производства.

На сегодняшний день социально-экономическая ситуация в мире такова, что профессиональная деятельность женщины вызвана необходимостью обеспечить средний прожиточный минимум существования своей семье, но часто бывает, что женщина просто не желает исполнять роль домохозяйки и воспитателя в семье. Особенно это характерно для женщин, имеющих высшее образование. Именно такие женщины стремятся не только быть в обществе, в коллективе, но и иметь собственные деньги, быть экономически независимыми.

Устойчивость стереотипных представлений, связанных с профессиональной деятельностью женщин, подтвердило социологическое исследование, проведённое учеными [3, с. 194]. Количество респондентов, принявших участие в социологическом опросе, составило одну тысячу человек, из которых 2/3 мужчин и половина женщин на вопрос о женской миссии в обществе согласились с естественным женским предназначением. Опрос показал, что относительно работающей женщины существуют негативные установки. Так, 51% респондентов-мужчин и 37% женщин считают, что занятость последних негативно влияет на детей; 40% мужчин и такой же процент женщин полагают, что существует прямая зависимость между работой женщин и ростом преступности в обществе; 50% мужчин и 25% женщин осуждают женщину, которая работает ради собственной карьеры.

Участие женщин во всех звеньях управления страной – от властных институтов до экономики и других сфер общественной жизни – проблема первостепенной важности.

Низкий уровень представленности женщин в политической сфере можно объяснить тем, что политика в мире традиционно считалась трудным делом, поэтому заниматься ею – не женское дело, и в карьерной борьбе предпочтение всегда отдаётся мужчине. На пути женщины к лидерству серьёзную роль играют препятствия, связанные с социализацией полов. Социализация женщин во многих странах мира, в том числе и в Узбекистане, происходила и происходит таким образом, что у большинства из них не возникает особых амбиций по поводу карьерных и политических устремлений. Большинство людей не видят в низком политическом статусе женщин социальной несправедливости. С детства мужчин настраивают на то, что они будут работать, как минимум чтобы прокормить семью, а женщин – что их кто-то прокормит. И мужчина, не сделавший профессиональную карьеру до 30 лет, как и женщина, не сумевшая создать семью до 30 лет, могут считаться в обществе аутсайдерами.

Закон гендерной властной пирамиды повторяется во всех органах власти и на всех уровнях. Его действия распространяются не только на высшие эшелоны власти, но и на низшие уровни: среди специалистов 26,6% женщин, в руководящем составе (в который

включаются и главные специалисты) их 40%, в то время как в категории «другие служащие» – 95% [5, с. 76].

Необходимо подчеркнуть тот факт, что среди руководителей мало женщин, потому что не существует соответствующей ролевой модели, а профессиональная карьера представляется несовместимой с женственностью. В соответствии с распределением социальных ролей профессиональная карьера отождествляется с мужчинами, и достижений здесь ждут только от мужчин.

С нашей позиции, для изменения места и роли женщины в современном обществе должна быть разработана система ценностных ориентиров, исходящая из установок на высшие ценности и сверхценности. Смысл её – в понимании необходимости воспроизводства не работника, а человека, ориентирующегося в своей деятельности на определённые устойчивые ценности и исходящие из них цели развития общества.

Нам женщинам, чтобы начать своё освобождение, следует воспользоваться наиболее простым способом: выражать сомнение в «природности», «изначальности» неполноценности женщины по сравнению с мужчиной всякий раз, когда они сталкиваются с таким взглядом, а не сидеть безучастно, а то и самим высмеивать женщину за её «врожденные» глупость, легкомыслие, тщеславие или иные пороки.

Отказ от стереотипов будет благотворен для общества в целом, так как высвободит немалый личностный и общественный потенциал, ныне скрытый из-за шаблонного мышления.

Каждая женщина должна иметь возможность индивидуального выбора самореализации и в профессиональной сфере деятельности, и в семейно-бытовой сфере в форме параллельного или последовательного сочетания профессиональной деятельности и материнства.

Свобода выбора, предоставляемая женщине обществом, ведёт к гармонизации всех общественных отношений. Гарантируя свободу выбора, мы сумеем в полной мере использовать те возможности созидания, которыми обладает «женский резерв».

В заключение хотелось бы отметить, что женская социально-демографическая общность имеет значительный социальный потенциал, практически не используемый в процессе становления цивилизованного общества в мире. Значительную роль в формировании женской социально-демографической общности как субъекта общественного развития могут сыграть новые ценностные ориентации, способствующие становлению социогендерной идентичности женщин и снимающие социальное напряжение в социуме через практику социального творчества, реализуемого в социальных инициативах.

Женские социальные инициативы не разрушают устои общества, а предлагают их пересмотреть, исходя из парадигмы, в соответствии с которой представители обоих полов будут находиться в равных условиях.

#### **Список литературы**

1. Гендер. Культура. Общество. Социология гендерных отношений: аспекты социальной антропологии и социальной работы: учеб. пособие / Н. И. Ловцова, Е. Р. Ярская-Смирнова и др. Саратов: СГТУ, 2006. 316 с.
2. Мезенцева Е. Гендерная экономика: теоретические подходы // Вопросы экономики. 2000. № 3. С. 54-66.
3. Морозова З. С. Эволюция социального статуса женщины // Социально-гуманитарные знания. 2008. № 2. С. 185-194.
4. Ткаченко М. Гендерный аспект демографических и социально-экономических преобразований в современной России (статус женщины) // Социальная политика и социальное партнёрство. 2008. № 6. С. 38-43.
5. Толлок Е. С. Проблема дискриминации женщин в современной России // Вопросы научной теории и социальной практики. Саратов: Научная книга, 2004. С. 71-79.

6. Тулузакова М. В. Социальное творчество женщин как фактор становления российского гражданского общества. Саратов: Изд-во Саратов. гос. ун-та, 2004. 224 с.
7. Фрейд З. Введение в психоанализ: лекции / пер. с нем. М.: Наука, 1989. 456 с.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

S.T.Kalandrova (ТIIAME) ingliz tili kafedrası o'qituvchisi

Таълим сифатини таъминлаш – битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамиятини: —Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга катта зарурат сезила бошлади - деб асослайди [1].

Шу боис ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуни-

кация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш; олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув-услугий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этишда профессор-ўқитувчиларнинг компьютер ва Интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш; олий таълимнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш; мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш олий таълим муассасалари фаолият йўналишлари таркибини белгилайди. Олий таълим тизимини модернизациялаш (ингл. modern – янгиланган, замонавий, тезкор ўсиш) ўқув-тарбия жараёнига нисбатан ҳам инновацион ёндашувни талаб этади. Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти куйидагилар билан ўлчанади: 1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш.

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати. Дарҳақиқат, таълимга инновацион (инглизча *innovation* – янгилик киритиш) ёндашув ғояси таълим мазмуни ва натижаларининг шахсга йўналганлиги, таълим мазмуни, шакл,

метод ва воситаларини фан ва техниканинг сўнги ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий методикалар

билан уйғунлаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий ёндашувдан фарқ қилади. В.А. Сластенин педагогик жараёнга инновацион ёндашишни ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва шаклига янгилик киритиш билан изоҳлайди [4]. Дарҳақиқат, таълим тизимида киритилаётган ҳар қандай инновация ахборот ва методик таъминотнинг мавжудлигини кўзда тутаяди. Шу сабабли олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновация киритишда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда педагогик-психологик фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш муҳим йўналишлардан саналади.

Бу эса ўз навбатида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс- мунозара, шарҳловчи маъруза, on-Line маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялардан фойдаланиш заруратини асослайди.

Бўлажак мутахассиснинг касбий ва шахсий ривожланишида тренинглар катта имкониятларга эга.

Тренинг – (инглиз тилидан *training-train* –ўқитмоқ, тарбияламоқ) интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб, у ўрганилиши лозим бўлган назарий гоя ва фикрларни амалий иш, машқлар давомида ўзлаштириши, мулоқот алмашиши имконини берувчи ташкилий тадбир ҳисобланади. Тренинг бу нафақат таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга, балки мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади. Тренинг мобайнида талабалар назарий маълумотларни ўзлаштириши билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ривожланиб боради. Ҳар қандай тренинг қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Изюминка (жозибга – қатнашчилар билан ишлашнинг ўзига ҳос ажойиб томони) қатнашчиларнинг тренингга қизиқишини уйғотиши учун қисқа баҳс бошлаш, саволлар бериш, қатнашчилар фикрини чалғитувчи (провакацион) таъкидларни илгари суриш ёки қандайдир фаолият турини фараз қилиш. Ўқув машғулоти қатнашчиларининг дастлабки билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириши.

2. Қатнашчилар учун натижаларни таъкидлаш. Қатнашчиларга тренингдан қандай мақсад кутилаётганини аудиторияга тушунтириш. Қатнашчилар тренинг натижасида: «Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни қилишим лозим?» деган саволга жавоб беришлари керак.

3. Тренернинг ҳиссаси. Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарур билимлар(матн, маъруза, ҳужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намойиш қилиш.

4. Интерфаол стратегия – тренингнинг юрагидир. Интерфаол услубида фойдаланадиган иш тартибини қисқача баён қилиш. Интерфаол услуб – бу жамоавий муҳокамани ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу турида қатнашчиларнинг барча қадамларини чизиб чиқиш. Гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа тушунтиришлар олиб бориш. Қатнашчилар тушунганлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш. —

Тренингни яқунлашга вақт етиши учун, унинг ҳар бир қисмини диққат билан ташкил қилиш. Бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар муҳим аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик. Тренер машқларни қатнашчилар томонидан

бажариш жараёнида топшириқларни тўғри бажаришини кузатиб бориши лозим. Дебрифинг (хулоса) баҳолаш. Қатнашчилар ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим (йўналиш)лари бўйича хулоса қиладилар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолат-

ларда, ўқувчилар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу – тренингни баҳолаш қисмидан иборат бўлиб, бунда «Қатнашчилар нимани ўргандилар?» саволига жавоб олинади. Тренинг давомида қатнашчилар ўрганган ёки кўрсатган билимлари натижалар билан мос келишини текширилади. Тренинглар анъанавий ўқув машғулотларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади: □□бунда таълим олувчилар ёки иштирокчилар гуруҳи ёши ва билим жиҳатдан бир хил бўлмайди;

тренинг жараёнининг асосий мақсади иштирокчиларни ўзаро мулоқотга чорлаш ва фаоллаштиришдан иборат этиб белгиланади;

ўқитиш ва тарбиялашнинг шакл, метод ва воситалари тренинг мақсадидан келиб чиқиб танланади ва индивидуаллаштирилади.

Педагогик амалиётда самарали инновацион ўқитиш методлари сифатида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари: муаммоли, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари ва бошқалардан фойдаланиш талабалар томоиндан касбий билимларни фаол ўзлаштириш, улардаги билиш фаоллиги, креатив кўникмаларни ривожлантириш имконини беради.

Илғор тажрибалар намунаси сифатида таълим амалиётига киритилган Кейс-стади ҳам ана шундай методлардан саналади. Кейс-стади – бу вазиятлар орқали ўқитиш ёки аниқ вазиятлар таҳлили, амалиётдан назарияга каби тамойилларга асосланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What). Ўқитишнинг самарли методларидан яна бири бу SWOT-таҳлиллардир. SWOT-таҳлил – мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади. Бунда ҳар қандай ғоя, тажриба, вазият ёки жараён 4 йўналишда кўриб чиқилади:

strength – кучли томонлари, weakness – заиф, кучсиз томонлари, opportunitу – имкониятлари, threat – тўсиқлар каби.

Олий таълим муассасаларида усулий фаолиятни ривожлантириш, талабаларнинг ўз-ўзини касбий ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қарор топтиришда – портфолиолар ҳам ижобий таъсир кучига эга.

Портфолио – ( итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио бўлажак мутахассиснинг ёки ўқитувчининг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий-шахсий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади.

Олий таълим муассасаларида таълимий фаолият учун: талабалар портфолиоси, битирувчи,

докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. педагогик фаолият учун ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси каби турлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш – бугунги кунда соҳа

олдида турган муҳим вазифалардан саналиб, унда ўқув жараёнининг меъерий, усулий, моддий техник таъминоти, кадрлар салоҳияти ҳамда инновацияларни ўзлаштириш кўникмалари ва, албатта, талабаларнинг касбий билимларни эгаллашга бўлган билиш фаоллигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.–Б.15-16.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. –192 б.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: —Истеъдод|| жамғармаси,2008. – 180 б.
4. Слостенин В.А. и др. Педагогика. – М.: "Академия", 2002. – С.5-6.

### СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИС КАДРЛАРИНИНГ КАСБИЙ АХЛОҚИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Е.Н.Holmurodova (ТIIAME) ingliz tili kafedrası o'qituvchisi

Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда ҳал қилувчи куч бўлган ёшларни билимли ва интеллектуал ривожланган авлод этиб тарбиялаш вазифаси доимо диққат марказимизда бўлган ва бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим. [1].

Даврлар ўтиши жараёнида ишлаб-чиқариш, фан ва техника ривожланиб, ижтимоий меҳнат тақсимоти янада чуқурлашмоқда. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши эса ўз навбатида, ҳар бири муайян ижтимоий функцияни бажарадиган янгидан-янги фаолият соҳалари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг соҳиблари эса шунга кўра муайян ижтимоий бурчларни бажара бошлайдилар. Мазкур бурч ва мажбуриятлар муайян ахлоқий қоидалар ва хулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топмоқда.

Таълим тизимини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юкори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ҳаракат стратегиясининг бешта устувор йўналишларида ўтилган яъни, “давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини давлат бошқарувининг марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини ошириш, ҳамда иқтисодийётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш [2]. Республикаимизда ўтган даврлар мобайнида Олий таълим муассасаларининг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда [3].

Хусусан, Республикаимизга малакали мутахассис кадрлар етиштириб беришда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг салмоқли ўрни ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Институтда сув хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрланиб, улар Республикаимизнинг барча ҳудудларида ўз ўринларини топиб ўз соҳалари бўйича фаолият олиб бормоқдалар. Бу борада уларнинг касбий ахлоқи ҳақида яъни, талабаларни ўқитиш жараёнида уларнинг маълум касбий қоидаларини ўзига хос томонларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Бугунги кунда истеъмолимизга “дала маданияти” тушунчаси кириб келди. Бу биз учун янги тушунча эмас, балки аждодларимизнинг деҳқончилик борасидаги асрлардан бери давом этиб келаётган анъаналарининг ривожини натижасидир, яъни ер ва сувдан оқилона фойдаланиш Республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосини ташкил этади. “Қобуснома”да шундай фикрлар келтирилади: “Деҳқончиликка



дуч келсанг, у ҳам жуда яхши хунардир, ҳар бирининг шартларини бажо келтир, токи ишинг ҳамиша ривож топгай ва муродга етгайсан. ... Агар эқмоқ ва ўрмоқ вақти бўлмаса, ҳамиша ер ҳайдаб шудгор қилишдан ғофил бўлмагил. Кейинги йилнинг тадбирини шу йил қилгил. Экинни кучли ерга экилки, агар еринг кучсиз бўлса, сенга фойда бермайди. Ҳамма вақт ерни тарбия қилгил ва деҳқончилик хунаридан баҳраманд бўлгайсан”[4].

Маълумки, ижтимоий меҳнат тақсимои меҳнатнинг маълум тури билан банд бўлган кишилар гуруҳларининг ихтисослик жиҳатдан ажралиб чиқишига асос бўлган. Маълумки, ихтисослик гуруҳларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида вужудга келмаган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг муттасил ривожланиши натижасида дастлаб ихтисосларнинг кичик гуруҳи бўлган меҳнатнинг янада ихтисослашуви жараёнида улардан янги-янги ихтисосликлар ташкил топди.

Сув хўжалиги бошқарувида илмий-техника тараққиётини ривожлантириш илмий-тадқиқод ва лойиҳа тадқиқод муассасалари тармоқлари орқали, сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари ва бошқарув аппаратининг кўп сонли контингенти ходимлари билан амалга оширилади. Бундай илмий-техника тараққиёти қатор ўзаро бир-бирига боғлиқ бўғинларни, илмий ғояларни ишлаб чиқишдан тортиб, уларни турмушда оммавий қўллашгача қамраб олади. Бу йўлда қуйидаги диққатга сазовор босқичларни аниқ ажратиш мумкин: тадқиқодларни ташкил этиш ва бевосита янги ғоя ва тавсияларни, техник ечимларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш текширувлари ва янги ишларни синаб кўриш; сув хўжалигининг илм-фан ва техника соҳасидаги янгиликларни кенг тарғибот ва ташвиқотини таъминлаш; кадрларни меҳнатнинг янги усулларига ўқитиш; ишлаб чиқаришга илм-фан ва техника ютуқларини бевосита тадбиқ этиш[8]каби жараёнлар ҳам бугунги мутахассис кадрларига қўйиладиган талабларга айланиб улгурди.

Касбларнинг мавжудлиги кишилар ўртасидаги универсал касбий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларини пайдо қилади. Меҳнат объектига, меҳнат қуролига, усул ва вазифаларига қараб, кишидан муайян турдаги ҳаракатларни, ритмларни, методларни, психологик реакцияларни талаб этадиган вазиятларнинг такрорланмас ўзига хослиги вужудга келади. Ҳар бир касбнинг ўзига хос усули пайдо бўладиги, инсон ўзининг субъектив туйғулар олами, интилишлари, ахлоқий фикри билан унга жалб этилади.

“Ахлоқ - деб таъкидлаганди Биринчи Президентимиз Ислон Каримов, - бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, халқи учун, жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди”[5].

Касбий ахлоқ ўз нуфузига, шон-шавкатига эга бўлиб, унинг баъзи ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳар бир ихтисослик ҳамда турдош ихтисослик гуруҳлари учун қуйидаги асосий хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- 1) мутахассислик ахлоқининг асосида касбий бурчни тўлиқ адо этиш;
- 2) ҳар бир ихтисослик учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ахлоқий талабларнинг мавжудлиги;
- 3) муайян талабларнинг бажарилиши ва маълум ихтисослик вакилларига қўйилган талаблар, қоидалар, урф-одатлар, майллар, таомилларнинг мавжудлиги.

Бу биз санаб ўтган ўзига хос хусусиятларнинг барчаси, турган гапки, бир бутун умумий ахлоқий талаблар зарурлигини инкор этмайди балки, касбий ахлоқ мавжудлиги туфайли умумий ахлоқий йўл-йўриқлар такомиллашиб ва уйғунлашиб қўшимча таъсир кучига эга бўлади.

Касб ахлоқининг мақсади меҳнат фаолияти объекти – инсонга муносабат бирор ихтисослик вакили бўлмиш ҳар бир киши онгига, руҳиятига қай тариқа сингиши ва хатти-ҳаракатларида қай тариқа намоён бўлишини кўрсатишдан иборатдир.

Халқимизда шундай бир удум бор. Ҳар бир деҳқон ўзи етиштирган ҳосилни аввалидан авлоднинг катталарига ёки қўни қўшниларга “капсан” – ҳосилни намунасини беради. Бу билан у киши ўзи етиштирган ҳосилининг мўл бўлганини, етилиб пишганини билдириш орқали анъаналарни давом эттиради. Бунинг мазмунида яна бир нарса борки, улуғлар фикрини билиш, қўни-қўшнилар ҳақи, ёру-биродарлар ҳамжиҳатлиги ифодаланади. Бу ҳолат ҳам деҳқонлардаги ўзига хос касбий анъанавий характердаги одобнинг бир намунасидир.

Касб ахлоқи бурчни, мутахассислик ор-номусини, шон-шарафни, кадр-қимматни, маънавий покликни, садоқатни тушунишда объектив ва субъектив жиҳатнинг, ички ва ташқи жараённинг диалектик бирлигини янада чуқур англашга ёрдам беради. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласини шундай бошлайди: “Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур”[6].

Қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг самарадорлиги, бизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигимиз, нафақат қишлоқ аҳли, балки бутун халқимизнинг моддий фаровонлиги, охир-оқибатда эса бозорларимизда нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нарҳи қандай бўлиши, авваломбор, бебаҳо бойлигимиз бўлган ерларнинг унумдорлиги, уларнинг ҳолатини доимий равишда яхшилаб бориш билан чамбарчас боғлиқ. “Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар — 1,5 баробар, сабзавот — 2,6 баробар, мева — 6,3 баробар ошди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ва улар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнларнинг заминидан сув хўжалиги мутахассис кадрларнинг салоҳияти юксалиб бораётганлиги ва Республикаимизда ўзига хос иш услуги юзага келганлиги акс этади.

Эндиликда Республикаимизда ишбилармон кишиларни маънавий ахлоқий тарбиясини кучайтиришни, уларни маълум талаблар даражасида бўлиши қандай талаблар асосида бўлиши кераклиги масаласини тадқиқ этиш долзарбликни касб этмоқда.

Муомала – кишилар билан муносабат, сўзлашув ва шунингдек, иш, хизмат ва барча соҳалар билан алоқаларни ифода этувчи тушунча. Муомала- инсоннинг социал фаоллигини кўрсатувчи бир кўзгудир. Муомалада инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари намоён бўлади. Муомала кўп қиррали тушунча: унда иқтисодий, сиёсий, эстетик, ахлоқий, касбий ва бошқа хусусиятлар акс этади. Бироқ инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, қандай даражани эгаллашига, қайси ёшда бўлишига қарамай муомала маданиятига эга бўлмоғи заруратдир. Чунки инсонона шу муомаласи билан ҳамжаётнинг гултожиси ва мўъжизасидир. Шундай экан, инсонона шу муомала маданиятини ёшлигидан эгалламоғи, шакллантирмоғи шартдир. Энг гўзал муомала лутф-карамдир. Алишер Навоий ҳазратлари бундай муомалани “муомалапарвоз” деб атаган. Ҳалқимизда одамлар билан тўғри, оқилона муомала қила билиш маданияти, олижаноблик, деб ҳисобланади.

Агар сиз ўзингиздан катта ёшдагилар даврасида бўлсангиз, тенгдошларингизга нисбатан ўзингизни сипорок, диққатлироқ тутинг.

Қадамингизни дадил ва шаҳдам босинг. Лекин қўлларни силкитиш асло ярамайди, катта қадам ташлаш шарт эмас. Энг яхши усул – ўртача ҳаракат ва тўғри қадди-қоматдир.

Ўриндикда ўтирганда унга ястаниш ёки жуда четида ўтириш, суяниб олиш ярамайди. Ўтираётганда ёки тураётганда шовқин кўтариш ёки безовта қилиш одобдан эмас.

Суҳбатлашаётганда ёнга ёнбошламасдан ёки суянчиққа суянмасдан, тўғри ўтириш зарур. Суҳбат чоғида бошни қўлга тираб ўтириш хунук кўринади. Бу ҳолат зерикканликни ёки чарчаш белгисини англатади.

Қўлни кўкрак устида чалкаштириб туриш мумкин, лекин бу суҳбатни тўхтатиш хоҳишини ёки суҳбатдошга нисбатан норозиликни англатади.

Бўйинни чўзиш ёки елкаларни кўтариш тажанг вазиятни, ёки ўз ўй-фикрлари билан бандлик ҳолатини англатади.

Суҳбатдошга мойилликни билдириш учун бошни сал эгиб ўтириш зарур. Бошни эгиш суҳбатдошни диққат билан тинглаётганликни билдиради.

Демак, бу ҳолатлар ҳар бир касб эгаси сингари кишлоқ ва сув хўжалиги мутахассис кадрлари учун ҳам тегишлидир. Чунки етиштирган маҳсулоти ҳақида маълумот бериш, икки томонлама фойдали шартномалар тузиш, домий ҳамкорликни таъминлаш зарур. Бу борада тилни билиш, ҳамкор вакилнинг маданиятини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро муомалада умумий бир тушунарли тил мавжудки, бу табассумдир. Хориж мамлакатларидаги ҳаёт ва ишбилармонлик табиати бизникига ўхшамаслиги мумкин. Шошилмасдан сўзлаш лозим. Чунки хорижлик ҳамкорларингиз нафақат сизни яхши тушуниши, балки талаффузингизга кўникишлари ҳам керак.

Масалан, агар кимдир саволингизга тўғри жавоб бермаса, бу уларнинг саволингизга тўғри жавобни билмаслигини англатмайди. Шунчаки, улар сизнинг саволингизни тўла тушунишмаган бўлиши мумкин.

Ҳазиллашиш ҳам унчалик маъқул эмас. Хорижлик ҳамкорларингизнинг маданий ҳаётида сиз қилаётган ҳазил бутунлай ўзгача маъно касб этиши мумкин. Аслида ишбилармонлик учрашувларида муваффақиятли ҳазил энг катта санъат ҳисобланади. Аммо маданияти ва анъаналари турлича бўлган мамлакатларда ҳазил ҳам турлича мақомга эга эканлигини унутмаслик лозим.

Шундан сўнг бошқалар кўнглидаги гапларни англай олишни ҳам ўрганиш даркор. Ҳамкорларингизнинг сизнинг фикрингизга бўлган муносабатларини уларнинг юз қиёфаси, овози ва ҳаракатларидан билиб олиш мумкин. Аввало ҳамкорларингизнинг ишбилармонлик тажрибаси, салоҳиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим. Бутун инсониятнинг умумий бир тили мавжуд, бу ҳам бўлса самимий табассумдир.

Яхши муносабат қоидаларига бағишланган кўп жилдли ўзининг асарида америкалик ёзувчи Алиса Цой «Ўзингнинг обрўйингни сақла, ўзингдан паст маданиятли кишиларга ўхшама. Эсингда бўлсин, сен ундан либосинг, қадди-қоматинг, хатти –ҳаракатинг ва одобинг билан устун бўлишга ҳаракат қил» деб ёзган. Айнан ўз обрўсини сақлашни ҳис этиш туйғуси ҳар бир касб эгасини ўз бурчларини сифатли адо этишга, истеъмолчиларни алдамасликка, улар билан ахлоқ талабларига кўра хушмуомалалик қилишга, ўзини ёмон йўллардан қайтаришга ва ташқи қиёфасини яхшилашга ҳамда жамиятнинг бошқа талабларига итоат қилишга мажбур қилади. Шу сабабли “Ахлоқшунослик” фанини ўқитиш орқали талабаларда касбга муҳаббат, ўз касбидаги улуғликни кадрлаш, касбга ҳурмат тушунчаларни бойитиш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолганлиги бежиз эмас.

Инсон маънавий маданиятининг асосий мезони – ахлоқий етуклик ҳисобланади. Ахлоқий етуклик эса – ўзида ҳалоллик, инсофлилик, виждонлилик, саҳоватпешалик, шафқатлилик, меҳрибонлик сингари ахлоқий фазилатларни мужассам этади. Шундай экан, муомала маданиятининг асосий мезонини яхши хулқ ва гўзал фазилат уйғунлиги ташкил этади. Шунини қайд этиш лозимки, инсонийликнинг энг муҳим хусусиятларидан

бири, унинг ўзини яшаши, турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга эканлигидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ
2. Шавкат Мирзиёевнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи.
3. Ислом Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи
4. Каримов И. А. Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3 – Т. : Ўзбекистон. 2008.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон.

## **CHET TILLARINI O'QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI**

M.T.Saipova, katta o'qituvchi, TIQXMMI

Ta'lim tizimida islohotlarni amalga oshirishda va rivojlantirishda hukumatimiz tomonidan har yili turli xil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, ta'lim tizimida yil sayin rivojlanib borayotgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim jarayonini yuqori bosqichga ko'tarishga xizmat qilayotganligi barchamizga ma'lum. Hozirgi kunda ta'lim jarayonini mazmunli va samarali tashkil etish uchun kompyuter, multimedia, internet, masofali o'qitish, yagona axborot muhiti va shunga o'xshash axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish, o'zining samarasini bermoqda.

Chet tillarni o'qitishning sifatini oshirish va yanada samarali usullarni ta'lim jarayoniga tadbir qilish, hozirgi davrning dolzarb masalalaridan biridir. Ushbu masala O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi qarorida o'zining yorqin ifodasini topgan. Bunga qo'shimcha sifatida "Barkamol avlod yili" Davlat dasturida ham ta'lim sohasida zamonaviy axborot va kompyuter texnologiyalari, internet tizimi, raqamli va keng formatli telekommunikatsiyalarning zamonaviy usullarini o'zlashtirish" masalasi dolzarb vazifalar qatorida belgilandi [1].

Shu o'rinda, XXI asrning e'tiborga loyiq eng muhim rivojlanib va takomillashib borayotgan hodisalaridan biri bu-internet tarmog'idan foydalanishdir. Internetdan unumli foydalanish jarayoni nafaqat rivojlangan mamlakatlarda, balki rivojlanib borayotgan davlatlarda ham o'z ta'sirini ma'lum darajada o'tkazmoqda. Umumjahon internet tarmog'i telekommunikatsiya texnologiyalari orasida bugungi kunning eng ilg'ori sifatida tan olinmoqda. Axborot va kommunikatsiya texnologiyalari har bir yangi avlod uchun bilim va ma'lumotlarni erkin tarzda tarqatish va o'z o'rnida ularga ega bo'lish, avvallari mavjud bo'lmagan imkoniyatlarni ochib berayapti. Shu bilan bir qatorda, istalgan sohada ilm olayotgan kishi o'zi istagan, cheklanmagan ma'lumot va manbalarga ega bo'lmoqda.

Insoniyat bugungi kunda raqobatbardosh xususiyatlarga, bilimlarga va har damda zamon bilan hamnafas bo'lishi uchun, bilim va ko'nikmalarni takomillashtirib bormasa, kelajakda o'zi yashayotgan jamiyat talablarini to'laqonli uddalay olmasligi mumkin. Shu sababli ham, internet

o'zida barcha muhim va hayot uchun zaruriy ma'lumotlarga boy, o'zimiz istagan vaqtda, erkin va ko'p vaqt sarflamagan holda xohlagan ma'lumotga ega bo'lishimizni ta'minlab beradigan manba sifatida qabul qilinmoqda [2].

Internet tarmog'idan keng foydalanish ta'lim sohasini rivojlantirishga ham ulkan hissa qo'shib kelmoqda. Hozirgi zamonda internet tarmog'i har kimga, yoshidan, sharoitidan va vaqt miqdoridan qat'iy nazar butun umri davomida bilim olish imkoniyatini bermoqda. Mamlakatimizni jahon bozoriga chiqishi ijtimoiy va iqtisodiy yangilanishlar va o'zgarishlar sababli chet tillarni o'rganishga keskin talab paydo bo'ldi. Yildan-yilga chet tillarni o'qitish va o'rganish jarayoni o'ziga xos murakkab, ayrim hollarda muammoli jarayonga aylanmoqda. Bugungi kun yoshlari chet tili bo'yicha bilimga ega bo'lish, kelajakda nufuzli kasb egasiga aylanishlari ehtimoli yuqori ekanligini yaxshi tushunmoqdalar. Bu esa, o'z o'rnida chet tillarni o'qitishda yangi yondashuvlar, metodlar va ta'lim texnologiyalarini tadbiiq etish vazifasini oldimizga maqsad qilib qo'ymoqda. Yangicha uslub va metodlarni joriy qilish chora-tadbirlarining jadallashib borishi so'nggi 20 yilda internet tarmog'i sababli yuzaga kelishiga bog'lasak mubolag'a qilmaymiz.

Internet yordamida chet tillarni o'qitish va o'rganish amalda bir qancha ijobiy natijalarni beradi. Masalan: og'zaki nutq bilim ko'nikmalarini shakllanishida, so'z boyligi va grammatik bilimlarni oshirishda, chet tilini o'rganishga bo'lgan qiziqish va samaradorligini ta'minlaydi va hokazo [3].

Bundan tashqari, internet nafaqat chet tillarni o'rganishga bo'lgan bilim va ko'nikmalarni, balki insonni analiz, sintez, taqqoslash, farqlash, bashorat qilish va mustaqil fikr yuritishga, ma'lum qarorlar chiqarishga undaydi. Demak, internet o'rganuvchilarning nafaqat chet tilini o'rganish bilimlarini, balki ijtimoiy va psixologik xususiyatlarini mukammallashtirishiga ko'maklashadi. Shu bilan birga, ularni o'zlariga bo'lgan ishonchini oshiradi, jamoada ishlay bilish ko'nikmalari sifatini ta'minlaydi va o'qib o'rganish uchun qulay shart-sharoitlar yaratadi.

Kompyuter va internet texnologiyalaridan unumli foydalanish orqali jamoaga turli xil tadbir va projeklarni amalga oshirishga yordam beradi. Masalan, veb-saytlar ochish, onlayn suhbatlar olib borish, tematik nashrlarni joriy etish, ma'lumotlar bazasini va hokazolarni tashkillashtirishga bevosita xizmat qiladi va o'quvchilarda guruh bo'lib ishlash ko'nikma va malakalari sifatini oshiradi. Internet tarmog'i haqiqiy, hayotiy, real vaziyatlar va muloqot ishtirokchisi bo'lishni taqozo etadi. O'rganuvchilar o'zlari bilmagan holda realistik, qiziqarli va bilimlarini sinab ko'rish imkoniyatiga ega bo'lgan masalalar yechimini topa olish orqali ularga to'g'ridan-to'g'ri o'ziga xos, original, ma'lum bir qolipga yoki shaklga ega bo'magan nutq birikmalaridan foydalanishadi va samarali natijalarga erishishadi. Asosiy e'tibor shakldan ko'ra, tushunishga, ifoda mazmuniga va mantiqqa beriladi. Grammatik qoidalar chuqur o'rganilmagan holda bevosita samarali shakllanib boradi [4].

Axborot texnologiyalarini ta'lim jarayoniga joriy etish bo'yicha jamiyatimizning tez sur'atlar bilan o'sib boruvchi ehtiyojlari oliy ta'lim muassasalarida auditoriyadan tashqari mashg'ulotlarda electron qo'llanmalar, virtual stendlar, internet tarmog'i imkoniyatlaridan foydalangan holda, nazariy hamda amaliy tadbirlarning bajarilishini taqozo etadi [5].

Xulosa qilib aytganda, chet tillarni o'qitishda axborot texnologiyalaridan unumli foydalana olish har bir pedagogning o'ziga bog'liq. O'z o'rnida pedagoglarning kompyuter va internet texnologiyalarini o'quv jarayoniga joriy etish faoliyati esa o'zi ta'lim berayotgan dargohning shart-sharoiti va talablariga bog'liqdir. Axborot texnologiyalaridan har bir ta'lim dargohi bir xil, unumli foydalanadi, deb ayta olmaymiz. Biroq, hukumatimiz davr talabidan kelib chiqib, har bir hozirgi kun pedagogi axborot va kommunikatsiya texnologiyalaridan imkon qadar samarali foydalanishni talab qilyapti va o'z o'rnida zaruriy barcha shart-sharoitlar yaratib bermoqda. O'z o'rnida, professor-o'qituvchilardan esa, faqat kompyuter bilimlarini to'laqonli egallash va dars jarayonlariga tadbiiq etish qolmoqda.

1. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi qarori.
2. Sayidaxmedov A. Yangi pedagogik texnologiyalar. –T.: Moliya, 2003.–B. 35.
3. Andreev A.A. Vvedeniye v Internet-obrazovaniye. Uchebnoye posobiye. –M.: Logos, 2003.
4. Petrochenkov A.G. Kompyuterii I internet v obucheniye inostrannim yazikam / Uchitel, 2003. –С. 60.
5. Potapova P.K. Noviyе informatsionniyі texnologii i lingvistika: Uchebnoye posobiye. – M., 2004. –С. 12.

## ИНСОННИНГ ХУЛҚИГА ДОИР ФЕЪЛЛАРНИНГ КОГНИТИВ ТАХЛИЛ

*Кодирова Р. Т.- катта уқитувчи, ТИКХММИ*

### Аннотация

In modern cognitive linguistics, crucial becomes the notion of "concept", which as the term is increasingly used by researchers dealing with linguistic representations of cognitions. The article proposes the cognitive analysis of verb lexemes expressing the human behavior in English and Uzbek languages. In these verbs the main component is the theme of "behavior". In this article we have made the analysis of verb lexemes expressing a good behavior of man and gave examples from the literature.

Когнитив лингвистика - тилшуносликнинг фаол ривожланаётган йўналишларидан биридир.

Ҳозирги кунгача когнитив лингвистиканинг қуйидаги соҳалари мавжуд: тил маданиятшунослиги, лингвокультурологик, мантиқий, семантик-когнитив ва фалсафий-семиотик.(1)

Мазкур мақолада биз инглиз ва ўзбек тилларидаги инсоннинг хулқини ифодаловчи феъл лексемаларини когнитив тилшуносликдаги семантик-когнитив жиҳатдан таҳлил қиламиз. Биз танлаган феълларда, “хулқ” семаси умумий компонент бўлиб иштирок этмоқда. Бу эса, у ёки бу феъл лексемасини семантик майдонга киритишга имкон беради ва бу феълларни алоҳида концепт доирасида қараш мумкин.

Феъл лексемаларини феъллик хусусиятидан ташқари семантик майдондаги ўрнига кўра икки гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1) Инсоннинг яхши хулқини ифодаловчи феъл лексемалари.

2) Инсоннинг ёмон хулқини ифодаловчи феъл лексемалари.

Инглиз ва ўзбек тилларида инсон хулқига доир феълларни гуруҳларга ажратиб, улардан энг муҳимларини мардлик, ботирлик ва дадиллик билан боғлаш мумкин. Бирок шу билан бирга инсон хулқининг ушбу сифатлари жамиятга фойдали бўлса, бошқа жамиятга зид бўлган хусусиятларни ифодаловчи феъллар ҳам бор. Инсоннинг хулқида унинг яхши ва ёмон сифатлари мавжуд. Яхши хулқга эга бўлган инсонлар турғун мақсадларга эга бўлиб, ташаббускор бўладилар ва кўрқмасдан қарор қабул қиладилар ҳамда уларни амалга оширадилар. Бундай кишилар кучли сабр-тоқатга эга бўлиб, ботир ва дадил бўладилар. Бу концептга тегишли феъллар:

Инглиз тилидаги мардлик, жасурликни ифодаловчи феъллардан бири *be emboldened* ни оладиган бўлсак, унинг изоҳли луғатдаги қуйидаги маъноларини келтиришимиз мумкин: *give (someone) the courage or confidence to do something or to behave in a certain way.*

Ўзбек тилида мардликни ифодаловчи феъл лексемалари кўпчиликни ташкил қилиб, улар оғзаки ва ёзма нутқда кенг тарқалган. Мисол сифатида *мардлик қилмоқ, мардлик кўрсатмоқ, ботирлик қилмоқ, ботирлик кўрсатмоқ, журъат қилмоқ, ботирланмоқ,*

жасурлик қилмоқ, жасурланмоқ каби феълларни келтириш мумкин. Шундай феъллардан бири бўлган *мардлик қилмоқ* феъли ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича таърифланади: Мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. Мардлик қилмоқ, маррдлиқ кўрсатмоқ.

*Ватанни келгиндилардан озод қилиш - дуёдаги энг катта мардликдир!*(П. Қодиров)

Мардлиқ – бу инсоннинг шахсий сифати, у қатъийлик, дадиллик, ўзини тута билиш ва бошқа яхши сифатлар билан боғлиқ, шунинг учун бу гуруҳга кирувчи феъл лексемаларини кичик гуруҳларга ажратамиз:

- a. Қатъийликни ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида *hold(be stand) one`s ground* феъл лексемасини мисол қилиб олсак, изоҳли луғатда у қуйидагича таърифланади: not retreat or lose one`s advantage during a conflict or competition.

You will be able to hold your ground and resist the enemy`s attack.(2)

Ўзбек тилида эса *қатъийлашмоқ* феъл лексемасининг изоҳли луғатда қуйидаги маънолари мавжуд: 1. Узил-кесил, қатъий тус олмоқ, қатъий, аниқ бўлмоқ.

Бўтабойнинг бу хаёллари борган сари қатъийлашаверди. (С. Аҳмад)

2. Ўзгармас ҳолга келмоқ, мустаҳкамланмоқ, барқарор бўлмоқ. Нархлар қатъийлашди.

1.2. Қатъий, дадил ҳаракат қилишни ифодаловчи феъллар.

Дадиллик – инсоннинг энг муҳим хусусияти бўлиб, у ҳаёт фаолиятини белгиловчи моҳияти билан ажралиб туради. Бу эса, қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг узлуксиз шартидир. Ушба гуруҳга инглиз тилидаги *to be resolved* феълени мисол қилиб олсак, изоҳли луғатда қуйидагича таърифланади: firmly determined to do something. Constance was resolved not to cry.

Ўзбек тилида *дадилланмоқ, дадил бўлмоқ, дадиллашмоқ, қатъийлашмоқ* феъллари ушбу гуруҳга мисол бўлиб, тобора дадилланмоқни, тобора дадил бўлиб бормоқни, тетикланмоқ каби маъноларни эга:

Айтиб берсангиз, балки топарман, - деди Адолат дадиллашиб. (С.Зуннунова)

2. Қайсарлик ёки ўжарликни ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида ушбу гуруҳга *persist(in), be stubborn, be obstinate* феълларини мисол қилиб келтирсак, *persist(in)* феъли изоҳли луғатда қуйидагича таърифланади: continue firmly or obstinately in an opinion or a course of action in spite of difficulty, opposition or failure.

The minority of drivers who persist in drinking.

Ўзбек тилида эса қайсарликни ифодаловчи феъллар кўпчиликни ташкил этади. *Қайсарланмоқ, қайсарлик қилмоқ, қайсарлиги тутмоқ, унамай туриб олмоқ, ўжарлик қилмоқ, ўжарлиги тутмоқ.*

Қобил ўз сўзида туриб олиб, қайсарланарди.

3. Мустақиллик, эркинликни ифодаловчи феъллар инглиз тилида жуда озчиликни ташкил этади. Шулардан бири *free* феъл лексемасини олсак, изоҳли луғатда унинг бир қанча маъноларига дуч келиш мумкин:

-make free in particular: from captivity, confinement, or slavery: they were freed from jail.

-from physical obstruction, restraint, or entanglement: I had to tag hurd and at last freed him.

-from restriction or excessive regulation: his inheritance freed him from financial constraints.

-from something undesirable: free you mind and body of excess tension.

So as to become available for a particular purpose : this will free up funds for development elsewhere.

5. Эҳтиёткор бўлмоқ концептини ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида *care, guard* феъл лексемаларини мисол қилиб олсак, изоҳли луғатда *care* феълига қуйидагича таъриф берилган:1. (often with negative) feel concern or interest: attack importance to something :they don`t care about human life.2. (care for) look after and provide for the needs of: an oldtimer:cares for his dogs and then himself, whispered Malemute Kid to Prince .(J.London)

*guard* феъли эса куйидагича таърифланади: watch over to keep safe; They were sent to guard villagers from attack by bandits.

Ўзбек тилида *эхтиёт бўлмоқ*, *эхтиёт тутмоқ*, *эхтиёт қилмоқ*, *эхтиётламоқ* каби феълларни мисол қилиб олиш мумкин. Шундай феъллардан бири *эхтиёт қилмоқ* ўзбек тилининг изоҳли луғатида куйидагича: 1) эҳтиёт чораларини кўриб сақламоқ, асрамоқ, авайлаб тутмоқ. Қиз – биллур қадах. Эҳтиёт қилмасанг, кўлингдан тушиб кетади. (Шухрат)

2) тежамоқ, тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қилмоқ.

Ўқни эҳтиёт қил! Мўлжални аниқ ол! (Х.Ғулом)

3) авайлаб сақламоқ, бекитиб қўймоқ.

Хужжатларни эҳтиёт қилмоқ.

Эҳтиёткорлик ўзини тута биладиган, эътиборли, мавжуд бўлиш мумкин бўлган хавфни назарда тутадиган инсон характерининг хусусиятларидан биридир. Куйидаги феъл семантикасида эҳтиёткорлик хулқи схемасида индивиднинг ҳаракатлари ва муомаласида намоён бўлади.

Албатта қизларни отдан йиқилишу, майиб бўлишдан ҳам эҳтиётланг!

(П. Қодиров)

5. Сукут сақламоқни ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида *keep silence, be silent, become(fall) silent, lapse to silence, hush up, keep silent,(about)* кабиларни мисол қилиш кифоя. Изоҳли луғатда *silence* феълига куйидагича таъриф берилган: (often be silenced) cause to become silent; prohibit or prevent from speaking:

Freedom of the press cannot be silenced by tanks.

Ўзбек тилида ушбу гуруҳга *сукут қилмоқ*, *сукут этмоқ*, *сукутга ботмоқ*, *сукутга кетмоқ* каби феъллар киради.

Ёрмат бир нафас сукут қилди.(Ойбек)

Келтирилган инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл лексемалари семантикасида инсоннинг куйидаги фазилатлари ўз ифодасини топган: ўз хулқини назорат қилиш, ташқи таъсирларнинг салбий бўлишига йўл қўймаслик, зарба бермаслик, балки исталган вазиятларда назоратли қарорлар топишни билиш, сукут сақлаш, бекрга куч сарфлашга йўл қўймаслик, ўз фазилатларини сақлаган ҳолда мувозанатдан чиқмаслик бу концептни ифодалайди.

6. Кимгадир эътибор бериш, ҳурмат қилишни ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида *respect* ва *esteem* феълларини мисол тариқасида олсак, изоҳли луғатда уларнинг куйидаги таърифи берилган: respect – admire( someone or something) deeply, as a result of their abilities, qualities, or achievements:

She was respected by everyone she worked with.

- have due regard for the feelings, wishes, rights, or traditions of:

I respected his views.

- avoid harming or interfering with:

It is incumbent upon all boaters to respect the environment.

- agree to recognize and abide by (a legal requirement):

He urged all foreign nationals to respect the laws of their country of residence.

esteem – (usually be esteemed) respect and admire:

Many of these qualities are esteemed by managers.

Юқорида келтирилган иккита феъл ҳам инсон хулқи билан боғлиқ бўлган анъанавий муаммолардан бири – инсонга эътибор бериш, уни ҳурмат қилишни ўзида мужассам этган.

Ўзбек тилида *эътибор бермоқ*, *ҳурмат қилмоқ* каби феъллар ҳам нафақат инсонга нисбатан, балки ўз касбига бўлган ҳурмат, Ватанга ҳурмат, кимса ёки нарса қимматини тушуниб, уни қадрлаш, улуғлаш, эъзозлаш туйғуларини ўзида акс эттиради.

... уни “Бабуриносол”, яъни “Бобурнинг элчиси” деб ҳурмат қиладилар.(П.Қодиров)



Созандаларни, устозларингизни қадрланг, ҳурматланг.(Е.Обидов. Юсуьжон кизик)

Инсоннинг бошқа инсонга зарар етказишга мойиллигининг сабабларини тушунтириш енгил, лекин кам учрайдиган тўғри қарама-қарши хулқларни тушунтириш қийинроқдир.

Ушбу кичик гуруҳлар қуйидаги инглиз ва ўзбек тилларидаги феъллардан ташкил топган:

6.1. Кимнидир руҳлантирмоқ, илҳомлантирмоқ ни ифодаловчи феъллар: *encourage, inspire, be (feel) inspired, be inspired by smth, revive(d), enliven, vivify(d), animate(d), cheer up.*

Изоҳли луғатда encourage қуйидагича таърифланади: give support, confidence, or hope to (someone):

We were encouraged by the success of this venture.

*Руҳланмоқ* феълени мисол қилиб олсак, изоҳли луғатда ушбу феъл руҳий кўтаринкилик касб этмоқ, илҳомланмоқ, рағбатланмоқ маъноларини беради:

Гулсумнинг ҳар бир сўзини жони-дили билан тинглашдан руҳланди. (П.Турсун)

6.2. “Ёрдам бермоқ”, “саҳийлик қилмоқ” ларни ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида *help, assist, aid* каби феълларни мисол қилиб олсак, улардан энг кўп ишлатиладиган *help* феъл лексемасига изоҳ берамиз.

1. make it easier for (someone) to do something be offering one`s services or financial or material aid:

Roger`s companion helped him with the rent.

2. (help someone to) serve someone with (food or drink) :

She helped herself to a cookie.

3. (can, could not help) cannot or could not avoid:

He could not help laughing.

Ўзбек тилида ушбу гуруҳга *ёрдам қилмоқ, ёрдам кўрсатмоқ, ёрдамлашмоқ, саҳийлик қилмоқ, кўмаклашмоқ* каби феъллар киради. Ушбу гуруҳдаги ёзма ва оғзаки нутқда кенг тарқалган феъл *ёрдамлашмоқ*ни мисол қилиб оламиз.

(Ёрмат) катта тугунларни хотинларнинг қўлларидан олиб, бошларидан олиб, ичкарига олиб киришга ёрдамлашди.(Ойбек)

Инсоннинг хулқи билан боғлиқ концептларни ифодаловчи ижобий ва салбий хусусиятлари билан ажралиб турувчи феъллар инглиз ва ўзбек тилларида алоҳида концептлар доирасида ўрганилади. Юқорида биз келтирган феъллар уларнинг бир қисмини ташкил этади. Бу гуруҳдаги феълларни когнитив ва маданиятлараро таҳлили келгуси тадқиқотларимизда ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Попова З.Д. , Когнитивная лингвистика, - Москва, 2007
2. Erin Mckean., The new Oxford American Dictionary. Second Edition, Oxford 2005

## **INFORMATION TECHNOLOGY IN THE FORMATION OF A PERSONALITY OF A STUDENT.**

Umarova F. N. senior teacher, TIAME

The world is on the threshold of global changes and entering a new stage of development. Under conditions of increasing world population, the struggle for resources erupted with renewed vigor and with great fierce. The world is gradually, painfully and with great loss of life striving to become multipolar and liberal. But some states and blocs do not like it, and this scenario "is not in their own script." They would like to be the political and economic hegemony in the world and dictate and even forcibly impose their own desire. And so they tend to use different types of weapons and arms to maintain their dominant position. Since we live in the age

of information and ICT, the most powerful weapon and the lever of influence is the information and various ICT, through which it is possible to deliver "the right for the customer" information for the "consumer". Whereas in the past aggressors won the people and the state with fire and sword, now the most powerful weapon is information and ICT. It suffices to study the psychology of people, based on the goals and objectives of the plan contents and then deliver this information to the end "user" and sow discord and chaos in the minds and hearts of people. At the same time as necessary have to enclose additional information firewood in inflaming the fire, and after a certain time, you can reap the rewards!

All this tells us about the importance and possible danger of information and ICT. And also presents us with new challenges and tasks for a secure, peaceful, consistent and constructive development of our country and the society. This encourages us to be more careful in the selection and use of information and ICT.

As early as January 24, 2001 at the meeting devoted to the education of youth our President Islam Karimov said: "... those who want to put obstacles in our independent development path to achieve our goals, building a new society, first of all try to affect spirituality still immature youth with immature thinking, obscuring their ideas contrary to nature and the sacred traditions of our people, seeking to turn them into a tool in achieving their selfish and vile intentions [1].

Unfortunately, more and more people around the world, and in our country become literally dependent on television, pop music and the tabloids constantly and persistently firing its main part of their body - the brain - various information for are often meaningless or even harmful and dangerous! And at the same time, various companies using modern research and discoveries in the field of human psychology and behavior, skillfully use it for the benefit of themselves. They hire experts in the field of human psychology to create ingenious commercials, posters and action to literally make a person buy their goods. For these purposes they use the TV, radio, pop music, social networking, tabloids, etc. It has long been a special science the psychology of advertising and marketing, as well as special profession for these purposes.

The number of educational programs on TV and in other media has been steadily declining: Now from every five hours news just one minute is referred to science. Only 1.4% of the total flow of information available through television, print media, radio and the Internet, is dedicated to educational topics. A study conducted by the University of California, found that repeated exposure to scenes from the scene of terrorist attacks and war zones increases the percentage of physical and mental illness among viewers. In fact, the TV was accused of provoking a collective trauma. And it's name is fear and aggression. MD, renowned psychiatrist Igor Anatolevich Janushew said in an interview: In the people who always look aggressive scenes on TV, aggression can be developed in their own mind and body. And it is not virtual, and the most that neither is real. I happened to be on probation in the United States just at the time of a criminal: seven pupils were shot directly in the school. I was officially admitted to the research man as a third party, i.e. an independent consultant. So the killer was found healthy. But when he was asked about his hobbies he said something like this: I like to watch fighters, fantasy, horror. The plot of the shooting of schoolchildren he "spied" in one of the coolest fighters.

Television, pop music videos and video games, all without exception, using television technology, "unfold" a much faster rate than real life, and delivered faster, with the result that people have formed an increased need for high-speed receiving information through these means of communication. It is a form of television transmission facilities - fast frame rates, installation, zoom, panoramic images and unexpected noises - changes our brain, activating what Pavlov called «orienting reflex» Orienting reflex is a physiological expression: a reduction in heart rate of 4-6 seconds. TV includes this reflex is much faster than it does in real life, and that is why we sometimes cannot take our eyes off the screen even during an intimate conversation or watch TV much longer than planned. Typical music videos, action sequences and commercials actuated orientation reflexes at a rate of one per second, viewing them makes us continuously orienting reflex without pauses for recovery [2].

Because of the great changes taking place in the body and psyche of a teenager, his mind is very often in strong despair and depression because of the problems, new concerns and difficulties in learning or in communicating with their peers. Desire to "rest" from the real world and move to another, in which he will not have any problems or concerns, all that is necessary executed by pressing one button and you become a superhero. Thus, the teenager immediately "solve" 2 of their problems: running away from their new problems and increases their self-esteem, feeling like a superhero in a computer game.

A team from the Hammersmith Hospital in London has developed a typical video game in which a tank commander shoot enemies and dodge enemy fire. The experiment showed that during these games in the brain of the player is going an dopamine - the neurotransmitter awards granted which provoke and drugs, that develop an addictive habit. People addicted to computer games have all this signs of addiction: strong desire to play, when the game is terminated; neglect of other activities; euphoria during the game; and a tendency to deny that they are in addiction.

But in modern computer games becomes 'normal' that the characters can freely exercise hardness for others: murder, violence and bullying. All this causes the adolescent storm divergent emotions and feeling that you can do anything, and no one will not be punished for it. This gives impetus to the children to repetition this behavior in real life, the expression of irritation, aggression and disrespect for the family and people around: classmates, teachers, parents, etc.

All this makes the modern man, and especially the younger generation addicted to all this from a physical and psychological point of view, and also bring up to the intellectual degradation.

But the man was not created to watch TV, play computer games, eat and infinitely more slowly kill themselves by eating useless ("flavorings" various food additives, flavor enhancers, colors, etc.), and sometimes even harmful (alcohol, tobacco, etc.).

For example, René Descartes, one of the major thinkers of modern times, believed that God created the human mind to that served as a "natural light" that can illuminate all corners of the universe and discover all its laws.

And what modern science says about human capabilities?

"The brain of any man has about a trillion (1 000 000 000 000) cells. Each brain cell (neuron) contains a microprocessor and multicomponent electrochemical transmission system, which, despite its complexity, is able to fit on the tip of the needle [3].

### **Used literature**

1. I.A. Karimov .: Our path - the deepening of democratic reforms and consistent continuation of the country's modernization
2. Doydzh Norman - Brain Plasticity (Brainstorm) - M: Product 2010
3. Shlimovich B. Computer and children // Science 1998. - №11- C.12.

## **OILA MUSTAHKAMLIGI YO'LIDA MILLIY, DINIY VA HUQUQIY QADRIYAYATLAR UYG'UNLIGINING TA'MINLANISHI**

Mamirov A. N.- TDTU. katta o'qituvchisi

Oila - muqaddas maskan. U millat parvozi uchun qanot, jamiyat mustahkamligi asosidir. "Oila turmush va vijdon qonunlari asosiga quriladi, o'zining ko'p asrlik mustahkam va ma'naviy tayanchlariga ega bo'ladi, oilada demokratik negizlarga asos solinadi, odamlarning talab-ehtiyohlari va qadriyatlarini shakllanadi"<sup>65</sup>. Chinakam ahil oilagina o'z nasl-nasabini davom

---

<sup>65</sup> I.A.Karimov. O'zbekiston: Milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura.-T.:O'zbekiston,1993.B.47.

ettirish, solih va soliha farzandlarni tarbiyalash, o'z a'zolarini tirikchiligini, bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishdek vazifasini to'laqonli ado eta oladi. Shu haqiqatdan kelib chiqib avvalo oila mustahkamligini ta'minlash asosiy vazifa, deya ayta olamiz. Bu jarayonda milliy, diniy va huquqiy qadriyatlar uyg'unligini ta'minlashning ahamiyati beqiyosdir. Shuning uchun ham mustaqilligimizning dastlabki yillaridanoq, avvalo milliy urf-odatlarimizni qayta tiklash, diniy qadriyatlarimizga yo'l ochish, vijdon erkinligini ta'minlash va huquqiy asoslarini yaratish hamda xalqimizga hos jamiyki ezgu fazilatlarini o'zida mujassamlashtirgan milliy huquq tizimini yaratish masalasiga katta e'tibor qaratildi.

Xalqimiz oilani eng tabarruk maskan sifatida ulug'lab keladi. Qolaversa bir oilaning mustahkamligi yo'lida atrofdagi barcha jamiyat a'zolari mas'uliyatni his qiladi. Masalan, oilalar totuvligi va uning a'zolarining farovon hayot kechirishi yo'lida mahalla-ko'y, qo'ni-qo'shni va qarindosh-urug'lar ham o'ziga hos o'ringa ega bo'lib, bu holat xalqimizga hos azaliy fazilatlaridan biridir. Ushbu jarayon qonunchilik nuqtai nazaridan oilalarning jamiyat va davlat muhofazasida bo'lishi, deb e'tirof etiladi. Masalan, 1992-yil 8-dekabrda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 63-moddasida "Oila jamiyatning asosiy bo'g'inidir hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo'lish huquqiga ega..."<sup>66</sup> deb e'tirof etilgan.

Diniy va milliy qadriyatlarimizning qonunchiligimiz bilan uyg'unligini quyidagi yana bir misol bilan izohlash mumkin. Ma'lumki Islom dini an'alariga ko'ra farzandlar uchun ota-onaning hurmat izzatini joyiga qo'yish, muhtoj bo'lganda taomlantirish, o'ziga ra'vo ko'rgan narsalarni ularga ham ra'vo ko'rib, o'ziga ra'vo ko'rmaganlaridan ularni ham asramoqlik, duo qilganda ota-onani ham qo'shib duo qilmoq va har kuni bu ulug' zotlarni ziyorat qilish ham farz ham qarz sanaladi. Bu holat milliyligimizga ham hosdir. Masalan « "Otaga hurmat – Allohga hurmat", "Otaga loyiq bo'lmoq – Allohga loyiq bo'lmoq". Bu prinsiplar o'zbek oilasida hozir ham barhayotdir»<sup>67</sup> Mustaqil O'zbekiston Konstitutsiyasi loyihasi tayyorlashga mas'ul hukumat komissiyasi xalqimizga hos bu azaliy ezgu hislatlarni bosh qomusimizga kiritish taklifini berdi va bu xalqimiz tomonidan qo'llab quvvatlandi. Bugungi kunda dunyo hamjamiyati tomonidan alohida e'tirif etilayotgan Konstitutsiyamizning 66-moddasida "Voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amxo'rlik qilishga majburdirlar" deb qat'y belgilab qo'yilgan.

Barchaga a'yon haqiqatki, oila qurishning asosiy shartlaridan biri bu nikohdir. Nikohda tomonlarning ixtiyoriyligiga asoslanadi. Xalqimiz yangi oila bunyod etishni qiz va yigitning roziligi bilan amalga oshirishni avzal biladi va bunday yo'l tutishni Payg'ambarimiz Muhammad s.a.v dan me'ros sunnat sifatida muqaddas bilib keladi. (Bu o'rinda, Payg'ambarimiz Muhammad s.a.v uylariga sovchi kelganida qizlari bibi Fotimadan rozilik so'rganliklari va bibi Fotima faqatgina Hazrati Alining sovchilariga rozilik berganliklari haqidagi rivoyat nazarda tutilmoqda.) Oila qurishda ixtiyoriylikni ta'minlash ortida, ayni vaqtda jamiyat oldida, tug'ilajak farzandlar oldida muayyan burch, majburiyat va mas'uliyat turganligini his qilishlari turganligini unutmaslik lozim. Bir yoki ikki tomonning majburligi evaziga qurilajak nikoh kelgusida oilaning mustahkamligiga zid holatdir. Shuning uchun ham nikohda ixtiyoriylik odati milliy va diniy qadriyatlarimizning demokratik hususiyatlaridan dalolatdir. Xalqimizning bunday milliy va islomiy an'anasi xuquqiy davlatimiz qonunchiligida mustahkam asosga egadir. Bu haqda Konstitutsiyamiz va O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksida belgilab qo'yilgan. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 63-modda 2-qismida "...Nikoh tomonlarning ixtiyoriy roziligi va teng huquqliligiga asoslanadi" deya qat'iy belgilangan.

Yuqoridagi misollar orqali Respublikamizda oila mustahkamligi yo'lida milliy, diniy va huquqiy qadriyatlar uyg'unligining ta'minlanishiga doir ayrim misollarni ko'rib chiqdik. Bu kabi jixatni biz ko'plab misollarda uchratishimiz mumkin.

Mamalakatimizda oilalarning mustahkamligini har jixatdan ta'minlash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Hususan, oila mustahkamligida diniy, milliy qadriyatlarining milliy qonunchiligimizda aks etishi va o'zaro uyg'unlikka egaligi xalqimiz hamda butun dunyo

<sup>66</sup> O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.-T.:2005.B.13

<sup>67</sup> L.Levitin, D. C Korlayl. Islom Karimov yangi O'zbekiston Prezidenti.-T.:O'zbekiston,1996.B.:44.

hamjamiyati tomonidan yuksak e'tirofga sazovordir. Mustaqilligimizga erishilgach qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi XIV bobining bevosita "Oila" deb nomlanishi va oila mustahkamligini ko'zda tutuvchi (63-64-65-66) moddalarning kiritilishini dunyo xuquq tizimida yangilik deb aytish mumkin. Qolaversa, Konstitutsiyamiz negizida 1998-yilda "Oila" kodeksining qabul qilinishi va unda ilk bor nikoh shartnomasi instituti, nikohlanuvchilarning tibbiy ko'rikdan o'tkazilishi kabi muhim msalalar aks etdi. Oila munosabatlarini tartibga soluvchi qonun hijjatlari doimiy ravishda takomillashtirilib borilmoqda.

Hukumatimiz tomonidan turli yillarga "Ayollar yili", "Sog'lom avlod yili", "Ona va bola yili", "Qariyalarni qadrlash", "Obod mahalla yili", "Mehr-muruvvat yili", "Sihat-salomatlik yili" 2012-yilga esa "Mustahkam oila yili" deya nom berildi hamda bu asosida Davlat Dasturlari ishlab chiqildi va amalga oshirildi. Maqsadga muvofiq ravishda Prezident Farmonlari e'lon qilinib ijrosi amalga oshirilib kelinmoqda. Muhtaram Birinchi Prezidentimizning 2007-yil 18-martdagi "Yosh oilalarni moddiy va ma'naviy qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida"gi Farmoni ham shular jumlasidandir. Oilalar mustahkamligiga ko'maklashish yo'lida diniy idoralar, o'zini o'zi boshqarishning milliy modeli hisoblangan mahallalarda diniy, ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha maslahatchilar, "Oila" ilmiy-amaliy markazi, "Alla" markazi, Yoshlar ittifoqi, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat targ'iboti markazi, "Mahalla" jamg'armasi va boshqa nodavlat-notijorat tashkilotlar o'zaro hamkorlikda ish olib bormoqdalar.

O'zbekiston tarixiga va uning xozirgi hayotiga doir bir qator mashxur tadqiqotlarning muallifi, amerikalik tarixiy va siyosiy fanlar doktori Donald S Korlayl ta'biri bilan aytganda "Islom asrlar davomida O'zbekiston xalqi uchun ham din, ham axloq, ham vijdon, ham ma'rifat bo'lib keldi". Shuning uchun ham milliy qadriyatlarimiz va qarashlarimiz muqaddas dinimiz bilan chambarchas bog'langandir. Shu haqiqatdan kelib chiqib oila mustahkamligi yo'lida olib borilayotgan davlatimiz siyosati xalqimizning milliy va diniy qarashlariga monand yo'lga qo'yilganligi barchani shukronalik va ijobiy intilishlarga chorlashi shubhasiz. Oila mustahkamligida milliy, diniy va huquqiy qadriyatlarimizning uyg'unligini ta'minlash jarayonida Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganlaridek, "...muqaddas islom dinimizni pok saqlash, uni turli xil g'arazli xuruj va hamlalardan, tuhmat va bo'xtonlardan himoya qilish, uning asl mohiyatini unib-o'sib kelayotgan yosh avlodimizga to'g'ri tushuntirish, islom madaniyatining ezgu g'oyalarini keng targ'ib etish vazifasi hamon dolzarb bo'lib qolmoqda"<sup>68</sup>

Bu ishlarning zamirida oila deb atalmish muqaddas dargohning mustahkamligini ta'minlash orqali unda voyaga yetayotgan yosh avlodning barkamolligi, ularni Vatanga sadoqatli, jamiyat oldida javobgarlikni his qiluvchi va rivojiga o'z hissasini qo'shuvchi shaxs bo'lib yetishishiga erishilmoqda. Kelgusida ham davom ettirilajak ezgu sa'y-harakatlar o'z samarasini berishi shubhasizdir.

---

<sup>68</sup> I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch.-T.:Ma'naviyat,2008.B.37.